

12.01 2
17.60

ЭРГАШ ЙЎЛДОШЕВ

КУТУБХОНА
ВА
ЁШ КИТОБХОН



“ЎЗБЕКИСТОН”

8.9.2003
сўвек 25 док
сўрхч
5.560с

ЭРГАШ ЙЎЛДОШЕВ

КУТУБХОНА ВА ЁШ КИТОБХОН

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги Маданият институти
кутубхона ва ахборот фаолиятини бошқарув
факультети талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этган*



Ушбу қўлланма кутубхонада ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоларига бағишланган бўлиб, китоб ўқиш орқали ёшлар онгига миллий ғоя ва мафкура, анъана ва қадриятларимизни сингдириш, улар дунёқарашини шакллантириш, уларда мустақил фикрлашни тарбиялаш, уларнинг шахс сифатида камолотга эришиш йўллари ўзига хос усул ва воситалар орқали ёритилган.

Қўлланмада кутубхона — китоб — ёш китобхон муносабатлари, билим ва тарбия берувчи китобни ўқиш сирлари, маданияти, ўқишга раҳбарлик қилиш масалалари ҳақида фикр юритилган. Ундан маданият институти талабалари, магистрлари, аспирантлари ва кутубхоначилар фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар: М. М. РАСУЛОВ — Кутубхонашунослик кафедраси мудир, доцент.

М. М. ИСХОҚОВ — Ўзбекистон Республикаси болалар кутубхонаси директори ўринбосари.

Мухаррир — С. МИРЗААҲМЕДОВА

Ў 4405000000 -106 2003
351(04)200 3

ISBN 5-640-03185-9

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2003 й.

СЎЗ БОШИ

Мустақилликка эришган мамлакатимизда ёшлар таълими ва тарбиясига ниҳоятда катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинди. Шу асосда тузилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳар томонлама камол топган жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди¹, деб таъкидланади.

Ушбу муҳим ҳужжатлар мамлакатимизда кадрлар тайёрловчи мукамал тизимни шакллантириш, истиқболдаги вазифаларни илгари сурувчи ва уларни ҳал этишга қодир ёшларнинг янги авлодини шакллантиришга қаратилган.

Юқоридаги ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни бажаришда кутубхоналарнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Айниқса ўқув юртлари кутубхоналари ўз ишини «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ташкил этиши ва у ерда қўйилган талабларга жавоб бериши керак.

Республикамиз аҳолисининг ярмини ёшлар ташкил этиши, тарихимиз, миллий анъаналаримиз, қадриятларимизнинг тикланиши, ёшларда ўзлигини билишга бўлган ҳиссиётнинг кучайиши, хилма-хил ахборотларга бўлган эҳтиёжнинг кучлилиги, жамиятнинг, даврнинг тезкор ривожланишига муносиб, ҳозиржавоб бўлишда кутубхона ва ундаги ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Чунки дунёда бўлаётган барча воқеа ва ходисалар, янгиликлар, кашфиётлар, янги технологиялар аввало китоб-

¹ Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, Т. «Ўзбекистон» 1997, 34-бет.

ларда, вақтли нашрларда ўз аксини топади, характери, руҳий олами, дунёқараши энди шаклланиб келаётган бола ушбу ахборотларни ўқийди, таҳлил қилади, ўзига сингдириб олади ва шу асосда билим олади, тарбияланиб бо-ради.

Юқорида таъкидланганидек кутубхонада ўқувчига керакли ахборотларни етказиб берувчи нашрлар жамланади, сақланади, китобхонларга етказиб берилади ва тарғиб қилинади. Демак, кутубхона ишининг тўғри ташкил этилиши мактабда дарсларнинг сифатли ва самарали ўтилишига, ўзлаштирилишига мураббий ва ўқувчиларни мустақил билим олишига, ўқишига катта таъсир кўрсатади.

Кутубхонада китобхонларнинг талаб ва эҳтиёжига, қизиқишига мосланган китоб фонди жамланиб, керакли ва зарур манба ҳамда ахборотларни тез, осон етказиб бериш йўллари, усул ва воситалари ишлаб чиқилган.

Мазкур қўлланмада ёшларга китоб орқали билим ва тарбия берувчи бўлажак кутубхоначиларга қўйиладиган талаблар, уларни амалиётга тайёрлаш масалаларига эътибор берилган. Шунинг учун ҳам кутубхонада ёшлар билан ишлаш усуллари, воситалари, йўналишлари кенгрок ёритилади. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши китобхоннинг ўзига хос хусусияти, руҳияти, қизиқиши, қобилияти ва имконияти билан чамбарчас боғлиқ.

Ёшлар билан ишлайдиган кутубхоначи жуда кўп соҳаларни, айниқса кутубхоначилик, педагогика, психология, информатикани яхши билиши, уларни болалар адабиёти билан боғлаб олиб бориши кераклиги таъкидланади.

Қўлланманинг мақсади малакали кутубхоначи кадрлар тайёрлашга ёрдамлашиш, амалиётда ишлаётган кутубхоначиларга соҳани назарий ва амалий жиҳатларини ёритиб беришдан иборат.

ЁШ КИТОБХОННИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛЛАРИ

ЎҚИШГА РАЎБАРЛИК ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Болаларни тарбиялаш давлат аҳамиятига эга бўлган жараёндир, чунки унда жамиятнинг барча аъзолари иштирок этадилар. Шунинг учун ҳам республикамизда ушбу жараёнга катта аҳамият берилмоқда. Зеро ёшлар бизнинг келажагимиз, биз уларга қанчалик кўп билим ва тарбия берсак, келажагимиз шунчалик фаровон, мамлакатимиз тинч ва осойишта бўлади. Болалар характерида шаклланаётган илк тушунча ва ҳиссиётларни ўз вақтида илғаб олиб, уларнинг кейинги амалий фаолиятига ёрдам бериш ҳар бир тарбиячи ва тарбия муассасаларининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Мамлакатимизда бола тарбияси билан қуйидаги ижтимоий институтлар: оила, давлат тизимидаги таълим ва тарбия берувчи мактабгача бўлган муассасалар, мактаб, мактабдан ташқари маданий-маърифий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио телевидение, кино), уларни ўраб турган ташқи муҳит, ўртоқлари шуғулланади. Айниқса болаларга аталган вақтли матбуот, болалар ва ўсмирлар китоби уларга таълим ва тарбия беришда жуда катта ўринни эгаллайди, бусиз ҳақиқий инсонни тарбиялаш мумкин эмас.

Болаларга билим ва тарбия берувчи асосий манбалардан бири китобдир. Китоб ўқиш мактабдаги ўқитиш жараёни билан узвий боғлиқ, чунки болалар мунтазам ўқиш санъати билан мактабда танишадилар. Лекин мактабдаги фанларнинг ўрганилиши, дарсларнинг ўзлаштирилиши синфдан ташқари ўқишга боғлиқ. Синфдан ташқари

ўқишни кутубхоналар ўз зиммасига олган бўлиб, улар-сиз таълим ва тарбия жараёни тўлиқ бўлмади.

Кутубхона ва мактабнинг мақсади ўқувчи шахсини ҳар томонлама камолотга етказиш, ўқишга раҳбарлик қилишни ташкил этишдан иборат. Ўқишга раҳбарлик қилиш болалар адабиёти ва болаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиб, уларни мустақил, ўзларига керакли ва фойда берадиган китобларни ўқишга, ундан билим ва тарбия олишга ўргатишдан иборатдир.

Ўқишга раҳбарлик қилиш тарбиявий жараён, шунинг учун ҳам кутубхонанинг барча фаолияти ушбу мақсадга қаратилгандир. Мактаб билан кутубхонанинг умумий мақсади болаларни баркамол инсон қилиб тарбиялашдан иборат. Кутубхона ўзининг барча воситалари орқали ёш китобхонларнинг характерига ва ўқиш орқали уларнинг тарбияланишига катта таъсир кўрсатади, яъни китоб ва уни ўқишга қизиқиш уйғотади, китобхонлар талабини шакллантиради, қизиқишини тарбиялайди, китобга меҳр уйғотади.

Кутубхона мустақил равишда китоб танлаш ва китобдан ўзига керакли билимни олиш йўлларини, ўқилган нарсалари устида фикр юритиш ва унга танқидий қарашни, шу билан бирга китобларни тартибли равишда ўқишни ўргатади.

Кутубхоначи кутубхонадаги энг яхши китобларни тавсия этиш билан китобхонларни ҳар томонлама ўсишига ва кейинчалик уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиб олишларига ёрдам беради. Китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш жараёни бир-бири билан узвий боғланган ўзига хос тизимдан, яъни китоб—китобхон—кутубхонадан иборат. Буларнинг ҳар бири ўзига хос бир звено бўлиб, ўқишга раҳбарлик қилишда ўзаро мустаҳкам алоқада бўлади.

Уларнинг асосийси китоб ва китобхон ҳисобланади. Болалар китоби бошқа китоблардан ўзига хослиги билан, яъни болалар учун аталганлиги билан фарқ қилади. Бу китобнинг ўқувчилари ўзига хос бўлиб, ҳали шаклланмаган, ўсиб келаётган, доимо ўзгариб турадиган шахслардан иборат. Учинчи звено эса мана шу икки звенони

бир-бири билан боғлаб, мослаштириб, ўзининг иш шакли ва усуллари билан уларнинг ўқишига раҳбарлик қилишни ташкил қилади. Фалсафа, адабиёт, педагогика ва рухшунослик, ривожланиб бораётган таълим ва тарбия назарияси бу предметнинг асосий методологик ва илмий асоси бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу предмет фалсафа, социология, педагогика, психология, адабиётшунослик, китобшунослик, санъатшунослик ва бошқа соҳалар билан чамбарчас боғлиқ.

Кутубхонашуносликни социология билан боғлиқлиги шундаки, «Китоб ва китобхон» «Китобхон ва кутубхона» каби бошқа изланишлар, тадқиқотлар олиб борилганда китобхонларнинг демографик ўсиши, уларнинг оилавий аҳоли, ота-оналарнинг билим савияси каби саволлар билан социологияга мурожаат қилинади. Социологлар аҳоли бирон бир гуруҳининг ўқишини, маданий ривожланишини алоҳида аспектда олиб текширадилар. Улар томонидан олинган фактлар, маълумотлардан кутубхоначиликда фойдаланилади.

Кутубхоначилар психологиянинг назарий ва амалий маълумотларига таяниб ва болаларнинг ёш хусусиятларига қараб уларга хизмат кўрсатишни, ўқишига раҳбарлик қилишни ташкил этадилар.

Кутубхонашуносликнинг педагогика билан боғлиқлиги шундаки, кутубхоначилар ўз ишларида педагогика принциплари ва усулларига таяниб иш кўрадилар.

Ҳозирги даврда кутубхоначилик ишига информатика ўзининг қидирув, ахборот системалари билан кириб келиб, тавсия-библиографик ва ахборот ишларида катта ўзгаришлар ясади. Ҳозирги кутубхонани техник воситаларсиз, айниқса аудиовизуал материаллар, компьютерсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Кутубхоначи болаларга китоб тавсия этар экан, бу китобнинг бадий қиймати, унинг мазмуни, гоёси, таъсир кучини албатта билиши лозим. Бунинг учун у адабиёт, санъат, китобшунослик каби фанларнинг асосини ўзлаштирган бўлиши керак.

Кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш педагогика ва кутубхонашуносликнинг асосий тамойилларига таянади. Уларни учта асосий гуруҳга бўлиш мумкин.

I. Методологик асосни ташкил қилувчи тамойиллар: Ўқувчилар ўртасида ҳозирги замон билимларини оммалаштириш, китоб тавсиясини илмий асосда олиб бориш ва умуман ўқишга раҳбарлик қилишда илғор анъаналардан фойдаланиш.

II. Ушбу гуруҳ тамойиллари болаларнинг психофизиологик хусусиятларига таянади, яъни китобхонлар ёшига, руҳиятига, ўзига хос хусусиятларига, имконияти, қобилияти, қизиқишига таянади.

III. Бу педагогиканинг анъанавий тамойилларидан бўлиб, болалар ўқишига раҳбарлик қилишнинг ҳамма усул ва воситалари кўرғазмали, қизиқарли ва тушунарли бўлиши билан бирга болаларнинг ўқишида ва кутубхонадан фойдаланишида уларнинг ташаббусига, мустақиллигига ва билимига таянади. Бундан ташқари ёшларни тарбиялаш жараёнида ўзбек халқ педагогикасининг анъаналари, усуллари, воситаларига, насихат ва маслаҳатларига катта эътибор бериш тарбия кучини, сифатини, нуфузини оширади ва асосий манбалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбек халқининг ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўллаган усул ва воситалари, тадбир шакллари, ўзига хос урф-одати ва анъаналари, тарбия ҳақидаги ғоялари ва ҳаётий тажрибаси халқ педагогикасида мужассамлашгандир. Шу жиҳатдан халқ педагогикаси — халқ ва донишмандларнинг ёшларни давр талабларига мувофиқ кишилар қилиб етиштиришда, таълим-тарбия ишларини амалга оширишда қўллаган усул, восита ва тажрибалари йиғиндисидан иборатдир. Чунки ҳали мактаб бўлмаган, педагогика фан сифатида шаклланмаган даврдаёқ қабила аъзоларининг болаларда меҳнатсеварлик, жанговарлик, ахлоқ-одоб, нафосат, дўстлик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик хислатларини шакллантириш ва ўстириш соҳасидаги ақл-идроки ва усуллари ўша даврдаги ҳаётий тажрибанинг меваси сифатида бизнинг даврга

қадар етиб келди ва халқ педагогикаси шаклида таркиб топди.

Халқ педагогикасига хос хусусиятлар инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, ўзаро ҳамдардлик, очик кўнгиллилик, саховатлилик, поклик, тўғри сўзлик, ҳақиқатгўйлик, яхши кўшничилик, тинчликсеварлик, ватанпарварлик, байналмилаллик каби фазилатлардан иборат бўлиб, бу фазилатлар тарихий, ижтимоий шароитлар билан белгиланади ва умумбашарий хусусият касб этади. Шу маънода халқ педагогикаси маълум даврда яшаган халқ, элат, гуруҳ маданиятининг таркибий қисмидир. Унинг умумбашарийлик хусусияти шундан иборатки, у демократик йўналишда ривожланади, халқнинг эзгу орзу-ниятлари ва ғояларини ифодалайди.

Халқ педагогикасидаги илғор ғоялар — ёш авлодни ақлий ва жисмоний жиҳатдан етук, маърифатли, билим ва хунарларни эгаллаган, одоб-ахлоқ қоидаларини ўзида мужассамлаштирган, гўзал дидли ва завқли қилиб етиштиришдир.

Халқ педагогикаси урф-одат, анъана ва қадриятлари бир авлоддан келгуси авлодга оғзаки тарзда ўтади, сўнгра оғзаки ижод ва ёзма адабиётлар воситасида оммалашади. Шу сабабли ҳам, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт асрлар давомида ўзбек педагогикасининг ягона тарбия воситаси бўлиб келмоқда.

Масалан, ўзбек халқининг оғзаки ижоди хилма-хил мавзу ва жанрлардаги асарларга — мақол, топишмоқ, эртақ, латифа, кўшиқ, лапар, аския ва дostonларга бўй. Булар ўзбек халқ педагогикасининг асосини ташкил этади. Чунки улар ўз мухтасарлиги, қизиқарлилиги, равонлиги, оҳангдорлиги, пандномалиги (дидактиклиги), ғоявийлиги билан ғоятда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Асрлар давомида яратилиб келинган халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳар бир жамиятда яшаган халқ руҳи: дўстлик, биродарлик, мардлик, ватан ва халққа содиқлик ғоялари ифодаланган, улуғланган; ота-онанинг ўзаро ахиллиги, улар билан фарзандларнинг ўзаро меҳр-муҳаббати, кадр-қиммати, энг яхши инсоний фазилатлар тараннум қилинган.

Маълумки, ҳар бир халқ педагогикаси бошқа халқлар педагогикаси билан боғлиқ ҳолда яратилган. Шу сабабли ҳам уларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётлари, тарихий тақдирлари ифодаланган урф-одатларида, анъаналарида ўхшашлик мавжуд. Бу ўхшашлик уларнинг меҳнат ва нафосат тарбиясида, ақлий ва ахлоқий тарбия усулларида ёрқин кўринади.

Ўрта Осиё халқлари тарихий-этнографик жиҳатдан яқин алоқада бўлганлар. Этнографик педагогика илмий педагогиканинг узвий қисми сифатида бир халқнинг маънавий маданияти, урф-одатлари, анъаналарига хос хусусиятларнинг мажмуидир. У ўз вазифасига кўра, ҳар бир халқнинг бола тарбияси ҳақидаги фикри ва тажрибаларини ўрганadi.

Илк ибтидоий жамиятда урф-одатлар кишиларнинг меҳнати заминида вужудга келган ва жамият ривожига, кишилар онгининг ўсишига катта таъсир кўрсатган. Кишилар ўз меҳнатлари, хатти-ҳаракатларини урф-одат ва анъаналар орқали давом эттирганлар. Бу ҳолат уларнинг меҳнат малакаларининг ўсишига жиддий таъсир этган, уларда кучли ҳис-ҳаяжон уйғотган. Ҳар бир киши урф-одатлар орқали жамоа билан узвий боғланган, жамоанинг ижтимоий вазифаларини, ахлоқий қонун-қоидаларини, орзуларини ўрганган, англаган. Шу боис урф-одат ва анъана ҳар бир инсон ҳиссиётига, хатти-ҳаракатига кучли таъсир қилувчи ҳодиса бўлган.

Урф-одат ва анъана инсонда хилма-хил кечинмалар ва кайфиятлар уйғотар экан, одамнинг ўзини ўзи ва ижтимоий бурчини англашига, шахс сифатида шаклланишига ҳам ижобий таъсир қилади, уларнинг ҳаёт кечириш, тинчлик учун курашиш йўл-йўриқларини билиб олишларига ёрдам беради. Масалан, оилавий муносабатлар ва ахлоқ қоидаларига оид урф-одатларда хотин-қизлар билан муносабатда бўлиш тартиблари, улар билан саломлашиш қоидалари, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳмондорчилик қоидалари, дафн маросимларига бориш ва ундан қайтиш тартиблари ўз ифодасини топган.

Урф-одат кишиларнинг ишлаб чиқаришдан ташқарида кўрсатган фаолиятини ўз ичига олади. Шунга кўра, у

ижтимоий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади. Анъана кишиларнинг мустақкам қарор топган урф-одатлари, дидлари, хулқ-атвор ва ижтимоий муносабат қоидалари йиғиндисидир. Маросим эса анъананинг таъсирчан, амалий ва тантанали қисми, анъанавий тус олган ҳаракатлар йиғиндисидир. У жамоа, оила, шахс ҳаётидаги муҳим воқеаларга бағишлаб ўтказилади. Масалан, авлоддан авлодга мерос сифатида ўтиб келаётган, замон талаби асосида сайқалланиб, янгича мазмун касб этиб келаётган маросимлар байрамлар деб аталади: Наврўз байрами, Янги йил байрами, Меҳржон, ҳосил байрамлари шулар жумласидандир.

Ҳар бир халқнинг ёки миллат ва элатнинг яшаш шароити, табиий муҳити, касби-корига кўра вужудга келадиган ва шу миллат доирасида нишонланадиган байрамлар миллий байрамлар ҳисобланади: пахта байрами, лола сайли ва ҳоказо.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тараққиётида миллий хусусияти, яшаш жойига кўра, урф-одатлари ва анъаналари, дунёқараши, руҳияти ва орзулари мужассамлантирилган иқтисодий ва маънавий маданиятини яратди. У яратган маданий бойликлар, ёдгорликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қилди, уларда ифодаланган ғоя ва илғор тажрибалар педагог олимлар, буюк мутафаккирларнинг бола тарбияси ҳақида баён этган фикрлари учун муҳим манба бўлди. Чунончи, Исмоил ал-Бухорий, Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Рудакий, Фирдавсий, Абу Райҳон ал-Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Саъдий Шерозий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа алломалар ўз асарларида ахлоқ, одоб, нафосат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик ғояларини баён этишда халқ педагогикасидан самарали фойдаландилар. Бу улуг мутафаккирларнинг асарларини ўқиган ҳар бир ўқувчи ахлоқ, бахт, инсоф, поклик, ифбат, сабр-матонат, меҳр-шафқат, сиҳат-саломатлик, ота-онага ҳурмат қоидалари ҳақида бой тасаввурга эга бўлади.

Урф-одат, анъана ва маросимларнинг миллийлиги байналмилаллик билан узвий боғлиқдир. Ҳар бир халқнинг маданий анъаналари ўз миллийлигини сақлаган ҳолда бошқа анъаналар билан алоқада бўлади. Ҳар бир халқ ўз тарихи давомида бошқа халқлардан у ёки бу анъаналарни ўзлаштиради. Масалан, ўзбек халқи билан тожик, туркман, козоқ халқларининг ўйини, қўшиғи, мусиқаси, либоси, тўй маросимлари, меҳмон кутиши ва кузатиши каби урф-одатларида ўхшашлик борки, бу ўзаро яқинлик, тотувлик ва ҳамкорлик натижасидир. Аммо бундан қатъи назар, ўзбек халқининг миллий педагогик маданиятида ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос турмуш тарзи, қадриятлари мавжуд, албатта. Уларни ўрганиш орқали ўқувчилар миллий-маданий фазилатлар—тавозе, садоқат, марҳамат, шафқат, ҳаё, мурувват, вафо кўркем хулқли одамларда мужассамланишини, хирс, бахиллик, такаббурлик, адоват, ифво, ҳасад, мунофиқлик, хиёнат, чақимчилик каби ярамас хислатлар эса ёвуз хулқли кишиларда бўлишини билиб оладилар.

Ўқишга раҳбарлик қилишда, адабиётлар билан ишлашда халқ педагогикаси анъаналари ва тамойилларига суяниб фаолият олиб бориш керакли самараларни беради.

Мактабда берилаётган билимлар асосининг чуқурлашуви ва ривожланиши кутубхоналардан ҳам шунга мослашишни талаб қилади. Кутубхонада китобни шунчаки ўқиш ва ўқилгани сўзлаб беришгагина эмас, ўқилган материални фикрлаш, чуқур ҳис этиш, уни ўрганиш ва баҳолай олишга ҳам ўргатиш зарур. Шундагина ўқилган материал китобхоннинг эсида қолади, уни тарбиялайди, китобни севишга ўргатади, шаклланишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам китобхонларнинг билимини оширишда улар ўқийдиган китобларни тушунарли ва кўргазмали бўлишига ҳаракат қилинади. Бунинг учун кутубхоналарда техник воситалардан, айниқса аудиовизуал материаллардан, радио ва телевидениедан, компьютердан фойдаланилади. Кутубхонада болаларга уларнинг ёш хусусиятларига қараб, китоб ўқиш сирлари аста-секинлик билан ўргатилади ва унинг янги жиҳатлари билан таништириб борилади. Шундай қилиб болалар кутубхонаси юқоридаги тамойилларга таяниб, китобхонларни маънавий, эсте-

гик, бадий томондан тарбиялаб қолмасдан, уларнинг дунёкарашини шакллантиради, меҳнатга, билимга бўлган иштишлиларини ривожлантиради. Мана шу масъулиятли назифани бажаришда кутубхоначига мактаб ва лицейда ўтилаётган фанларнинг ўқув дастурларини яхши билиш ва улардаги ўзгаришларни доимо ўрганиб бориш қўл келади. Чунки кутубхоначининг асосий иш жараёни шу ўқувчиларни тарбиялаш билан боғлиқ.

Кутубхоначи ўқувчиларни тарбиялашда асосий манба бўлган матбуот ва китобдан кенг фойдаланади. Китоб, кичкинтойлар фикрича, ҳамма нарса бор, ҳамма нарсага жавоб берувчи восита сифатида тан олинади. Лекин шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, китоб қанчалик қизиқарли, ҳиссиётларга бой бўлмасин, агар китобхон қалбига етиб бормаса, ҳаяжон солмаса, бундай китобларнинг тарбиявий таъсири кам бўлади.

Болаларга аталган китобларнинг мақсади уларга табиат ато этган ҳис-туйғуларни ўстиришдан иборат. Бундай китобларнинг билвосита ва бевосита таъсири болаларнинг ақлига эмас, балки уларнинг ҳис-туйғуларига қаратилмоғи керак. Ҳис билимдан олдин бўлади, ҳақиқатни сезмаган киши уни тушунмайди билмайди ҳам...

Катталарга оид бўлган нарсалар болаларга ҳам оиддир, фақат уларни болалар тушунчасига мувофиқ суратда баён қилмоқ керак, бу ишнинг энг муҳим томонларидан биридир, деган эди В. Г. Белинский. Тарбиявий тизимда ўқишга раҳбарлик қилишда хилма-хил йўналишларда иш олиб борилад экан, кутубхоначи китобхонни тарбиялашда доимо юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб ўқишнинг тарбиявий таъсирини оширишга ҳаракат қилади.

Тарбиявий тизимнинг муҳим йўналишларидан бири меҳнат тарбиясидир. Халқимиз «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик», деб бежиз айтмаган. Ўқувчилар онгига меҳнат қилмасдан туриб бирон-бир натижага эришиб бўлмаслигини сингдириш керак. Меҳнатнинг хиллари кўп, ҳар бир соҳа, ўзига хос меҳнат шаклини талаб қилади. Меҳнатни улуғловчи китоблар ҳам хилма-хил. Айниқса кичик ёшдаги ўқувчиларга аталган китоб-

лар орасида эртақлар, ҳикоялар, шеърлар, мақоллар, топишмоқлар, ҳикматли иборалар мавжудки, улар орқали болаларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш мумкин. Масалан: ўзбек халқининг ҳамма эртақларида қахрамонлар ўз меҳнати, ботирлиги, билимдонлиги орқали ютуққа эришади. Масалан: «Уч оғайни ботирлар», «Муқбил тошотар», «Зумрад ва Қиммат», «Ақл ва бойлик». Кутубхоначи кичкинтойларга эртақларни ўқиш учун тавсия этар экан, унинг маъносини тўлиқ англаб олишлари учун баъзилари ҳақида гапириб беради. Масалан, «Ақл ва бойлик» эртагида чолнинг тўрт ўғли бўлиб бир куни чол уларни йиғибди. «Энди мен қариб қолдим, сизлардан биронтангиз оила бошлиғи бўлишингиз лозим. Ким ақлли ва давлатманд бўлса, у менга меросхўр бўлади» дебди. Чолнинг учта катта ўғли ўзларининг бойликларини айтиб мактанишибди. Кенжа ўғил эса менда бойлик йўқ, лекин меҳнаткаш қўлим бор, ботир юрагим, ақлли бошим бор дебди. Чол кенжа ўғлини меросхўр қилиб қолдириб, оила бошлиғи этиб тайинлабди. Демак, меҳнат қилиб ҳамма нарсага эришиш мумкинлигини доно чол билар экан.

Шунингдек, жуда кўп эртақ, шеър ва ҳикояларда меҳнатнинг тағи роҳат деган ҳикмат акс эттирилган. «Бувимни деганлари» шеърида қурт боқиб, пилла етиштириш улуғланса, Ў. Рашиднинг «Иш билмас ва иш қилмас бола ҳақида эртақ» шеърида дангаса, ишқмас боланинг саргузашти тилга олинади. Х. Салоҳнинг «Кўлимни кир қилмайман» ҳикоясида битта кўйлакни фабрикада бир неча киши меҳнат қилиб тикиши ва уни авайлаб кийиш кераклиги таъкидланса, С. Очилнинг «Темирчи бобо ва бойўғли» шеърида темирчи ва унга шогирд тушган боланинг темирдан ниҳоятда кўп нарса ясай олиши, устоз ва шогирдликни тарбиявий томонлари тасвирланади. Юқорида санаб ўтилган ишларнинг кутубхонада олиб борилиши кичик ёшдаги ўқувчиларни мактабда ўтилаётган дарсларни яхши ўзлаштиришларида катта ёрдам беради.

Болалар меҳнат фаолиятининг тарбиявий аҳамияти аксарият унинг тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Маълумки, ҳамма меҳнат ҳам болаларни тарбиялайвермайди.

А. С. Макаренко тўғри таъкидлаганидек, «Меҳнат ва таълим ёнма-ён бормаса, сиёсий ва ижтимоий тарбия билан бирга олиб борилмаса, у тарбия фойда келтирмайди ва муаллақ бир жараён бўлиб қолади». Меҳнат тарбиясининг муваффақияти кўпчилик ота-она, ўқитувчи, кутубхоначи, шоир ва ёзувчиларнинг ҳамкорликда ишлашларига боғлиқ. Болалар кўпинча илк меҳнат кўникмаларини оилада оладилар, лекин баъзи оилаларда меҳнатга, айниқса жисмоний меҳнатга лоқайдлик билан қарайдиган дангаса, иш ёқмас болалар ҳам учрайди, улар шоир ва ёзувчилар томонидан қаттиқ танқид остига олинади. Бола бўлажак меҳнатининг мақсадини яхши билса, тушунса, меҳнатга қизиқиши, интилиши кучли бўлади. Бола бажараётган шу ишнинг аҳамиятини тушунса, бажонидил ишлайди.

Кутубхоначи китоб тавсия қилаётганда меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятини, унинг ўзига, халққа фойдасини тушунтириб беришга интилади. У Қ. Муҳаммадий китобларини ўқишга берар экан, мактабда темир-терсак йиғилиши бошланганини, шунга атаб шоир «Темирлар ўйини» шеърини ёзганини, йиғилган темирлардан машиналар, тракторлар, симлар ишлаб чиқилишини ва ундан сиз ва биз фойдаланишимизни айтиб ўтади. Қ. Муҳаммадийнинг турли касбларда меҳнат қилувчи кишиларни улурловчи ва шу орқали болаларни ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирувчи «Ошпаз Шарофат хола», «Чилангар Мадраим», «Шофер Мамажон» каби шеърларини болалар қизиқиб ўқийдилар. Шоир болаларни меҳнат қилишга ундар экан, дангаса, ялқов, иш ёқмас болаларни танқид қилади ва ҳашаротлар, ҳайвонлар ҳам фойдали меҳнат қилишини, инсонларга ёрдам беришини таъкидлаб, енгил ҳаёт кечириш нималарга олиб келишини чиройли сатрларда баён қилади. Сухбат, ифодали ўқишларда кутубхоначи «Бир ўзбошимча чумчуқ ҳақида» эртакни, «Ўргимчак билан ипак қурти» шеърини ўқиб, маъносини ўқувчиларга тушунтириб беради. Қилинадиган меҳнат боланинг кучига, имкониятига, қизиқишига мос бўлиши керак. Ушбу қондани оилада ҳам, мактабда ҳам, китоб тавсиясида ҳам эътиборга олиш лозим. Халқи-

миз болажон эканлигини ҳисобга олиб болалар меҳнатидан меъёрида фойдаланиш, уларни зўриқтириб, ногирон қилиб қўймаслик муаммоларини ҳам ўйлаб кўриш керак.

Кутубхоначи ота-оналарга, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси раҳбарларига, пахта йиғим-теримини ташкил қилувчиларга, шу ишларга раҳбарлик қилувчи ўқитувчиларга болалар меҳнатини ташкил қилишнинг қонун ва қоидалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёзилган китоблар ва ундаги ҳужжатлар ҳақида ахборотлар беради.

Кутубхоначи меҳнат тарбиясини олиб боришда мактабнинг меҳнат бўйича тузган дастури ва мактабда шу соҳа бўйича олиб бориладиган ишлар режаси билан мукамал танишиб чиқади. Бу, ўз навбатида, кутубхонада қандай тадбирлар ташкил қилиш кераклигини аниқлаб беради. Ўқитувчилар мактаб дастури бўйича ўқувчиларга кичик синфлардан бошлаб меҳнатнинг хилма-хил турлари, касблар ҳақида ахборот бериб борадилар. Юқори-роқ синфда касбга йўналтириш асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки бу ёшда ўқувчилар анча меҳнат кўникмасига эга бўлиб, у ёки бу касб ҳақида маълум тушунча олган бўладилар. Уларнинг қатъий бир қарорга келишларини тезлаштириш ва барқарорлаштириш учун хилма-хил касблар ҳақида кўرғазмалар, плакатлар, учрашувлар, кечалар, оғзаки журналлар ташкил этилади. Кутубхонада ташкил этилган «Дунёда касб кўп, хоҳлаганингни танлаб ол» мавзусидаги кўрғазма С. Гизаряннинг «Сен касб танлаяпсан», А. Климовнинг «Касбни қандай танланади», И. Зоидовнинг «Ишчи касблари справочниги», С. Грачёвнинг «Ўзингни ўрган» каби хилма-хил касблар ҳақидаги китоблар, газета ва журнал мақолалари билан безатилса, яхши натижа бериши мумкин. Сўнгра кутубхонада ҳар хил касбдаги ота-оналар билан учрашувлар ўтказиш ўқувчиларни касб танлашини ҳам осонлаштиради, ҳам тезлаштиради. Чунки учрашувда ота-оналар болаларга ўзларининг касблари тўғрисида сўзлаб берадилар. Учрашувга атаб меҳнат ва касблар тўғрисидаги адабиётлар рўйхатини осиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилар ушбу рўйхатдан фойдаланиб китоб олиб

ўқишлари мумкин. Кутубхоначи китобхонларни қий-
пайдиган жуда кўп саволларга тўғри йўл кўрсатадиган
китобларни жонли тавсия этиш усулини танлаб олиши
мумкин. Шундай тадбирлардан бири «Менинг номим меҳ-
наткаш» оғзаки журналнинг ташкил этилишидир. Жур-
налнинг 1-саҳифаси қурувчиларга аталиб, унда қурувчи-
лик касби, унинг ўзига хос томонлари ҳақидаги китоб-
лар тавсия этилса, 2-саҳифаси дала меҳнаткашлари, яъни
бизнинг ризқ-рўзимизни яратиб бераётган, бизни боқа-
ётган деҳқонларга бағишланиб, улар ҳақидаги қизиқар-
ли китоблар тарғиб қилинади, 3- саҳифа халқимизни ки-
йинтираётган кишилар — тикувчиларга, 4- саҳифа эса
касб-хунар ўқув юртларига аталиб, ким қайси соҳани тан-
ласа, уни юракдан севса, шу соҳа бўйича касб-хунар ўқув
юртларида малака олса, касб ўрганса ҳеч қачон хор
бўлмайди, деган хулоса билан тугалланади. Кутубхона
мактаб, касб-хунар ўқув юртлари билан узвий алоқада
иш олиб борар экан, улардаги хилма-хил тўғарақларнинг
ишлари билан танишади, ўқувчиларни мактабдан ташқа-
ри яна қаерларда фаолият кўрсатиши мумкинлигини аниқ-
лайди. Бунда унга ўқитувчилар, тўғарақ раҳбарлари, ота-
оналар ёрдам беради. Ушбу маълумотларга асосланиб у
ўқувчиларга ўзлари севган касблари бўйича китоб, газе-
та ва журнал мақолаларидан, расмлардан тузилган ало-
ҳида папкалар ташкил қилади ва уларни ўқиш учун тав-
сия этади. Ушбу папкалар доимо янги манбалар билан
тўлдириб борилади ва бу ҳақида тўғарақ раҳбарлари, ўқув-
чиларга мунтазам ахборот берилади. Сўнгра биргаликда
«Мен ким бўлишни хоҳлайман» номли мунозара ташкил
қилинади. Ушбу мунозарада ҳар бир юқори синф ўқувчи-
си ўзи севган касбини ҳимоя қилади, у ҳақда ёзилган
манбаларни, ушбу касбнинг ўзига хослигини ва нима учун
шу касбни танлаганини гапириб беради. Бундан ташқа-
ри шу соҳа бўйича тўғарақда қилган ишларидан намуна-
лар кўрсатади, уни яшашда қайси китоблардан фойдалан-
ганини сўзлаб беради. Тадбирда шундай вазият таш-
кил қилинадик, хали бирор соҳага меҳр қўймаган ёки
бирор касбни танламаган ўқувчилар касб танлаш ҳақида

уйлашга мажбур бўладилар. Ҳар қандай тарбиявий жараён, шу жумладан меҳнат тарбияси ҳам мактаб, оналар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда, ўзаро келишиб олиб борилганда кутилган самарани беради. Меҳнат ва касбга меҳр уйғотишда курук сўзлар билан кифояланиб қолмасдан, унга тўланадиган ҳақ ҳақида, яъни моддий манфаатдорлик ҳақида ҳам очиқ гапириш лозим. Ҳозирги даврда республикамизда олиб борилаётган ишлар, яъни фермерлик, ҳиссадорлик жамоалари, ширкатлар, шахсий хўжаликларнинг ташкил этилиши ва бу соҳага катта аҳамият берилаётганлиги ушбу ишларни самарали олиб бориш учун иқтисодий билим ниҳоятда зарурлигини кўрсатмоқда. Кутубхонада ахлоқ, одоб ва диний тарбия олиб боришга алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки болалар учун ёзилган барча китоблар ахлоқ ва одоб мавзуси билан боғлиқ. Ушбу йўналишдаги тарбия умумий тарбия тизимининг бир бўлаги бўлиб ҳисобланади ва доимо бошқа тарбиявий йўналишлар билан бирга олиб борилади. Айниқса республикамиз мустақилликка эришган, янги кадриятлар вужудга келаётган, миллий истиқлол мафкураси яратилаётган ҳозирги даврда бу йўналишдаги тарбиянинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Чунки биз ёш авлодни пок, виждонли, имонли, инсофли, интизомли, ҳалол, одобли қилиб тарбиялашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу мураккаб жараёнда китоб воситасида тарбиялашга катта эътибор бериш зарур. Айниқса кичик ёшдаги болалар ўта таъсирчан ва ҳиссиётга бериладиган бўладилар. Бу ёшда китобларда ёзилган нарсалар, катталар томонидан айтилган насиҳатлар тезда қабул қилинади. Улар ўзлариникидан кўра бошқаларнинг ахлоқий томонларига, қилиқларига, қилган ишларига тезда баҳо берадилар. Ана шуларни эътиборга олиб кутубхоначи суҳбат, овозли ва ифодали ўқиш, эртак айтиб бериш, сўзлаб бериш каби тадбирлар орқали ўқилган китобдаги қаҳрамонларнинг хилма-хил хислатларини, уларнинг ўзаро муносабатларини, вазият ва шароитларни тушунтириб берар экан, шундай хислатлар болаларнинг ўзларида ҳам борлигини айтиб ўтади. Масалан, болаларнинг жуда кўпчилигида учрайдиган мактан-

чокликнинг ёмонлиги ва уни нималарга олиб келиши ҳақида ўзбек халқ эртақларидан «Мақтанчоқ қуён»ни ўқиб берса, ҳалоллик, тўғрилиқнинг эгриликдан афзаллиги ҳақидаги «Ўғри ва тўғри» эртагини айтиб беради. Дўстлик ва айёрлик ҳақида суҳбатлашиб, Гулханийнинг «Тошбақа билан Чаён», «Бўри билан Тулки» эртагини тушунтириб, тулки бўридан кўрққанидан вақтинчалик дўст бўлганини ва уни алдаб қопқонга тушириб айёрлик қилиб қочиб кетганини айтиб беради. Шундай одамлар бизнинг ичимизда ҳам бўлиб биров бойликка, биров кўрққанидан, биров мансабга ўтириш учун «дўст» бўлади ва кейинчалик улар барибир алдаб кетади. Ҳақиқий дўст яхши ва ёмон кунларда ҳам дўст бўлиб қолаверади, деб хулоса қилади.

Кичик ёшдаги китобхонлар билан ишлаганда кутубхоначи мактаб ҳаёти билан боғлиқ бўлган асарларга кўпроқ эътибор беради. Маълумки, мактабда турли хил хислатларга эга бўлган, яъни бебош, беғам, танбал, тўполончи, интизомсиз болалар ҳам ўқийди. Бу болаларнинг хулқи туфайли қанчадан-қанча ойналар, парталар, эшик ва деразалар синади, китоблар, дафтарлар йиртилади, кийимлар ифлос бўлади. Бу болаларга хос бўлган салбий хислатларни йўқотиш мақсадида уларга Қ. Муҳаммадийнинг «Тугмача» «Аъзолар сўзи», «Синиқ ойна парчасининг сўзи», Пўлат Мўминнинг «Салимжон-нимжон» «Парпининг таърифи» шеърларини ўқиш учун тавсия этади ва бу шеърларни синфда муҳокама қилишни маслаҳат беради. Кутубхоначи кичик ёшдаги болалар билиши ва ўзлаштириши лозим бўлган тўғри сўзлик, адолатлилик, ҳалоллик, саҳийлик каби хислатларни китоблардан қизиқарли ҳикоя, шеър ва эртақларни ўқиб бериш ва савол-жавоб қилиш орқали улар қалбига сингдиришга ҳаракат қилади. Ушбу йўналишнинг характерли хусусияти шундаки, жуда кўп болалар юқорида айтилган хислатларнинг акси ўзларида ҳам мавжуд эканлигини сезмайдилар, лекин синфдошларидаги шу хусусиятларни кўриб таажжубга тушадилар ва уларнинг хатолари, камчиликлари ҳақида гапирадилар. Шуларни ҳисобга олиб кутубхоначи болаларга саҳийлик ва очкўзлик, баҳиллик ҳақида бирон нарса ўқиб беришдан олдин халқимиз томонидан яратилган

баъзи мақолларни айтади, уларнинг мазмуни билан болаларни таништиради, ўқиб бериладиган матнни тўлиқроқ тушунишлари учун замин тайёрлайди. Сўнгра кутубхоначи «Хотамтой» эртагини, А. Авлонийнинг «Сахийлик», «Очкўзлик», Мурод Хидирнинг «Икки сахий» хикояларидан бирини ўқиб беради. Кутубхоначи шунингдек, болаларда ота-онага, ерга, табиатга, нонга ва умуман халқ эъзозлайдиган азиз нарсаларга бўлган меҳр-оқибатни, одобни тарбиялашга ҳаракат қилади. Кичик ёшдаги бир гуруҳ китобхонлар билан иш олиб борганда кутубхоначи ота-онага меҳр-оқибат кўрсатишни, уларнинг айтганларини доимо бажариш кераклигини таъкидлайди. Ота-онани севиш — бу ўзи туғилиб ўсган ерини, ёрини, элини, Ватанини севиш билан боғлиқлигини тушунтиради. Шу ёшдаги болалар билан суҳбат олиб борилганда шоирларни шу мавзудаги шеърларидан ўқиб бериб, уларнинг мазмунини тушунтириб бериш лозим. Кутубхонада олиб бориладиган ахлоқий тарбия диний тарбия билан чамбарчас боғлиқ. Мустақилликка эришгунимизча бу йўналишда мутлақо фаолият кўрсатилмас, бу мавзуда фикр юритиш ман қилинган эди. Ҳозирги даврда республикамизда диний тарбияга катта эътибор берилиб, ислом динининг барча арконлари ёритилган китоблар, рисоалар нашр этилдики, улар кутубхона жовонларидан ўз ўрнини топган. Кутубхоначи ушбу йўналишда иш олиб борар экан, аввало ўзи шу соҳани тушуниб олиши, тушунмаганларини шу соҳани биладиган кишилардан сўраб билиши, шу соҳа кишиларини кутубхонага таклиф этиб, учрашувлар, савол-жавоб кечалари, суҳбатлар ўтказиши зарур. Диний тарбия асосида иш олиб боришнинг қийинлиги шундаки, совет ҳокимияти динга жуда катта қаршилик кўрсатиб, динга мутлақо ишонмайдиган кишиларни тарбиялади. Фақат диний китоблар эмас, балки араб, форс тилидаги, ҳатто эски ўзбек тилидаги китоблар ҳам кутубхоналардан ва оилалардан тортиб олиниб, йўқ қилинди. Лекин илдизи чуқур бўлган, минг йилдан бери диний-руҳий жиҳатдан кучли тарбия олган кекса кишиларнинг қалбидан уни ўчириб ташлаш мумкин эмас эди. Пинҳона бўлса ҳам бундай тарбия олиб борилар эди. Истиқлол

гуфайли болаларга диний тарбия бериш яна изга тушмоқда ва ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Диний тарбия олиб боришнинг ўзига хос асослари яратилмоқда. Давлатимиз томонидан чиқарилган қонун ва қоидаларда диннинг дахлсизлиги ва унинг эркинлигининг эълон қилиниши, унга тўсқинлик қиладиган аппаратларнинг йўқ қилиниши ва дин учун кенг йўл очилиши, мактабларда араб тили, эски ўзбек ёзувининг жорий қилиниши ва диний тарбия олиб борилиши, мадраса ва масжидларда болаларнинг ўқитилиши, ота-оналарнинг диний тарбияга масъулият билан қараши кутубхонада бу тарбияни давом эттириш учун катта имкониятлар яратиб берди. Бундан ташқари болаларни диний жиҳатдан тарбиялашда китобларнинг аҳамияти катталигини тушунган нашриётлар томонидан нашр этилган китоблар бу соҳада кутубхоналарда катта ишларни амалга ошириш имкониятини яратди.

Кутубхоначи ислом дини ҳақида ёзилган китобларни алоҳида жавонга тўплаб, китоб бериш жойига яқинроқ жойга жойлаштириши лозим. Болалар билан умуман дин, хусусан, ислом дини ҳақида фикр юритганда суҳбатдан кенгроқ фойдаланишни тавсия этамиз. Суҳбат давомида болаларга дунёдаги ҳеч бир нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаганлигини, уларнинг ижодкори борлигини, ҳар бир нарсани вужудга келтирувчи, яратувчиси Оллоҳ эканлигини уқтирилади. Инсонлар Оллоҳ томонидан яратилган пайғамбар Одам Алайҳиссалом ва унинг жуфти Момоҳано Онамиздан тарқалган бўлиб, пайғамбарлар Оллоҳни таниш билан бирга унга ибодат қилишга ҳам ўргатганлар. Биз шу маҳалгача дунё, табиат, еру осмоннинг раҳнамоши — Инсон деб келдик, лекин еру осмонни, инсонларни ҳам Оллоҳ яратганини тушунмадик. Ушбу суҳбатда кутубхоначи содда тилда, содда мисоллар ёрдамида бутун борлиқ Оллоҳ томонидан яратилганлигини тушунтиради. Бунда у Самадулла Неъмат Хайруллоҳ ўғли ва Нажмиддин Камолиддин ўғли томонидан чоп этилган «Намоз сабоқлари» рисоласидан фойдаланиши мумкин. Табиат нима? Ливало ерга, сўнгра баҳорда гуллаб, кузда мева берадигани ўсимлик ва дарахтларга, хилма-хил ҳашарот ва хай-

вонларга қаранг, улар нақадар турли-туман. Кундуз ва тунни, фаслларни кузатинг, ҳаммаси ўз вақтида бўлади. Демак, ҳаммасининг ҳам бошқарувчиси бор — у Оллоҳдир. Шунинг учун ҳам Оллоҳга иймон (Оллоҳга ишонч ва садоқат) келтириш лозим. Исломи динининг бешта фарзи бор: булардан биринчиси, Оллоҳга иймон келтиришдир, яъни «Ла илоҳа иллоллоху Муҳаммадур Расуллуллох». (Ёлғиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад Алайҳиссалом унинг расулидир.) Иккинчиси, намоз ўқиш бўлиб, инсонларнинг роббийси бўлмиш Оллоҳ Таоло билан мулоқотдир. Намоз ўқиш, таҳорат қилишнинг ўзига хос томонлари бўлиб, уларни алоҳида суҳбат ёки домла, имомлар билан бўладиган савол-жавоб кечаларида батафсил тушунтириш жоиздир. Учинчиси, рўза бўлиб, рамазон ойида ўттиз кун рўза тутиш фарздир. Рўза кишининг иродасини чиниктирувчи, нафсни тийишни ўргатувчи, тўқлар қалбида оч, муҳтожларга нисбатан раҳм-шафқат уйғотувчи муҳим тарбиядир. Рўза бетартиб овқатланиш натижасида келиб чиқадиган касалликлардан ҳимоя қилади ва киши вужудига дам беради. Тўртинчиси, закот бўлиб, исломнинг адолатли қонунига кўра умумий бойлигига зарар етмайдиган оз миқдорда, яъни бойлигининг қирқдан бир қисмини закот сифатида ният қилиб бериш бадавлат одам учун фарз ҳисобланади. Бешинчиси, ҳаж бўлиб, Макка шаҳридаги муқаддас Каъбани зиёрат қилишдир. Демак, иймон келтирган инсонлар мўмин бўлиб, қолган барча фарзларни бажарадиганлар мусулмон бўладилар. Кутубхоначи суҳбат давомида юқоридагидек исломнинг асосий қоидаларини содда мисоллар билан тушунтирар экан, баъзи бир қийинроқ, баҳслироқ масалаларни кейинги суҳбатларга қолдиради. Ушбу беш фарзларни янада тўлиқроқ ўрганиб, баъзи калималарни ёдлаб олиш учун китобхонларга Абдуқодир Дада ўғлининг «Таҳорат-ғусл ва намоз» ва Раҳматуллоҳ Расулжон ўғлининг «Исломи дини нима» рисоаларини тавсия этиши мумкин.

Кутубхоналарда овозли ва ифодали ўқиб бериш, ҳикоя қилиш ва сўзлаб бериш учун шеър, эртак, ҳикояларни тўплаб олиш одат бўлиб қолган. Бунда юқорида келти-

рилган ва бошқа кўплаб китоблардан фойдаланиш мумкин. Кутубхоначи ушбу китоблардаги калималарни чиройли, ширали овозда ифодали қилиб ўқиб беради. Зарур бўлса, уларнинг маъносини тушунтириб беради ва уларни ёдлаб олишни тавсия этади. Бунда у оддийдан мураккабга борадиган йўлни танлайди. Аввало кичик ёшдаги ўқувчилар нимани билишлари ва нимани ёдлаб олишлари мумкинлигини, ота-оналари нимани ўргатганлигини билиб, сўнгра уларни мустахкамлаш йўлидан боради.

Диний тарбияни фақатгина бир томонлама олиб бориш ярамайди, чунки у дунё, еру осмонни, фалакни яратган Оллоҳни билишга, унга ишонишга, унинг динига эътиқод қилишга ўргатади. Шунинг учун диний тарбия бошқа тарбиявий йўналишлар ичида алоҳида мавқени эгаллайди. Чунки инсон қанчалик руҳий баркамол, эътиқоди баланд бўлса, унинг бажарадиган иши доимо аниқ ва тўғри бўлади. Кутубхоначи тарбиявий ишлар олиб бораётганда бу соҳага алоҳида эътибор бериши лозим.

Кутубхонада яна бир муҳим тарбиявий йўналиш борки, бу ўқувчиларни **эстетик жиҳатдан тарбиялашдир**. Ушбу тарбиявий йўналиш асосан руҳиятга, ҳисга, ҳаяжонга асосланганки, уни олиб бориш кутубхоначидан катта билим, маҳорат, сабр ва тоқатни талаб қилади.

Кутубхоначи болалар ўқишига раҳбарлик қилар экан, уларга эстетик тарбия беришда қуйидаги асосларга таянади: а) шоир, ёзувчининг маҳорати, услуби, имконияти; б) китобнинг мазмуни, маъноси, кучи, ғояси, бадиийлиги; в) кутубхоначининг тайёргарлиги, услуби, билими ва ҳоказо. Мана шу уч ҳолат бирлашгандагина, ҳамкорлик билан муваффақиятга эришилади.

Кутубхоначи бадиий ва санъат асарлари билан ишлаганда эстетик тарбияга кўпроқ аҳамият беради. Чунки бу асарларда инсоннинг руҳияти, характери, фаолияти, ҳис-ҳаяжони, кечинмалари, табиати дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг ҳаммаси бир бутунлигича акс эттирилади ва бу ўқувчига таъсир этади. Таъсир кучи, юқорида таъкидлаганимиздек, ўқувчининг тайёргарлиги ва имкониятига боғлиқ бўлади. Кузатишлар шундан дарак бе-

радики, аксарият ҳолларда ўқувчиларнинг ўқиши ва тушуниш доираси анча тор, кўпчилиги кўлларига тушган китобларни тез ва юзаки ўқиб чиқадилар, сўрасангиз китобнинг мазмунини тўлиқ айтиб бера олмайдилар. Шунинг учун ҳам кутубхоначилар болаларнинг ўқиш доирасини кенгайтириб, уларни тартибли ва шошмасдан ўқишга ўргатишга, турли адибларнинг китобларини муайян бир изчилликда тавсия этишга ҳаракат қиладилар. Асосий мақсад идрок қилишни, бадий дидни тарбиялашдан иборат, бунинг учун хилма хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан, бирон бир эртак, ҳикоя ёки шеърни ўқиб бериб, ундан олинган таассуротларни сўраш, гапириб бериш, таҳлил қилиш. Кутубхоначи У. Ҳошимовнинг «Чана» ҳикоясини ўқиб бериб, асосий эътиборни ундаги болаларнинг ўзига хос характери, руҳияти тасвирига қаратади, китобдаги расмни кўрсатиб, Фарҳоднинг қизғанчиқлигини янада бўрттириб гапириб беради. Бундан мақсад болаларни ҳикояни яширин қатламларига олиб кириш, ишлатилган сўзлар ва ибораларнинг маъносини тўлиқ тушунишга ўргатишдан иборат. Китобхоннинг дидини, идрокини ўстириш танланган китобга ҳам боғлиқ. Яъни китобда баён этилаётган воқеа ва ҳодисалар, характерлар болаларга яқин, таниш бўлса, улар тезроқ ва теранроқ тушунадилар. Тавсия этиладиган ёки ўқишга бериладиган китоб ҳам боланинг имкониятига мос бўлиши, уни қизиқтира олиши лозим. Шу жиҳатдан эстетик дидни тарбияловчи, бадий жиҳатдан юксак асарлар билан кўпроқ иш олиб борилади. Болалар руҳиятига назар ташласак, дунё мўъжизаларини энди тушуна бошлаган болада ўқиш давомида жуда кўп ва хилма-хил саволлар пайдо бўлади. Уларни ёмғирнинг ёғиши, сувнинг жилдираши, ойнинг ёғдуси, булутларнинг гўзаллиги, капалакнинг қаноти, гулларнинг ранги, хуллас табиат ва жамиятнинг барча сир-асрорлари қизиқтиради. Шоир ва ёзувчилар ўз асарларида оламнинг турли-туманлиги ҳақидаги саволларга жавоб берар эканлар, уларни жонлантирадилар, поэтик оҳанг берадилар, тасвирлаётган нарсанинг болага ҳали номаълум томонларини топиб, бадийлаштириб ифода этадилар. Натижада оддий сўз тушунчадан бадий бўёққа, образга айланади.

Масалан, Муҳаммад Юсуфнинг «Ўзингдан қўямасин халқим» шеърисида бир-икки сўз билан ўзбек халқининг ҳамма яхши хислатлари ифодаланган.

Қушдай учиб кучоғингдан дунё кездим,
Қанча олис кетсам шунча қадриг сездим,
Кезиб-кезиб топганларим Соғинч бўлди,
Қайда юрсам ёди меҳринг овунч бўлди,
Айланайин қора қошу кўзингдан-а,
Ўзингдан қўямасин, халқим ўзингдан-а!..

Чунки идрок қилиш, бадий тасаввур, образли фикр-ланиш каби ҳолатлар туғма бўлмай, балки ўқиш жараёнида шаклланади ва ривожланади. Демак, нимани ўқиш, қандай тасаввур қилиш каби масалаларни ўқишга раҳбарлик қилиш жараёнида ечиб боришга тўғри келади. Кутубхоначи бадий асар ўқиш орқали эстетик дидни тарбиялаш йўллари ва шакллари аниқлаб, болаларни китобхонлик имконияти даражасига қараб табақалаштиради. Табақалаштириш албатта нисбий бўлади, чунки бир турух ичида ҳам ўзига хослиги билан ажралиб турувчи болалар бўлиши мумкин.

Баъзи болалар китобни кўнгил очиш, қизиқишни қондириш мақсадида ўқисалар, иккинчилари китобни анча фикрлаб ўқийдилар, учинчилари ўқиганларини ҳаёт билан таққослайдилар, асарнинг ғоясини яхши тушунадилар ва ҳис қиладилар, тасаввурлари кенг бўлади.

Кутубхоначи китобхонни ўқилган китобга бўлган муносабати, мулоҳазасини ўрганиш, бирор нарсани ўқиб бериб ундан олинган таассуротни сўраш каби усуллар орқали қайси китобхонга қандай китобларни ўқишга бериши мумкинлигини аниқлаб олади.

Масалан, кутубхоначи юқори синф ўқувчиларига Л. Ориповнинг «Тилла балиқча» ва «Аёл» шеърларини ўқиб бериб, улар нимани тасаввур қилганларини сўрайди. Ўқувчилар албатта хилма-хил жавоб берадилар ва ўз мулоҳазаларини билдирадилар. Кутубхоначи бу фикрларни ёзиб, белгилаб қўяди ва уларга китоб тавсия қилиш учун замин тайёрлайди. Бадий асарларни ўқиш ўқувчига дунё-

ни, оламни билишни, инсонларнинг ўзаро муносабатлари, инсон руҳияти ва жамият ўртасидаги алоқалар, табиат тасвири, шахс ва табиатнинг ўзаро муносабати, унинг ранг-баранг томонларини образлар орқали ифодаланишни ўргатади. Асарда тасвирланган қаҳрамонларнинг ҳаёти ва турли вазиятларда воқеа ва ҳодисалар силсиласи орқали улар характерининг ўзгариб боришини, асарда яширинган қатламларни сезиб олишга ва хулоса чиқаришга ўрганиш лозим.

Ушбу мураккаб, лекин жуда муҳим хусусиятлар аста-секин оддий ва мураккаб усуллар (суҳбат, савол-жавоб, муҳокама, мунозара, таҳлил, баҳс) орқали ўқишни таъминлашда асарнинг «адабий педагогик» таҳлили муҳим. Бунда ўқилган асарнинг мазмуни, маъноси, қаҳрамонлар характери, руҳияти китобхоннинг тажрибаси, имконияти, фикри, хаёли билан яхлитликда намоён бўлади. Бу эса асарни ким қандай тушунганлиги ва имкониятини аниқлаб берибгина қолмасдан, китобхонда эстетик дидни ўстиришни ҳам таъминлайди.

Кутубхонада ўтказиладиган китоб муҳокамаси ва мунозараси шаклидаги тадбирларда кутубхоначи китобхонлар диққатини ўқилган асарни идрок этиш, бадиий образларни таҳлил қилиш, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини ҳис қилишга қаратиши лозим. Чунки ҳар бир муаллиф ўзига хос услуби, талқини, имконияти, ёзадиган мавзулари билан ҳам ажралиб туради. Масалан, А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён». Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси». О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Х. Тўхтабоевнинг «Сирли қалпоқча» асарларидаги мавзу ва талқинни ўқувчилар яққол сезишига, таққослай олишига, ҳар бир адибнинг ўзига хос «ёзишини» билиб олишига ёрдамлашиши лозим.

Ў. Ҳошимовнинг «Оқ камалак» китобидаги «Ўзбеклар» ҳикоясини муҳокама қилишда кутубхоначи ўқувчиларга «Ёзувчи нима учун маҳаллада қайси кампирни уйдан тополмасангиз тўппа-тўғри отинойиникига бораверинг! дейди». «Ҳозир Искандарга ўхшаган каттаконлар йўқми?» «Одамгарчилик қандай хислат?» каби саволлар билан

мурожаат қилади ва уларни муҳокамага тортади. Муҳокимада болалар ўзбекларнинг ўзига хос хусусиятларига, ҳикоядаги персонажларнинг ҳолатига, хатти-ҳаракатига, муомаласи, муносабатига эътибор берадилар. Шу билан бирга ёзувчини ҳар куни биз кўрадиган, дуч келадиган содда воқеа ва ҳодисаларни тасвирлаши ва шу билан бирга улардан бир дунё маъно чиқариши, оддий нарсадан дунёвий тафаккур миқёсида ҳулосалар чиқаришини ўқувчилар сезиши лозим.

Эстетик завқни тарбиялашда санъат асарлари ҳам муҳим, ўқувчи расмларни, меъморчилик асарларини кўргазмали равишда кўради, ундан завқ-шавқ олади. Ўқувчиларда эстетик дид ва идрокни тарбиялашда китоб ва кутубхоначининг ҳамкорлиги муҳимдир.

КИТОБХОН ЎҚИШНИНИ ЎРГАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

КИТОБХОННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ЎҚИШГА ТАЪСИРИ

Умуман, болаларнинг ёш хусусиятларини психология фани ўрганеди, кутубхонашунослик эса унинг хулосаларига таяниб, болаларнинг китоб ўқишига уларнинг ёш хусусиятлари қандай таъсир этишини ўрганеди. Яъни, қайси ёшда қандай китобларни ўқиш ва тушуниш мумкинлигини аниқлайди. Жуда кўп илмий текширишлар натижасида болалар ўқиши педагогикаси 1—9 синф ўқувчиларининг китобхон сифатида шаклланишини қуйидаги турларга бўлади. Бунда болалар кутубхонасига қатнай-диган китобхонларнинг ёши ҳисобга олинган.

Китобхон ривожланишининг болалик даври (7—9 ёш).

Болаликдан ёшликка ўтиш даври (10—11 ёш).

Ёшлик даври (12—13 ёш).

Ёшликдан ўсмирликка ўтиш даври (14—15 ёш).

7—9 ёшли болалар кутубхонаниннг ўзига хос хусусиятга эга бўлган китобхонлари ҳисобланадилар. 7 ёшли болаларнинг ўзига хослиги шундаки, улар жуда кўп нарсани билишга қизиқадилар, аммо ҳали китоб ўқиш техникасини дуруст ўзлаштира олмаган бўладилар. Шунинг учун, уларнинг ўқиши мана шу қийинчиликни енгишга қаратилган бўлади, чунки улар эндигина «тингловчи»дан «ўқувчи»га айлана бошлайдилар. Кўпинча, улар бирон бир нарсани ўқиётганда, у ҳақида ўйламайдилар, фақат ўқийдилар.

Бу ёшда эндигина ўқилган нарсани идрок этиш, фикрлаш, тасаввур этиш шаклланиб боради. Улар китобдаги қаҳрамонларнинг қизиқарли қилиқларини, кулгили воқеа ва ходисаларни, тасодифларни кўпроқ эслаб қоладилар.

Агар кутубхоначи китобни болалар билан бирга овозли ўқиб, уларнинг диққатини ўқилган нарсага тортиб тушунтириб берса, болалар уни эслаб қоладилар.

7—9 ёшли болаларнинг китоби асосан бадиий адабиёт бўлиб, унда ҳаётдаги муҳим, характерли воқеа ва ҳодисалар бадиий образлар орқали болалар нутқига хос тилда, уларнинг ёши, психологияси ва савиясига мувофиқ равишда тасвирланган бўлади.

Бу хусусиятлар, мактабгача тарбия ёшидаги ўйинни сезувчи болаларга ҳам хосдир. Бу ёшдаги болалар ўйин орқали воқеа ва ҳодисаларни, кишиларнинг, характери ва муносабатларини билиб оладилар. Кўрган, эшитган, ўқиган нарсалардаги ҳолатларни, кишиларни, ҳайвонларни «яхши» ва «ёмон»га ажратадилар ва уларга ўз муносабатларини билдирадилар. Бу ёшдаги болаларни ўзларини ўраб турган муҳит, табиат ва ундаги ҳайвонлар, ўсимликлар қизиқтиради. Ҳали улар илмий билим берувчи китоблар табиат ҳақида туғилган саволларга жавоб беришини билмайдилар. Шунинг учун ҳам улар ўз қизиқишларини қондириш учун катталарни хилма-хил саволларга кўмиб ташлайдилар. Кутубхоначи 8—9 ёшдаги болалардаги ушбу хусусиятларни ҳисобга олиб уларни аста-секин болаларга аталган журналларни ўқишга, кичик луғатлар, қомуслардан фойдаланишга одатлантириб боради. 8—9 ёшдаги ёки 2—3-синф ўқувчилари дунёни билишда, уни ҳис этишда янги поғонага кўтарилган бўладилар. Энди улар воқеа ва ҳодисаларга бошқача кўз билан қарайдилар, воқеликни билишга интиладилар ва ҳогирада сақлаб қоладилар. «Нима учун қоронғи бўлади?», «Нима учун қушлар учадю одамлар учмайди?», «Нима учун қор ёғади?» ва ҳоказо саволлар билан катталарга мурожаат қиладилар. Чунки уларнинг бу даврдаги ривожланиши алоҳида бир босқични ташкил этиб, ақлий ва жисмоний ўсишда, ўқитиш ва тарбиялашда ўзига хос ёш хусусиятларга амал қилинишини талаб этади.

Кичик ёшдаги китобхонлар учун конкрет нарсани образли фикрлаш характерлидир, ўқиш давомида шу образли фикрлаш орқали уларнинг тушунчалари ўсиб боради. Бу ёшда болани китобнинг ёзилиши, масаланинг кўрилиши эмас, китобдаги образ, воқеа ва ҳодиса қизиқти-

ради. Шунинг учун ҳам уларга атаб ёзиладиган китоблар бадий бўлади, кийинроқ китобларни улар кейинчалик ўқишга киришадилар. Мана шу юқоридаги ёш хусусиятлар ҳисобга олиниб, уларнинг китоби расмларга бой қилиб безатилади, бу эса китоб мазмунини тушунишга, ундан эстетик завқланишга ёрдам беради.

Болаларнинг ақлий фаолиятида ўзлари ўйлаб топган образлар катта ўринни эгаллайди. Улар ўзларини ўраб турган муҳит ҳақида анча аниқ тасаввурга эга бўлсалар ҳам, кўпинча ўзлари ўйлаб топган образлар орасида яшайдилар. Бу ёшдаги болалар эртақларга, фантастик ҳикояларга жуда ўч бўладилар. Лекин кейинчалик ҳаётдан олган тажрибалари асосида уларнинг борлиққа бўлган муносабатлари ойдинлаша боради, лекин эртақларга нисбатан қизиқишлари ҳеч қачон йўқолмайди.

Кичик ёшдаги китобхонлар учун характерли хусусиятлардан яна бири шундаки, улар китобдаги воқеаларни ҳаяжон билан қабул қиладилар, китобни ўқиётиб, жойларида тинч ўтира олмайдилар, ҳар хил қилиқлар қиладилар ёки секин йиғлайдилар. Кўпинча бу ёшда китоб ўқишда анча диққатсизлик сезилиб туради, бу эса китобни юзаки ўқишга олиб келади. Бу ёшда ўқилган нарсани сўзма-сўз эса сақлаб қолиш қобилияти мавжуд бўлиб, 3-синфда бу аста-секин йўқола бошлайди ва улар ўқиган нарсани ўз тилларида сўзлаб бера оладилар. Юқорида кўрсатилган хусусиятлар болаларнинг китобга бўлган талабларида ҳам акс этади. Улар жуда кўп нарсага қизиқадилар, шунинг учун ҳам уларнинг талаблари умумий бўлган темаларга оид бўлади. Масалан, ҳайвонлар, учувчилар, машиналар ва ҳоказо.

Кичик мактаб ёшидаги китобхонларнинг талабини қондиришда ва уларнинг қизиқишини шакллантиришда кутубхоначининг китоб танлашда уларга ёрдамлашиши, тавсияси, расмли каталоглардан фойдаланишни ўргатиши катта аҳамиятга эга. Шунинг учун кутубхоначи улар кутубхонага келганларида иложи борича улар билан суҳбат ўтказиб, олинган китобни қандай ўқиганларини, китобнинг қаери уларга ёққан ёки ёқмаганини, яна қандай китоблар ўқимоқчи эканликларини сўраб, уларнинг талабларини қондиришга, тўғри маслаҳат беришга ҳаракат қилади.

1—2-синф ўқувчиларига қараганда 3-синф ўқувчилари анча тажрибали ҳисобланадилар. Улар энди ўқиган китобларини анча тушунадилар, кутубхонага энг кўп қатнайдиган китобхонлардан бири бўлиб ҳисобланадилар. Кутубхоначи ва ўқитувчиларнинг меҳнати туфайли, энди улар жавонлардан, расмли каталоглардан, китоб кўргазмаларидан мустақил равишда китоб танлашга ўрганадилар. Шунинг учун ҳам, уларнинг талаблари ҳар хил бўлди. Масалан, улар космонавтлар, ҳайвонлар, урушлар ҳақидаги китобларни сўрайдилар. Уларнинг ҳаётида Ватанимиз тарихи, уруш қаҳрамонлари, болалар ва уларнинг ишлари, ҳар хил мавзудаги қизиқарли китоблар катта ўрин эгаллай бошлайди. Болалар китобдаги воқеа ва ҳодисаларни ҳаяжон билан қабул қилиб, ўзлари ҳам уларга ўхшагилари келади, воқеа, ҳодиса ва қаҳрамонларни эслаб қола бошлайдилар, китоб қаҳрамонларининг ютуқлари билан ғурурланиб, мағлубиятларидан ачинадилар.

Шундай бўлса ҳам, китобнинг муаллифига унчалик ихамият бермайдилар ва кутубхоначидан «Менга «Буратино ҳақида»ги китобни ёки «Қачал ботир»ни, «Балиқлар ҳақида»ги китобни беринг», деб сўрайдилар. Кейинчалик тушунтириш ва суҳбатлар натижасида муаллиф ва унинг бошқа китоблари ҳақида ҳам маълумотга эга бўлдилар.

Бу кутубхоначидан жуда катта меҳнат, яъни кутубхоначининг барча усул ва воситалари орқали китоб муаллифига унинг бошқа китоблари ҳақида тушунтириш иши олиб боришни тақозо қилади.

Кичик ёшдаги болалар асар қаҳрамонини реал киши деб биладилар, баъзида унга хатлар ёзадилар, унинг кейинги тақдирини билишга қизиқадиладар. Энди улар қаҳрамонларни «яхши» ва «ёмон»га ажратмасдан, уларни ботир, қаҳрамон, ҳақгўй ёки маккор, алдамчи, фирибгар деб атай бошлайдилар, яъни қиёсий тушунча аста-секин таркиб топа бошлайди. Кутубхоначи ва ўртоқларининг тавсияси ҳамда таъсири натижасида уларда илмий-оммабон китобларга қизиқиш янада ортади. Улар дарёлар, узок ўлкалар, халқлар, космонавтлар, машиналар ҳақидаги ки-

тобларни сўрай бошлайдилар. Бу ёшда ўқиган китоблардан олинган таассуротлари асосида расмлар чизадилар, қилич, ханжар, милтик, кўйлакча, кўғирчоқлар ясаيدилар. Шундай қилиб, бу ёшда аста-секин китоб орқали яшаётган дунёнинг сир-асрорларини билиб борадилар. Бу кейинчалик юқори синфларда яна ҳам ривожланади.

Болалар ўқиш педагогикаси 4—9- синф ўқувчиларини (10—15 ёш) умумий ёшлик даврига киритади. Чунки бу даврда болалар «болаликдан» «катталиққа» қадам кўядилар. Бу давр ўзига хослиги билан яна даврларга бўлиниб кетади (юқорида кўрсатилган). Шунинг учун ҳам, бу давр китобхонларининг қизиқиши, талаби, ривожланаётган муҳити, таъсир этаётган бир қанча объектив ва субъектив факторларга қараб, уларни ўрганиш ва ўқишига раҳбарлик қилишга тўғри келади.

4—5-синф ўқувчиларининг (10—11 ёш) ўзини ўраб турган муҳитга муносабати ҳам ўзгача бўлади, яъни у ўз ўрнини фақат катталарнинг мулоҳазаси билан белгилаб қолмай, ўртоқларининг ташаббусини ҳам ўзига сингдириб ола бошлайди, катталар улар учун ўртак бўладилар. Уларнинг психологиясида ҳам катта ўзгаришлар юз бериб, аналитик фикрлаш, умумлаштириш, абстракт фикрлаш ўсиб боради. Бу уларнинг хулқ-атворларида, сўзлашишларида, ўзларини тутишларида яққол кўринади. Мактаб уларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Чунки 4-синфдан бошлаб, фан асосларини янги шакл ва усуллар орқали ўргатиш бошланади, кино ва телевиденида берилаётган эшиттиришлар ҳам уларнинг қизиқиш ва талабларини кенгайтириб юборади. Бу ёшда уларнинг сеvimли машғулотлари бўлган ўйин формалари ҳам ўзгариб боради, кўпинча улар узоқ жойларга боришга, саёхатларга қизиқадилар.

Агар кичик ёшдагиларни ўзлари кўрганлари қизиқтирса, 10—11 ёшдагилар шу кўрган нарсаларининг мазмунини, нималарга боғлиқлигини билгилари келади. Масалан: «Одам қандай пайдо бўлган?», «Нима учун улар ҳар хил тилда сўзлашишади?», «Нима учун одам ўлади?» ва х. к. Мана шундай кўп нарсаларни билиш лозимлиги уларнинг китоб ва вақтли матбуотга бўлган талабида ҳам

акс этади. Текширишларга қараганда, бу ёшда илмий оммабоп китобларга бўлган талаб кичик ёшдагиларга нисбатан икки марта кўпроқ экан.

Кутубхоначи мана шу талабларни қондиришда китоб, газета, журнал асосий роль ўйнашини болаларга тушунгириши ва уларнинг талаб ва қизиқишларини ҳисобга олиб янги-янги китобларни тавсия этиши, уларнинг ўқишини ривожлантириши лозим, 5—7-синф ўқувчилари кичик ёшдаги ўқувчилардан катта фарқ қилади. Бу ёшда ҳар бир ўқувчи — шахснинг ўзига хос хусусиятлари бошқа ёшдагиларга қараганда яққол кўринади. Бу аввало, уларнинг муносабатлари, характери ўзгариши билан боғлиқ. Энди улар характерининг шаклланишида ўртоқлари ва коллектив фикрининг таъсири жуда катта бўлади. Уларнинг билиш фаолияти ҳам ўсиб бориб, кўрган, ўқиган нарсалари ҳақида фикр юритиш қобилияти ривожланган ва ҳиссиёти анча сезгир бўлади.

Бу ёшнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — ўзини билиш ва ўзига баҳо беришнинг ривожланишидир. Бу ёшда у ўзининг имкониятларини баҳолай олади, ахлоқий қарашлари шакллана боради, кишиларнинг юриши, туришига, ўзаро муносабатлари, маънавий хулқини билишга қизиқиши ортади. Уларни ҳамма нарса қизиқтиради, айниқса ҳаёт, одамларнинг тақдири, бахт, дўстлик ва ҳ.к. (севги эса биринчи ўринда туради). Ёш хусусиятларидаги фарқ шунда ҳам кўринадики, бу ёшдагиларни ўқишга бўлган талаби муҳим шахсий характерга эга бўлиб, шахсий қизиқишга томон ўсиб ўтади. 5—7-синф ўқувчиларида алоҳида ўқув предметларига бўлган қизиқиш ҳар ҳолда анча шаклланган бўлади. Болалар муайян бир предметни яхши ўқийдилар, шу соҳадаги янгиликларни билишга қизиқадилар, мазкур соҳа бўйича тўғаракларга қатнайдилар. 12—13 ёшли ўқувчилар кутубхонанинг энг фаол китобхонлари ҳисобланадилар. Айниқса, қизлар ўғил болаларга нисбатан мактабда берилган дарсларга оид кўшимча материаллар топишга уринадилар. Бу кўпинча уларга маъқул бўлган ўқитувчидан ўрнак олиш ва шу синфда, жамоада ўзини кўрсатиш ҳисси билан боғлиқдир. Бундан ташқари, улар ўртасидаги фарқ илмий-оммабоп китобларга бўлган талабда ҳам кўринади.

Физика, техника, биология, спортнинг оғир турлари-га оид китобларни ўқил болалар кўпроқ ўқиса, қизлар санъат, адабиётшунослик, биографик характердаги бадиий адабиётларни ёқтирадилар. Шу ёшдагиларнинг ўқиш доирасида илмий билим берувчи китоблар асосий роль ўйнайди. Асосан тарихий ва тарихий-инқилобий мавзудаги биографик характерга эга бўлган китобларга қизиқиш ортади. Энди улар китоб қаҳрамонининг қизиқишлари, улар ечаётган муаммолар билан танишиб, уни давом эттиришга ёки чуқурроқ билишга қизиқишлари натижасида кўплаб китоб-журналларни ўқиб чиқадиладар. Кутубхоначи мана шу хусусиятга таяниб, китобхонларга билим берувчи китобларни кўпроқ ўқишларида ёрдам бериши керак.

Кутубхоначи 7—9-синф ўқувчилари билан ишлаганда ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билиши керак. 13—15 ёшли ўқувчилар кўп нарсани тушунадилар, фикрлайдилар, муносабат билдирадидлар, ўз нуқтаи назарларини химоя қила оладилар. Энди улар ҳаётда ўз ўринларини излайдилар, ўзларида шаклланаётган ғоя ва қарашлар учун асос қидирадилар, чунки улар бу ёшда касб танлайдилар, бу эса мана шу хиссиётни янада ривожлантиради. Қизикаётган соҳалари ичидан биронтасига катта иштиёқ билан қараб, у билан кўпроқ шуғулланадилар. Агар олдинги ёш гуруҳларнинг қизиқишлари, севган машғулотлари хилма-хил бўлса, бу ёшга келиб, сеvimли машғулот анча қисқаради, лекин аниқлашади.

«Йирик бўлмаган шаҳарлар ҳаётида китоб ва ўқиш» деб номланган социологик тадқиқот маълумотларига қараганда 14 ёшли ўқувчилар орасида ўқишнинг роли пасайган. Бу айниқса, кутубхонага қатнаш ва улар талаби доирасининг қисқарганлигида кўринади. Бу асосан ўқувчиларнинг мактабдаги дарслари, ўзи танлаган, қизиққан машғулоти соҳаси билан кўпроқ машғул бўлиши билан боғлиқдир.

Бу ёшдаги китобхонларнинг фақат бир қисмигина кам ўқиб, фаоллиги пасайса, қолганларининг талаблари ривожланиб, чуқурлашиб, конкретлашиб боради. Севган машғулотларига доир илмий-оммабоп китобни ҳам тан-

либ ўқийдилар, бу эса уларнинг муайян соҳага қизиқишлари мустаҳкамлигини кўрсатади ва улар танламоқчи бўлган касблари билан ҳам боғлиқ бўлади.

Бадий адабиёт соҳасида улар поэзияга қизиқадилар, айниқса ундаги лирика ўзига тортади. Улар китоб қаҳрамонининг характери ни бутунлигича тушунадилар, айниқса катталар учун мўлжалланган китобларни олишга қизиқадилар. Бу соҳада қизлар ўғил болаларга нисбатан анча илгарилаб кетадилар. Улар «юракни тўлқинлантирувчи», «ҳамма нарса бор» бўлган романларни ўқишга киришадилар. Бу гуруҳ ўзининг мана шундай қарама-қарши томонлари билан ҳам улар ўқишига раҳбарлик қилувчилардан катта маҳорат билан ишлашни талаб қилади.

Кутубхоначи китобхонларнинг қизиқишларини шакллантириши ва ривожлантириши, улар ўқишга раҳбарлик қилиши, ўқиш доирасини кенгайтириши, ўқиш маданиятини тарбиялаши, умуман, ҳақиқий китобхонлар билан тил топишиб ишлаши лозим. Биз бу ерда алоҳида китобхон типларининг ўзига хос томонларинигина қисқача хулосаладик, холос. Кутубхоначи буни амалда ижодий равишда қўллаб, яна ўзига хос усуллар кашф этиши мумкин.

КИТОБХОН ЎҚИШНИ ИРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Болалар ўқишини сифатли равишда ташкил этиш ва уларни давр талабига жавоб бера оладиган кишилар қилиб тарбиялаш учун, аввало уларни ҳар томонлама ўрганиш лозим. Жамият тараққиётининг ниҳоятда илгарилаб кетиши, фан, техника, маориф ва маданиятнинг ривожланиши кишилар маънавий дунёсининг юксалишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Хусусан, ҳозирги ўқувчи ёки китобхон 60 — 70-йиллардаги тенгдошларидан фарқ қилди.

Ҳозирги давр мактабларининг умумий ўрта таълимга ўтиши ва ўқиладиган фанларнинг сон ва сифат жиҳатидан мукаммаллашиб бориши, ўқув жараёнида техник воситалардан кенг фойдаланилиши, оммавий ахборот воситалари — кино, телевидение ўқувчиларнинг кенг доирада билим олишлари учун имкон яратмоқда. Ўқувчилар олдида қўйилаётган юксак талаб улардан ўз билимлари-

ни мустақил равишда доимо ошириб боришни тақозо этмокда. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг кутубхонага нисбатан талаби кенг миқёсда ўсиб бормокда.

Ҳозир Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги кутубхонадан фойдаланади ва китоб ўқийди. Бу эса, ўз навбатида, бола шахсини шакллантирувчи, уни камолотга етиштирувчи том маънодаги ўқиш жараёни бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам, кутубхоначилар олдида турган асосий вазифалардан бири, болаларнинг китоб ўқиш сифатини кўтаришдан иборатдир.

Кўпинча юқори синф ўқувчилари ҳам мактаб дастуридан ташқари берилган, илмий-оммабоп, аниқ фанларга оид китобларни ўқимай, фантастик, детектив, саргузашт китоблар орқасидан қувадилар. Бадий адабиёт доимо ҳақиқий санъат асаридек қабул қилинмайди. Баъзи китобхонлар айрим мавзуга оид китобларнигина ўқиб, бошқа китобларга қизиқмайдилар. Шунинг учун ҳам, анча йиллардан бери кутубхонага аъзо бўлиб келган китобхонларда ҳам бирёқламалик, чегараланиб қолишлик ва китобга бўлган талабнинг ноаниқлиги сезилмокда. Бунга асосан китобхонларда ўқиш маданияти етарли даражада эмаслиги сабаб бўлмокда.

Китоб — билим манбаидир. Лекин мана шу китобдаги билимни ҳақиқатан ўқиб, тушуниб оладиган кишигина муайян маълумотга эга бўлади. Кўп китоб ўқийдиган айрим болалар ҳам энг яхши китобларни ўқий олмаслиги, ўқиш тартибсиз, вақтинчалик, зўрма-зўраки бўлиши мумкин. Болаларни ўқиш маданиятига аста-секинлик билан ўргатиш лозим. Ўқиш маданияти бу жуда катта тушунча бўлиб, у китобхонни китобни севишга, уни ўқиганда ёзувчи фикрини чуқур тушунишга, китоб моҳиятини тўғри баҳолай олишга ўргатади. Ўқиш маданияти болаларга бадий адабиётни тўғри тушуниб, ундан эстетик завқ олиш, илмий билим берувчи китоблар билан ишлаш, маълумот, библиографик ва ахборот материалларидан ўзини қизиқтирган нарсаларни топа олиш, умуман китоб ва кутубхонадан тўғри фойдаланиш йўлларини ўргатади. Бу тадбирларнинг амалда бажарилиши, шубҳасиз, болалар ўқишига, таълим ва тарбия жараёнига ижобий таъсир кўрсатади,

Китобхонларни ўрганиш, уларнинг қизиқиши ва ўзини хос хусусиятларини билиш ўқишга раҳбарлик қилишнинг сифатини янада оширади, шунинг учун ҳам, болалар ўқишини кутубхоналардан ташқари бошқа муассасалар ҳам ўрганадилар. Лекин болалар кутубхоналари ёш китобхонларга энг яқин турувчи воситачи бўлганлиги туфайли уларнинг асосий вазифаларидан бири ҳам болалар ўқишини ўрганишдир. Юқорида кўрсатилган муассасалар ҳамкорликда иш олиб борсагина, чиқарилган хулосалар ҳаққоний бўлади. Бу, биринчидан, кутубхоначиларнинг амалий фаолиятига катта ёрдам берса, иккинчидан, педагог ва илмий ходимларнинг мазкур соҳани янада чуқурроқ ўрганишларида асос бўлиб хизмат қилади.

Болалар кутубхонасида китобхонларни ўрганиш ҳар хил усулларда олиб борилса ҳам, қуйидаги принципларга асосланилади. Асосий принциплардан бири — ёш китобхонни ўрганишни унинг шахсини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш.

Аввало, кутубхоначи китобхоннинг шахсини ҳар томонлама, мақсадга мувофиқ равишда ўрганиши лозим. Лекин кутубхоначининг китобхонни доимо тўғридан-тўғри ўрганиши учун имконияти йўқ, чунки китобхон билан у бир ойда икки, уч марта учрашади. Шунинг учун ҳам, китобхонни ўрганишнинг барча формалари — китобхон формулярини таҳлил қилиш, суҳбат, кузатиш ва бошқалар биргаликда китобхон ҳақида тўлиқ маълумот бера оладиган бўлиши лозим.

Шундай қилиб, биз ёш китобхоннинг қизиқиши ва талабларини ўрганиш билан бирга унинг ўзини ҳам ўрганамиз. Зеро, китобхоннинг қизиқиши, талаби уни ўраб турган муҳит (оила, мактаб, ўртоқлари) билан муносабатини қўшиб ўрганишгина, у ҳақида тўлиқ маълумот беради. Шунда биз унинг ўқишини тўғри ташкил қилиб бу малаканинг тўғри шаклланишига ёрдам бера оламиз.

Иккинчи принцип, педагогик ва психологик хусусиятлардан келиб чиқадиган фикрлар ва хулосалар асосида ёш китобхонни ўрганиш билан бирга, унинг қизиқишларини тўғри йўлга солиб, янада ривожлантиришдан иборат.

ратдир. Китобхонларни ўрганиш ва улар ўқишига раҳбарлик қилиш масалалари билан таълим-тарбия ўртасида чегара бўлиши мумкин эмас. Чунки биз китобхонни билим ва тарбия берувчи кутубхона миқёсида ўрганамиз, шунинг учун кутубхонанинг вазифаси китобхонни ўқишига раҳбарлик қилиш ва бир вақтнинг ўзида уни китобхон сифатида тарбиялашдан иборат.

Учинчи принцип шунга асосланадики, болалар кутубхонасида китобхонни ўрганиш, болалар китобини илмий ва эстетик жиҳатдан ўрганиш билан узвий алоқада олиб борилади. Кутубхоначи болаларга аталган бадий, илмий-оммабоп китобларни яхши билиши, уни педагогик томондан таҳлил қила олиши керак. Кутубхоначи бу китобларни ўзининг мулоҳазаси ва хулосалари билангина баҳолаб қолмасдан, китобхоннинг ёш хусусияти, савияси ҳамда нуқтаи назарини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бу эса кутубхона ишини яхшилаш ва китобхонларни ўрганишнинг муҳим омилдир.

Болалар кутубхонасида ёш китобхонни ўрганар эканмиз, юқорида кўрсатилган принципларни бир-бири билан ўзаро боғлаган ҳолда олиб бориш лозим. Шу принципларни қўллашда, юқорида таъкидланганидек, китобхонларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинаши зарур.

Китобхонларни ўрганишни ўйлаб, режали равишда, бир мақсадга қаратиб тўғри ташкил этиш лозим. Аввало ўрганиш йўлини, сўнгра унга юклатилган вазифани аниқлаб, режа тузиб олиш керак.

Болалар ўқишини ўрганишнинг жуда кўп йўллари бўлиб, улар орқали бир қанча конкрет масалаларни ҳал қилиш мумкин. Шундай йўллардан бири — ўқишнинг мазмунини ва миқдорини ўрганишдир. Бунда китобнинг кўп ёки кам ўқилиши, ҳар хил ёшдаги ёки синфдаги ўқувчиларнинг китобга қанчалик мурожаат қилиши, уларнинг имконияти, муайян вақт ичида (бир ой, ярим йил, бир йил) қанча китоб ўқиши мумкинлиги каби масалаларни ҳал қилиш мумкин. Буларни ҳал қилиш китобхонлар томонидан севиб ўқиладиган китоб ва унинг муаллифлари, бадий адабиёт, илмий билим берувчи китоблар, вақтли матбуотни ўқувчи томонидан ўқилиши нисбати, китоб-

хон талабининг унинг ёшига, жинсига қараб ўсиб бориши динамикаси, мухитнинг уларнинг ўқишига таъсири ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Китобхонларни ўрганиш йўлларида яна бири ҳар хил ёшдаги китобхонлар томонидан бадиий адабиёт ёки илмий билим берувчи китоблардаги маълумотларни қабул қилишни ўрганишдир.

Бунда китобнинг болага таъсирини, у қайси қаҳрамон ва ҳодисаларни эслаб қолишини, китобнинг мазмуни ва ёзилишига бўлган муносабатини, китобдаги илмий билим берувчи материални қанчалик ўзлаштириб олганини ўрганиш мумкин. Бу ерда кутубхоначи ўз олдига яна ҳам аниқ масалани қўйиши, яъни болаларнинг бирон бир ёзувчининг асарига бўлган муносабатларини, бирон бир жанрдаги ёки мавзудаги (эртас, поэзия, фантастика, урушлар ҳақидаги) китобларнинг ўқиши ва ундаги материалнинг қабул қилинишини аниқлаши мумкин. Бу кутубхоначи учун қимматли маълумотлар беради. Жумладан, кутубхоначи болаларнинг китобга берадиган ўзига хос баҳоларини, муносабатларини аниқлаб олиш билан уларга энг қўл келадиган усул воситасида китоб тавсия этиш имкониятига эга бўлади.

Болалар ўқишини ўрганишда ҳар бир кутубхона ўзининг имкониятларини ҳисобга олиб амалий ишда ёрдам берадиган усулларни танлаб олиши зарур.

Белгиланган вазифа ва мақсадга қараб кутубхона алоҳида китобхонлар, бир гуруҳ китобхонлар ёки кутубхонанинг барча китобхонларининг ўқишини ўрганиши мумкин. Кутубхонада китобхонларни ўрганишнинг энг қийин томони шундаки, кутубхонанинг ҳар бир китобхонни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиши учун вақти етишмайди. Шунинг учун кутубхоначи ҳар бир китобхонни кўздан йўқотмасдан (бунга китобхоннинг формулярини мунтазам таҳлил қилиш ёрдам беради) кўпинча китобхонлар гуруҳини ўрганади.

Тўғри танланган китобхонлар гуруҳидан олинган хулосаларни шу ёшдаги ва жинсдаги китобхонларга татбиқ этиш мумкин. Асосан шундай китобхонлар гуруҳини танлаш керакки, кутубхоначи уларнинг ўқишидан доимо оғох

бўлиб туриши керак. Масалан, мактабда паст ўзлаштиришга эга бўлган ўқувчилар, тарбияси «қийин» бўлган болалар, кам ўқийдиганлар ёки дуч келган китобни ўқийдиган ўқувчилар ва х.к. Биринчи хил китобхонларни ўрганаётиб кутубхоначи ўз олдига китоб ва уни ўқиш орқали шу болалар томонидан мактабда ўтиладиган фан ва предметларни яхши ўзлаштиришга эришишни, иккинчи хилдаги ўқувчиларга тарбиявий аҳамиятга эга бўлган китобларни кўпроқ тавсия этишни ва уларни оммавий ишларга кўпроқ жалб қилишни мақсад қилиб олади.

Китобхонлар гуруҳини танлаб олар эканмиз, албатта уларнинг ёши ва жинсига, миллатига катта эътибор беришимиз лозим. Масалан, ўзбек тилида ўқийдиган 8-синф ўқувчиларини чет тилидаги китобларни қандай ўқиши ва тушунишини ўрганиш мактабда чет тили қандай ўргатилаётганини ва бунга шу ёшдаги ўқувчилар қандай иштиёқ билан киришганлигини аниқлаб беради.

Ҳозирги пайтда кўпгина кутубхоначилар гуруҳ танлашда қандайдир бир синфни, битта 5 ёки 6-синфни оладилар. Бизнингча бу усул ўзини оқламайди. Чунки синф — бу шаклланган бир коллективдир. Агар биз бир синфни текшириб, чиқарган хулосаларимизни бошқа худди шундай синфга татбиқ этсак, бу нотўғри хулосага олиб келиши мумкин. Агар синф текшириладиган бўлса, унда ҳар хил мактабдан 2 ёки 3 та синф танлаб олиниши лозим.

Ўрганиш учун камида 25—30 нафар ўқувчи олинади ва албатта уларнинг ярми қизлардан иборат бўлади. Вазифа белгиланиб, гуруҳ аниқланганидан сўнг ўрганиш усули танланади. Умуман, китобхонларни ўрганишда умумий ва махсус усуллардан фойдаланилади.

Умумий усуллар бошқа фан тармоқларида ҳам қўлланилиб, умумий характеристика беради. Умумий усуллар қўйидагилардан иборат: мантиқий, статистик усул, кузатиш, суҳбат, сўроқ, жамоа равишда мунозара қилиш ва тажрибадан иборат.

Статистик усул ёрдамида кутубхоналарда олиб борилаётган ишларнинг сон характеристикаси аниқланади. Керакли далиллар кутубхоначи кундалигидан, ҳисобот

на режалардан олинади. Бунда китобхонлар сони, берилган китоб, унинг ўқилиши, китобхонлар таркиби, ёши аниқланади. Кузатиш усули ёрдамида эса кутубхоначи китобхонни китоб танлаётганида, оммавий ишларда қатнашаётганида, китоб ўқиётганида (ўқув залида) бевосита ёки унинг формулярини, сўроқ қоғозини ва ҳ. к. ни билвосита кузатади ва хулоса чиқаради.

Сухбат усули орқали у китобхон фикрини, билимини, қобилиятини, қизиқишини, сўзлаб бериш маҳоратини билиб олади. Бу усулнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта.

Биргаликда мунозара қилиш усули орқали бирор бир долзарб масала ҳал қилинганда китобхоннинг фикри, унинг мулоҳазаси кузатилади. Бу айниқса китоб ҳақида мунозара, баҳс ўтказилганда ёрқин намоён бўлади. Мулоҳазаларни тўплаш усули кутубхона ва унинг иши, китоблар ҳақида китобхон мулоҳазасини, китобхон шахсини, ўқишини аниқлаб беради.

Сўроқ усули асосан сухбат, анкета ва интервьюдан иборат бўлади. Тажриба усули орқали китобхон янги вазиятга олиб кирилади ва кузатилади. Китобхонларнинг ўқишини ўрганишда кутубхонада қўлланиладиган махсус усуллар ҳам бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: ҳужжатларни таҳлил қилиш, яъни китобхон формуляри, талаб қоғози ва ўқиш кундалигининг таҳлили, болаларнинг китоб ҳақидаги мулоҳазаси, баҳс, китобхонлар конференцияси, китобхонларнинг китобдан олган таассуротлари, мавзу бўйича чизилган расмларни таҳлил қилиб чиқиш ва бошқалардан иборат.

Кутубхоначилар ўзларининг кундалик фаолиятларида шундай усуллардан фойдаланадиларки, у бир вақтда ҳам китобхонни ўрганади, ҳам унинг ўқишига раҳбарлик қиладди. Масалан, китобхон формуляри таҳлили, ўқилган китоб ҳақида сухбат, китобхон мулоҳазаларини таҳлил қилиш ва ҳоказо.

Китобхонларнинг ўқишини ўрганиш услубиятига қўйиладиган биринчи ва асосий талаб турли усуллардан биргаликда фойдаланишни тақозо этади. Чунки ҳар бир усул ўзининг ютуқ ва камчиликларига эга. Масалан, китобхон формуляри кутубхоначига ўқувчининг билим даражаси-

ни аниқлаб бера олмайди. Формулярни таҳлил қилиш орқали китобхон ўқишининг ўзига хос томонлари ҳақида тўлиқ маълумот ололмаймиз. Бундай ҳолда суҳбат ва кузатиш орқали китобхонни чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинади, шундагина китобхоннинг ўқиши ҳақида етарли маълумот оламиз.

Шунинг учун ҳам китобхон ўқишини ўрганишда барча усуллардан имкони борича тўлиқ фойдаланилади. Бунда қўйилган вазифа ва мақсадга қараб, қайсидир усуллар асосий ҳисобланади, қолганлари эса уни тўлдириб боради. Масалан, алоҳида бир китобхонни ўрганишда китобхон билан кутубхоначининг суҳбати, кузатув ва формуляр таҳлили асосий усуллар бўлиб ҳисобланади. Лекин шу китобхон ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун қўшимча усуллардан — китобхонни мунозарлада, эрталикларда, бадий кечаларда қатнашганлиги, у чизган расм ва ясаган асбоблари ҳақида маълумотларни ҳам эътиборга олиш лозим.

Суҳбат, талабни ҳисобга олиб бориш, интервью, анкета усулларини қўллаётганда ундаги оғзаки ва ёзма саволлар қисқа, тушунарли, китобхонларни қизиқтирдиган бўлса, олинган хулосалар ҳам аниқ ва тўғри бўлади. Асосий ва ёрдамчи усуллар аниқлангандан сўнг иш режаси тузилади, яъни қайси усулни қандай, қачон ва қанча вақт қўллаш кераклиги аниқланади. Бундан ташқари кутубхона бу иш билан қанча вақт шуғулланиши ва бунга кимлар жалб этилиши ҳам белгилаб қўйилади. Мана шу ўрганиш давридаги барча нарсалар ҳисобга олиниб, кундалик ёки кузатиш картотекасига ёзиб борилади. Албатта, олинган хулосалар китобхон формулярида ҳам қисқа акс этиши лозим. Олинган хулосаларни таҳлил қилиб, уни бошқа гуруҳ китобхонларга ҳам татбиқ этиш лозим, бунда албатта ўрганилган гуруҳнинг ёши, ўзига хос хусусиятига мос келадиган китобхонларгагина татбиқ этилади.

Кутубхоначи олинган хулосаларни педагог, тарбиячи нуқтаи назаридан туриб ҳал қилиши ва уни қўллаши яхши натижалар беради. Қуйида қўлланиладиган асосий усулларнинг ўзига хос томонлари ва уларни қўллаш йўлларини кўриб чиқамиз.

Китобхон формулярини таҳлил қилиш

Китобхон формуляри китобхон ҳамда кутубхоначи учун ниҳоятда зарур ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Доимо ижодий иш олиб борадиган тажрибали кутубхоначи китобхон формуляри орқали ўз китобхонининг ўқиётган барча китоблари, қизиқишлари, севган машғулотларидан хабардор бўлиб туради. Лекин формуляр расмиятчилик нуктаи назардан тўлатилса ёки таҳлил қилинса, бундай формуляр китобхонни ўрганиш ва ўқишига раҳбарлик қилишда унга ҳеч қандай ёрдам беролмайди.

Баъзи кутубхоналарда формулярда берилган бўлимлар тўлатилмайди, фақат китоб берилганлиги ҳақида маълумот ёзилади холос, шунинг учун бундай формулярларни таҳлил қилиб ҳам бўлмайди. Аввало кутубхоначининг ўзи шу формулярни яхши ўрганиб, у қандай мақсадни ва вазифаларни бажаришини билиб олиши лозим.

Китобхон формуляри муқовасидаги маълумотларни ҳисобга олмаганда, унинг ҳамма бўлимларини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси — китобхон ҳақида умумий маълумот берувчи, иккинчиси — китобхоннинг олган китоблари билан боғлиқ бўлган маълумотлар, учинчиси — кутубхоначининг белгисидан иборат.

Китобхон формулярининг бошида китобхон ҳақида маълумот тўпловчи саволлар мавжуд. Масалан, «Яна қайси кутубхоналарга аъзо?», «Мактабда севган предметлари», «Нималар ҳақида ўқишни ёқтиради», «Қандай тўғаракларга қатнашади», «Севган машғулоти» каби саволлар бўлиб, улар китобхон ҳақидагина эмас, унинг ўқиши, китобга муносабати ҳақида ҳам маълумотлар беради.

Кутубхоначи юқоридаги саволларга жавобни аниқ ёзиб олади. Ёзилган маълумотларнинг вақти белгилаб борилса, шу йиллар ичида китобхоннинг қизиқиши қандай ўзгариб, ўсиб борганлигини кўриш мумкин.

Китобхонларни ўрганишда формулярдаги «Китобхоннинг талаби», «Талабнинг сабаби», «Китобхоннинг китобга муносабати» бўлимлари кутубхоначига энг зарур маълумотларни беради. Формулярнинг «Талабнинг сабаби» бўлимини кутубхоначи доимо китобхон китоб ола-

ётганда тўлдириб бориши лозим. Бу бўлимдаги белгилар китобхоннинг дунёқараши ўсиб, кенгайиб бораётганини ва шу жумладан, кутубхонанинг китобхонга қандай таъсир кўрсатаётганини аниқлаб беради. Бунинг учун кутубхоначилар формулярга қисқартирилган белгилар қўйиб борадилар. Китобхоннинг талабига ўзи яшаётган муҳитдаги ҳар бир нарса таъсир этиши мумкин. Масалан, М. — мактаб, Ў. — ўқитувчи, К. — каталог, картотека, кутубхоначи, Ўр. — ўртоғи, О. — оила, ота-она, Р. — радио, ТВ — телевидение, Кф — кино, О. Ф. — очиқ фонд ва ҳ.к.

Кутубхоначи томонидан қўйилган мана шундай белгиларга асосан китобхон талабини шакллантирган моддий оламнинг таъсирини ўрганишимиз мумкин. Яъни, уни таҳлил қилиш орқали биз биринчидан, кутубхонада ўтказиладиган тадбирларнинг фойдасини ва унинг китобхонга қай даражада таъсир этганлигини; иккинчидан, ахборот-библиографик аппаратнинг кутубхонада тарғибот қилиниши ва унинг китобхонга таъсирини, учинчидан, уни ўраб турган муҳитдаги бошқа ахборот нуқталарини унинг ўқишига кўрсатаётган таъсирини билиб оламиз. Натижада китобхон ва унинг талаби ҳақида озми-кўпми фикрга эга бўламиз.

Кутубхоначи «китобхоннинг талаби»ни у қандай сўраса, шундайлигича ёзиб олиши лозим. Вақти-вақти билан мана шу талабнинг характерини таҳлил қилиб бориш китобхонларда ўқиш маданияти қандай таркиб топаётганлиги ҳақида маълумот беради.

Китобхонларнинг талаби ҳар хил бўлади. Масалан, те­матик (хайвонлар, боксчилар, артистлар ҳақида) ёки қай­фиятни белгиловчи (қизиқарли воқеалар ёки кўрқинчли девлар ҳақида ва ҳ.к.), ноаниқ (бирор нарса ҳақида) ва аниқ (китобнинг ёки муаллифнинг номи айтилади) бўлиши мум­кин. («Қачал ботир», деган китоб борми? Х. Тўхтабоевнинг китобини ўқувдим, яна бошқа китоблари ҳам борми? ва ҳ.к.). Шунинг учун талабни сўзма-сўз ёзиб бориш, биринчидан, китобхоннинг қизиқишлари, иккинчидан, кутубхонанинг китобхонлар қизиқишини ўстириш соҳасида олиб бораёт­ган ишларининг сифатини аниқлаб беради.

«Китобхоннинг китобга муносабати» ва «Китобхон талаби» бўлимларида ҳам китобхоннинг ҳар бир китобга бўлган муносабатини аниқлаш шарт эмас.

Кўпинча китобхон шу китоб ҳақидаги фикри, хаяжини кутубхоначи билан ўртоқлашади ёки суҳбат давомида китобга ўз муносабатини билдиради. Ўз навбатида кутубхоначи китобга бўлган муносабатини унинг формулярига ёзиб қўяди. Шунинг учун ҳам китобхон айтган сўзлар иложи борича шундайлигича формулярга ёзилиши лозим. Масалан, «Жуда қизиқ китоб экан. Хошимжон менинг ўртоғимга ўхшар экан» (4-синф ўқувчисининг Х. Тўхтабоевнинг «Сехрли қалпоқча» китобига муносабати) ёки «Лутфинисо ҳақиқий севги эгаси эди, уни разил одамлар ўлдиришди, нимага улар дунёда яшайди» (8-синф ўқувчисининг С. Аҳмаднинг «Қирқ беш кун» романи ҳақидаги фикри) ва х.к. Мана шундай ёзувлар китобхоннинг ички дунёсини, унинг интилишларини очиб беради.

Кутубхоначи китобхон билан ўқиган китоблари ҳақида суҳбат ўтказар экан, шу суҳбатнинг ҳаммасини формулярга ёза олмайди, бунинг учун жой ҳам йўқ. Шунинг учун бу суҳбатни кузатув дафтари ёки кузатув картотекасига ёзиб қўяди. Лекин суҳбат ўтказилганлиги ҳақида формулярга ёзиб қўяди.

Китобхон формулярининг «Кутубхоначининг белгиси» бўлимида умумлашган хулосалар, яъни китобхоннинг талаби, қизиқиши, ўқиш маданияти, шу китобхон билан кейинги вақтда қандай ишлаш кераклиги ҳақидаги фикрлар қисқа қилиб ёзиб қўйилади. Бундан ташқари, бу ерда ота-оналарнинг, ўқитувчиларнинг шу китобхон ҳақидаги фикрлари ҳам ёзилса мақсадга мувофиқ бўлади. Иложи борича кутубхонанинг ҳар бир китобхони формуляри орқасида шундай хулосалар бўлиши зарур. Шундай қилинганда нотаниш кутубхоначи ҳам шу белгилар асосида унинг ўқишига раҳбарлик қилиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам китобхон ҳақида ҳақиқий маълумотларга эга бўлиш учун формулярдаги ҳамма бўлимларни биргаликда таҳлил қилиш ва уларнинг ўртасидаги боғ-

ликликни аниқлаш керак. Шошма-шошарлик билан қилинган таҳлил ёки белгилар ҳеч қандай натижа бермай, нотўғри йўлга солиб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳам китобхон формулярини тўлғазишга ва уни таҳлил қилишга диққат билан ёндашиш лозим.

Китобхонларнинг талаби ва уни таҳлил қилиш

Китобхонлар талабини ўрганиш — болаларнинг китобга бўлган талабини, ўқишнинг мазмунини, кўплаб сўраладиган китобларнинг мавзуларини, муаллифларини аниқлаб бериш билан бирга, китобхонлар талабига таъсир этаётган муҳит, оммавий ахборот коммуникациялари, кутубхона фондини тўлдириш сифати ва кутубхоначи болаларнинг ўқишига қандай раҳбарлик қилаётгани ҳақида маълумотлар беради.

Китобхонлар талабини ўрганиш кутубхоначининг кундалик фаолиятини текшириб бориш, китоб фонди таркибини яхшилаш, эсдан чиқиб қолган китобларни қайтадан ўқилишига эришиш, китобхонлар нималарга қизиқаётганлигини билиш ва умуман, кутубхона ишини китобхонлар талаби асосида олдиндан режалаштириш имконини беради.

Китобхонлар талаби икки йўл билан ҳисобга олиб борилади. Биринчиси, кутубхоначи уларнинг сўроғини махсус тайёрланган бланкага (кутубхоначининг ўзи тайёрлаган саволлар асосида) ёзиб боради. Бунга албатта кутубхона номи, абонемент рақами, китобнинг муаллифи ва номи, китобхон ҳақидаги (жинси, ёши, синфи, отасининг касби) маълумот ва шу китоб сўралган вақт, йил ёзилган бўлиши керак. Агар бу ишга кутубхоначининг вақти етмаса, иккинчи йўлдан фойдаланилади. Яъни китобхоннинг ўзи шу бланкани тўлдиради ва махсус ажратилган ерга қўяди.

Китобхонларнинг талабини таҳлил қилиш кутубхона ўз олдига қўйган вазифаларга боғлиқ ҳолда ҳар хил йўллار билан олиб борилиши мумкин.

Кутубхоначи 7-синф ўқувчиларининг китобга бўлган талабини ўрганиш учун қуйидаги талаб карточкасини

ишлатиши мумкин. Карточкага шу синф ўқувчилари талаб қилган матбуот асарларининг хили, жанри, мавзуи ёзиб борилади. Карточкада талаб ва унинг сабаби сўзма-сўз ёзилади. Қуйидаги карточка талабларни бир тартибга солишга, унинг бажарилган ёки бажарилмаганлигини аниқлашга ёрдам беради.

ТАЛАБНИ ҲИСОБГА ОЛИШ КАРТОЧКАСИ

Кутубхона _____ абон. ёки ўқув зали _____

1. Китобхоннинг талаби (сўзма-сўз) _____
2. Очиқ китоб фондидан танлаб олинган китоб _____
3. Танланган китобнинг ёки талабнинг сабаби (агар китобни китобхон мустақил танлаб олган бўлса) _____
4. Талабнинг бажарилмаганлиги сабаби _____

5. Китобхон ҳақида маълумот: китобхон формуляри № қиз бола, ўғил бола _____

6. Карточка тўлдирилган ой, йил _____

Ҳамма материаллар алоҳида картотекада тупланadi. Ҳисобга олиб бориш аниқ, мақсадга мувофиқ, тўлиқ бўлиши учун алоҳида бир муддат, яъни «Ҳисобга олиш ҳафта-си» белгиланади. Бу муддатда ҳамма 7-синф ўқувчиларининг талаби иложи борича ҳисобга олинади.

Китоб очиқ китоб фондидан, кўргазмадан ёки бошқа ахборот коммуникациялари таъсирида олинган тақдирда, кутубхоначи китобхон нима учун шу китобни танлаб олганлигини, унинг талабини шакллантирган объектив ва субъектив омилларни аниқлайди. Сўнгра кутубхоначи аниқ ва ноаниқ талаблар борлигини аниқлайди ва таққослайди, талабларнинг характериға таъсир этаётган омилларни фоиз ҳисобида ҳисоблаб чиқади. Натижада китобхоннинг талабига қайси бир омил таъсир этаётганлигини, илмий-оммабоп китобларға бўлган қизиқишни, алоҳида китобларға бўлган талабларни, китобхонлар талабининг қондирилишини ва бошқаларни аниқлаш имкониятиға эға бўлади. Кутубхоначи мана шу маълумотларни таҳлил қилиш билан ўзини болалар ўқишиға қандай раҳбарлик қилаётганини, библиографик билимларни қандай тарғиб қилинаётганлигини, китоб фондининг сифа-

тини ва ҳоказоларни аниқлайди. Натижада келгусида қилинадиган ишларни белгилаб олади. Чиқарилган хулосалар кутубхоначилар учунгина эмас, балки болалар билан шуғулланувчи бошқа мутахассислар учун ҳам қимматли маълумотлар беради.

Кутубхонада кузатиш ва суҳбат усулини қўллаш. Кузатиш ва суҳбат — китобларни чуқурроқ ўрганиш усули бўлиб, кутубхоначи ўзининг кундалик ишида китобхонлар билан яккама-якка иш олиб борганда доимо шу усулдан фойдаланади.

Кутубхонада китобхонни доимий равишда — китоб жавонидан китоб танлаётганда, ҳикоя ёки ифодали ўқишни тинглаётганда, ўқув залида китоб, газета, журнал ўқиётганда, оммавий тадбирларда қатнашаётганда кузатиб борилади. Бу эса кутубхоначига китобхоннинг ўзи айта олмайдиган маълумотларни беради, унга йўл-йўриқ кўрсатади ва шу китобхон билан якка ҳолда ишлашда нималарга эътибор бериш кераклигини аниқлаб беради. Бунга кутубхоначининг китобхон, унинг ота-онаси, ўқитувчилари билан қилинган суҳбат қўшилса, янада мақсадга мувофиқ бўлади. Китобхонларни кузатиш жараёнида уларни китобда ҳикоя қилинаётган, овоз чиқариб ўқиляётган материалга бўлган муносабатини ёзиб бориш лозим.

Кутубхоначи китобхонларни китоб танлаш, ундаги расмларни кўриш ёки ўқувчилар китобни бир-бирига тавсия этаётган пайтда улар айтган сўзларни билдирмасдан ёзиб олади, бу анча табиий чиқади. Мана шу усул билан кутубхоначи, китоб тавсиясининг ўқувчиларга мос келадиган йўллари топиб олади.

Китобхонларнинг ўқишини ўрганишда ва улар билан якка тартибда ишлашда энг самарали усуллардан бири суҳбатдир, бу кутубхоначи ва китобхон ўртасидаги қурук савол ва жавоб бўлмай, балки тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасида китоблар ҳақида қизиқарли, мароқли фикр алмашув воситасидир.

Одатда кутубхоналарда суҳбатнинг қуйидаги уч хилдан фойдаланилади:

1) ўқувчини кутубхонага аъзо қилиш давридаги танишув суҳбати; 2) тавсиявий суҳбат; 3) ўқилган китоблар ҳақидаги суҳбат.

Сухбатнинг бу уч хили ўзаро бир-биридан фарқ қилади ва шу билан бирга китобхоннинг ёшига, ўзига хос хусусиятига, қобилиятига, ўқиш техникасига қараб ҳам ҳар хил бўлади.

Ўқувчини кутубхонага аъзо қилиш давридаги сухбат унинг китобхонлик фаолиятини бошланишида катта роль ўйнайди. Кутубхоначи болани кутубхонага аъзо қилиб олар экан, у билан мулојим муносабатда бўлади ва қизиқарли сухбат ўтказди. Шу сухбат давомида боланинг фамилияси, исми, ўқийдиган мактаби, синфи, ота-онасининг ишлаш жойи ва бошқаларни ёзиб олади. Бундан ташқари кутубхоначи боладан ўзи учун муҳим бўлган қандай китоблар ўқиганини, нималар унга ёқишини, уйда қандай китоблар борлигини, мактабда қайси фанларни яхши кўришини ҳам сўраб билиб олади.

Кутубхоначи маълумотларни сўраб, уни формулярга ёзиб олгандан сўнг китобхонни кутубхонанинг ишлаш вақти, китобни сақлаш ва ўқиш қоидалари билан таништиради. Шу билан бирга бу ердаги ҳар хил қизиқарли китоблар, китоб кўргазмалари, расмли картотекалар билан таништиради, китобхонни иложи борича кутубхонага қизиқтиришга ҳаракат қилади. Бундай сухбат кўпинча ёш болалар билан олиб борилади, чунки улар 6—7 ёшда ноқ болалар ёки мактаб кутубхоналарига аъзо бўла бошлайдилар.

6—7 ёшдаги китобхонлар кўпинча бегона киши олдида уялиб гапиришга ийманадилар, шунинг учун ҳам бу ёшда кутубхонага аъзо бўлиш даврида ота-оналар, ўқитувчилар иштирок этсалар, болалар ҳақида кутубхоначи кўпроқ маълумотга эга бўлади ва кейин олиб бориладиган ишларда ҳам ҳамкорлик давом эттирилади. Бола билан сухбат бошлаганда уни қийнайдиган ҳар хил саволлар берилса, бола ҳадиксирайди, шунинг учун ҳам саволлар қисқа, лўнда ва қизиқарли бўлиши билан боланинг ўзини кўпроқ гапиришга имконият яратадиган бўлиши керак.

Китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилишда тавсиявий ва ўқилган китоблар ҳақидаги сухбат катта аҳамиятга эга. Тавсиявий сухбат болага китоб танлашда ёрдам беришни, китобга қизиқиш уйғотишни, ўқишга йўлланма

беришни мақсад қилиб қўяди. Одатда тавсиявий суҳбат китобхоннинг сўроқ мотивига қараб ҳар хил равишда олиб борилади.

Кутубхоначи иложи борича ҳар қандай сўроққа жавобан тавсия суҳбати ўтказади, китобхонга мос келадиган китобларни тавсия этади. Бунда, албатта, кутубхонадаги турли тавсиявий воситалар — кутубхона плакати, китоб кўргазмалари, расмли картотекалардан фойдаланиб, китобхон диққатини жалб этади ва қизиқарли сўзлаб бериш орқали уларни китобга бўлган қизиқишини орттиради. Тавсиявий суҳбатнинг қиммати шундаки, у китобхонни тартибли равишда кўпроқ китоб ўқишга, унинг ўқиш доирасини кенгайтиришга, мустақил китоб танлаш ва уни ўқиш маҳоратини ошишига олиб келади.

Баъзи китобхонлар китобни тез ва кўп ўқийдилар, баъзилари мазмунини тўлиқ айтиб бера олмайдилар, баъзилари китобнинг муаллифи ва сарлавҳасига аҳамият бермайдилар. Биринчи хил китобхонлар билан китобни ўқиш маданияти ҳақида суҳбат уюштирилса, иккинчилари билан ўқиганда нималарга кўпроқ эътибор беришни, учинчилари билан эса, шу муаллиф ва унинг бошқа қизиқ китоблари ҳақида суҳбат олиб борилади.

Кутубхоначи китобхон билан китоб алмаштираётган даврда суҳбатлашар экан, у доимо китобхоннинг ёши, руҳий кайфияти ва бошқа сабабларни эътиборга олади ва қуйидаги қоидаларга амал қилади:

1. Суҳбат китобхон қизиқишига монанд бўлиши керак, агар шундай бўлмаса, китоб тавсияси ва кутубхоначининг маслаҳати зўрма-зўраки, фамхўрлиги кераксиз бўлиб қолади.

2. Суҳбат доимо бирор мақсадга қаратилган бўлиб, китобхоннинг ўқишини такомиллаштиришга ёрдам бериши лозим. Ўқувчини суҳбатлашишга мажбур қилмасдан, унда суҳбатлашишга мойиллик уйғотиш керак.

3. Тавсия этилаётган материалнинг тўлиқ мазмунини айтиб бермаслик лозим, унда китобхоннинг материалга бўлган қизиқиши йўқолади.

4. Тавсия этилаётган материалнинг қисқа, ифодали, қизиқарли қилиб баён этилиши китобга бўлган қизиқишни орттиради.

5. Китоб ҳақида суҳбатлашаётганда китобни кўрсатиш, унинг муаллифи, расмлари, баъзи жойларидан ўқиб бериш ҳам мумкин, бу эса суҳбатни жонли ўтишига ёрдам беради.

Кутубхонада ўтказилаётган суҳбат китобхонларнинг ёшига қараб ўзгариб боради. Кўпинча мактабгача тарбия ёшидаги болалар ёки биринчи синф ўқувчиси бирор нарса ҳақида ёки қизиқроқ китоб беришни сўрайди. Тажрибали кутубхоначи бундай китобхонга қўлга тушган биринчи китобни тавсия қилмайди. У аввало, формулярни кўриб чиқади, қандай китоблар уни қизиқтирганини, ҳайрон қолдирганини, тарбиячи ёки ўқитувчи қандай қизиқ нарсалар ҳақида гапирганини у билан биргаликда эслайди, шундан сўнг қизиқишига асосланиб, унга мос келадиган китобни тавсия этади.

Буни назарда тутиб кутубхоначи китобхон билан суҳбатни «Китобда нималар баён қилинган экан?» деган умумий саволдан эмас, балки китобдан унинг учун энг қизиқарли нарса нималигини сўрашдан бошлайди ва аста-секин ундан китобни қанчалик тушунганини билиб олади. Зарур бўлган тақдирда унга муаллиф фикрини англашга, қаҳрамон характерини тушунишига ёрдам беради, муҳим эпизодни китобхон билан биргаликда ўқийди, берилган расмларни кўриб чиқади, китобхонга асар ғоясини тушунтиришга ёрдам берувчи суҳбатни давом эттиради.

Кутубхоначи китобхонларнинг ўзига хос хусусияти, ўқиш ва тушуниш малакасига қараб суҳбатлашаётганда ўз олдига турли вазифаларни қўяди. Масалан, китобни бўшроқ ўқийдиган боланинг китобни охиригача ўқиган ёки ўқимагани билан қизиқса, диққатсиз ва эътиборсиз ўқийдиганлар билан китобни тушуниб ўқиш ҳақида суҳбатлашиб, унинг эстетик қийматини очиб берувчи ҳаяжонли эпизодларни, воқеа ва ҳодисаларни мароқли қилиб ўқиб беради.

Кутубхоначи китоб тавсия этар экан, китобхонларга мустақил равишда китоб танлаш малакасини ҳам сингдириб боради. Шунинг учун китоб жавонларида китобларнинг жойлашиши ва уни топиш йўллари ҳақида, кутубхонанинг каталог ва картотекалари, ҳар хил мавзулардаги тавсиявий библиографик кўрсаткичлар ва улар билан

ишлаш ҳақида гапириб беради. Кутубхоначи айниқса, илмий билим берувчи китобларни танлаш ва унинг ўқилишига эътибор бериб ёш китобхонларни келгусида мураккаброқ китобларни ўқишга тайёрлаб боради.

Китобхонларнинг ёш хусусиятида катта фарқ бўлгани каби уларнинг китоб ўқиши, уни тушуниши ва унга муносабатида ҳам катта фарқ сезилади. Бундан ташқари ҳар бир китобхоннинг ўзига хос томони, характери, қизиқиши мавжуд бўлиб, кутубхоначи суҳбат давомида буларни тезда илғаб олиши лозим.

Кутубхоначи 4—6- синф ўқувчилари билан яқка ҳолда ишлаганда, бу ёшдаги китобхонларнинг биологик ривожланиш жараёни ва улардаги ўзгаришларни, шу ёшнинг ўзига хос қайсарликларини, зиддиятларини ҳисобга олади. Бундан ташқари китобхонларнинг китобга бўлган талаблари ва уни келтириб чиқарадиган омилларни яхши билган кутубхоначигина ўсмирларга яхши маслаҳатчи бўла олади. Бу ёшда кичик ёшдагиларга хос бўлган очиқлик ва ишонувчанлик аста-секин пасаяди, улар фақат ишонган ва ҳурмат қилган кишилари билан бемалол суҳбатлашадилар. Шунинг учун кутубхоначи шу ёшдаги китобхонлар билан суҳбатлашганда ўзига хос хусусиятлардан маҳорат билан фойдаланиши лозим. Суҳбат давомида саволларнинг характери ҳам ўзгариб боради. Энди китобхонни китоб қахрамони ва унинг хатти-ҳаракати эмас, балки ёзувчи яратган образ ҳақиқатга қай даражада яқинлиги, асарнинг тили, воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланиши, ёзувчининг фикри ва бошқалар кўпроқ қизиқтиради.

Шу ҳолатни ҳисобга олган саволлар китобхоннинг шахси, кайфияти ва китобнинг хусусиятидан келиб чиқади.

Китобхонни қандай бўлмасин муносабат билдиришга, жавоб топишга, фикр билдиришга ундаш, китобнинг мазмунини, ғоясини яхшироқ тушунишга, изланишга ундаги нарсаларни ҳаётдаги воқеалар билан таққослаб, ҳулоса чиқаришга ўргатиш лозим. Ўқилган китоб ҳақидаги суҳбат китобхонни имтиҳон қилишга айланиб кетмаслиги зарур. Акс ҳолда қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди, балки китобхонни кутубхонадан бездиради. Суҳбат

китобхонга кейинчалик ҳар хил мавзуларга оид китоб ўқиганда нималарга эътибор бериш кераклигини англашга, шунингдек, китобни малакали ўқиб чуқурроқ билим олишига ёрдам бериши лозим.

Кутубхоначи суҳбат орқали китобхонларни кўпроқ ўқишга даъват қилиш билан бирга ўзининг билими ва малакасини ҳам ошириб боришга ҳаракат қилади. Жумладан, у қайси ёшдаги китобхонларга қандай китобларни тавсия этиш лозимлигини, ҳар хил фан соҳаларига оид ва бадий китобларни тарғиб қилиш йўллари билибгина қолмай, шу китобларнинг тарбиявий таъсирини педагогика ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан баҳолай олиш маҳоратига ҳам эга бўлиши лозим.

Масалан, юқори синф ўқувчиларига мумтоз адабиёт намуналарини ўқишни тавсия этиш учун кутубхоначи шу адабиётни яхши билиши лозим, чунки бу ёшдаги китобхонлар мумтоз адабиётни мактаб дастури бўйича ўрганадилар, кўплари фақат хрестоматияда берилган парчаларни ўқиш билангина чекланадилар. Бунга мазкур асарларнинг мазмуни, сўз ва тушунчаларнинг ўша даврга хослиги ва ҳозирги кундаги мактаб ўқувчисининг ҳаётидан анча узоқлиги сабаб бўлади. Натижада ўқувчилар бу адабиёт ва унинг улкан вакиллари ҳақида узуқ-юлуқ маълумотга эга бўлиб қоладилар. Шунинг учун адабиёт ўқитувчисининг дарси ва кутубхоначининг малакали суҳбати ўқувчи — китобхонларга мумтоз адабиёт соҳасида чуқур билим олиш имкониятини яратиши лозим. Бадий адабиёт ва илмий билим берувчи китоблар ҳақида ўтказиладиган суҳбат бир-биридан анча фарқ қилади. Илмий билим берувчи китоблар ҳақида ўтказиладиган суҳбатда китобхоннинг билим даражаси, имконияти, мактабда ўқиши ва предметларни ўзлаштириши каби омиллар ҳисобга олинади. Кутубхоначи ва китобхонлар ўртасида бу соҳада ўтказилган суҳбат мана шундай китоблардаги материалларни яхши тушунишга, мактабдаги предметларни дуруст ўзлаштиришга ва бу соҳадаги китобларнинг кўпроқ ўқилишига ёрдам беради. Кутубхоначи ҳар хил китобларга оид суҳбат ўтказар экан, китобхонларни ҳар хил соҳаларга оид китоблар ўқишга ундайди, улар ўқишини бир тартибга солиб боради, яъни ўқишга раҳбарлик қилади.

Кутубхонада кўлланиладиган оммавий сўроқ усуллари Анкета ва интервью

Бу усулда жуда кўп китобхонлар иштирок этади ва жуда кўп маълумотлар йиғилади. Бу усулларнинг қулай томони шундаки, унда кутубхоначи кўп вақт сарфламай, керакли бўлган маълумотларни аниқлаб олади. Анкета ёзма шаклда олиб борилса, интервью оғзаки шаклда олиб борилади. Буларнинг бир-биридан устунлиги ва камчиликлари ҳам бор.

Анкетага китобхон ўз фикрини бир ерга тўплаб, ўз холича, яъни яқка сўроқларга жавоб беради ва табиий чиқади, лекин кутубхоначи уни кўрмайди. Интервьюда кутубхоначи савол бериш билан бирга жавоб бераётганда китобхонни кузатади. Аммо ўқувчи саволларга бирданига, ўзи ўйлаганича жавоб бермаслиги ёки уялиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларни қандай ва қайси ҳолатларда кўллашни кутубхоначи яхши ўйлаб ҳал қилиши лозим.

Кутубхоначи анкета ва интервью саволларини тайёрлашдан олдин уларни қандай мақсадда ишлатилишини аниқлаб олади ҳамда белгиланган мақсад ва вазифага қараб саволлар тузади. Одатда бошқа йўллар билан жавоб олиб бўлмайдиган саволлар анкета ва интервьюда берилиши мумкин.

Мана шунинг учун ҳам саволлар ўйлаб, китобхонни қизиқтирадиган, уни ўйлатадиган ва иложи борица ҳақиқий жавоб берадиган қилиб тузилиши лозим. Шундангина биз китобхонни тўлқинлантирган масалаларга тўғри жавоб ола биламиз. Кутубхонада 7-синф ўқувчилари нималарга, қандай мавзуларга қизиқишини, мактабда қандай предметларни яхши кўришини, қанчалик кўп китоб ўқишини ўрганилмоқчи бўлинса, қуйидаги анкетадан фойдаланиш мумкин. Бу анкета албатта кутубхонда тарқатилади ва китобхонлардан тўлиқ ва аниқ жавоб бериш илтимос қилинади.

АНКЕТА

1. Сени мактабдаги ўқув предметларидан қайси бири биринчи навбатда қизиқтиради? _____

2. Сени нима учун шу предметлар қизиқтиради? Ким бўлишни хоҳлайсан? _____

3. Техника ва табиатшуносликка оид оммабоп китобларни ўқийсанми? _____

Қандай китоблар ўқиганингни айтиб бера оласанми? _____

4. Спортнинг қайси турига қизиқасан? Ўзинг қайси тури билан шугулланасан? _____

5. Қандай жамоат ишини олиб борасан ва шу соҳага оид китобларни ўқишни ёқтирасанми? _____

6. Қандай бадиий адабиётни ўқишни севасан (тарихий, фантастик, буюк кашфиётлар, замондошларимиз, ажойиб кишилар ҳаёти ҳақида ва яна қандай), ёзиб қўй. _____

Биринчи навбатда севиб ўқийдиганларингни бир марта, қолганларини икки марта чизиб қўй _____

7. Шеърларни ўқийсанми? Ҳозирги замон шоирларининг қайси китоблари сенга ёқади? _____

8. Охирги йили ўқиган китобларингни айтиб бера оласанми? Иложи бўлса муаллифи ва китобнинг номини ёз _____

9. Қайси китобларни икки марта ўқиб чиқдинг? _____

10. Қайси китобларга ўхшаган китобларни яна ўқишни истайсан? _____

11. Кутубхонада қандай китоблар кўп бўлишини хоҳлайсан? _____

Юқорида айтиб ўтганимиздек кутубхона ўз олдига қўйган мақсадига қараб анкета саволларини тузади.

Кутубхонада каталог ва картотекалар, библиографик қўлланмалар, ўтказилаётган оммавий ишлар китобхоннинг ўқишига қандай ёрдам бераётганини ўрганиш учун ҳам анкетадан фойдаланиш мумкин.

Кутубхонада алоҳида ёшдаги китобхонларнинг қизиқишларини, ўқилишининг мазмунини, тушуниш қобилиятини ўрганиш учун «ўзлари тасаввур қиладиган вазиятга» олиб кирувчи саволлардан тузилган анкета ёки интервьюни қўллаш мумкин. Қўйидаги саволлар китобхонни қаҳрамон ҳолатига киришга мажбур этади:

1. Сен ўқиган китоблардаги қайси қаҳрамон сенга ёқади? Тасвирлаб бера оласанми?

2. Сенга китоб ёзиш таклиф этилса нима ҳақида ёзган бўлардинг?

3. Синфинг ёшинг қиз бола ўғил бола

Бундай саволларга берилган жавоб одатда китобхоннинг ички дунёсини, китобга ва унинг қаҳрамонига бўлган муносабатини, маънавий камолотини кўрсатиб беради.

Анкетага китобхонлар ўйлаб, фикрни бир жойга тўплаб жавоб берсалар, интервьюда дарҳол жавоб беришга тўғри келади. Интервью кўпинча кичик ёшдаги ўқувчилар ўртасида оммалашган. Иложи бўлса уни магнитофон лентасига ёзиб олиш керак. Интервью китоб алмаштираётган вақтда, мунозара, гуруҳли суҳбат, суҳбат-обзор ўтказилаётган даврада олиб борилади.

Ўқувчиларнинг қандай китоблар ўқишини, китобдаги қайси қаҳрамонларни севишини, ўқиганини қандай тушунганлигини билиш учун уларга қуйидаги саволлар билан муурожаат қилиш мумкин:

1. Сен кимсасиз оролга тушиб қолсанг ўқиган китобларингдаги қайси қаҳрамонларни ёрдамга чақирар эдинг. Нима учун?

2. Сен «сирли қалпоқча» топиб олсанг нима қилган бўлардинг?

Бундай саволларга берилган жавоблар жуда хилма-хил бўлади ва шу билан бирга муайян ёшдаги ўқувчиларнинг ўқиши, фантазияси, тушуниш имкониятларини аниқлаб беради.

Анкета ва интервьюдан олинган маълумотлар албатта бошқа усуллар билан олинган маълумотлар билан биргаликда таққосланган ҳолда хулосаланиши лозим. Баъзида ўзи ҳеч нарсани ўқимайдиган ўқувчилар анкета саволларига баландпарвоз жавоблар ёзишлари мумкин, буни формулярни таҳлил қилганда сезиш мумкин. Ёки интервьюда шошиб, уялиб жавоб бера олмаган ўқувчи кўп ўқиган, доно, қобилиятли бўлиши мумкин.

Китобхонлар ўқишини ўрганишда кутубхона, мактаб, ота-оналар биргаликда иштирок этсалар, жуда яхши на-

тижаларга эришиш мумкин. Мактаб кутубхонаси ўқитувчилар ва ота-оналар болаларнинг ўқишига қандай раҳбарлик қилаётганликларини билиш учун қуйидаги анкетадан фойдаланиши мумкин.

1. Сизнинг оилангизда китоб, журнал, газета болалар билан бирга овоз чиқариб ўқиладими? Марҳамат қилиб эслангчи, қайси китоб ёки мақолани овоз чиқариб ўқидингиз?

2. Ўқилган китоблар ҳақида болалар билан суҳбатлашасизми? Марҳамат қилиб эсланг-чи, қандай китоблар ҳақида суҳбатлашдингиз?

3. Болага қандай китобларни ўқишни маслаҳат бера-сиз? Маслаҳат берган ёки тавсия қилган китобларингиздан бир-иккитасини айта олмайсизми?

4. Қандай китобларни ўқишга руҳсат бермайсиз?

5. Болалар ўқишига раҳбарлик қилишни оилада олиб бориш керакми ёки бу масала билан мактаб ва кутубхона шуғулланиши керакми? Сизнинг фикрингиз?

6. Бола қандай китобларни бошқа китобларга нисба-тан кўпроқ севиб ўқишини биласизми? Агар билсангиз бир-иккитасини айтинг?

7. Сизнингча болаларга қандай китоблар етишмайди? Қайси китобларни тез ва кўпроқ нашр этиш керак.

Анкетани тарқатишдан олдин ўқитувчилар кенгаши-да, ота-оналар мажлисида у ҳақда батафсил тушунтириш ишлари олиб борилади. Саволларга тўғри ва аниқ жавоб бериш таъкидланади. Бу билан улар болалар ўқишини яхшилашга ўз хиссаларини қўшишлари тушунтирилади. Бундан ташқари шу саволлар асосида интервьюлар оли-нади, суҳбатлар ўтказилади сўнгра яқунланади. Бундан мақсад ўқитувчи ва ота-оналарнинг болалар ҳаётига оид китобларга ва унинг ўқишига муносабатини, оилада бо-лалар ўқишига раҳбарлик қилишнинг аҳволини ва улар-нинг болалар китоблари билан қанчалик танишликлари-ни билишдан иборат.

Шундай қилиб ўқувчиларнинг ўқишини ўрганишда хилма-хил усуллардан фойдаланишдан ташқари кутубхо-налар, оила болалар китоблари билан қанчалик таъмин-ланганлиги, мазкур китоблар қанчалик тарқалганлиги ҳам

ҳисобга олинади. Бундан ташқари китоблар ҳақида ахборот берадиган муассасаларни бола ўқишига таъсири, нашр қилинган китоблар қанчалик ўқиладиганлиги ҳам аниқланади. Олинган хулосалар ўқитувчилар, кутубхоначилар, ёзувчилар, ноширлар ва умуман болалар ўқиши билан шуғулланувчиларга қимматли маълумотлар беради ва кейинги ишларида нималарга эътибор бериш кераклигини аниқлаб олишларига ёрдам беради.

Биз бу бобда кутубхонада китобхонларни ўрганишда қўлланиладиган асосий усулларни ёритиб беришга ҳаркат қилдик.

Юқорида кўп марта таъкидланганидек, ҳар бир кутубхона бу усуллардан ўз фаолиятига қараб, унга ижодий ёндошиб, баъзи жойларини ўзгартириб, кўшиб фойдаланиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, зикр этилган усуллар ҳар қандай катта ёки кичик вазифани ҳал қилишда биргаликда, узвий алоқада, бир-бирини тўлдириб, текшириб бориш тартибида қўлланиши лозим. Шундагина олдимизга қўйилган мақсад — ёшларни маънавий тарбиялаш, уларда ҳақиқий ўқиш маданиятини таркиб топтиришга эришамиз.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Болаларнинг ўзига хос қандай хусусиятлари бор?
2. Нима учун кутубхоначи уларни билиши керак?
3. Ушбу хусусиятлар ўқишга қандай таъсир кўрсатади?
4. Болалар ўқишини ўрганиш зарурми? Нима учун?
5. Қайси усул сизга маъқул ва нима учун?

КИТОБ ТАРҒИБОТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

АЛОҲИДА КИТОБХОНЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Бир хил китоб ўқиган ҳар бир китобхон уни ҳар хил тушунади ва уни ҳар хил қабул қилади. Ёш китобхонларнинг ўқиши турли хил бўлади. Шунинг учун кутубхоначи уларнинг ёш хусусияти, қизиқиши, имкониятини ҳисобга олиб улар билан яққа ҳолда ишлаши ва уларга ёрдам бериши лозим. Кутубхоначи китобнинг болага қандай таъсир этганини ўқув залида ёки абонементда китоб алмаштириш мобайнида суҳбат ўтказиш орқали билиб олади. Китобхоннинг ўқиши китобдаги хилма-хил образли воқеа ва ҳодисаларни хотирасига жойлаштириб олишда катта имконият яратади.

Болаларнинг кўз олдида кутубхоначи китобларни яхши биладиган, унинг қизиқ жойларини гапириб бера оладиган, маслаҳатчи бўлиб гавдаланиши лозим. Кутубхоначининг тарбиявий роли биринчи марта келган китобхон билан қилинадиган суҳбатга боғлиқдир.

Кутубхонага келган ёш китобхон билан қилинадиган суҳбатнинг аҳамияти шундаки, ёш китобхон кутубхона билан танишибгина қолмай, унинг қонун-қоидаларини ҳам билиб олади. Китобхон кутубхонага аъзо бўлганидан сўнг ўзига ёққан китобни сўраб олиши мумкин. У олган китобига жавоб беради ва кутубхонанинг қоидаларига риоя қилишга сўз беради. Бунинг ҳаммаси китобхоннинг мустақиллигини оширади. Кутубхонага биринчи марта келиши — кўп йиллар давомида кутубхона билан бўлган боғлиқлик ва китобхонлик йўлининг бошланишидир.

Кутубхонага биринчи марта аъзо бўлишнинг китобхонда ёрқин таассурот қолдириши, китобхоннинг бундан кейин кутубхонага қатнашига катта таъсир қилади.

Кутубхоначи бола билан суҳбат қилаётиб яхши, қизиқарли, расмли китобларни кўрсатади ва улар ҳақида сўзлаб беради. Кутубхоначи янги китобхонни кутубхонага қабул қила туриб китобхоннинг мактаб предметларига бўлган муносабати, уйда қандай китоблари борлиги ва қаердан китоб олиб ўқишини билиб олади. Бу қўшимча маълумотлар китобхон формулярига ёзилади ва кутубхоначига боланинг ўқиш жараёнини ўрганишда ёрдам беради.

Айниқса болани кутубхонага аъзо қилиш даврида у томонидан аввал ўқилган ёки эшитилган китоблар ҳақидаги икки томонлама суҳбат уларни яқинлаштиради. Севган китоблари ва қаҳрамонлари ҳақидаги суҳбат кутубхоначига боланинг ички дунёсини очиб беради ва келгусида кутубхоначининг шу бола билан олиб борадиган ишининг муваффақиятли бўлишига ёрдам беради. Бундай суҳбатларнинг натижаси формулярда акс этади.

1—2-синф ўқувчиларини кутубхонага аъзо қилаётганда албатта уларнинг ўқишини текшириш керак. Унинг ўзига хос шакл ва усуллари мавжуд. Натижада кичик ёшдаги ўқувчи нимани ва қандай қилиб ўқиётгани тўғрисида кутубхоначи ахборот ола бошлайди. Ўқишга раҳбарлик қилишда кутубхоначи бола ўқиб чиққан китоблари ҳақида аниқ фикрга эга бўлиши керак. Ўқувчи нимани ўқиб чиқади-ю, ўқиши қандай ўзгараяпти, у ўқиганларини қандай қабул қилаётганини ҳисобга олиб бориши лозим. Китобхон формуляридаги кузатув ёзувлари боланинг ўқиши қандай ўсаётганини, у нимани ўқиб чиқди, ўқишида қандай ютуқ ва камчиликлар борлигини кўрсатади.

Формулярдаги ёзувларни мунтазам таҳлил қилиш жуда муҳимдир. Бундай таҳлил боланинг ўқишига қандай раҳбарлик қилишни кўрсатади. Қилинган таҳлил натижасида кутубхоначи шу ўқувчи қандай китобларни севиб ўқийди, қайсиларини чала ўқийди, унга қандай китобларни тавсия қилиш кераклигини билиб олади.

3-синф ўқувчиларининг формулярини текширганда кутубхоначи уларнинг аввало қандай китоб ўқиганликларини билиб олади ва у билан суҳбатлашиб, унга кутубхонадан қандай қизиқ китоблар олиши мумкинлигини айтади. Унга келгусида қандай китобларни ўқиши мумкинлигини тавсия этади. Натижада кейинчалик бола мустақил китоб танлашда ва ўқишда анча фаоллашади. Кутубхоначи ўқишга раҳбарлик қилишни китоб алмаштириш жараёнида амалга оширади. Китоб алмаштириш вақтида китобхон билан бўлган суҳбат кутубхоначига китобхон томонидан ўқилган китобга бўлган муносабатни аниқлаб беради, бу эса китобхонни яхши тушуниш, унга керакли китобни топиб бериш имкониятини яратади. Кутубхоначи китобхон билан учрашувга тайёрланар экан тавсия қилиш учун керакли китобларни танлайди. Бунда кутубхоначи болалар томонидан бериладиган саволларни ҳам олдиндан ҳисобга олади.

Болаларнинг саволлари турли хил бўлиши мумкин: бир хил болалар эртақлар ҳақида, бошқалари ўқувчилар орасидаги дўстлик ҳақидаги китобларни ўқишни хоҳлайдилар, учинчилари фантастик китобларни сўрайди.

Шундай китобхонлар ҳам борки, улар хайвонлар ҳақида, машиналар ҳақида ва бошқалар ҳақида ўқишни хоҳлайдилар.

Мактаб дастурида у ёки бу мавзу болаларда кизиқиш уйғотиб, шу саволларга жавоб берувчи манбаларни топиш истаги туғилиши мумкин. 1—3-синф болаларига китоб беришда ҳозир улар мактабда нималарни ўрганаётганликларини ҳисобга олиш керак.

8—9 ёшли болалар ижтимоий-сиёсий ҳаётга, тарихий китобларга, эртақлар, афсоналар, шеърлар ёзилган хилма-хил мавзудаги китоб ва матбуот асарларига кизиқадилар. Уларни ўқишга бўлган қизиқишлари тез-тез ўзгариб туради.

Кутубхоначи китоб тўплаётиб боланинг талабига жавоб берадиган ва бир вақтда «Олтин фонд» ҳисобланган китобларни танлаши, бу китобларни ҳар бир бола ўқиб чиқишига ҳаракат қилиши керак. Масалан, кутубхоначи 8—9 ёшли болаларга эртақлар танлаётиб ўзбек ва бошқа халқ эртақларини яхши тўпламларини эсдан чиқармай-

ди. Болалар ўқиши мавзусига кирувчи мумтоз асарлар доимо кутубхоначининг назарида бўлиши керак. Болаларни мумтоз адабиёт намуналари билан аста-секин тааништириб бориш ва уларни ўргатиш керак.

Болаларни тартибли, мунтазам ўқишга тайёрлашда болалар учун фақат китоб танлаш ёки тавсия этиш билангина чекланиб қолмай, муҳим асарларни таҳлил қилиш учун ҳам имконият яратиш керак. Мактабгача ёшдаги болалар ва 1—3- синф ўқувчилари китоб танлашда кутубхоначига муҳтождирлар. Шунинг учун ҳам кутубхоначи китоб тавсиясининг энг яхши усули — суҳбатдан фойдаланади.

Тавсиявий суҳбат ўз олдига қуйидаги мақсадларни кўяди:

1. Болага китоб танлашда ёрдам бериш.

2. Китобга нисбатан қизиқиш уйғотиш. Боланинг китобга жуда ҳам қизиқиши унга ўқиш техникасининг қийинчиликларини тугатишга, китобни охиригача ўқиб чиқишга ёрдам беради.

3. Ўқишга йўлланма бериш.

Тавсиявий суҳбат сўралган китоб характериға, яъни сўроқ мотивига боғлиқ ҳолда ҳар хил тузилади. Болалар кутубхонаға қандай китобни ўқишни билмасдан келганларида кутубхоначи ушбу ўқувчиларни нималар қизиқтира олишини ўйлаб, уларға хилма-хил мавзуларға оид китобларни ўқишни тавсия қилиб кўради.

Суҳбат давомида болаларға ёқиши мумкин бўлган бир неча китобларни кўрсатади, уларни қизиқтира оладиган эпизодларни айтиб беради. Масалан, Сизлар «Ёрилтош» эртагини ўқиганмисизлар? Бу китоб етим қизлар Гулнора ва Оймомо ҳақида. Гулнора жуда чиройли, чакқон, ишлаб чарчамайдиган қиз бўлади. Унинг онаси вафот этгандан кейин отаси бегона аёлға уйланади. Бу аёлнинг дағал, бефаросат ўғли бўлиб, Гулнорани унга олиб бермоқчи бўлади. Гулнора бу уятдан орланиб, синглисини ўпади-да зор-зор йиғлаб қочиб кетади. Уни қувлаб келётганлар етай деганда тоғдаги тош ёрилиб Гулнора унинг ичига кириб кетади. Қувлаганларнинг ҳаммаси келиб «ёрил тош» деса ҳам тош ёрилмайди, лекин ҳеч ким йўғи-

да синглиси келиб «ёрил тош» деса, у очилади. Нимага шундай бўлганини китобни ўқисанглар билиб оласизлар, деб китобни уларга тавсия қилади.

Шу билан бир вақтда кутубхоначи боланинг диққатини кутубхонадаги тавсиявий воситаларга тортиши, уларга ўзлари қандай қилиб кўргазмадаги қизиқ китобларни топишлари кераклигини тушунтириши керак. Китобхон бир мавзу бўйича китобнинг муаллифи ва номини билмаган ҳолда китоб сўраганда ҳам тавсиявий суҳбат ўтказиш керак. Шундай суҳбат давомида кутубхоначи ўқувчидан нима учун шу мавзуга қизиқаётганини, нималарни ўқиганини билиб олгач, китобхон учун китоб танлайди ва китобни қисқача характерлаб беради.

Масалан, кутубхоначидан 2-синф ўқувчиси келиб хайвонлар ҳақида китоб сўрайди. Бола В. Бианкининг «Думлар», «Биринчи ов» китобларини ўқиб чиққанини айтади. Кутубхоначи унга шу муаллифнинг «Ўрмон ўйлари» китобини тавсия этади. Бу китобни кутубхоначи қуйидагича тасвирлаб беради. «Бу китобда сен қандай қилиб қалдирғоч ўз уйини йўқотиб қўйганини, у қандай қушларнинг ўйларига борганини билиб оласан, қоронғу тушади ҳамма қушлар унга ётиб қолишни таклиф этишади, лекин қалдирғоч кўнмайди, у ўз уйини қидиради. Ўқиганингда нима учун қалдирғоч ҳеч кимникида ётгани унамаганлигини ўйлаб кўр?»

Китобхон номи аниқ бўлган китобни сўраганда ҳам тавсиявий суҳбат зарур. Бу ёшдаги болаларга китобдаги алоҳида эпизодлар, атамалар қийинчилик туғдиришини кутубхоначи ўз тажрибасидан билади. Бундай ҳолда кутубхоначи бола нима учун шу китобни танлаётганини, китобни ўзи ўқийдими ёки катталар биланми? Шуларни билиб олади ва болани қизиқтираётган китобни унга беради. Бола ушбу китобни ўқиганда тушунмайдиган нарсаларини кутубхоначи тушунтириб беради.

Масалан, 1—2-синф ўқувчилари табиат ҳақида китоб сўраганида кутубхоначи табиатнинг жонли ва жонсизга бўлинишини; ўсимликлар, хайвонлар ва одамлар озукланиши, нафас олиши, ўсиши, кўпайишини ва булар жон-

ли табиат, қуёш, ой, юлдузлар, тошлар жонсиз табиат эканлигини тушунтиради. Ерда энг қудратлиси инсон эканлиги, у табиатни ўзгартириб туришга қодирлиги ҳақида сўзлаб бериб, китобни ўқиганингда шунга эътибор бергин, деб тайинлайди.

Китобхонлар ўзлари учун нотаниш ёки қийин бўлган китобни сўраганларида уларга алоҳида эътибор бериш керак.

Маълумки, бу сўроқлар уларда катталарнинг ёки она-оналарнинг тавсияси билан уйғонган бўлади. Бу китоб яхши китоб бўлиши мумкин, лекин кутубхоначи билмадики, ҳозирча бола бу китобнинг мазмунига тушуна олмайди. Бундай ҳолларда агар китобхоннинг ўқиш техникаси суст бўлса, кичик ҳажмдаги бошқа қизиқроқ китобни ўқишни тавсия этади. Масалан, 3-синф ўқувчиси келиб саёҳат ҳақидаги «Кон-тики»ни сўрайди. Ўқувчига буни акаси мақтаган бўлади.

Кутубхоначи унга ҳозирча Чумаченконинг «Ойдан келган киши» номли китобни ўқиб чиқишни тавсия этади. «Бунда ҳам узоқ оролга борган саёҳатчи тўғрисида ҳикоя қилинади», — дейди у. Шу билан бирга Миклухо-Маклай саёҳатининг мақсадини ва бошқа саёҳатчилар ҳақидаги китобларни 5—6-синфга ўтганда ўқишини тушунтиради. Агар китобхон бирорта қийин китобни беришни талаб қилиб туриб олса, унга шу китобнинг қийинлиги ҳақида гапириб, уни катталар билан бирга ўқишни маслаҳат беради. Айниқса, мактабгача ёшдаги ва 1-синф ўқувчиларига китоб тавсия қилаётганда бунга алоҳида эътибор бериш керак. Бу ёшдаги болаларнинг ўқиш техникаси ҳали яхши эмаслиги сабабли улар қийин китобларни ўқий олмаслиги ва китобнинг мазмунига яхши тушуна олмаслиги мумкин. Бундай пайтда кутубхоначи бу китобхонларга иккита китоб тавсия этиши мумкин. Булардан бири катта ҳарфлар билан ёзилган кичик ҳажмли бўлиши керак. Бундай китобни китобхон ўзи мустақил ўқиб чиқиши мумкин. Иккинчиси эса катталар томонидан ўқиб берилиши керак бўлган китоб бўлиши мумкин. Тавсия қилиш усуллари жуда хилма-хил бўлиб, айрим китобларнинг расмларини кўрсатиш фойдали бўлса, бош-

калари ҳақида сўзлаб бериш ёки жойидан парча ўқиб бериш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Айрим вақтларда шу китоблар ичидан жавобини топиш мумкин бўладиган саволлар бериш керак. Китобхон китобни ўқигач, шу саволларга жавоб топади. Шунингдек, баъзи болаларга радиода эшитган, телевизорда кўрган ва мактабда ўрганган нарсалари тўғрисида китоб тавсия этиш мумкин. Кутубхоначи бу усулларнинг қайси биридан фойдаланмасин, китобхонда китобга қизиқиш уйғотишга, унинг ўқишини фаоллаштиришга ҳаракат қилади. Бу ўқиш болани ҳар томонлама ривожлантиради. Китобни тавсия қилиш усули китобнинг мазмунига қараб танланади.

Илмий-оммабоп ва илмий-бадий адабиётларни тавсия қилаётганда кутубхоначи шундай усулларни қўллайдик, улар болани китобга қизиқтиришга, ўқиганини тушунишига ва шу тўғрисида фикрлашига ёрдам беради. Бу ерда китобхоннинг қизиқишини уйғотадиган саволлар жуда муҳим. Масалан, «Қурбақа фойдали жониворми ёки зарарли? У қишда қаерда яшайди? Итбалиқ катта бўлса балиқ бўладими, қурбақами? Нимага шундай?»

Айрим ҳолларда китобхонларга дарс пайтида олган билимларини тўлдирувчи китобларни тавсия қилиш билан бирга кутубхонадан ҳар қандай саволларга жавоб берувчи китобларни топиш мумкинлигини кўрсатиш керак. Масалан, «У ким»? Бу нима?» қомуси, А. Чуковскийнинг «От А до Я..?» китоби ва ҳоказо.

Бунда болалар ўзлари қизиққан ҳар қандай саволларга китобдан жавоб топишлари мумкинлигини уқтириш муҳимдир. Шундай қилиб, илмий-оммабоп ва илмий-бадий адабиётлар бўйича тавсиявий суҳбат ўтказганда кутубхоначи болаларда янги нарсаларни билиш истагини уйғотишда ёрдам бериш, ҳар хил саволларга жавоб топишда янги хабарлар билан таништириш усулидан фойдаланади. Болаларни бадий адабиётга қизиқтиришда кутубхоначи аввало болаларни китоб оламига олиб кириш, янгиликлар ва қаҳрамонлар дунёси га қизиқтириш усулидан фойдаланади.

Бадий асарни тавсия қилаётганда у шу китобнинг бошидан озгина ўқиб бериб, китоб қаҳрамонини харак-

терлаб беради. Айниқса шеърӣ асарларни тавсия қилаётганда китобнинг бошланишини ифодали ўқиб беради, натижада болаларда шу жарангдор сатрларни ўқиб чиқиш истаги уйғонади. Бундай суҳбат китобхонни шоирнинг шеърлари дунёсига биринчи қадамни ташлашига ёрдам беради. Бадиий адабиётларни тавсия қилаётганда ўз вақтида кўрсатилган расмлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Бунда расмларнинг ҳаммасини бирдан кўрсатиш мақсадга мувофиқ эмас.

Расмларни боланинг ҳаяжонини кузатган ҳолда аста-секин кўрсатиш керак. 1—2 та асосий расмларни кўрган бола китоб билан бирга шу китобдаги эпизодларга, қахрамонларга, воқеаларга, қахрамонининг характериға қизиқиб қолади. Масалан, Қадам Саидмуродовнинг «Мен акамдан каттаман» китобини тавсия қилаётиб, унда рассом Ф. Чамбаров чизган ранг-баранг, чиройли расмларга, болалар ва табиат тасвириға эътибор берилади.

Кутубхоначининг «Меҳмонға борган яхши» шеърӣға ишланган расмдаги мезбонларнинг илтифотларини, болага ҳамма нарса муҳайё қилиб қўйилганлигини, уни маза қилиб конфет еяётганлигини ҳазил-мутойиба билан сўзлаб бериши болаларда китобга ва рассомға меҳр уйғотади.

Мактабгача ёшдаги болаларға китоб тавсия қилаётганда расм кўрсатиш усули айниқса муҳимдир. Улар ҳали ўқув техникасини яхши билишмайди. Китобдаги расмлар уларни шу китобға қизиқтирувчи асосий куч бўлиб ҳисобланади.

Кутубхоначи расмни кўрсатаётганда уларда китобға қизиқиш уйғотиш билан бирга болани расмни кўришға ўргатишға ҳам ҳаракат қилади.

Тавсия суҳбати китобхонни расмни ва матнни чуқур қабул қилишға тайёрлайди. Суҳбат давомида болага китобға чизилган расмни, китоб муаллифининг ва рассомнинг фамилиясини, воқеа содир бўлган вақти ва жойини кўрсатиб, китобхон диққатини китобнинг асосий томонларига тортади. Кутубхоначи шу йўл билан унинг ўқишини фаоллаштиради. Кутубхоначи болада китобға қизиқиш уйғотишда, унинг ўқишини ўрганишда ва ўқишиға йўллан-

ма беришда ҳамда унда ўқиш маданиятини тарбиялашда ана шундай тавсия суҳбатидан фойдаланади.

Кутубхоначи китобхон ўқиб чиққан китобни қабул қилиб олаётганда яна суҳбат ўтказди. Уни ўқилган китоб ҳақидаги суҳбат дейилади. Кутубхоначи ана шу йўл билан ўқувчининг ўқиш санъатини ошириб боради.

Кутубхоначи шу суҳбат ёрдамида боланинг китобни ўқиш сифатини аниқлайди.

Ўқувчи асарни қандай қабул қилганини билган ҳолда кутубхоначи ёш китобхонга китобнинг ғоявий-бадий мазмунини чуқур тушунишда ёрдам бериши мумкин. Масалан, китобни кўп ва тез ўқувчилар билан ёки китоб мазмунини жўн айтиб беришга ҳаракат қилувчилар билан суҳбат ўтказиётганда уларнинг диққатини китоб қаҳрамонининг характери ва воқеаларнинг қандай ривожланиб боришини кузатишга жалб қилади. Бола билан суҳбатлашаётганда унинг ўқишини диққат билан кузатиб, агар бола китобга бўлган муносабатини айтишга уялса, унда шу болага ушбу китоб бўйича расмлар чизишни тавсия қилиш, сўнгра ана шу расмлар юзасидан суҳбат ўтказиш мумкин.

Китобхоннинг китобга бўлган муносабати суест бўлса, унда ўқишга нисбатан қизиқишни уйғотиш керак. Кутубхоначи ҳар сафар китобхоннинг шахсий хусусиятини ҳисобга олиб, унинг китобга бўлган қизиқишини ошириш йўллари қидириши лозим. Китоб ҳақида мазмунли ва қизиқарли суҳбат олиб бориш учун боланинг билимидан ташқари унинг психологик хусусиятини ва асарни чуқур, тўғри тушунганлигини билиб олиш керак.

Кутубхоначи китобхонга асарнинг характерли хусусиятларинигина эмас, унинг бадий-ғоявий жиҳатларини ҳам чуқур ҳис қилишга ўргатиши керак. Кутубхоначи китобхон китобнинг қаерини қолдириб кетганини кўриб чиқиб белгилаб қўйиши керак. 6—7 ёшдаги болалар илмий-бадий китобларни тез ўқиганларида асарнинг сюжети билан қизиқиб кетиб, асар мазмунининг асл моҳиятини тушуна олмай қоладилар. Табиийки, бу бола билан бўлган суҳбатда албатта ҳисобга олиниши лозим.

Кутубхоначининг китобларни бадий-педагогик жиҳатдан таҳлил қилиши болага қизик бўлган китоблар тавсия қилиш имконини яратади. Бундай суҳбатнинг мазмуни ва йўлланмаси кутубхоначининг тузган саволларига боғлиқ, шунинг учун ҳам кутубхоначи саволларни олдиндан ўйлаб, расмийлаштириб қўйиши керак.

Суҳбат учун тузилаётган режада ҳар бир болага савол бериш шарт эмаслигини эсда тутиш керак. Масалан: Маҳмудовнинг «Оқтой» хикояси бўйича қуйидагича саволлар тузиш мумкин:

1. Оқтой қандай ит эди?
2. Оқтой иккита бўрини қандай қилиб енгди?
3. Оқтой нимага сурранг итдан енгилди?

Агар ўқувчи олган китобини тушуниб ўқиган бўлса, 1, 2-саволнинг ўзи етарли бўлади. Аммо юзаки ёки эътиборсизлик билан ўқилган китоблар ҳақида суҳбатлашганда китоб ҳақида хулоса чиқаришга имкон берувчи саволлар билан мурожаат қилишга тўғри келади. Бундай суҳбат китобнинг мазмунини, ундаги воқеа ва ходисаларнинг ривожланиб боришини, персонажларнинг ўзаро муносабатларини, ёзувчи ғоясини тушунтириб беришга ёрдам беради. Болалар билан улар тушунмайдиган тилда, буйруқ оҳангида суҳбатлашилса, бундай суҳбат зерикарли ва педагогик жиҳатдан сифатсиз бўлади. Бундай саволлар болада қизиқиш ҳам, ҳис-ҳаяжон ҳам уйғотмайди.

Китобхон билан бўладиган суҳбат боланинг диққатини асарнинг асосий ғоясигагина қаратиб қолмасдан, ундаги пейзаж, деталь ва образдаги ушбу ғоянинг мазмунини тўлароқ очиб беришга ёрдам беришини тушунтириб ўтиш лозим. Буни А. С. Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақидаги эртак» асаридаги воқеаларнинг ривожланиши натижасида денгиз тўлкини ва ранги ўзгариб туриши билан изоҳлаш мумкин.

Масалан, «Биринчи марта чол олтин балиқни сўраб келганда денгиз қандай аҳволда эди? «Чол 2, 3-марта келганда эса денгиз қандай бўлиб қолди?»

Бу саволлар боланинг эртакнинг ғоявий мазмунини тўғри тушунишга, хасис кампирнинг талаби билан ден-

гизнинг тўлқинланиши ўзгариб турганини тасаввур қилишга ёрдам беради. Болалар асардаги бадий деталларни эса яхши сақлаб қоладилар. Асарни эслатишга ва деталларни ойдинлаштиришга қаратилган саволлар болаларнинг асар мазмунини тўлиқ эслаб қолишларига ёрдам беради. Уларнинг кузатувчанлигини ўстиради ва сўзга меҳр уйғотади.

Айрим пайтда бадий адабиётлар юзасидан ўтказилган суҳбат давомида саволларга китобхоннинг берган жавобига қараб кутубхоначи китобхон китобнинг фактик томонларини қандай ўзлаштирганлигини, у китобни охиригача ўқиган ёки ўқимаганлигини, унинг мазмунини тушунган ёки тушунмаганлиги кабиларни билиб олади. Бу каби саволлар ўқиганларини яхши тушуна олмайдиган, китобни охиригача ўқимайдиган ўқувчилар билан суҳбат ўтказилганда қўлланилади. Бунда кутубхоначи боланинг ўқиганларини, асардаги ёрқин эпизодларни ёдига солишга ҳаракат қилади.

Ўқиганлари ҳақида суҳбат ўтказишда бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу суҳбатда кутубхоначи китобдан парча ўқиб бериши мумкин.

Бу усул, бола китобни топшираётган пайтда китобнинг қайси жойлари кўпроқ ёқиб қолгани ҳақида гапирган вақтда қўлланилади. Бу эса китобнинг қизиқ-қизиқ жойларини қайта ўқиб чиқишга ҳавас уйғотади.

Шеърӣ асарлар юзасидан ўтказиладиган суҳбатда эса шу асарларнинг болага ёқиб қолган жойларини яна бир бор эслаш ва шу қаторларини ўқитиш керак. Бу китоб ва унинг қаҳрамони ҳақида суҳбат ўтказишда жуда муҳимдир. Болаларнинг маълум асардаги қаҳрамонлар ва воқеаларни тасвирлаб чизган расмлари ҳам шу китобнинг мазмунини эса яхши сақлаб қолишда катта ёрдам беради.

Кўпинча кутубхоначилар одатдаги саволлар билан бирга шу китобга қандай расм чизиш ҳақида ҳам ўйлаб кўришни таклиф қиладилар. Бундай ҳолларда китобхон ўқиб чиқилган китоб дунёсига яна қайтади, қаҳрамонлар билан янгитдан учрашади. Болалар воқеаларни қайтадан эслайдилар.

Болалар китобдаги ўзларини кизиқтирган эпизод ҳақида расм чизадилар. Улар бу расмларни ўқиш кундаликларига чизадилар, натижада улар китоб ҳақидаги суҳбатда чизган расмларидан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Шу битта асар учун бир нечта рассомлар томонидан чизилган расмлар айниқса муҳимдир. Китобхон бу расмларни бир-бирига солиштириб, нима учун рассомлар бир эпизод учун ҳар хил расм чизганликлари ҳақида мушоҳада қилади.

Суҳбатда китоб ҳақида хулоса чиқаришга мажбурловчи, китобхонни қийновчи, уни назорат қилувчи саволларни бериш керак эмас.

Илмий-оммабоп адабиётлар юзасидан ўтказилаётган суҳбатда кутубхоначи асосий эътиборни китобнинг оммавий томонларига бериши лозим. Бунда ҳам бадиий адабиётлар ҳақидаги суҳбат усуллари қўлланилади. Кутубхоначи суҳбат давомида шу асардаги қонуниятларга алоҳида эътибор беради. Оммавий материалларни тасвирловчи кўргазма қуролларисиз боланинг китобни ўзлаштириши ва тушуниши қийин.

Шунинг учун кутубхоначи илмий-оммабоп китоблар юзасидан суҳбат ўтказганда китобда нималар ҳақида ҳикоя қилинапти ва расмларда рассом томонидан нималар чизилганлигига эътибор беради. Шунинг учун ҳам болага ўқиганлари ҳақида расмлар чизиш таклиф қилинади.

Кутубхоначи болаларни ўқишига яқка ҳолда раҳбарлик қилиши учун китоб фондини яхши билиши, танқидий ва услубий адабиётларни кузатиб бориши, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга татбиқ эта билиши лозим. Кутубхоначи ўз китобхонларининг оилавий ҳаёти ва мактаби билан таниш бўлиши, ҳар бир боланинг ўқишини кузатиши муҳимдир.

Кутубхоначи ўз кузатишларини формулярга ва шахсий кундалигига ёзиб бориши билан китобхонни тўлик билиб олади, бола билан ишлашда ўзига хос усуллардан фойдаланиб, уни ҳақиқий китобхон сифатида тарбиялайди.

Юқори синф ўқувчилари билан якка ҳолда ишлаш

Болалар ўқишига раҳбарлик қилишда китобхонлар билан яккама-якка, яъни индивидуал ишлашнинг ахамияти жуда катта. Кутубхоначи ўқувчиларнинг ёши ва шахсий хислатларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг қизиқишларини янада ўстириш, бадий ўқиш қобилиятларини ошириш, ўқиш маданиятини юксалтиришни ўзининг асосий вазифаси деб билиши зарур.

Ўқишга индивидуал раҳбарлик қилиш кутубхонадаги барча ишлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қилинадиган ишларнинг самарасини янада оширади.

Болаларнинг ўқишини тўғри йўлга солишда кутубхоначи мактаб дастурида берилган предметларни ўрганиб чиқиб, ўқувчиларнинг талабларига мос келадиган китобларни тавсия этиш орқали, ўтилган материалларни янада чуқурроқ эгаллаб олишларига ёрдам беради.

Кутубхоначининг керакли китобларни тавсия эта олиши китобхонларнинг унга бўлган ишончларини оширади. Шунинг учун ҳам кутубхоначи ўзининг китоб фондини яхши билиши, янги китобларни доимо кўриб бориши, улар ичидан керакли, энг яхши ва ўқувчилар учун зарур бўлганларини тавсия қилиши лозим.

Илмий-оммабоп китобларнинг мазмунини билиб олиш битта кутубхоначи учун жуда оғир. Шунинг учун ҳам у шу китоблардаги асосий муаммоларни билиши ва уларни болаларга тавсия этишда шу соҳа ўқитувчиларига албатта мурожаат қилади.

Ўқувчига китоб тавсия этишдан олдин унинг шахси, нималарга қизиқиши, қандай китоблар ўқиганлигини билиб олиши лозим. Бундан ташқари кутубхоначи китобхон мактабда қандай ўқийди, кутубхона каталоглари ва картотекаларидан фойдаланишни биладими, нималар ҳақида ўқишни севади, қайси предметларга қизиқади, қандай тўғарақларга қатнашади каби сўроқларга жавоб олиши керак.

Бундай маълумотлар китобхоннинг ўқишини унинг шахсий қобилиятлари билан қўшиб тўғри йўлдан олиб боришда жуда муҳимдир. Кўпчилик кутубхоналарда бу

иш юқори синф ўқувчилари учун алоҳида бажарилмайди, чунки уларга ёшлигидан битта кутубхоначи хизмат қилади ёки тўлиқ маълумотлар билан катталар бўлимига ўтган бўлади. Шунини алоҳида эсда тутиш лозимки, ўсмирлар ҳар доим ҳам ўзлари ҳақида бемалол сўзлаб беравермайдилар, шунинг учун ҳам кутубхонага эндигина аъзо бўлаётган китобхонларни ҳар хил саволлар билан қийнамасдан, унинг қандай китоб олишини кузатиш зарур. Китобхон билан кутубхоначи ўртасидаги муносабатлар анча мустаҳкамлангандан сўнг у ўзи тўғрисида гапириб бериши мумкин.

Шундай қилиб унинг формуляри у ҳақидаги маълумотлар билан тўлиб бораверади.

Юқори синф ўқувчилари ёш китобхонларга нисбатан кўпроқ китоб сўрайдилар ва ўзлари фонддан китоб танлаб оладилар. Буларнинг китобга бўлган талаби кўпинча уларнинг қизиқиши билан боғлиқ бўлади, лекин шу ёшдаги кўпгина китобхонларнинг бирор нарсага қизиқиши мустаҳкам бўлмаса ҳам, қандай китобларни талаб қилиши аниқланган бўлади. Бу талаб мактабдаги дарслардан, тўғараклардан, ижтимоий ҳаётдаги воқеалардан, кино, телевидение, радио, ўртоғининг тавсиясидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам кутубхоначи уларнинг талабини қондириб қолмасдан, бу талабни пайдо бўлишига олдиндан тайёрланиб туриши лозим. Яъни, у дунёда бўлаётган воқеалардан доимо хабардор бўлиши керак.

Кутубхоначи тўғаракларда, жамоат ишларида қатнашадиган ёки спортнинг бирор тури билан шуғулланадиган китобхонлар учун керакли бўлган адабиётларни олдиндан тайёрлаб қўйиши лозим.

Китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилишда китобхоннинг барча талабларини қондириш керакми ёки йўқми, деган қимматли педагогик масалани ҳам ечишга тўғри келади. Буни яна бир томони борки, китобхон жавондан хоҳлаган китобини олиши мумкин; гоҳида у ўзи учун мўлжалланмаган китобни ҳам олади, чунки бу ёшдаги ўқувчиларни «катта» китоблар ўзига тортади, лекин бундай китоблар уларнинг ёшига, тажрибасига, имкониятига тўғри келмайди. Бундай китобларнинг сюжети қийин бўлиб, уларда тушунмайдиган сўзлар, маънолар кўп бўлади.

Бундай ҳолда китобхон юзаки ўқишга ўрганиб қолади. Лекин ўқувчиларга ҳаммаси тушунарли бўлган ёки фақат мактаб дастурида берилган китобларни тавсия этиш кифоя қилмайди. Бу ерда китобхоннинг шахсий қобилиятини ҳам ҳисобга олиш керак.

Бир хил ёшдаги ўқувчиларнинг ҳаммасини бир рамкага солиб қўйиш ярамайди. 8-синф ўқувчисига Ойбекнинг «Навой» романини бериш мумкин, аммо у мактаб дастурида кўрсатилмаган. Ҳ. Фуломнинг «Тошкентликлар» романи 7-синф ўқувчилари учун мўлжалланмаган, лекин уни яхши ўқийдиган ва тушунадиган китобхон сўраса, албатта бериш лозим.

Кутубхоначи бундай китобхонлар билан ишлаб, уларнинг қобилиятини яхши билади. Лекин ёмон ўқийдиган ўқувчи сўраганда бу китобнинг ўрнига худди шунга ўхшаш бошқа енгилроқ китобни тавсия этиш лозим.

Кўпинча ўрта ёшдаги ўқувчилар саргузаштли, тўпалонли, жосуслар, қўпоровчилар ҳақидаги китобларга жуда қизиқадилар, бу уларнинг романтик хусусиятларига мосдир. Бундан ташқари бир нарсага ёки мавзуга, машина, моделлар, хайвонларга қизиқадиган ва фақат шулар ҳақида ўқийдиган китобхонларга ҳам алоҳида эътибор бериб, уларни бошқа мавзулардаги китобларни ҳам ўқишга жалб этиш лозим. Бунда албатта уларни кутубхонанинг бошқа бўлимларидаги китоблар билан ҳам таништириш ва уларда шу китобларга қизиқиш уйғотиш лозим.

Китобхонларнинг талабини қондириш кутубхоначининг биринчи вазифаси, лекин китобхон ўқишига яқка ҳолда раҳбарлик қилишнинг асоси эмас.

Кутубхоначи кутубхонадаги китоб бойлигини очиб бериш билан бирга, китобхоннинг қизиқишини ўстириши, унга зарур бўлган, ҳар хил соҳаларга оид китобларни тавсия этиши лозим.

Китобхонларга китоб тавсия этишда суҳбатнинг роли жуда каттадир, чунки кутубхонанинг барча китобхонлари кутубхоначининг тавсиясига муҳтож бўладилар.

Юқори синф ўқувчиларига китоб тавсия қилиш ниҳоятда қийин ва мураккаб иш. Кутубхоначи китоб тавсия қилаётганда китобхонларнинг ёши, қизиқиши, ўқиши ва

қобилияти каби ўнлаб ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олади.

Бундан ташқари кутубхоначи тавсия этаётган китобни ипидан игнасигача билиши, ўқувчини унга қизиқтира олиши, бунинг учун хилма-хил тавсия усулларини маҳорат билан қўллай олиши талаб қилинади.

Кутубхона фондидаги китоблар хилма-хил мавзуга, мазмунга эга бўлганидек, китобхонлар диди, қизиқиши, ўқиш даражаси ҳам хилма-хил бўлади.

Кутубхонага хилма-хил тоифадаги: китобни тез ва секин ўқийдиган, бир мавзуда ёки қўлга тушган китобни ўқийдиган китобхонлар келади. Буни ҳисобга олган кутубхоначи ҳар бир тоифадаги ўқувчи билан қандай суҳбат олиб бориш ва унга қандай китоб тавсия этишни дарҳол аниқлаб олиши керак.

Ўқувчилар мактаб дастурига кирган адибларнинг фаолияти ва улар ёзган китобларни баҳоли қудрат ўқиганлар ёки у билан танишиб чиққанлар. Аммо кутубхоначи ушбу адибларнинг китоблари билангина чекланиб қолмасдан, бошқа адибларнинг ҳам ўзига хос қизиқарли асарлари борлигини китобхонларга маълум қилади ва уларни тавсия қилишга алоҳида эътибор беради. Масалан, С. Очил, А. Абдураззоқ, Т. Йўлдош, М. Хидир, М. Маҳмудов, Х. Имонбердиев, А. Обиджон, Н. Парда ва ҳоказо...

Болалар учун ёзилган китоблар анча. Уларда инсон ҳаётининг турли жабҳалари акс эттирилган бўлиб, улар турли мазмунда, турли жанрларда ўз ифодасини топган. Болалар адабиёти — бу тарбиявий адабиётгина бўлиб қолмай, болаларга билим беради, ҳаётнинг аччиқ-чучугини ўргатади, яхшиларга меҳр, ёмонларга нафрат уйғотади.

Кутубхонада бадий адабиёт билан ишлаш

Инсоннинг олий хусусиятларидан бири гўзалликни ҳис қилиш, шодлигини биров билан баҳам кўриш ёки дардини кимгадир айтишдир.

Бадий адабиёт инсоннинг шу эҳтиёжи туфайли юзага келган. Шоир ва ёзувчилар эса ўз асарларида ўзлари

яшаган даврнинг мураккаб муаммоларини, инсонлар ҳаётининг хилма-хил томонларини ёритиб халққа етказиб берадилар.

Бадий адабиётни ўқиш билан уни тушуниш қийин, шунинг учун уни хис қилиш лозим. Китоб ўқиш ва унинг таъсири болаларнинг фақат ақлига эмас, балки хис-туйғусига қаратилиши даркор. Ҳис қилиш билишдан олдинроқ бошланади, китобни ўқиб уни хис қилмаган ўқувчи уни тўлиқ тушунмайди.

Алоҳида олинган бир фандан фарқли ўлароқ бадий адабиёт ҳаётни жуда кенг миқёсда ўрганади, акс эттиради ва тарбиянинг барча соҳасини қамраб олади. Масалан, А. Навоий асарларида XV асрнинг турли табақалари орасидаги муносабатлар, кишиларнинг хилма-хил соҳадаги фаолиятлари, ҳар бир ижтимоий табаканинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида, шу билан бирга давр кишиларининг оламнинг яратилиши, кишилик жамияти тарихи, осмондаги мавжудодлар ҳақидаги тушунчалари (астрономия, ердаги ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, табиатшунослик, математика, география ва ҳоказо), оилавий муносабатлар, бола тарбияси ва бошқа кўплаб масалалар юзасидан маълумотларга дуч келамиз.

Бадий адабиёт ҳаётни, табиатни тасвирлашда ҳеч бир кўрилмаган тафсилликка эгадир. Масалан, педагогика фани бола тарбиясини аниқ назарияларда, категорияларда тушунтириб берса, бадий адабиёт эса тарбиявий ғояларни инсоннинг бир муҳим ички кечинмалари орқали ижобий ва салбий образлар ёрдамида акс эттиради.

Юқорида айтилган сабабларга кўра, фақатгина ёшлар эмас, ҳатто катта ёшдаги кишилар ҳам ўз соҳалари учун жуда муҳим бўлган, қолаверса ўзини ўзи тарбиялашда, фарзанд тарбиясида керак бўлган маълумотларни ҳаёт билан биргаликда бадий адабиётдан топадилар.

Бадий адабиётнинг одамлар хулқ-атворини шакллантиришга ва ўзгартиришга, уларни чинакам инсонпарварлик руҳида тарбиялашга лаёқатли эканлигига инсоният ҳар доим юксак баҳо бериб келган. Ахлоқ-одоб деб аталмиш тушунча ҳам бадий адабиётдан мадад олади. Чунки

бадий адабиёт мазкур ахлоқий тушунчаларни ҳар бир шахснинг ҳаёти, ҳаракатининг маънавий мезонига айлан-тириш учун кураш олиб боради.

Албатта одамнинг ахлоқий идеаллари, шахснинг ахлоқий хислатлари фақат бадий адабиёт билангина чекланмайди. Шу идеаллар ва хислатларни аввало турмушнинг ўзи, меҳнат, ижтимоий ҳаёт, амалиёт, оила тарбиялайди. Бирок бадий адабиёт инсонга шу қадар катта таъсир этиши мумкинки, баъзан бу таъсир инсоннинг бутун умри бўйи давом этадиган хатти-ҳаракатини белгилаб беради.

Бадий адабиёт унинг қадрини билганга бебаҳо дуру жавахирдан аъло, у меҳри дарё мураббий, умри боқий устоздир. Бадий адабиёт каттага ҳам ризк-рўздек зарур. У нафақат ёшларнинг, балки барча кишиларнинг доимий йўлдошидир. Инсон маънавий дунёсини бойитишда ҳеч бир нарса бадий адабиётнинг ўрнини боса олмайди.

Кишилар ҳали ёзма адабиёт пайдо бўлмаган замонларда халқ оғзаки ижоди, эртақ, дoston, ривоят, масалларни зўр иштиёқ билан тинглаганлар, фарзандлар ва ёш авлод тарбиясида ундан асосий манба сифатида фойдаланганлар. Ёзма адабиёт пайдо бўлгач эса, кишилар ўзларининг маънавий дунёлари, тафаккурлари, умуман таълим-тарбия борасидаги тушунчаларини ана шу ёзма бадий адабиёт орқали бойитиб борганлар.

Келажак авлод учун бебаҳо маънавий мерос қолдирган буюк донишмандлар ҳам ўз мақсадларига китоб орқали, бадий адабиёт орқали эришганлар. Ўзбек классик адабиётининг буюк намояндалари, шу жумладан улуғ тожик шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий:

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Ғамхўринг бўлғай у ғамли замонда.
У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,
Жонингга юз роҳат беради такрор.
Билимдонлар сўзи бордур бу бобда,
«Билимдон гўрдадир, илми китобда.
Агар ёлғиз эрсанг ҳамдам китобдир.
Билим субҳидаги нур ҳам китобдир» — деб ёзгани-

дек, бадий китобда ҳикмат кўп. У нафақат тарбиявий қимматга, балки кучли илмий-маърифий қимматга ҳам эгадир. Юқорида айтиб ўтганимиздек бадий адабиёт инсоннинг келажагига кучли таъсир қилади. Чунки асардаги бадий образлар ёшларнинг хулқ-атвори, юриш-туриши ва одобига, катталар билан бўладиган муносабатларига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳақиқий бадий асарни ўқиган ёшлар ана шу асардаги ижобий образларга ўхшашга, улардан ибрат олишга интилади. Салбий образлардан эса нафратланади, уларга сира ўхшамасликка ҳаракат қилади. Ана шу ўқиган асарларидаги ижобий ва салбий образларнинг хатти-ҳаракатларини ўзидан қидира бошлайди, ўзининг хатти-ҳаракатларини ана шу образлар хатти-ҳаракатлари билан таққослайди, солиштира бошлайди.

Ижобий образларни ҳаётда ўзига идеал қилиб олади. Лекин ёшлар ўзлари мустақил равишда бадий адабиётлар денгизидан ахлоқий идеал танлаб олиши қийин. Чунки улар яхши ва ёмон, одобли ва одобсиз деган тушунчаларни тўлиқ тасаввур қилсалар ҳам, баъзида уларни бири-биридан ажрата олмай қоладилар, ўзлари танлаган ахлоқий идеаллари ўзлари учун ҳақиқий идеал бўла оладими ёки йўқми, кўпинча бунини чуқур тушуниб етишмайди. Бу борада кутубхоначи ўта эҳтиёткор бўлиши шарт. Ҳали ҳаётга мустақил қадам қўймаган ёшни қайси йўлга бурсангиз ўша йўл билан кетади. Кутубхоначининг тавсия қилган битта бадий адабиёти китобхонни яхши йўлга солиши ҳам, бутунлай нотўғри йўлга буриб юбориши ҳам мумкин. Сабаби, бадий асар мазмуни китобхоннинг ҳиссиётига, руҳига, борлиқ, ҳаёт ва турмуш ҳақидаги тушунчаларига жуда кучли таъсир қилади, бир умр хотирасида сақланади. Агар тарбиячи ўз китобхонини «кап-катта қиз ёки йигит» ўзи ўқийдиган китобни, ўзи танлаб ололмайдими, ўзи хоҳлаган китобни ўқисин дейдиган бўлса унда бола ўзига енгил-елпи, мазмунсиз образларни идеал қилиб олиши ва ҳаётда ана шу образ орқасидан эргашиб кетиши мумкин. Бадий адабиётнинг ёшлар онгига таъсири қанчалик зўр эканини академик А. Беркнинг қуйидаги сўзларидан ҳам билиш мумкин: «Номаъ-

лум мамлакатларни очиш учун фақат навигация дарсликларинигина эмас, «Робинзон Крузо»ни ўқиш ҳам керак бўлади».

Шундай қилиб бадий адабиётнинг ахлоқий-эстетик аҳамияти каттадир. Ана шундай тарбиявий, ахлоқ, ододдан дарс берувчи бадий адабиётнинг бир тури борки, у ўзи яратилган замон ва макон доирасидан чиқиб, янги замон ва маконга кўчади, ҳатто замонлардан замонларга кўчиб юради. Аниқроқ қилиб айтганда адабиётга ҳар бир халқнинг ўтмишда яратган (миллий адабиёти тараққиётида) энг яхши асарлари киради. Ана шу бадий адабиёт орқали ҳар бир халқ ўзини бошқа халқларга танитади, бошқа миллатлар билан яқинлашади. Адабиётнинг энг муҳим томони — унинг тарбиявийлигидадир. Ҳеч бир халқ ўзининг адабиётини билмасдан туриб, ўзини, ўз миллатини, ўз маданиятини, урф-одатини, миллий ғоя ва мафкурасини, миллий ахлоқ-одобини билиши мумкин эмас. Ҳар бир халқнинг адабиёти ана шу халқнинг тарихи, урф-одати, турмуш тарзи, ютуқлари билан чамбарчас боғлангандир. Адабиётда ўз аксини топган миллий тарбиявий ғоялар, насиҳатлар неча минг йиллар олдин ёзилган бўлса ҳам, ҳар бир янги давр ва жамиятда ўзининг қимматини йўқотмайди, ўқувчисини топади, янги аҳамият касб этади.

5—6-синф ўқувчилари мактабда А. Қаҳҳор, Миртемир, Усмон Носир, Ҳ. Олимжон, Ф. Фулом, Э. Воҳидов, А. Орипов, Ў. Ҳошимов, Х. Тўхтабоевларнинг ижоди ва айрим асарлари билан танишадилар. 5-синфнинг «Ўзбек адабиёти» дарслигида Ў. Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасидан парча келтирилган. Уни ўқиган болалар ушбу қиссага жуда қизиқиб қоладилар ва уни тўлиқ ўқиб чиқишга ҳаракат қиладилар. Қисса жуда раво, содда тилда ёзилган бўлиб, юракни ниҳоятда тўлқинлантирадиган эпизодлардан ташкил топган. Кутубхоначи ушбу қиссани ўқиган болалар билан суҳбатда ушбу ёшдаги ўқувчилар фақат қиссадаги воқеа ва ҳодисаларнигина эслаб қолганликларини аниқлайди. Шунинг учун ҳам кутубхоначи китобни тавсия қилар экан, аввало унинг тарбиявий аҳамиятини тушунтиради.

Қисса ўзбек аёлларининг, айниқса оналарнинг ниҳоятда фидойилигини, боласи учун ўлимга ҳам тайёрлигини ифодаловчи, оналарнинг ҳамма нарсадан юксак турувчи инсоний фазилатларини очиб берувчи асар эканлигини таъкидлайди. Онанинг болага бўлган меҳрини бола ҳам тушуниши лозимлиги уқтирилади ва иложи бўлса ушбу парча ўқиб берилади: «Ҳар йили дам олишга борганимда онамга гилам пайпоқ олиб келаман. Кавказ томонда кўп бўлади. Жўба дейишади. Жураби дейишади. Ойим худди ноёб нарсага эга бўлгандек, узундан-узоқ дуо қилади. Шундоқ меҳрибон ўғли борлигини айтиб қўшниларига мақтанади. Унинг оёғи касал. Салқин тушиши билан шишиб кетади, оврийди... Буни бошқалар билмаса ҳам мен биламан». Парча ўқилгандан кейин кутубхоначи болаларга қараб: «Сизлар ота-онангизга қандай яхшиликлар қиласизлар?» — деб сўрайди. Ушбу савол албатта ҳар бир болани ўйлантириб қўяди.

Кутубхоначи 5—6-синф ўқувчиларининг ўқиган китоби ҳақидаги мулоҳаза ва фикрлари билан ниҳоятда қизиқиши лозим. Чунки болаларнинг ушбу китоблар ҳақидаги тасаввурлари ва тушунчаларини билгандагина уларга маслаҳат бериш мумкин.

Шу ёшдаги кўпгина болалар китоб ўқиётиб унинг мазмунига яхши тушунадилар, аммо шу китоб орқали ёзувчи нима демокчи эканлиги, яъни китобнинг асосий ғояси нимадан иборатлиги болаларни ўйлантирмайди. Масалан, ўқувчилар ўзларининг севимли ёзувчилари Х. Тўхтабоевни жуда яхши кўрадилар, унинг «Сеҳрли қалпоқча» асарини берилиб ўқийдилар. Айниқса Хошимжоннинг хилма-хил қилиқлари уларнинг эсидан чиқмайди. Лекин Хошимжон қанча уринмасин нима учун ўз мақсадига ета олмайди? Унга сеҳрли қалпоқ ҳам ёрдам бера олмади, деб сўрасангиз болалар ўйланиб қоладилар.

Кутубхоначи шу ўринда болаларга Хошимжоннинг «Ўқийман, қунт билан, ҳавас билан ўқийман. Аввал аъло баҳолар билан ўнинчи синфни, сўнгра институтни ҳам битираман», деган сўзларини эслатиб, ўқимай, бирор соҳада ютуққа эришиб бўлмаслигини, ҳатто сеҳрли қалпоқчалар ҳам ёрдам бера олмаслигини тушунтиради.

Х. Тўхтабоевнинг: «Беш болали йигитча», «Шакар қовунлар мамлакати», «Йиллар ва йўллар», «Қасоскорнинг олтин боши», «Мунгли кўзлар» ва бошқа асарлари юқори синф ўқувчиларининг ҳам сеvimли китоблари қаторидан жой олган.

Ушбу китобларнинг болалар ўртасида машҳурлиги шундаки, китобдаги ҳамма нарса бола ёки ўсмирнинг ҳаёли, фикри, тасаввури орқали берилади ва улар тилидан баён этилади. Кутубхоначи ҳам тавсия борасида ушбу усулни қўллайди ва болалар ўқишига хилма-хил йўлланма беради.

Юқори синф ўқувчилари китобни мукамалроқ ўқиш ва тушунишга ҳаракат қиладилар. Улар ўз фикрлари, ғояларини ҳимоя қила оладилар, таққослаш, таҳлил қилишга ҳам қодирлар.

Лекин барибир, у ёки бу асарни ўқиётиб уни ҳали тўлиқ тушунмайдилар, асар ичидаги, сатрлар орасидаги маънони яхши англай олмайдилар. Асарнинг тили, ундаги деталлар, эпизодларнинг ҳолати, лирик кечинмалар, ёзувчининг мақсади ва ғояси ҳар доим ҳам тушунарли бўлавермайди. Бунда албатта асарда тасвирланаётган давр, ундаги урф-одатлар, муомала ва муносабатлар, анъаналар, мумтоз адабиётнинг тили ҳозирги китобхонларни анча қийнайди. Бу ҳолда ўқишга раҳбарлик қилувчилар, ўқитувчи, ота-она, кутубхоначилар ўқишга фаол аралашиб, ушбу ҳолатларни тўғри тушунтириб беришга ҳаракат қилишлари лозим.

Баъзи юқори синф ўқувчилари билан яқка ҳолда ишлаганда кутубхоначи баъзи бир қийин, психологик жиҳатдан тушуниш мураккаб бўлган китобларни ўқувчи билан бирга таҳлил қилишга, унга имкони борича тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Бунинг учун кутубхоначи ушбу китобни ўқиб чиқиши ва шу китоб ҳақида ёзилган мақолалар билан танишиши, билимдон китобхонларнинг ушбу китоб ҳақидаги фикрларини йиғиб, уларни ўрганиши лозим.

Ана шундагина у китобни муайян ўқувчига тавсия қила олади ва ўқувчига ўзининг маслаҳатларини бера олади. Айниқса мумтоз адабиёт билан ишлаганда юқоридаги

фикрларга катта эътибор бериши, ушбу соҳа мутахассисларини бу ишга жалб қилиши лозим. Буни А. Навоий ва А. Қодирий асарлари таҳлилида кўришимиз мумкин.

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа она бошиға.
Тун-қунингга айлагани нур қош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш¹.

Бу сатрлар бундан беш аср олдин ёзилган бўлса ҳам, баъзан молу дунё, ўткинчи ҳавас, бир парча ер ёки бир хона учун бола отага, ота болага, фарзанд онага, ака укага қўл кўтараётган, баъзи бир фарзандлар дунёга келтирган, ичмай ичирган, емай едирган отасини, оқ сут бериб, фарзанд учун ўзини ўтга, сувга урган онаизорларини қариган чоғида кўчага хайдаб юбораётган, зор йиғлатиб қариялар уйига обориб ташлаш ҳоллари учраб турадиган ҳозирги даврда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ана шу мушоаатлари ёшлар тарбияси учун нақадар зарур.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, айниқса ўзбек мумтоз адабиётида фарзанд тарбияси, ёш авлод тарбияси биринчи ўринда туради.

Ўзбек мумтоз ёзувчи ва шоирлари ўз асарларида ахлоқ масалаларини умуминсоний нуқтаи назардан ёритадилар, ёшларга панд-насихат қиладилар, ахлоқли-одобли кишиларни ёшларга намуна қилиб кўрсатадилар. Масалан, А. Навоийнинг «Ҳайратул-аброр», «Махбуб ул-қулуб», А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» асарлари фақат икки ёш ўртасидаги севги-муҳаббатни, ватанпарварликни акс эттирмасдан, балки юксак ахлоқийликни, одобни, каттага ҳурматни акс эттиради. Бу асарларда ёшлар учун она сутидек муқаддас ва зарур бўлган хислатлар мужассамдир.

А. Навоий ижодида инсоннинг олижаноб фазилатлари, ахлоқ ва одоб, ҳаё ҳақидаги фикрлар катта ўрин тутди. Буюк мутафаккирларнинг бу соҳадаги фикрларини ўрганишда «Ҳайратул-аброр» асари айниқса муҳим

¹ А. Навоий. Ҳайратул аброр — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 529-бет.

аҳамиятга эга. А. Навоий бу асарда ўз замонаси билан боғлиқ қатор масалаларни ёритади, уларга ўз муносабатини билдиради. Шоир асарда маълум бир дидактик ахлоқий характердаги тушунчанинг қатъий қоидаларини баён этади. А. Навоийнинг уқтиришича, ўз фойдасини кўзламайдиган, сафар камари халқ хизмати учун доимо боғланган, хирсларини доимо тия оладиган, таъмагирлик касалидан холи кишигина одоб ва ахлоқ ҳақида сўзлаши мумкин. Халқ учун, эл учун хизмат қилмоқчи бўлган одамнинг биринчи белгиси одоб ва ҳаёидир.

Унинг бир кўриниши эса тавозедир. «Ҳайратул-аброр»нинг олтинчи мақоласида ана шу одоб-тавозе ва камтарлик улуғланади. Шоир тавозе кишини қанчалик ҳурматга лойиқ этишини ҳаётдан олинган ажойиб мисоллар орқали исботлайди. Тавозе сақлаб, қаддини ҳам қилиб турган ҳилол (уч кунлик ой) кун сайин тўлишиб, камол топа бошлайди. Осмон ҳам тавозеге риоя қилиб эгилгани учун бутун олам унинг амрига бўйсунди.

Кишилар ҳақиқий шарафни зоту насабдан эмас, ҳаё ва одобдан топадилар. Одобсиз, ҳаёсиз кишилар ҳеч қачон эътибор қозонмайдилар.

А. Навоий одобни, ҳаёни улуғлар экан, ўз навбатида, одобсизликни қоралайди. Одобсизликнинг таркибий қисми ноўрин, ўхшовсиз кулгудир дейди. Ўта қаттиқ кулгу ҳаёсизликдир. Ҳаё шундай нозик, шундай эстетик бир ҳис ифодасига ўралганки бепарво одам унга куя тушириб қўяди, бу куя ҳаё пардасини ейди, йиртади, одамни шарманда қилади. Шоир одамийликнинг энг нозик томонларини санъаткорона бир тусда эсга солади.

Тарки одобдин бири кулгу дурур,
Кулгу одоб таркига белги дурур.
Ғунча кулуб бўлди очилмоқ анга,
Етти очилмоқда сочилмоқ анга¹.

Бу байтларда шоир ноўрин кулгу кишини бошига фалокатлар келтиришини айтади. Унинг таъкидлашича,

¹ А. Навоий. Ҳайратул-аброр. 259-бет.

меъёрдан ошириб кулишдан йиғлаш афзалдир. Ҳаё ва одоб меъёридан чикмаган одам энг олий мартабага эга бўла олади.

А. Навоий ўз асарларида аёлларни улуғлаб, болаларни ардоқлайди. Шоир болага кичикликдан яхши тарбия берилсагина, у катта бўлгач гавҳардек азиз бўлиши, жамият учун ҳам, ота-она учун ҳам фойдали шахс бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Одамзот ўз ибтидосидан бошлаб ҳозирги кунгача бир ажойиб фазилатни ёруғ юз билан сақлаб келади. Бу фазилат ота-она олдидаги фарзандлик бурчини бажо келтиришдир. Фарзанд катта ё кичик ёшда бўлишидан катъи назар ота-онасининг ҳурматини қилади. Буни бажариш унинг учун мажбуриятдир. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садқа қилсанг арзийди. Уларни нур, ёруғлик деб бил. Ҳамма хизматини сен одоб билан бажар.

Бу иккининг хизматини бир бил
Ҳар неча иффат эса тақсир бил.
Икки жаҳонингга тилар сен фазо,
Ҳосил эт ушбу иккисидан ризо¹.

А. Навоий томонидан тарғиб қилинаётган бу насихатлар, ўғитлар умуминсонийдир.

Улуғ мутафаккирнинг одоб, ҳаё тўғрисидаги фикри ҳозирги кунда ҳам ёшларни юксак одоб-ахлоқ нормалари асосида ота-оналарга, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат руҳида тарбиялашда ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Одоб ва унинг турли шаклларда намоён бўлиши «Ҳайратул-аброр» асари учун характерлидир. Чунончи, айти масалага ажратилган VI бобда чинакам одоб заминида инсоний шарм-ҳаё ётиши мана шундай тасвирланган:

Элга шараф келмади шоҳу насаб
Лек шараф келди ҳаё ва адаб.

¹ А. Навоий. Ҳайратул-аброр. 260-бет.

Одоб, — дейди Навоий, — кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у дуо баракати билан умрдан баҳраманд бўлади. Одоб кичиклар меҳрини улуғлар кўнглига солади ва у муҳаббат кўнглида абадий қолади. Ёшларни кўзга улуғ кўрсатади, уларнинг юриш-туришини халқ улуғвор биледи. Ўзига қарши халқ томонидан бўладиган ҳурматсизлик эшигини боғлайди ва кишини ҳазил-мазахдан, камситишдан сақлайди. Киши табиати инсонлик йўлига солади. Китобда адолат, мурувват, саҳийлик, одоб ва камтарлик, қаноат, инсоф, вафодорлик, ростгўйлик, дўстлик ва биродарлик, бир-бирига ёрдам бериш ва бошқа ажойиб инсоний фазилатлар ҳақида, илм ва олимлар, меҳнатқашлар ҳақида кенг, атрофлича фикрлар айтилади. Шу билан бирга, бу китобнинг ҳар бир мақоласи охирида инсоннинг олижаноб фазилатларини куйловчи ҳикоялар бериледи.

Ана шундай катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарлардан яна бири А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларидир. А. Қодирий асарларини эл аро машҳур қилган сифатлардан бири шарқона андиша туйғуси бўлса керак.

Андиша, уят, ор-номус, виждон тушунчалари «Ўткан кунлар», «Меҳроддан чаён» романларининг маънавий устунларидир. Бу таянч устунлари халқимизнинг минг-минг йиллик ахлоқий анъаналарига, ислом фалсафаси ва шарқ маърифат сарбонларининг пойдор таълимотларига бориб тақалади. «Ўткан кунлар»нинг 3-саҳифасидаёқ бу фикрларни яққол исботлайдиган бир лавҳани учратамиз. «Отабекни кўргани карвонсарой ҳужрасига Ҳомид билан жияни Раҳмат кирдилар. Ҳасанали улар билан сўрашиб, чой қайнатгани чикди. Раҳмат сўради: Бу киши кимингиз бўладилар, бек ака?

Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай эшикка қаради. Ҳасаналининг ҳужрадан узоқлатиб сўнг жавоб беради:

— Қулимиз.

Бу сўздан нима учундир Ҳомид ажабланган эди:

— Қулингиз?

— Шундор»¹

Романнинг кейинги саҳифаларида биз Отабек билан Ҳасанали муносабатлари ҳақида муфассал тасаввурга эга бўламиз, бу оқ кўнгил мўйсафиднинг Отабек учун маънавий падар даражадаги бир киши эканлигини англаймиз. Ана шу муносабат боис Отабек уни «Хужрадан узоклатиб» сўнгра кимлигини айтади. Шу ҳаракати унинг қалбидаги инсоний андишадан бизга далолат беради. Бу ҳаракатга «нима учундир» ажабланган Ҳомиднинг ҳолати эса унинг андиша кўчасида бир кимса эканидан огоҳ этади.

Миллий ўзига хослик ифодасида ҳам Қодирий ҳамиша андиша билан иш кўради. Юқорида эслатилган саҳна охирида диққатга молик бир жумла бор. Раҳмат Отабекни уйига — зиёфатга таклиф этади ва унинг розилигини олгач: «Саломат бўлингиз, — деди Раҳмат, — шуни ҳам сиздан сўрайин: ўтиришга бегона кишилар ҳам айтилса мумкинми, озор чекмасмисиз? Чақирганда ҳам ўзимга яқин ва аҳил кишилар бўлур»².

Бу ҳам инсоний одоб-андишанинг юксак бир кўриниши, ота-боболаримиз маънавиятининг ифтихор этсак арзийдиган бир намунаси.

Худди шунингдек, нозик бир рухий манзарани Зиё шоҳичи билан Ҳасанали Мирзакарим қутидорнинг уйига совчиликка келганларида ҳам кўрамиз. Зиё шоҳичи маънодор тарзда сўз айлантириб муддаони қутидорга бир қадар англатгандек бўлади. Қутидор «нима учундир яна ўзини тағофилга солиб», бек кимга кўнгил қўйганини сўрайди. Бунга жавобан Зиё шоҳичи: «Сизнинг каримангиз, деди. Қутидор ўзининг жонсиз саволидан ўкиниб ерга қаради»³.

Мана шундай ўнғайсизлик ҳолатини кўз олдингизга келтирингда, «сизнинг каримангиз», — деган сўз ўрнига «сизнинг қизингиз», — деган сўзни тасаввур этиб кўринг. Нақадар кўпол, дағал ва ҳижолатли эшитилади кулокқа!

¹ А. Қодирий. Ўткан кунлар. Т.: Ўқитувчи. 1980, 6-бет.

² Ўша жойда, 11-бет.

³ Ўша жойда, 40-бет.

«Ўткан кунлар»даги ижобий қаҳрамонлар учун оламда «андишасиз», «уятсиз» деган сўздан кўра кучлироқ ва офирроқ ҳақорат йўқ. Яна «Ўткан кунлар»ни биргалашиб варақлайлик. Мана Отабек Ҳомид уюштирган тухматга қолиб, қутидорнинг қаҳрига дучор бўлди:

«Қутидор титроқ ва ҳаяжонли бир товуш билан:

— Уятсизга менинг уйимда жой йўқ, уятсиз билан сўзлашишга ҳам тоқатим йўқ. Борингиз, эшигим ёнида тўхтамангиз! — дедида, ўзини ичкарига олди»¹.

Отабек номидан манфур Ҳомид битган сохта талоқ хатини ўқиб Кумушнинг қай ҳолга тушганини адиб шундай тасвир этади. «У бу мактубни ўзининг сўнгги томчи кучи билан ўқиб тамом қилди-да, жонсиз бир товуш ила: «Уятсиз!» деб қичқирди ва ерга йиқилиб ўзидан кетди»².

Бу воқеадан кейин орадан муайян фурсатлар кечиб, ота-она Кумушни қайта турмушга узатмоқ ҳаракатига тушадилар. Бироқ Кумуш ҳануз Отабекдан кўнгил узмайди. Бунга сезган Офтоб ойим дейди:

« — Мен сенинг ҳали ҳам ўша уятсиз эрингдан кўнгил узолмаганингни биламан, Сен яхши билки, бундан сўнг отанг у уятсизга ўз уйидан жой бермаганидек, уятсизнинг ўзи ҳам узил-кесил сени ташлагандир. Она шундай деб иккинчи сохта талоқ хатини қизига кўрсатади. Бироқ шунда ҳам Кумуш «кўз ёшини дув-дув тўкиб» қайта турмуш қурмоққа кўнмайди. Бу борада унинг келиб тўхтаган қарор ва мантиғи шундай: «Негаки мен ўзимнинг севган ва муҳаббат қўйган эримдан бунча уятсизлик кўрдим»³.

Ва ниҳоят, сир очилиб Ҳомиднинг кирдикорлари фош бўлади. Бунга нисбатан билдирилган муносабат ҳам ғоят диққатни тортади. Қутидор Ҳомиднинг ифлос қилмишларини бир-бир санаб чиқади: «Мен билан Отабекни қама-

¹ А. Қодирий. Ўткан кунлар. 202-бет.

² Ўша жойда, 175-бет.

³ Ўша жойда, 202-бет.

тиб, дор остига юборувчи, Отабек тилидан сохта талок хати ёзиб, бир-биримиздан жудо этувчи, Комилбекни ўлдирувчи, уйимиз орқасини тешиб, Кумуш қастада бўлувчи — ҳаммаси ҳам «шу» баттол Ҳомид экан».

Ҳақиқий ўзбекона юракли инсоннинг — содда, тупроқдек хоксор, андишали ва шу боис номи кўрқоққа чиққан одамнинг гапи эмасми бу? Офтоб ойимнинг эса Ҳомидга нисбатан ғазаби эридан кўра кучлироқ экан: «Офтоб ойим титраган товуш билан — уятсиз Ҳомид! — деди»¹.

Нима учун Қодирий «андиша» ва «уят» сўзларига бу қадар урғу бериб, қайта-қайта, ҳатто, баъзан бир жумлани икки-уч марталаб ҳам такрорлайди? Айни маънони ифода этувчи бошқа сўзлар адибнинг хаёлига келмаганмикин, деб тахмин қилиш бориб турган гумроҳлик бўлар эди, албатта. Гап шундаки, яқин-яқин кунларгача ҳам ахлоқий қоида йўсинларидан бири жамоат томонидан шундай белгиланар эди. «Уят фақат инсонга хос туйғудир. Ҳайвон уят пайдо қилолмагани учун инсонга яқинлашолмайди, аммо инсон уятини йўқотиб, ҳайвонга яқинлашиб қолиши мумкин»². (А. Қаҳҳор).

Қодирий асарларида ўз қаҳрамонларини мана шунингдек ахлоқ қонунларига кўра тоифаларга ажратади ва мана шу мезон асосида уларнинг қилмиш ва кечирмишларини баҳолайди. Шу тариқа кўз ўнгимизда ҳаё ва одобни, маданият ва одамийликни тирикликнинг асослари каби англаган бир қанча кишиларнинг беҳад жозибадор сиймолари намоён бўладикки, бу жозоба сирлари ҳақида сўз юритмоқ гоят мароқлидир.

Кумушбиби бу ўринда Тошкентдан Марғилонга — онасига йўллаган мактубида сўз орасида жумладан шундай ёзади: «Сиз ранжисангиз ҳам айтай: қайин отамни ўз дадамдан ҳам яхши кўраман. Бу яхши кўришим куёвингизнинг дадаси бўлгани учун эмас, балки унинг нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймосини, «ойим» деб хи-

¹ А. Қодирий. Ўткан кунлар. 250-бет.

² «Ўқитувчилар газетаси». 1978 йил, 2 ноябрь.

тоб қилганидаги мулойим, беозор ва муассар сўзини яхши кўраман»¹.

Қодирийнинг деярли барча марғуб қаҳрамонлари худди ана шу тарзда — нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймода, илоҳий бир қадамнинг қудрати билан яратилгандир.

Юсуфбек Ҳожи! Хусусан, унинг Аббос Бакиров ижросидаги кино талқини!

Бу нуроний ва донишманд шарқ пирининг инсоний жозибаси нақадар баланд бўлганини билмоқ учун Кумушнинг ўша мактубидан яна бир жумла ўқиш кифоя: «У насиҳат учун оғиз очса, вужудим эриб кетгандек ва бир турли ухлаб ҳузурлангандек, қисқаси, Зайнаб билан жанжаллашишнинг ўзи бир ҳузур ва жанжалдан бўшалгач, қайин отанинг қаршисига ўлтириб насиҳат эшитиш ундан ҳам яхши ҳузур»².

Кумушбибидек ақли расо аёлнинг бу сўзлари Юсуфбек Ҳожининг ҳузурбахш насиҳатларига қулоқ тутмоққа бизда ҳам фаройиб қизиқиш уйғотади. Кўрсакки, «Кундош ораси бузилиб, ўртада сўз чиққанини гоҳ эшитса, Юсуфбек Ҳожи иккала келинини ўз олдига чақиртириб ўтказар эди. Аввало Кумушдан ўпка қилиб: «Ойим, ҳар нима сиз каттасиз, Зайнаб ёш, каттадан кичикка шавқат лозим, мундоқ яхши эмас!» Ва Зайнабга қараб: «Болам, Зайнаб отин! Сиздан ҳали ёшлиғ ғурури кетмаган, лекин менинг болам бўлганингизни сиз ҳам ҳали унутманг», дер ва кейин иккисини дуо қилиб, бир-бирига салом берди-рар. «Ана шундоқ бўлсин қизларим», деб кетишга рухсат берар эди».

Бугунги безовта турмушда — ҳар уч оиладан биттаси бузилиб, тирик етимлар сони кун сайин кўпайиб бораётган бир муҳитда бизга Юсуфбек Ҳожидек табаррук оталар ва уларнинг малҳамижон панду ўғитлари қанчалар етишмайди.

Бу нуроний сиймони эл ўртасида бунчалик баланд эҳтиром мақомига кўтарган фазилатлар — собит имон ва

¹ А. Қодирий. Ўткан кунлар, 351-бет.

² Ўша жойда, 532-бет.

инсоний андиша уни ҳаргиз тарк этмайди. Юсуфбек Ҳожи умр бўйи аждаҳо комида, таҳликали бир вазиятда манфаатпараст ҳукмдорларни кўлидан келганича адлу инсоф сари чорлаб ўтади, юрт андишаси ҳеч қачон хотирасидан кўтарилмайди.

Юсуфбек Ҳожи Ўзбек ойимнинг зўри билан Зайнабга унашилганлик хабарини Отабекка маълум қилар экан, оғир мушкулот ичида қолади, бироқ шунда ҳам бу мураккаб вазиятдан ўзининг ҳам номига доғ туширмай чиқа олади: «Биз ҳозир андишанинг бандасимиз, ўғлим, бизнинг оиладан лафзсизлик чиқиши менга маъқул кўринмайди»¹.

Ҳукм каби янграган бу сўзга бир нима деб эътироз билдиргани энди Отабекда ҳад қолмайди — ота олдидаги андиша йўл қўймайди. Юсуфбек Ҳожининг муносиб зурриёди бўлган Отабек ҳам ҳар бир қадамини юз бир андиша ва мулоҳаза билан босади. Шу андиша туфайли у Тошкентдан Зайнабга унаштирилганлик хабарини олиб қайтгач, Кумушга, унинг ота-онасига бу ҳақда чурқ этиб оғиз очмайди, ҳатто Тошкентга қайтиб бормасликка ҳам аҳд қилади. Фақат сирдан хабардор қутидорнинг кийин-қистовлари остидагина Тошкентга қайтишга мажбур бўлади, бироқ Зайнаб билан тўйи ўтгач, «чарларни ҳам кутмай, Марғилонга ошиқади, онасининг терс сўзларига жавобан шундай дейди: «Хотинимнинггина эмас, унинг ота-оналарининг андишасида шошарман»².

Маълумки, ота-она орзуси қаршисида ожиз қолган Отабек тўй арафасида уларга қарата: «Оладирган келинингиз қаршисида мени жонсиз ҳайкал деб тасаввур қилингиз»³, деган сўзни айтади. Бу гапнинг шунчаки айтилмаганлигини тўйдан кейин кўрамиз. Отабек тунларни меҳмонхонада ёлғиз ўтказа бошлайди. Хўш, ўша кезларда у уят, андишани унутган эдими? Ўзбек ойим айтмоқчи «инсофсиз, адолатсиз» бир кимсага айланган эдими? Йўқ. Отабек бу чоғларда оғир виждон азоби ичра қолган эдики, бунини ўз сўзлари билан қуйидагича эъти-

¹ А. Қодирий. Ўткан кунлар, 130-бет.

² Ўша жойда, 154-бет.

³ Ўша жойда.

роф этади: «Сиз билган инсофни мен ҳам биламан. Бир бечорани фақат сизнинг кайфингиз учун азоб эмас, чеккан хўрлигини ўйлаб ҳар куни бир қат этдан тушаман»¹.

Отабек бу дамда иккинчи бир андишанинг ҳам бандаси эди.

Отабек билан отаси ўртасидаги муносабатлар ҳам ўзаро теран эҳтиром ва одоб-андиша асосига қурилгандир. Шу боис ҳам Отабек фироқ аламида баъзан сархуш қайтган кезларида отасига кўринмасликка тиришади. Эртаси Ҳасаналининг юзига бош кўтариб қараёлмай уялади. Бу жиҳатдан ушбу мисол айниқса ўринлидир. Кумушнинг кўз ёриб, Отабек йўлакда шу хабарни эшитиб турган пайт Шунда у «Йўлакдан кирувчи дадаси билан Ҳасанал шарпасини олди ва ўйланиб тўхтади. Айниқса, ҳозирг пайтда дадаси билан тўқнашиш унинг учун бир оз ўнғай сизроқ туюлган эди, ичкарига томон юрди»².

Отабек билан Юсуфбек Ҳожи ораларидаги ана ш муносабатларга назар ташланг. Фақат юксак мадания ва зиё эгаларигина шу тарзда майин ва мулойим муомала да бўлишлари мумкин. Юсуфбек Ҳожи ўзининг отали вазифасини суистеъмол қилмайди.

Отабек ва Кумуш ораларидаги муомалага зеҳн қилини қанчадан-қанча шарм-ҳаё, нафис фаросат бор бу муомалада. Ошиқ-маъшук, олов қалб икки ёш бир-бирлариг интиладилар. Улар қандай қийинчиликларга, оғир воқеаларга дуч келганда бири иккинчисига айб юклаб, кўнги хираликлар рўй бериши мумкин эди. Бироқ бундай ҳо рўй бермайди. Уларнинг бир-бирларидан ўпқаланишларида ҳам одоб-андиша барқ уриб турган хатларни эсланг. Бу хилдаги нафосат барқ уриб турган хатларни фақат бутун замонига зиё таратиб турган шахсларгина ёзиш ва бу хатлар бир-бирларига эмас, балки барча замондошларига, хатто келажак авлодларига маънавий озуқа бўлиши мумкин.

Асардаги қизлар мажлисини олиб қарайлик, унда ўзбек қизларига хос гўзаллик, шўхлик, нафислик акс этади.

¹ А. Қодирий. Ўткан кунлар, 154-бет.

² Ўша жойда, 354-бет.

А. Қодирий «Ўткан кунлар» романида нафақат Отабек билан Кумушнинг севги-муҳаббатини, балки Отабек билан Кумуш, Мирзакарим қутидор билан Юсуфбек Ҳожилар орқали ўзбек халқининг ахлоқ-одобини, бир-бирига ҳурматини, хушмуомалалилигини, юксак инсоний фазилатларини, ахлоқ-одобнинг юксак намуналарини акс эттирган.

Кутубхоначининг китобни бу каби таҳлил қилиши ва маслаҳати китобхонни асарни тушуниб, фикрлаб ўқишга мажбур этади.

Кутубхоначилар тажрибасидан шу нарса маълумки, китобхонлар китоб ўқиганда доимо ижобий қаҳрамонни эслаб қоладилар, унга ўхшагилари келиб у қилган ҳаракатларни, айтган сўзларни ўзларига сингдириб оладилар.

Салбий қаҳрамон доимо ёмон отлиқ бўлиб қолаверади. Мактабда ҳам, кутубхонада ҳам салбий қаҳрамонни тушуниш кераклиги, ундаги хусусиятлар ҳам инсонларга хослиги ва ҳаётда тўғри яшаш учун улардан ҳам ўрганиш мумкинлиги уқтирилмайди. Шу жиҳатни олганда кутубхоначи китобхонни салбий қаҳрамонни ҳам баҳолашга ўргатиши мумкин, чунки инсон ўзидаги баъзи ёмон одатларни йўқотишда салбий қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатини таҳлил қилиши катта аҳамиятга эга. Бадий адабиётда турли-туман салбий типлар тасвирланган бўлиб, ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда, уларда ахлоқий принципларни, яъни ҳалоллик, адолатпарварлик, курашувчанликни тарбиялашда бу типларни ўрганиш муҳимдир.

Масалан, «Фарҳод ва Ширин»даги Хисрав, «Бой ила хизматчи»даги Солиҳбой, «Ўткан кунлар»даги Ҳомид, «Баҳор қайтмайди»даги Алимардон, «Одам бўлиш қийин»даги Абдулла, «Ичкуёв»даги Юсуфали Ҳамроалиев, Зариф Аҳмедов, «Тоғда ўсган бола»даги Эшмирзалар хилма-хил салбий характерга эга ва улар ҳар бирининг ўзига хос фожиавий тақдири мавжуд. Ўқувчилар ушбу ва шунга ўхшаган китобларни мутолаа қилар эканлар, кимларга ўхшамасликлари кераклигини, кимлардан узоқроқ юришлари лозимлигини, улар билан қандай курашиш мумкинлигини англаб оладилар.

Саҳна асарлари, драма, комедия, трагедияда салбий образлар якқолроқ кўзга ташланади.

Айниқса юқори синф ўқувчилари билан якка ҳолда ишлаганда мумтоз адабиёт вакиллари асарлари ҳамда тарихий китобларнинг ўқилишига катта эътибор бериш лозим. Бундай асарлар билан ишлашнинг аҳамияти шундаки, бу китоблар ўқувчиларни ўз тарихини, адабиётини билишга, аждодлари билан фахрланишга, ўзлигини танишга, қадимий урф-одатлари, анъаналарини ўзлаштиришга, ватанини, элини севиб, ардоқлашга ўргатади.

Мустақиллик шарофати билан кутубхоналарда бундай китоблар янада кўпайди.

Бу хилдаги асарлар билан ишлаганда ўқувчини қийнайдиган баъзи ҳолатларни эътиборга олиш лозим. Биринчидан, тил масаласи, иккинчидан, узоқ ва қадимий даврларнинг акс эттирилиши, учинчидан, ушбу даврдаги тарихий ва ижтимоий воқеаларни тўлиқ билмаслик, тўртинчидан, тарихимизни нотўғри талқин қилиниши (олдинги ва ҳозирги нашрдан чиққан китоблар мисолида), бешинчидан, ўша даврдаги урф-одатлар, анъаналар ва одамлар ўртасидаги муносабатлар ва хуллас жамиятнинг сиёсий-иқтисодий аҳволи билан яхши таниш бўлмаслик ўқилган китобни тўлиқ тушунишни қийинлаштиради.

Ҳали бизда қадимдан то шу давргача бўлган тарихни изчил, тартиб билан акс эттирган ва шу билан ўқувчилар диққат-эътиборини ўзига тортадиган бадий-тарихий асарлар йўқ.

Ҳалигача мумтоз адабиётимизнинг барча вакиллари ёки улуғ аждодларимиз, барча қомусий олимларимизнинг қилган ишлари ҳақида ўқувчилар тўлиқ тасаввурга эга эмаслар. Адабиётда ҳам, тарихда ҳам улар ҳақида анча китоблар мавжуд, лекин изчиллик, тўлиқликка эришилган эмас.

Мустақиллик туфайли ўқувчиларимиз 5-синфдан бошлаб М. Кошғарийнинг «Девони луғатит турк», Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» ва бошқа адибларнинг асарларидан берилган парчалар орқали маълум тушунчага эга бўлмоқдалар. Юқорироқ синфларда улар Паҳлавон Маҳмуд, Хоразмий,

Лутфий, Дурбек, Атойи, Саккокий, Бобур ва айникса буюк адибмиз А. Навоий, Муқимий, Фурқат, Завкий иждола-ри билан танишадилар. Мактабда ўқувчилар А. Навоий, Муқимий, Фурқатнинг ижоди ва улар ёзган асарлар би-лан анча тўлиқроқ танишадилар, қолган адибларнинг асар-ларидан парчалар орқали ахборот оладилар.

Уларнинг асарлари кутубхоналарда мавжуд, лекин юқорида таъкидлаганимиздек, бу асарларга ҳали бола-ларнинг «тиши» ўтмайди. Ушбу асарларни ҳозирги за-мон ўқувчилар тилига, тушунчасига мослаб, қайта иш-лаб берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кутубхоначи бадий ва тарихий-бадий асарлар би-лан ишлаш натижасида китобхоннинг билимига билим қўшишдан ташқари унинг ахлоқий, руҳий жиҳатдан етук, иймонли қилиб тарбияланишига ҳам катта хисса қўшади.

Юқори синф ўқувчилари билан яққа ҳолда ишлаганда кутубхоначи ўқувчилар эътиборини бошқа соҳа, фанлар-га ҳам тортади. Чунки мактабда хилма-хил предметлар ўти-лади, хилма-хил касбларга қизиқиш орттирилади.

Кутубхонада илмий-маърифий китоблар билан ишлаш

Бу ёшдаги ўқувчилар энди алоҳида предмет ёки дарс-ларга қизиқа бошлайдилар, алоҳида касбларга мойиллик билдирадилар ва шу ҳақидаги китобларни ўқишга ҳара-кат қиладилар. Кутубхоначи ўқувчилар ўқишини ўзига хос усуллар билан ўрганар экан, ҳар бир ўқувчини нима-га интилишини, ким бўлмоқчи эканлигини аниқлайди ва шунга қараб уларга китоб тавсия этади.

Бунда албатта илмий билим берувчи китобларни қан-дай тавсия қилиш кераклигини ва унинг таъсирини оши-риш йўлларини билиши керак бўлади. Бадий адабиётни тавсия қилаётганда асосан ҳис-ҳаяжонга, руҳият ва кай-фиятга эътибор берилса, илмий-оммабоп китоблар тав-сиясида қизиқарли маълумотларга, муаммоли, баҳсли то-монларга эътибор берилади.

Илмий билим берувчи китобларни ўқувчилар орасида жуда усталик билан тарғибот қилиш, бунда барча малака ва маҳоратни ишга солиш лозим.

Чунки ҳамма ўқувчилар ҳам мактабда ўтиладиган математика, физика, химия, астрономия каби фанларни севиб ўқимайдилар ва уларни тушуниш қийин предметлар деб ҳисоблайдилар. Ўқувчиларга ушбу «қийин» соҳаларга оид қизиқарли ва тушунарли китобларни оддий усуллар билан тарғиб қилиб, уларнинг ўқилишига эришиш бу дарсларни яхши ўзлаштиришга ёрдам беради.

Кутубхоначи болалар диққатини ушбу соҳаларга жалб қилиш учун уларга хилма-хил саволлар бериб уларни қизиқтиради. Масалан, нимага БМТнинг байроғи кўк? 1982 йили тасодифан Мирзо Улуғбекнинг бир хазинаси топилди, у қандай хазина? Лаққа чўғ устида оёқ яланг бемалол юра оласанми? Алп тоғларида қоп-қора қорни кўришибди, нимага?

Кутубхоначининг бундай саволлари албатта ўқувчиларни қизиқтиради ва кутубхоначи уларга шу саволларга жавобни «Сирли олам» тўпламидан олиш мумкинлигини айтади.

Кутубхоначи тўпламни бежиз тавсия қилмайди, чунки унда инсон саломатлиги, энергетика, озиқ-овқат муаммолари, экология, чиқиндисиз технология, фаннинг жумбоқли масалалари берилганки, ўқувчилар бу тўпламни ўқиб, бошқа соҳалар бўйича ҳам қизиқарли маълумотлар оладилар.

Сўнгра кутубхоначи юқори синф ўқувчилари диққатини «Горизонты познания» туркумга қаратади. Ушбу туркумда йирик олимларнинг энг янги тадқиқотлари ва келажакдаги ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи болаларга мос оммабоп китоблар нашр этилади.

Масалан, радиоактивликнинг кашф этилиши, усиз биронта соҳани ривожлантириб бўлмаслиги, бу мўъжизанинг фойдаси ҳақида Ю. Фиалковнинг «Свет невидимого» китобидан, роботлар авлодининг яратилиши, китобларни машина ёрдамида таржима қилиш, диалогли тизимларнинг яратилиши ҳақида А. Кондратьевнинг «Формула чуда» китобидан ўқиб олиш мумкин.

Кутубхоначи ўқувчиларнинг қайси соҳага, предметга, мавзуларга қизиқишини ўзига хос усуллар билан билиб олади ва уларга шу соҳага оид китобларни тавсия этади.

Бу эса уларнинг шу соҳага қизиқишини янада орттиради, дарсларда яхши ва аъло баҳоларга ўқишларига имкон яратади.

Кутубхоначи физикага қизиқувчи ўқувчига: «Биласанми? Инглиз физиги Томас Юнг икки ёшида ўқий олган, Паскаль эса мустақил ўзи учун янги бўлган геометрияни ўн уч ёшида кашф этган, Ландау 14 ёшида университетга кирган», деб уни физикага янада қизиқтиради ва Ландау ҳақида гапириб беради: «Биласанми, Лев Давидович Ландау ёзишни унча хушламаган, ишга қабул қилиш учун ёзиладиган аризанинг ҳам ярмини ёзган, қолганини машҳур физик П.Л. Капица ёзиб берган, лекин Ландаунинг физика назарияси соҳасидаги кашфиётлари жаҳон физикларини лол қолдирган.

Ушбу кашфиётлар учун у Нобель мукофоти, ҳатто Ф. Лондон, М. Планк медалларини ҳам олган. Бошқа йирик физик олимларнинг ҳаёти, қилган ишлари ҳақида билмоқчи бўлсанг М. Бессарабнинг «Ландау страници жизни», М. Раҳматовнинг «Ватанимиз физиклари» китобларидан кўплаб маълумотлар олишинг мумкин».

Кутубхоначи ўқувчилар билан алоҳида ишлаганда баъзан физикани унча хушламайдиган болаларни ушбу соҳага қизиқтиришга ҳаракат қилади. У ўқувчи билан суҳбатлашиб, «Отилган ўқни ушлаш мумкинми?», «Осмонда нечта юлдуз бор?», «Бир томчи сувни тарозда тортиш мумкинми?» деб сўрайди. Агар О. Абдуллаевнинг «Сизни физика қизиқтирса» китобини ўқисанг, ана шу ва ундан ҳам қизиқ саволларга жавоб топишинг мумкин деб уқтиради.

Кейинчалик ўқувчини яна бошқа китоблар ичига аста-секин олиб киради ва Я.И. Перельманнинг «Қизиқарли физика» китобини ўқишга беради, сўнгра Р. Бекжонов ва Қ. Тешабоевларнинг «Атом сирларини очиб» китобига диққатини тортади.

Мактабда математика энг қийин фан деб ҳисобланади. Шунинг учун айрим ўқувчилар бу фандан анча безиб қолади. Кутубхоначи ва ўқитувчи математика ҳам бошқа фанларга ўхшашлигини, уни ўрганиш осонлигини, усиз ҳеч бир иш қилиб бўлмаслигини ўзига хос усуллар билан ўқувчиларга тушунтириши керак. Масалан, сотувчи, ҳайдовчи, муҳандис, шифокор, ўқитувчи бўлиш учун ҳам математикани билиш кераклиги уқтирилиши лозим.

Ўқувчиларни ушбу фанга қизиқтириш учун аввало унинг тарихи, қизиқарли мисоллар, сонларни сеҳрли эканлиги ҳақида гапириб бериб аста-секин уларни кийинроқ масалалар ечишга бошламоқ керак.

Кутубхоначи ўқувчиларга Миркарим Осимнинг «Алжабрни туғилиши» китобини тавсия қилиб буюк аждодимиз Ал-Хоразмий ҳақида гапириб беради. Ал-Хоразмий янги илм кашф этиб, уни «Ал-жабр» деб номлайди, уни французлар «алгебра» деб таржима қиладилар. Жуда кўп нарсаларни тўрт амал: қўшиш, айириш, бўлиш ва кўпайтириш орқали ҳисоблаб бўлмайди, шунинг учун Ал-Хоразмий уларни ҳисоблашда муадала (тенглама), яъни ҳарфлар ва сонлар ёрдамида ечиш усулини кашф этади. Ҳозир бутун жаҳонда шу усул қўлланилади.

Кутубхоначи ўқувчининг диққатини Р. Оқилов томонидан тўпланган «Ҳисобла, еч, ўйлаб топ» китобига тортади. Сўнгра Я. И. Перельманнинг «Жонли математика», «Математикага доир ҳикоялар ва жумбоқлар» китобини ўқиш учун тавсия қилиб, кейинчалик А.Н. Боголюбовнинг «Математика, механика» биографик асарига олиб киради. Тавсия этилган ушбу китоблар ўқувчида математика фанига қизиқиш уйғотади ва улар бошқа китобларни мустақил ўқишга киришадилар.

Кутубхонада болаларнинг ўқишига мўлжалланган кимёга оид китоблар унча кўп эмас, лекин кимё фани ютуқлари қўлланмайдиган соҳанинг ўзи йўқ деса бўлади. Масалан, каучук, елим, полиэтилен, пластмасса, гурт ва ҳоказолар ишлаб чиқариш учун кимё фани қўлланилади. Каучук хиндулар тилида «кау» — дарахт, «чук» — йиғламоқ маъносини билдиради. Каучук бўлмаганда жаҳонда биронта машина, трактор, самолёт, велосипед ҳам бўлмасди, чунки уларнинг филдираги каучукдан ишланади ва елим ёрдамида ямалади. Кутубхоначи илондан табибликни ўрганган, «хаёл», «кампир чопон», «қора қовун», «бўригул» каби гиёҳлардан дори-дармон олиб, оддий темирчидан машҳур академикликкача бўлган шонли йўлни босиб ўтган Собир Юнусов ҳақида ёзилган С. Анорбоевнинг «Устоз ва шогирдлар» китобини албатта ўқиш учун тавсия этади. Сўнгра Қ. Ахмеровнинг «Хи-

мия муъжизалари» китобидан қизиқарли мисоллар ай-тиб беради. Шунингдек, Қ. Ахмеровнинг Ўзбекистоннинг кимёгар олимлари ва улар томонидан кашф этилган янгиликлар, уларнинг фаолияти, фанга қўшган ҳиссалари ҳақидаги «Ўзбекистон кимёгарлари» китобини ўқиш учун тавсия этади.

Кутубхоначи юқорида қайд этилган китобларни тавсия этар экан, ўқувчиларга табиатдаги ҳамма нарсалар бир-бири билан боғлиқлигини, шунингдек, ушбу фанлар ҳам узвий боғлиқлигини, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмаслигини уқтиради. Математика, физика, кимё албатта геология, география, биология, қишлоқ хўжалиги, медицина билан чамбарчас боғлиқлигини тушунтиради.

Кутубхоначи ушбу соҳаларга оид китобларни тавсия қилар экан, фақат ўзининг кутубхонасидаги китоблар билангина чекланиб қолмай, бошқа қўшни кутубхоналар фондини ҳам ҳисобга олади. Юқори синф ўқувчилари бир неча кутубхонадан фойдаланишни биладилар. Шунинг учун ҳам кутубхоначи доимо вақтли матбуот, библиографик кўрсаткичлар, янги китоблар ҳақидаги ахборотлар билан мунтазам танишиб боради ва ўқувчиларга ушбу китобларни топиб ўқиш йўлларини кўрсатиб туради.

Масалан, Х. Ҳасановнинг «Сайёҳ олимлар» китобини тавсия қилаётиб уни марказий кутубхонадан олиб ўқиш мумкинлигини, ўқиётганда Марказий Осиёда туғилган ва камолга етган Маҳмуд Кошғарий, Беруний, Хожа Юсуф ва бошқаларнинг бошидан кечирган саргузаштлари ва изланишларига алоҳида эътибор беришни тайинлайди. Балки Х. Колумб Американи кашф этганда ундан 450 йил аввал Берунийнинг «Сувнинг нариги томонида ер борлиги» ҳақидаги фикрини ўқигандир ва шунга асослангандир. Ўйлаб кўрингчи боғлиқлик борми?

Машҳур сайёҳ Тур Хейердал ўзининг китобларида ва шахсан ўзи африкаликлар Колумбдан анча олдин қайиқларда Жанубий Америкага бориб келиб юрганликларини исботлайди. Унинг «В поисках рая», «Кон-Тикида сафар» китобларида жасур саёҳатчилар ва ажойиб ўлкалар ҳақида

ҳикоя қилинади, уларни ўқиб китобхонларнинг география, биология, зоологияга оид билими ошади. Кутубхоначи ушбу китобларни алоҳида ўқувчиларга тавсия қилибгина қолмай, уларнинг хилма-хил оммавий тадбирлар орқали ушбу китобларни ўз ўртоқлари орасида тарғибот қилишларини ҳам ташкил қилади. Ўқишга раҳбарлик қилиш алоҳидаликдан бошланиб умумийликка томон ўсиб боради, яъни кутубхоначи, ўқитувчи ва оилада тавсия этилган китоб оммавий тадбирлар орқали кенг ўқувчилар оммасига етиб боради ва тарқалади.

ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Кичик ёшдагиларга аталган оммавий тадбирлар

Китоб билан оммавий иш олиб борилганда, болаларни ватанимиз ва бошқа мамлакатларда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеалар ва ходисалар, табиатда юзага келаётган ўзгаришлар билан таништирилади. Бу уларнинг мактабда олган билимларини кенгайтиради ва чуқурлаштиради.

Ўтказилаётган китоб кўргазмасида, бадий эрталикларда, бадий ўқиш вақтида ва улар билан суҳбат ўтказиб ҳикоя қилиб берилганда болалар бадий ва илмий-оммабоп адабиётлар билан танишадилар.

Болалар китоб ҳақида суҳбат ўтказилганда, адабий эрталикларда иштирок этганларида китобга катта эътибор билан қарайдилар.

Овозли ўқиш, айтиб бериш, бадий эрталиклар, ҳар хил тўғаракларда олиб борилаётган ишлар болаларни бирлаштиради, китобхонлар сонини оширишга ёрдам беради, янги ўқувчиларни кутубхонага жалб қилади.

Оммавий ишарнинг ажралмас қисмларидан бири ифодали ўқишдир. Машҳур шоир ва ёзувчилар, педагоглар А. Авлоний, Ҳ.Ҳ. Ниёзий, С. Айний, С. Долимов, С. Ражабов, Х. Тўхтабоевлар ифодали ўқишга юқори баҳо берганлар. Ифодали ўқиш болаларни тарбиялашда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Энг тажрибали ўқитувчи

ва кутубхоначилар ифодали ўқишни ўз ишларида самарали усул деб биладилар ва ўзларининг тарбиявий фойдалиятларида бу усулдан кенг фойдаланадилар.

Овозли ўқиш ва сўзлаб бериш болани китобга жалб қилишнинг табиий усули бўлиб, ундан оилада ҳам кенг фойдаланилади. Машҳур педагог А.С. Макаренко оилада овозли ўқиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб: «Имкони борича ўқиш ҳар куни ва доимий равишда олиб борилиши лозим. Аввало ота-оналар ўқиб беришса, сўнгра бу ишни болаларнинг ўзига топширишса мақсадга мувофиқ бўлади», деган эди.

Овозли ўқиш ва сўзлаб бериш мактабгача ёшдаги болалар, кичик синф ўқувчилари билан ишлашда муҳим ўрин эгаллайди. Улар ҳали ўқиш техникасини яхши эгалламаган бўладилар. Шунинг учун бу ёшдаги болалар биринчи-иккинчи йилда ўқишга анча қийналишлари сабабли ўқишдан кўра эшитишни яхши кўрадилар. Бундан ташқари, болалар ўқишгагина эмас, диққат билан эшитишга ҳам, эшитганларини ўзлаштиришга ва айтиб беришга ҳам ўрганишлари керак.

Болаларнинг ўқиш техникасини аста-секин ўрганишлари уларнинг ўқиш қобилиятлари ва диққатларини ўстиради, улар ўз кучлари билан ўқиган китобларининг мазмунини тушуна бошлайдилар. Болаларга қийинроқ матнларни ўқиб бериш ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ бўлавермайди. Чунки овознинг интонацияси, китобнинг мазмуни кичик китобхонга ёқмаслиги ёки уни тушунмай қолиши мумкин.

Бундай пайтда қайта ўқиб бериш мақсадга мувофиқдир. Овозли ўқиётганда интонация ва пауза билан ўқиш матни тушунишни осонлаштиради. Айниқса ўқувчиларга матни катталар сўзлаб берсалар, янада мақсадга мувофиқ бўлади. Овозли ўқиб, сўнгра сўзлаб берилса, китобхон ўқилган китобнинг мазмунини яхши тушунади. Болалар китобни ўзлари мустақил ўқиганларида унинг айрим жойларига, айрим сўзларига тушунмайдилар ёки эътибор бермасликлари мумкин. Масалан, 3-синф ўқувчиси ўзбек халқ эртақларини ўқиб келганда кутубхоначи «Етти яшар бола» эртаги юзасидан қуйидагича савол

бериши мумкин. «Боланинг отасини ким ўлдирди?» «Боланинг отасини подшо ўлдирди, у аввало ёмон эди, кейин яхши бўлиб қолди. Болани ўзининг ўрнига подшо қилди», деб жавоб беради бола. Ўқувчи чолни бошқа подшо ўлдирганини ва ўғлига бошқа подшо ўз ўрнини берганини тушунмаган. Бундан ташқари кутубхоначи эртақдаги «қора чангал», «тақдир», «туш таъбири» каби сўзларни ҳам тушунтириб беради.

Овозли ўқиш синф ўқувчилари учун ҳам муҳимдир. Бу уларга китобни тўла тушунишларида ёрдам беради.

Бу вақтда болаларнинг асосий эътиборини табиатнинг тасвирланишига, алоҳида сўзлар, воқеалар, эпизодларга, қатнашаётган шахсларнинг характерларига жалб қилиш лозим. Овозли ўқиш ёзувчи тилининг чиройлилигини, унинг услубини китобхон томонидан сезишга, тушунишга олиб келади. Катталарнинг ифодали ўқишини эшитгач, болада матнни ўзи ўқишга қизиқиш пайдо бўлади ва бола мустақил ўқишни бошлайди.

У аста-секин интонация, пауза билан ўқишни ўрганади, диалогда қатнашаётган шахсдек ўқишга ҳаракат қилади. Буларнинг ҳаммаси ўқиш сифатини оширишда ва бола дунёқарашини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Овозли ўқиш ҳаттоки китобга кам қизиқувчи ва кам китоб ўқувчи болада ҳам китобга қизиқиш уйғотади.

Айрим вақтда китобни овозли ўқиб, унинг қизиқ жойига келганда тўхтатиб қўйиш ва кузатиш керак, ўқувчилар китобнинг давомини ўзлари қизиқиб тугатадилар. Чунки ҳикоя қизиқ жойига келиб тўхтатилса, воқеанинг давоми нима билан тугаши болани қизиқтиради ва у китобни қандай қилиб бўлса ҳам ўқиб чиқишга ҳаракат қилади. 3-синф ўқувчилари овозли ўқишни қизиқиб эшитишлари натижасида фақатгина ўқилаётган шу китобгагина эмас, унинг муаллифига ва бошқа ёзувчиларнинг шу мавзуга оид китобларига ҳам қизиқа бошлайдилар. Масалан, Қ. Муҳаммадий, Ш. Саъдулла, П. Мўмин, Т. Адашбоев ва бошқаларнинг шеър ва ҳикояларини ўқиган китобхонда уларнинг бошқа асарларига ҳам қизиқиш уйғонади. Шундай қилиб, овозли ўқиш китоб тавсиясида жуда катта ўрин эгаллайди. Овозли ўқиш ва сўзлаб бериш учун

қандай китобларни танлаш керак? Табиийки, бу ерда биринчи навбатда болалар адабиётининг энг яхши намуналари танланади. Айниқса Қ. Муҳаммадий, И. Муслим, З. Диёр, Ҳ. Ҳошимов, А. Обиджон, С. Очил, С. Анорбоев, Т. Адашбоев, М. Хидир каби ўнлаб бошқа ўзбек болалар адибларининг асарларига мурожаат қилиш лозим. Китобхон бунда хилма-хил қаҳрамонларнинг аниқ тўлақонли образлари билан танишади. Ёш китобхонларни рус ва жаҳон классикларининг болаларга аталган китоблари билан таништиришда кутубхоначи яна ўша усулдан фойдаланади. Уларнинг ижоди ҳақида сўзлаб беради, китоблардан парчалар ўқиб, қизиқ жойида тўхтатиб қўяди. Л. Н. Толстой, Тургенев ва Чехов ҳикояларидан тез-тез ўқиб бериш керак. Хорижий ёзувчилардан Ш. Перро, Андерсен, ака-ука Гриммлар, А. Несин, Прем Чанд, Р. Тагор, Инуи, Томико ва бошқаларнинг китобларидан қизиқарли парчаларни танлаш мумкин. Овозли ўқишга ёки сўзлаб беришга халқ эртаклари жуда қизиқ манба бўлиб хизмат қилади. Ҳар хил фантастик, сеҳрли эртакларни сўзлаб бериш мақсадга мувофиқ.

Аниқ ва ёруғ образли кичик, қизиқарли, маънодор эртаклар болаларни атрофларини ўраб турган дунё билан таништиради, уларнинг кўпгина саволларига жавоб беради. Халқ эртакларига хос бўлган хусусият — ҳақиқатни ёмонлик, ростни ёлғон устидан ғалаба қилиш хусусияти болаларда ҳақгўйликни тарбиялайди. Натижада эртаклар болаларда бадиий адабиётга қизиқиш уйғотади. Аммо, ҳамма халқ эртаклари ҳам болаларга тўғри келавермайди. Эртақ танлаётганда болаларнинг ёш хусусиятига, эртақнинг ғояси ва мазмунига эътибор бериш керак.

Кичик синф ўқувчилари, асосан, мактабгача ёшдаги ва 1-синф ўқувчилари шеърларни жуда ҳам қизиқиб эшитишади. Шунинг учун овозли ва ифодали ўқиш репертуарида поэзияга ҳам алоҳида ўрин бериш керак.

Кўпинча кутубхоналарда болалар қизиқишини ошириш мақсадида ўқиш кечалари ўтказилади. Кутубхоначи томонидан ифодали ёки овозли ўқиш, сўзлаб бериш учун танланган манба (эртақ, ҳикоя, шеър) бадиий жихатдан юксак бўлиши керак.

Болалар қаҳрамонлик кўрсатувчи, ёвузлик ва ёмонлик устидан ғалаба қилувчи, яхшилик билан тугайдиган китобларни севиб ўқийдилар ва эшитадилар.

1—2-синф ўқувчилари китобда кам персонаж қатнашадиган, ҳажми кичкина бўлган китобларни қизиқиб ўқийдилар. Ифодали ўқиб берилганда улар ҳажми катта китобларни ҳам, ўзлари ўқигандан кўра осонроқ тушундилар. Шунинг учун кутубхоналарда ифодали ўқиш учун катта китоблардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Болалар кутубхоналарида овозли ўқиш ва сўзлаб беришда газета ва журнал материалларидан ҳам кенг фойдаланилади. Бу эса 2—3-синф ўқувчиларини бизнинг ва бошқа мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан таништиради, болаларни вақтли матбуот нашрларини мустақил ўқишга ўргатади.

Кутубхоначи тўғри, маъноли қилиб ўқишни билиши керак. Унинг вазифаси бадиий асарнинг маъноси, мазмуни ва ғоясини эшитувчига етказиб беришдан иборат. Бунинг учун ўқиладиган манба ҳақида аниқ ва тўлиқ тушунча бўлиши ва асардаги ҳамма нарсани қойиллатиб ифодалаб бериши лозим. Ифодали ўқиш яхши тайёргарликни талаб қилади.

Кутубхоначи биринчидан, асарни таҳлил қилиб, китобнинг мазмуни ва ғоясини, автор нима ҳақида ёзаётганлигини, унинг услубини аниқлаши керак.

Бунда у матнни қандай ўқиш, яъни қаерда тўхташи, қаерини паст ёки баланд овозда ўқиши (интонация) кераклиги, нуқта ва вергулларини аниқлайди.

Кутубхоначи асар мазмунини аниқ акс эттирувчи муҳим сўзларни олдиндан белгилаб чиқади ва бу сўзларни ўқийётганда бироз тўхтаб, уларга урғу беради.

Ёзилган воқеаларга қараб ўқиш темпи ўзгаради. Ўқиш темпи асар бошида секин бошланади ва воқеа ривожига қараб аста-секин тезлашади. Ўқишда шошилиш керак эмас. Тез ўқиш эшитувчиларни асарнинг мазмунини тушунишига ва фикрлашига халақит беради, эшитаётган нарсаларни китобхон кўз олдига келтира олмайди, натижада асарнинг мазмунини тушунмай қолади.

Кичик ёшдаги болалар билан ишлашда уларнинг ўқишдан кўра эшитишни яхши кўришларини ҳисобга олиб, сўзлаб бериш усулидан кенг фойдаланилади.

Ҳикоя қилувчи аудиторияда ўзини эркин тутиши керак. У аудитория кайфиятига қараши, уни ақлан бошқариши лозим. Сўзлаб берувчи аудитория кайфиятига қараб ҳикоя ёки эртакни уларга ёқадиган овозда гапириб бериши, матнни ўзгартириши ёки қисқартириши мумкин.

Бола ҳикоя ва эртакнинг фақат мазмуни билангина эмас, сўзлаб берувчининг шу воқеага бўлган муносабати ва унга берадиган баҳоси билан ҳам танишади. Аудиторияни, ўқиб бергандан кўра сўзлаб бериб ўзига жалб қилиш осонроқ.

Сўзлаб бериш ифодали ўқишдан кўра кўпроқ тайёргарлик кўришни талаб қилади. Сўзлаб бериш учун асар танлангандан сўнг, биринчи марта ўқиб чиқиб, ҳамма томонига эътибор бериш керак.

Унинг мазмуни билан шундай танишиш ва эшитувчиларга шундай усталик билан айтиб бериш керакки, эшитувчилар ҳам ҳикоячи асардан қандай таъсирланган бўлса, шундай таъсирланишлари керак. У ҳикоя қилганда эшитувчилар кўз олдида матндаги эпизодларни жонлантириши керак. Шундагина китобдаги ҳамма нарсалар эшитувчиларнинг эсида қолади, улар ҳолатларини ҳатто сўзма-сўз билиб олишади.

Сўзлаб беришда меъёрга амал қилиш лозим. Чунки сўзлаб беришни жуда чўзиб юбориш китобхонларни зериктиради, натижада уларнинг диққати бошқа нарсага жалб бўлиб қолади. Ҳикоя бир қулоғидан кириб, иккинчисидан чиқиб кетади.

Ҳикояни баланд овоз билан айтиб бериш керак эмас. Ҳатто 80—100 кишилик аудиторияда ҳам ҳикояни шошилмай, дона-дона қилиб, тушунарли тилда гапириб бериш лозим.

Баъзан сўзлаб беришга болалар тўлиқ тушуна олмайдиган матнлар ҳам танлаб олинаши мумкин, шунинг учун уни сўзлаб беришдан олдин болалар билан ушбу матн ҳақида суҳбатлашиб олинади. Масалан, суҳбатда матн муаллифи ҳақида, унда тасвирланган воқеаларнинг вақ-

ти, шароити, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати ҳақида қисқача маълумотлар берилади.

Кўпинча сўзлаб беришдан олдин ҳикоя, эртақларда учрайдиган нотаниш, тушуниш қийин бўлган сўзларга изоҳ берилиб, унинг маъноси тушунтирилади.

Танлаб олинган матнни сўзлаб бергандан кейин ҳам ўқувчилар билан суҳбатлашиш лозим. Бу суҳбат одатда коллектив ҳикоя қилишга айланиб кетади.

Ўқувчилар эшитган нарсаларидан олган таассуротларини бир-бирига гал бермай айта бошлайдилар. Бу биринчидан, болаларни эшитган нарсаларини хотирада яхшироқ ўрнашиб қолишига ёрдам берса, иккинчидан, сўзлашга, эшитганларини эслашга, фикрлашга ўргатади.

Бу усулнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, кутубхоначи қисқа ва лўнда саволлар билан болаларнинг эшитган нарсаларига бўлган муносабатларини аниқлайди ва уларда яхши хулқ, одатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Масалан, кутубхоначи 3—4-синф ўқувчиларига У. Ҳошимовнинг нонни эъзозлашга бағишланган «Ишониш қийин бўлган воқеа» ҳикоясини айтиб беради. Ҳикояда болалар нонни коптоқ қилиб футбол ўйнайдилар, уларнинг ота-оналари эса бунга бепарво қараб турадилар.

Кутубхоначи ҳикояни ҳаяжон билан айтиб бериб, болаларни суҳбатга тортади ва уларга қуйидаги саволларни беради: «Дунёда энг азиз нарса нима?», «Нонни хор қилиш мумкинми?», «Нима учун болалар нонни коптоқ қилиб ўйнайдилар?», «Сизнинг ичингизда шундайлар борми?», «Нимага нондек азиз бўлинг дейдилар?», «Нонни увоғи тўкилса, нима қилиш керак?» Ўқувчилар ушбу саволларга жавоб бериб, нонни ниҳоятда асраш, эъзозлаш керак, нонни увол қилган ўзи хор бўлади деган хулосага келадилар.

Кутубхонада ўқувчиларга фақат бадий китоблардан эмас, балки илмий-оммабоп асарлардан табиат, ўсимликлар, ҳайвонлар, қушлар, спортчилар, муסיқачилар ва бошқа мавзудаги матнларни танлаб ўқиб ёки ҳикоя қилиб бериш мумкин.

Айниқса уларнинг эътиборини газета, журнал мақолаларига тортиш лозим. Шундагина биз уларни хилма-

хил мавзуларга оид китоблар ўқишига эришамиз. Одатда болаларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиб 1—2-синф ўқувчилари учун ўтказиладиган ушбу тадбирларга 20—25 минут, 3—4-синф ўқувчиларига 30—35 минут вақт ажратиш етарлидир.

Кичик ёшдаги китобхонларга китоб тарғиб қилишда кўргазмали усуллардан ҳам кенг фойдаланиш тавсия этилади. Кутубхоначи китоб кўргазмаси, плакат, расмли картотекалар, альбомлардан унумли фойдаланиши мумкин.

Китоб кўргазмаси кутубхона бойлигини болаларга очиб бериш имконини беради.

Китобларни кўргазмага қўйиш билан биз ёш китобхонни шу китобга қизиқишига, ўқувчиларга унча катта бўлмаган ўқиш режасини тузишига ёрдамлашган бўламиз.

Кўргазма кичик китобхоннинг шу китобларга бошқача қарашига ёрдам беради, унинг диққатини ҳар хил саволларга тортади, китобхонларни шу китоблар билан таништириш даражасини оширади.

Китобхоннинг ўзи шу кўргазмадан тушунган ҳолда фойдаланиши учун кўргазма структураси тушунарли бўлиши муҳимдир.

Кўргазмани кўргач, ўқувчилар ўзлари ўқимаган ёки яна ўқиб чиқмоқчи бўлган китобларни эсга олиб, уни кутубхоначидан сўрайдилар.

Бу кўргазмалар 1—2-синф ўқувчиларига қайси китобни қандай танлаб олиш ва ўқиш кераклигини ўргатади. Натижада кўргазма китобларни болалар ўртасида оммалашувига сабаб бўлади.

Масалан, кутубхоначи «Бизнинг табиат» номли кўргазма ташкил этиб унга ҳайвонлар, ўсимликлар, балиқлар, қушлар ҳақидаги китобларни қўйиш билан бирга ўсимликларнинг қуритилган хилларини ҳам осиб қўяди.

Бир ой ичида ушбу кўргазмадан 40 та китоб берилди. Кўргазма ташкил қилинмасдан олдин болалар бундай китобларга унча эътибор бермас эдилар. Кўриниб турибдики, кўргазма китобларни болалар ўртасида кенг ўқилишига ёрдам берди.

Кутубхонада болалар учун катта аҳамиятга эга бўлган хилма-хил мавзуларда кўргазмалар ташкил этилади. Ма-

салан, Ватанимиз тарихи, ёзувчилар ижоди, табиат, ахлоқ ва одоб, эртақлар, меҳнат, саргузашт ва хоказо. Муҳим кўрғазмалардан бири — мактаб дастурлари билан боғлиқ кўрғазмалардир. «Сенинг мактаб предметларинг» кўрғазмасида болаларга мактабда ўтилаётган дарсларни тўлиқ тушунишларига ёрдам сифатида хилма-хил китоблар, газета ва журнал мақолалари, расмлар қўйилади ва улар доимо янгилашиб турилади.

Кўрғазма ташкил қилиш учун биринчи навбатда мавзу танланади ва унинг тарбиявий аҳамияти аниқланади.

Мавзу танлашда кутубхоначи библиографик кўрсаткичлардан, услубий қўлланмалардан, дарсликлардан фойдаланади. Бундан ташқари ушбу соҳани яхши билувчи ўқитувчиларнинг маслаҳатини олади. Кўрғазманинг мавзуси ва сарлавҳаси чиройли, жарангдор, ўқувчини ўзига тортадиган бўлиши лозим. Кўрғазма мавзуси аниқлангандан сўнг, мазкур кўрғазма қайси ёшдаги ёки қизикшишдаги ўқувчиларга аталиши лозимлиги аниқланади ёки кўрғазма кимларга аталганлиги белгиланади. Бу жуда муҳим, чунки кўрғазма мавзуси одатда умумий бўлиб, уни ҳар хил ёшдаги ўқувчиларга аташ ҳам мумкин бўлади. Масалан, «Оналаримиз байрами», «Сенинг ёзувчинг», мавзуси бўйича 1—2-синфга ҳам, 4—5-синфга ҳам кўрғазма ташкил этиш мумкин.

Демак, китобхонларнинг ёши, яъни китобхонлар гуруҳи аниқлангандан кейингина шунга асосланиб ушбу кўрғазмага китоблар танлашга ўтилади.

Китоб танлашда қуйидаги қоидаларга амал қилинади.

Танланган китоб мавзунини тўлиқ ёритиб бериши ва алоҳида саволларга жавоб бериши, мавзу ғоясини очиқ бериши, бадиий юксак бўлиб, китобхоннинг билим олишига ёрдамлашиши, китобхонни қизиқтириши ва унга янгиликлар ҳақида хабар бериши лозим. Китоб танлашда хилма-хил воситалардан фойдаланиш лозим.

Кўрғазмага газета, журнал, расм, ўйинчоқ, кўғирчоқ, гуллар қўйиш мумкин, чунки улар болалар диққатини ўзига тартади. Одатда 1—2-синф ўқувчилари учун 5—6 та, 2—4-синф ўқувчилари учун 8—10 та китоб танлаш кифоя.

Китоблар йиғилгандан сўнг улар жойлаштирилади. Кутубхоначи китобларни жойлаштиришдан олдин уларни ўрганиб чиқади ва қайси китобни жавоннинг қаерига жойлаштириш лозимлигини аниқлаб олади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун китоблар оддийдан мураккабга қараб, расмлари кўринарли қилиб жойлаштирилади. Жойлаштириш ҳар бир кутубхоначидан ижодий ёндошувни талаб қилади.

Баъзан кутубхоначилар кўрғазмани жуда чиройли қиламан деб унга бўлар-бўлмас нарсаларни тикиб ташлайдилар, бу болаларни бездиради. Кўрғазмада ҳамма нарса ўз ўрнида бўлиши керак. Кўрғазманинг яхши ташкил қилиниши, расмийлаштирилиши ўқувчиларга ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари болаларга кўрғазмадан китоб танлаб олишни ўргатиш муҳим. Бунда кўрғазма олдида олиб бориладиган суҳбат — шарҳнинг аҳамияти катта.

Кутубхоначи китобхонларга кўрғазма ҳақида гапирар экан, аввало унинг сарлавҳасини тушунтиради, бу эса болаларни шу мавзу билан таништиради.

Масалан, «Оналаримиз байрами» ёки «Наврўзи олам» кўрғазмасида наврўзнинг тарихи, келиб чиқиши, унда пиширилдиган таомлар, унинг қандай байрам қилиниши ҳақида ҳикоя қилади.

Агар кўрғазма шоир ёки ёзувчининг ижодига бағишланган бўлса, аввало унинг расми кўрсатилади, унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, ёзган китоблари ҳақида қисқача ҳикоя қилиб, китоблардан қизиқарли парчалар ўқиб берилади ва бу китобларни ўқиш тавсия қилинади.

Бунда кутубхоначининг жонли суҳбати кўрғазмадаги китобларнинг кўпроқ ўқилишига ижобий таъсир этади.

Масалан, Қ. Муҳаммадий китобларига бағишланган кўрғазмага «Қанотли дўстлар» деб сарлавҳа қўйиш мумкин.

Кутубхоначи болаларни қизиқтириш учун уларга «Қанотли дўстлар кимлар?», «Нима учун шоир қушларни дўстлар деб атайди?», «Чумчукнинг қандай фойдаси бор?» деган саволлар беради ва болаларнинг гапириши учун имкон яратади.

Кутубхоначи шу ва бошқа усуллар билан ўқувчиларни кўргазма ичига олиб киради. У кўргазма олдида хилма-хил гуруҳ ва ёшдаги ўқувчилар билан бир неча марта суҳбат-шарҳ ўтказади. Натижада кўргазмадан олинаётган китобларнинг ҳисобини ўзининг кундалигига ёзиб боради, уни таҳлил қилади. Таҳлил натижасида кўргазма қандай чиққанини, ундан кимлар фойдаланганини, унинг ижобий ва салбий томонларини аниқлаш мумкин. Натижада шундай кўргазмалар ташкил қилинганда нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклиги белгилаб олинади. Кутубхоначилар китоб тавсиясида фақат кўргазма, суҳбатлар билан кифояланмай, каттароқ оммавий тадбирлардан бири — эрталиклардан ҳам фойдаланадилар.

Эрталиклар кутубхоналардан ҳам ташқарида, мактабларда, лагерларда, боғчаларда ҳам ўтказилади. Эрталик аввало кутубхонага янги китобхонларни жалб қилишга, китобларни ўқувчилар ўртасида кенг ёйишга ёрдам беради. Эрталик хилма-хил мавзуларга, юбилейларга, байрамларга, ёзувчи ва олимларнинг ижодига бағишланган бўлади. Масалан, «Табиат инъомлари», «Шоир боболаримиз» (Қ. Муҳаммадий, Ш. Саъдулла, П. Мўмин ижодига бағишланган), «Куламиз-ачинамиз» (ёмон хулқли болалар ҳақида), «Эртаклар оламида», Наврўз, Хайит байрамларига, қиш, баҳор, куз фаслларига бағишланади.

Эрталик кутубхоначининг 2—3 ой давомида китобхонлар билан олиб борган ишлари натижасини кўрсатувчи ва уни хулосаловчи оммавий тадбир бўлиб ҳисобланади.

Шундай экан, кутубхоначи эрталик мавзусини танлаб, унга анча вақт тайёргарлик кўради. Мавзу танлангандан сўнг эрталик кимларга мўлжалланганлиги аниқланади ва шу асосида материаллар тўпланади. Тўпланган материаллар синчиклаб ўрганилади. Кутубхоначи улар асосида эрталикнинг сценарийсини ёзади. Сценарийда шеър, хикоя, эртақ, ривоят, ракс, ашула, расмларни кўрсатиб ягона композицияга бирлаштирилади ва кетма-кет жойлаштирилади.

Сценарий анча пишиқ, пухта ўйланиб тузилиши ва шу билан бирга қизиқарли, тушунарли бўлиши керак.

Кутубхоначи тўпланган манбалар ва сценарийдан фойдаланиб ўқувчиларга ўйналадиган ролларни бўлиб беради. Ким шеър ёдлайди, ҳикоя ўқийди, ким ўйнайди, ким ашула айтади, ҳаммаси аниқланиб, уларни эрталикка тайёрлаб борилади. Тадбирни тайёрлашда кутубхоначи болалар билан жуда кўп ишлайди, уларга берилган вазифанинг аниқ бажарилишини назорат қилади, ёрдам беради. Тайёргарлик даврида биринчи марта репетиция ўтказилади.

Эрталикка шоир ва ёзувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар таклиф этилади. Эрталик ўтказиладиган жой расмлар, гуллар билан чиройли қилиб безатилади.

Эрталик кутубхоначининг кириш сўзи билан бошланади. Қолганини болалар давом эттирса ҳам, эрталикни кутубхоначи бошқариб боради. Эрталикдан мақсад шу мавзудаги китобларни тарғиб қилиш ва болалар ўйини орқали улар дам олишини уюштиришдан иборат.

Эрталикни шундай ташкил қилиш керакки, у чўзилиб кетмасин, болаларни зериктирмасин, қизиқарли ва тушунарли бўлсин. Эрталикнинг тарбиявий-педагогик-психологик аҳамияти шундаки, у болаларни бир мавзу бўйича уюштиради, мавзунинг ўзига хослигини очиб беради, китобларни ўз ўртоқларига тавсия этиш имкониятини яратади, илгари эътибор берилмаган мавзу, китоб, мақолаларнинг ўқилишига сабаб бўлди.

Эрталикда албатта аудиовизуаль материаллардан, магнитофон, радио, грампластинка, кассета, мультфильм ленталари ва ҳоказолардан кенг фойдаланиш лозим. Булар мавзу ва китобларнинг яхши қабул қилинишига, тушунилишига ёрдам беради. Ўқишга раҳбарлик қилишда юқорида қайд этилган оммавий тадбирларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Катта ёшдаги ўқувчиларга аталган оммавий тадбирлар

Юқори синф ўқувчиларининг ўқишига раҳбарлик қилиш вазифаси фақат алоҳида китобхонлар билан ишлаш жараёнидагина эмас, кутубхонада ўтказиладиган хилма-хил оммавий тадбирлар воситасида ҳам ҳал қилинади.

Кутубхонада ўтказиладиган оммавий тадбирларнинг самараси аввало ўқувчиларнинг ёш ва психологик ҳолати, қизиқиши имконияти, характерини, шу ўқувчиларнинг ёки гуруҳнинг ўзига хос хусусиятларини тўғри ҳисобга олишга боғлиқ. Чунки оммавий тадбирлар алоҳида ёшларга, гуруҳларга мўлжалланган бўлади.

Алоҳида синф ёки гуруҳ китобхонлари қизиқиши бир хиллигини ҳисобга олган кутубхоначининг ўтказган тадбири етарли самара бериши мумкин.

Бундан ташқари бу даврда ўқувчилар ўз билимлари ва кучларини кўрсатиш учун имконият кидирадилар, ўз тенгқурларининг фикрини билишни истайдилар. Китоб ва уни ўқиш ҳақидаги суҳбатларда, кутубхоначининг ҳар хил топшириқларини бажариш жараёнида ўқувчининг характери, қизиқиши имкониятлари кутубхоначи олдида намоён бўлади. Мана шу далилларга асосланиб кутубхоначи ҳар хил гуруҳ китобхонлари имкониятига яраша оммавий ишларнинг қайси хили уларга мос келишини аниқлаб олади.

Оммавий ишларнинг шакл ва усуллари ўқувчиларнинг ёшига, ўқишининг мазмунига, қизиқишига мос келиши лозим, чунки кутубхонадаги оммавий ишлар ўқувчиларнинг ақлий томондан ўсишига, билимининг мустаҳкамланишига, эстетик жиҳатдан юксак дидли бўлиб тарбияланишига қаратилган.

Ушбу оммавий ишларда қатнашган ўқувчилар дадил фикрлашга, муносабат билдиришга, ўз ғоясини ҳимоя қилишга ўрганадилар. Бундан ташқари оммавий тадбирлар ўқувчиларни ўқилган нарсани тушунишга, фикрлашга ўргатибгина қолмай, улар шахсини вояга етказишда, тарбиялашда ҳам фаол ўрин эгаллайди.

Оммавий ишлар тизими фақат оддий шакл ва усуллар йиғиндиси бўлмай, ўтказиладиган ишларни педагогик томондан асосланган, ўқувчининг ёшини, қобилиятини ҳисобга олган, унинг ўсишига таъсир этадиган ва фойда берадиган, бир-бири билан боғлиқ, кетма-кет ўтказиладиган тадбирлардир. Ҳозирги даврда кутубхоналарда хилма-хил оммавий тадбирлар ўтказилмоқда. Аммо уларнинг ҳар бири ўз олдига қўйган вазифани бажаради ва ке-

йингисига замин тайёрлайди. Бу тадбирларнинг ҳар бири болалар ўқишига раҳбарлик қилиш билан боғлиқ бўлади.

Агар оғзаки журналлар, китоблар бўйича «саёҳатлар» ўқувчиларни бирор предметга, мавзуга, масалага қизиқшини орттирса, хизмат кўрсатган ветеранлар билан ўтказилган учрашувлар касбга муҳаббат уйғотади.

Ўқилган китоб бўйича мунозара уюштириш китобхонда танқидий фикрни ривожлантиради, китоб ва унинг қаҳрамонлари, муаллифи, ғоясини таҳлил қилишга ўргатади.

Вақт ўтиши билан оммавий ишларнинг шакл ва усуллари ўзгармоқда, ривожланмоқда. Кейинги йилларда музокарада баҳс элементлари қўлланила бошланди, бундан ташқари бадий ўйинлар, китоблар орқали «саёҳатлар», маърузалар, диа ва кинофильмларни қўллаш, китобхонларнинг ҳар хил конкурслари ҳам пайдо бўлмоқда.

Оммавий иш шаклини танлаш, аввало, кутубхоначининг ўз олдига қўйган тарбиявий вазифасидан ва иш олиб бориладиган гуруҳ китобхонларнинг хусусиятидан келиб чиқади. Агар Ўзбекистон ҳақидаги китоблар тарғиботида ёш китобхонлар учун (4–5-синф) Ўзбекистонга аталган хилма-хил мавзуда китоб кўرғазмаси ва оғзаки журнал ташкил қилиш усулини танлаб олсак, 7—9-синф учун «Менинг орзуим», «Жонажон Ватан» мавзуларида китобхонлар конференцияси ўтказиш мумкин. Оммавий ишларни ўтказишда ҳам албатта ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олиб, у ёки бу шаклни татбиқ этишимиз,

Кутубхонада ўтказиладиган оммавий ишлар асосан китобни кўрғазмали усулда тарғиб қилиш (китоб кўрғазмаси, кутубхона плакати, диафильм, видео позитивлар) ва оғзаки усулда тарғиб қилиш (обзор, бадий ўқиш ва лекциялар, мунозара, конференция) шаклларига бўлинади.

Бундан ташқари яна бошқа шакллар ҳам борки, уларда асосан ўйин устун туради. Конкурс ва китоблар бўйича «саёҳатлар», бадий кечалар ўйинлар ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Яна гуруҳ китобхонлари иштирок этадиган оммавий шакллар: бадий кечалар ва композициялар, инсценировкалар, кўғирчоқ театрлари ҳам муваффақиятли қўлланилади. Юқорида келтирилган шакллар кутубхоначининг ўз ишига ижодий ёндошиши туфайли катта самара бериши мумкин. Болалар кутубхоналарида энг кўп тарқалгани китоб кўргазмалари бўлиб, улар ўз мазмунига кўра мавзувий, жанрли, бирор олим, арбоб ёки ёзувчининг фаолиятига тегишли бўлади.

Китоб кўргазмалари асосан китобхонларнинг сўроғи асосида ташкил этилади. Юқори синф ўқувчиларининг ҳар хил мавзуларга қизиқиш хусусиятларини ҳисобга олиб мавзувий кўргазмалар ташкил этилади.

Кўргазма мавзусини ҳаётнинг ўзи белгилаб беради. Чунки кутубхоначи олдида турган ўқувчиларни сиёсий, эстетик, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш вазифаси кўргазмаларнинг ҳам мавзусини аниқлаб беради.

Бундан ташқари мактаб дастурлари ҳам кўргазма мавзуси мазмунини белгилаб беради.

Шунингдек, бир мавзуга бағишланган кўргазманинг сарлавҳаси бир неча йиллар давомида ўзгармайди, аммо унинг композицияси, ундаги китоблар янгиланиб турилади. Бу санъат, иқтисодий билимлар, бозор муносабатлари, ўлкашунослик ҳақидаги кўргазмалардир.

Кўргазманинг композицион тузилиши унда берилган янги китоблар ва рубрикаларнинг бир-бири билан боғланиб келиши, цитатанинг маъноли, ўткир кучи унинг таъсири самарасини оширади. Юқори синф ўқувчилари учун бир мавзу ёки муаллиф ижодини тўлиқ ёритиб берувчи монографик кўргазмалар, библиографик кўрсаткичлар, ҳақида, газета ва журналлардан ташкил топган ва бирор воқеани чуқур таҳлил қилган кўргазмалар ташкил қилинади. Кўргазмада китоблар билан бирга улар ясаган моделлар, ўйинчоқлар, макетлар ҳам кўрсатилади ва унда уларнинг номи ёзилган бўлади.

Кутубхоначи кўргазмани ташкил этишда аввало уни кимга мўлжалланганлигини аниқлайди, сўнгра китоб, цитата, расмларни танлайди. Кўргазманинг сарлавҳаси аниқ ва шу билан бирга қизиқарли, жарангдор бўлиши лозим.

Кутубхоначи асосий рукнларни белгилаб, унинг композицион тузилишини аниқлаб олади, сўнгра уни китобхонлар ўртасида тарғиб қилади, ундан олинган китобларнинг ҳисобини олиб боради. Бу билан у қайси китоблар кўп, қайсилари кам ўқилаётганлигини аниқлайди. Бу эса кўرғазмадан қўлга киритилган натижанинг салмоғини белгилаб беради.

Кутубхона плакати ташкил қилиш ҳам кўрғазмага ўхшайди, лекин у кам миқдордаги китобларни тарғиб қилади. Ҳар хил мавзулардаги библиографик кўрсаткичларнинг кўпчилиги плакатлар мазмунининг ўзгаришига ва камроқ ташкил этилишига сабаб бўлмоқда. Улар асосан кутубхонадан, каталогдан, фонддан қандай фойдаланиш керак каби саволларни қамраб олиб, инструкторив характерга эга бўлиб қолмоқда. Плакатни расмийлаштириш анча мураккаб бўлиб, кўп вақтни олади. Шунинг учун бу ишни нашриётлар бажарса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кутубхоналар фаолиятига диафильмлар, диапозитивлар ва қисқа пленкали овозсиз кинофильмлар, видеолар жуда тез кириб келмоқда.

Диафильмлар — бир плёнкада ягона мазмунни ифодалаб берувчи лента бўлиб, махсус аппарат орқали экранга туширилади.

Диапозитив — ойна ёки пленкага туширилган фотографик тасвир бўлиб, рангли ҳолда ҳам бўлади ва экран орқали кўрилади.

Диаматериалларда жаҳон халқлари асарлари, ўзбек ва чет эл маданият ҳамда санъат арбоблари ҳаёти ва ижодига, фан ва техниканинг охириги ютуғига оид материаллар бўлиб, улар ўзининг ранг-баранглиги билан ўқувчида кучли ҳаяжон уйғотади.

Диаматериалларда тасвирланган воқеа ва ҳодисалар алоҳида синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, мактаб дастурига асосланган бўлади.

Шунинг учун ҳам диафильмлар орқали китоб тарғиб қилиш анча қулай ва у ўқилган воқеаларни ўқувчилар кўз ўнгида жонли намоён қилади, бу билан китобни чуқур тушунишга, маъносини англашга катта ёрдам беради.

Диаметериаллар ёрдамида «саёхатлар» ҳам уюштириш мумкин. Айниқса юқори синф ўқувчилари учун жаҳон музейларида сақланаётган нодир асарлар ҳақида маълумот бериш уларнинг эстетик тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Бунда кутубхоначи ёки ўқувчи комментатор ролини ўйнайди.

Диа ва кино материаллар мавзусининг хилма-хиллиги ва уларнинг китоб тарғиботи билан мустаҳкам боғлаб олиб борилиши, бир томондан, ўқувчиларнинг шу соҳада билимини оширса, иккинчи томондан, уларнинг китобга бўлган талабини оширади.

Айниқса ёзувчилар фаолиятига бағишланган фильмлар ўқувчиларда катта таассурот қолдиради.

Китобларни оғзаки усулда тарғиб қилиш шакллари ўзининг таъсир кучи билан уларда ҳар хил из қолдиради. Агар китоб шарҳи ва маъруза вақтида китобхон актив иштирок этмаса, музокара, баҳс ва конференцияда у жуда актив иштирок этиб, асосий ролни ўйнайди.

Шарҳ — ўзига хос шакл бўлиб, китоб ва мақолаларни оғзаки усулда, аниқ бир режа асосида китобхонларга тавсия этишдир. Шарҳ ўтказишдан мақсад китобхонни ўқиш масштабни кенгайтириш, унга кутубхонадаги хилма-хил ижтимоий-сиёсий мавзудаги китобларни ва ҳозирги замон адабиётини, фан ва техника ютуқларини кўрсатувчи санъат асарларини тарғиб қилишдан иборат.

Кутубхоначи мавзу танлашда ўзининг шу соҳадаги билимига, китобхонларнинг қизиқишига, сўроғига ва талабларига асосий эътиборни қаратади.

Ёшлар учун ўтказиладиган шарҳларнинг хиллари жуда кўп. Шарҳлар мавзувий, монографик (бир олим ва ёзувчининг бир асарини тўлиқ тасвири), жанрли (поэзия, проза, драма, комедия ва ҳ.к.), мактаб дастуридаги муайян предметга (тарих, биология, физика, кимё) бағишланган бўлиши мумкин. Бундан ташқари кутубхоначи миллий ғоя, мафкура, қадриятларимиз ҳақидаги китобларни шарҳлаб беришга катта аҳамият беради.

Газета, журнал мақолаларидан ҳам шарҳ ўтказиш мумкин. Шарҳга қўйиладиган асосий услубий талаб: танлан-

ган асарлар ғоявий-бадий жиҳатдан қимматли, бериладиган ахборот, материаллар тушунарли ва қизиқарли бўлиши билан бирга китобхонларда шу мавзуга қизиқиш уйғотиб, уни ўқишга тортиши лозим.

Шарҳни бошлашдан аввал шу мавзу ва шарҳнинг мақсади ҳақида икки оғиз сўзлаб, китобхонларни шу соҳа ҳақида нималар ўқиганлиги билан ҳам танишиб олиш тавсия этилади. Асосий қисмда китобларнинг қисқача мазмуни берилади, охирида хулоса қилиб китобхонларни шу китобларни ўқишга чақирилади.

Шарҳни қизиқарли ўтказиш кутубхоначининг билимига, сўзлаш маҳоратига, материални танлаш қобилиятига боғлиқ бўлиб, бунда кутубхоначи китобхонларнинг ёши ва билимига қараб ҳар хил усуллардан фойдаланади.

Одатда шарҳ китоб кўргазмаси, музокара, конференция мавзулари билан боғлиқ бўлади ва уларни тўлдириб туради. Кутубхонадаги оммавий ишларнинг баъзи хилларида ўйин элементлари устунлик қилади. Китоб устида жамоа бўлиб ишлаш унга мусобақа руҳини киритиб, ўқишга қизиқишни орттиради.

Булардан бири бадий ўйин бўлиб, у одатда ўтказиладиган бирор оммавий тадбирнинг бир қисмини ташкил этиши мумкин. Масалан, бадий ўйин бирор ёзувчининг фаолияти ҳақидаги шарҳ-суҳбатга ёки бадий кеча қизиқарли ўтиши учун унга киритилади.

Бадий ўйиннинг хилма-хил усуллари бўлиб, уларда ҳар хил саволлар, турли қийинликдаги машқлар бўладикки, кўпроқ китоб ўқиган китобхон уларни тез бажаради ёки жавоб топади. Бу эса бошқаларни ҳам кўпроқ ўқишга, билим олишга ундайди.

Шундай усуллардан бири «бадий аукцион» бўлиб, бу бир муаллифнинг асари ёки бир мавзуга оид асарлар қаҳрамонларини билиш ҳақидаги мусобақадир. Бу ўқувчи хотирасини ўстиради, диққатини бир жойга тўплашга ўргатади.

Бадий топишмоқлар — ўқувчини китоб ўқиши самардорлигини текширади.

Бадий викторина — ўқувчидан топқирликни, зийракликни талаб қилади.

Баҳрибайт ёки «давом этинг» усули китобхонни матнни, айниқса шеърни ёдда сақлаб қолишга ўргатади.

Бадий ўйин жуда тез ўтказишни талаб этади, шунинг учун ҳам кутубхоначи 15—20 та саволни тайёрлаб қўйиши лозим.

Ҳозир кутубхоналарда китоблар орқали саёҳат усули ҳам жуда кенг қўлланилади ва у амалда ўзини оқлади.

10—12 ёшли ўқувчилар китоблар орқали баъзи қаҳрамонлар изидан ўз ўлкаларига, бошқа узоқ мамлакатларга, сайёраларга саёҳат уюштирадилар.

Саёҳат маршрутини кутубхоначи белгилайди, унга доир ҳамма материалларни йиғиб, уни болаларга тарғиб этади.

Саёҳат ҳақида ўқувчилар ҳисоб берадилар ёки «узоқ ўлкалардан» хатлар ёзадилар, ўзлари олган янгиликлар ҳақида маълумотлар берадилар — буларнинг ҳаммаси ўқувчиларни кўпроқ китоб ўқишга йўллаб, шу соҳани яхши тушуниб олишларида катта ёрдам беради. Масалан, Жонажон ўлкам, Ҳайвонот дунёси, Ойга саёҳат маршрутлари ва ҳ.к.

Ўйин усулларида бири КВН (яъни диққатли ва ўқимишлилар клуби) бир мавзу бўйича кўпроқ китоб ўқиш ва билишга қизиқтиришга қаратилган.

Маълум мавзулар бўйича (Ўзбекистон санъати, футболнинг тарихи ва ҳозирги, улуғ математиклар) кўпгина саволлар тузилади ва китоблар тарғиб қилинади.

Болалар китоб ўқиб, берилган саволларга жавоб тайёрлайдилар ва ўйинда иштирок этадилар. Албатта бу ўйин ўтказиладиган вақт олдиндан ва ўзи мустақил равишда ёки бирор тадбирга қўшиб ўтказилади.

Бундан ташқари, бир-бирига қарама-қарши командалар ўзаро савол-жавоб ўтказадиларки, бу конкурснинг энг қизиқарли жиҳатларидан биридир. Яна кутубхоналарда энг яхши шеър ёдлаш, китоб ҳақида ёзилган энг яхши мулоҳаза, чизилган расм, ясалган буюм ва ҳоказолар бўйича ҳам тадбирлар ўтказилади.

Шундай қилиб, ўйин туси берилган оммавий ишлар бадий ҳамда илмий-оммабоп китоблар бўйича ўтказилиб, ўқувчиларнинг севимли тадбирларидан бирига айланиб қолади.

Оммавий ишларнинг баъзи шаклларида (бадий кеча, оғзаки журнал, қўғирчоқ театри) сахна элементлари мавжудки, булар ўқувчиларни роғга киришга, китоб қаҳрамонларини ўзларида жонлантиришга, драматик санъат малакаларини ўрганишга олиб келади.

Бадий ва мавзувий кечалар бадий ҳамда илмий-оммабоп китоблар воситасида ўтказилиши мумкин.

Бу тадбир фаол китобхонлар ишининг хулосаси бўлиб, ўқувчилар ижодининг байрами, китобни ҳаяжонли тарфибот қилишнинг йўлларида биридир.

Кечанинг дастури мустақил ишлаш ва билиш, хис этиш асосида қурилади. Шунинг учун ҳам кутубхоначи кеча дастурини тузар экан, унга ашула, шеър, ҳикоя қилиб бериш, инсценировка, ёзувчининг овози ёзилган пластинка, санъат асарларини киритиб, ягона композицияга бирлаштиради.

Кечани ташкил қилиш анча мураккаб иш бўлиб, у кутубхоначи ва ўқувчилардан катта тайёргарлик ва билимни талаб қилади.

Айниқса мумтоз адибларга бағишланган кечаларга алоҳида тайёргарлик кўриш лозим. Чунки кечада парчалари ўқиладиган асарлар мактаб дастурига кирмаган бўлиб, янги воқеа ва ходисалар, муаллифнинг ўқувчи мактабда ўқимаган асарлари асосида олиб борилади. Ўқувчилар кутубхоначи ёрдамида янги манбаларни топадилар ва репетиция давомида уни қиёмига етказадилар.

Бошловчи, аввало, шу мавзу ёки муаллифнинг ижоди ва фаолияти ҳақида кеча давомида қизиқарли ҳикоя қилиб боради. Агар кеча фан ва техникага бағишланган бўлса, унга мутахассислар таклиф қилинади.

Кечани тайёрлашга икки, уч ой вақт берилади, бу вақт ичида кутубхонада кўргазмалар, шарҳлар, яққа ҳолда ва гуруҳли суҳбатлар ўтказилади. Ўқувчилар шу мавзуга оид хилма-хил материаллар тўплайдилар, уларни ўқиб, ўрганиб, сценарий ва дастур бўйича репетиция қиладилар. Кеча охирида викторина ўтказилади.

Бундан ташқари кутубхоналарда оғзаки журналлар ёки альманах ўтказиш одат тусига кирган. Одатда, бу шаклда ўқилган китоблар ҳақидаги оғзаки мулоҳазалар, китоб-

нинг бир бўлаги ҳақида инсценировка ва кутубхонанинг кундалик иши ҳақидаги ахборотлар берилади.

Журнал бир неча варақдан иборат бўлиб, ҳар бир варақ алоҳида бир мавзунини ёки воқеани ҳикоя қилиб беради. Журнал варақлари, яъни алоҳида китобхон шу воқеа ва ҳодиса ҳақида гапирар экан, бу мавзу ёритилган қандай китоблар борлиги хусусида ҳам маълумот бериб кетади, бу эса тингловчиларни шу ҳақидаги китобларни ўқишга даъват этади. Бу, биринчидан, кутубхоначининг фаол китобхонлар билан олиб борган ишининг натижасини кўрсатса, иккинчидан, тингловчиларга китоб тарғиб этишнинг жонли усули бўлиб хизмат қилади. Кутубхоналарда бундай сахналаштирилган китоб тарғиботи ўтказишни қўллаб-қувватлаш керак.

Кутубхоналарда ташкил қилинадиган кўғирчоқ театри ҳам китоб тарғиботининг сахналаштирилган усуллари билан бирдир. Бунда китоб тарғиботи икки йўл билан, яъни аниқ бир матнни, бўлимни китобхонларга кўғирчоқ орқали ҳикоя қилиб бериш, бир неча китобларга оғзаки рецензия бериш ёки мулоҳаза қилиш ва бадийий ўйин ўтказишдан иборат.

Кутубхонадаги кўғирчоқ театрлари қатнашчилари янги-янги ҳикоя ва повестлардан парчалар ўйнаб берадилар. Шунинг учун ҳам болалар бир томондан бевосита ўйинда иштирок этишга қизиқсалар, иккинчидан, кўғирчоқ-актёрларнинг китоб ҳақидаги қизиқарли ҳикоялари уларга тез ва аниқ таъсир этади. Оммавий ишлар кўламида китоб мунозараси алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки бу жамоа бўлиб китоб ҳақида фикр юритишга, биргаликда тузилган саволларга жавоб топишга ундайди. Бу усулнинг педагогик моҳияти шундаки, у китобхон фикрини ўткирлаштиради, уни аудитория олдида сўзга чиқишга ўргатади, унда фикрни қабул қилишни ривожлантиради, кузатувчанликни ўстиради, бадийий дидни тарбиялайди. Китоб мунозараси анча қийин усуллардан бўлиб, кутубхоначидан бадийий асарни чуқур ўрганиш билан бирга болалар билан ишлай билишни, уларни қизиқтира олишни ҳам талаб қиладики, бу ўқувчиларнинг уюшиши ва мустақил фикр юритишида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Кутубхоначи бунда асосий боскичларни белгилаб олади, яъни китоб танлайди, саволлар тузади, мунозарани ташкил қилади ва китобхонларни мунозарага тайёрлаб боради.

Мунозара учун танлаб олинган китоб ғоявий мустақам ва қизиқарли, китобхонларнинг ёш хусусиятига мос ва болалар қабул қиладиган бўлиши лозим.

Бир хил ёшдаги болалар бир китобни ҳар хил қабул қиладилар, буларни ҳисобга олган кутубхоначи китобни китобхонлар талабига мос тушадиганини танлаши лозим. Кўпинча китобхонлар томонидан кўп ўқиладиган, уларга яқин бўлган ва уларни қизиқтирадиган китоб танланади. 10—11 ёшли ўқувчиларни ўзларига тенгқур китоб қаҳрамони қизиқтирса, 12—13 ёшлиларни катта ёшдаги китоб қаҳрамони қизиқтиради, 14—15 ёшдагилар китоблардан ўзлари орзу қилган идеал қаҳрамонни топишни истайдилар ва уни қидирадилар.

Шунинг учун ҳам китоб танлаётганда ҳар бир ёшнинг характери, қизиқиши, интилишига эътибор бериш лозим. Саволлар тузиш асосий масала бўлиб, хилма-хил характерга эга.

Танланган асарни ўзига хослиги, мунозаранинг мақсади, китобхонлар аудиториясининг ўзига хослиги саволларнинг характери ва тузилишини белгилаб беради.

Саволлар асосан китоб муаллифи нуқтаи назарига, асарнинг ғоявий-эстетик моҳиятига, сюжет линиясига, қаҳрамонлар ҳолатига, асарнинг бадий томонларига эътибор бериб, китобхонларнинг қабул қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим.

Бундан ташқари кутубхоначи ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш давомида улар китобни қандай қабул қиладиганлигига эътибор бериб, иложи борича уларни қизиқтирувчи, етакловчи, мунозарага тортувчи саволларни танлайди ва китобни зўр қизиқиш билан ўқиб чиқилиши учун барча воситаларни қўллайди (суҳбат, муаллиф ҳақида ҳикоя, китоб кўргазмаси ва ҳ.к.). Мунозарада 25—30 ўқувчи иштирок этиши мумкин. Мунозарада шундай дўстона табиий муҳит яратиш керакки, китобхон кутубхонада ўзини эркин ҳис этсин.

Мунозаранинг муваффақияти уни олиб борувчидан — бошқарувчидан катта иқтидорни талаб этади.

Айниқса 14—15 ёшли ўқувчилар кўпинча китоб мунозарасига баҳсни олиб кирадилар, бу эса мунозарани янада қизитади. Баҳс — бу жуда қийин жараён бўлиб, болалар кутубхонасида кам қўлланилади. Унинг ўзига хослиги шундаки, унда бирор муаммо хусусида баҳслашилади ва ҳар бир киши ўз нуқтани назарини ҳимоя қилиб, бошқасини қисман рад этади. Мустақил ҳолда қўлланилмаса ҳам, унинг элементларини қўллаш билан бадий мунозарада китоблар тўғрисида баҳслашиш имкониятини беради.

Китобхонлар конференцияси ўзининг мақсади ва вазифаси билан мунозарага яқин туради. Шу билан бирга конференция китоб устида мустақил ишлаш малакасини оширади, китоб хусусида жамоа бўлиб мулоҳаза қилишни ташкил этади, ўқилган материални таҳлил қилиш имконини беради, энг яхши китоб ва мавзунини тарғиб қилишга ёрдам беради.

Конференцияга анча узок вақт (2—3 ой) тайёргарлик кўрилади. Шу вақт давомида кутубхоначи муаммони ўрганади, китоблар танлайди, китобхонларни шу мавзуга қизиқтиради, китобхонларни мавзу бўйича ишлашга мажбур этади, уларга китоб тавсия этиш билан бирга унда қатнашишни таклиф этади.

Болалар кутубхонасида асосан мавзувий конференция ўтказилади. Унинг мазмуни ранг-баранг бўлиб, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни, китобхонларнинг сўроқлари ва қизиқишларини ҳисобга олиб, мактаб ва кутубхонанинг тарбиявий режаларида кўрсатилган мавзуларда ўтказилади.

Конференция бир муаллифнинг фаолияти ёки фаннинг бир тармоғига аталган бўлиши мумкин. Масалан: «Одам бўлиш қийин», «Ватанни севмоқ иймондандир», «Адолатми? Ҳақиқатми?», «Инсон ўзинг, инсон ўзинг», «Севги — қалб изҳори. Муҳаббатчи?», «Экология ва соғлиқ» ва х.к.

Агар кутубхоначи «Одам бўлиш қийин» мавзусини танлаб олган бўлса, юқори синф ўқувчилари учун улар ҳаётда дуч келаётган муаммоларга жавоб қидираётгани-

ни билиб, қуйидаги саволларга жавоб излашни тақлиф қилади:

1. Инсон қандай бўлиши керак?
 2. Алдоқчи, мунофиқ одамни тасвирлаб беринг?
 3. «Тўғри сўз тукқанингга ёқмайди» мақолининг мазмуни нимада?
 4. Дўстингиз гуноҳ қилди. У сизга мажлисда мени ёқлаб гапиргин деб илтимос қилса, сиз қандай позицияни эгаллайсиз?
 5. Баъзилар вазиятга қараб иш тутади. Сизчи?
 6. Сизга қандай қиз ёки йигит ёқади?
 7. Сиз кимларга ўхшагингиз келади. Нима учун?
- Бу саволлар бўйича бир неча киши сўзга чиқиши мумкин.

Асосий мақсад шу мавзу бўйича китобларни китобхонлар орасида қизиқарли, ҳаяжонли тарғиб қилишдан иборат.

Конференцияда формализм бўлмаслиги керак. Кўпинча катталар томонидан ёзиб берилган матнларни ёдлаб ёки ўқиб бериш ёки конференцияга шу мавзу ҳақида ҳеч қандай тушунчаси йўқ бир неча синфни тақлиф этиш ҳоллари учраб туради.

Шунинг учун ҳам конференциядан асосий мақсад бир мавзуга оид китобларни китобхонлар ўртасида барча воқиталар орқали кенг тарғиб қилиб, шу мавзу ҳақида китобхонларда туғилган фикрларни изҳор этишга ва уларда шу мавзуга муҳаббат уйғотишга эришишдан иборат.

Масалан, юқори синф ўқувчилари билан «Ким бўлишни орзу қиласиз» мавзусида конференция ўтказиб; уларнинг ҳар хил касбдаги китобларни ўқишига ва ўзи учун муносиб касб танлаб қўйишига ёки шу касбни севиб қолишига эришиш лозим.

Бунинг учун кутубхонада шу конференция мавзуси бўйича комплекс тадбирлар ўтказилади. Булар суҳбат, обзор, кўргазма ва бошқалардан ташкил топади.

Оммавий тадбирларни ташкил этишда кутубхоначи ушбу соҳа мутахассисларини жалб этиш билан бирга унга доимо ижодий ёндошади. Шундагина ўтказиладиган тадбирларнинг таъсири кучаяди, китоб ўқиш кенгайди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Нима учун кичик ёшли болалар оғзаки ва ифодали ўқишни яхши кўради? Сиз уларга нималарни ўқиб берасиз?
2. Болалар учун ўтказиладиган тадбирлар кўرғазмали, тушунарли, қизиқарли бўлиши керак. Буни бирор тадбир мисолида исботлаб беринг?
3. Болани қайси тадбир кўпроқ қизиқтиради. Нима учун?
4. Ҳар хил ёшдаги ўқувчиларга бир хил тадбир ўтказса бўладими?
5. Бадний ўйиннинг кечадан қандай фарқи бор?
6. Китобхонлар конференциясини тайёрлаш усулини айтиб беринг?

КИТОБХОНЛАРДА ЎҚИШ МАДАНИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШ

Ўқиш маданияти — жуда кенг тушуича бўлиб, китобга қизиқиш ва уни севишни, адабиёт билан кенгроқ танишишни, китоб билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга эга бўлишни, шунингдек, китобдан тўла равишда фойдаланишга ёрдам берувчи кўникма ва малакага эга бўлишни тақозо этади.

Ўқиш маданияти китобхонни адабиётни тўлақонли тушунишга, ундан эстетик завқ олишга, ёзувчи фикрини ва ғоясини англаш ҳамда баҳолай олишга ўргатади. Бундан ташқари китоб ва кутубхонадан фойдаланиш, маълумотнома-библиографик аппаратдан ўзини қизиқтирган ёки керакли масалаларга доир китобларни топа олиш ва ундан ўқишда, ишда, ҳаётда фойдаланиш йўлларини ўргатади.

Китобни танлаш, уни тез ўқиш, авайлаб сақлаш, шахсий кутубхона ташкил этиш, ўқилган китобларни бошқаларга тавсия эта олиш ҳам ўқиш маданиятига киради.

Юқорида зикр этилган масалаларни бирданига, шомашошарлик билан ҳал этиб бўлмайди. Инсон умр бўйи ўқиш маданиятини ўрганади. Лекин унинг асосий қоидаларини ёшликдан, бола китобни таний бошлаган даврдан бошлаб ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўқишга ўргатишни оиладан бошлаш зарур. Лекин бунинг учун катта бир муаммони ечишга тўғри келади. Бу муаммо шундан иборатки, ҳамма ота-оналар ҳам болани ёшига мос келадиган китобларни танлаш, фарзандига тўғри, ифодали, қоидали ўқишни ўргатиш йўлларини

билмайдилар. Бунинг, албатта, ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари ҳам бор. Илмий изланишлар, кузатишлар, жумладан, З. И. Кадинцеванинг олиб борган тадқиқотига қараганда анкета саволларига жавоб берган ота-оналарнинг 50 фоизи оилада болани ўқишига раҳбарлик қилишга бўш вақти йўқлигини айтган. 30 фоиз ота-она болалар адабиётини унчалик билмас, 18 фоизи эса етарли маълумотга эга эмас экан, 14 фоиз ота-она ўқитувчи ва кутубхоначи билан умуман мулоқотда бўлмас экан. Шунинг учун ҳам ота ва оналар болани китоб ўқишга қизиқтириш ва унга тўғри ўқишни ўргатиш борасида шу соҳани биладиган кишилар, айниқса, ўқитувчи ва кутубхоначилар билан бамаслаҳат иш олиб боришлари керак.

Болаларга таълим ва тарбия берувчи муассасалар ичида мактаб ва кутубхона ўз фаолиятини китобсиз тасаввур эта олмайди. Ўқувчилар учун хилма-хил мавзуларда предметга оид дарсликлар, бадий адабиётлар, илмий билим берувчи китоблар, газета ва журналлар нашр этилади. Уларнинг ҳаммаси кутубхоналарда тартибга солинади, сақланади, ўқувчиларга тавсия этилади. Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг ҳамма ерида ўқувчиларга кутубхона хизмати кўрсатилади. Уларни давлат оммавий, болалар ва мактаб кутубхоналари ўзларининг бебаҳо бойликлари — китоблар билан таъминлаб турибди.

Республикамиздаги ўқувчиларнинг кўпчилиги кутубхонага аъзо.

Бироқ ўз-ўзидан шундай саволлар туғилади: Болалар китобни қандай ўқийдилар? Китоб танлаш йўлларини биладиларми? Ҳамма ўқувчилар ҳам китобнинг мазмунини тушуниб ўқийдиларми? Улар ўқиган китоблардан олган билимларини дарсда, ишда, ҳаётда қўллай оладиларми? Жуда кўпчилик ота-оналар, ўқитувчилар ва кутубхона ходимлари бу саволга «Йўқ» деб жавоб берадилар.

Ўқувчиларнинг китоб ўқиш жараёнини ўрганиш соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари, кузатувлар, текширишлар, ўқитувчи ва кутубхоначи билан ўтказилган савол-жавоблар жуда кўп ўқувчилар китобни пала-партиш, тартибсиз ва юзаки ўқишларини кўрсатди.

Улар ўқиган китобларининг мазмунига, унинг ғоясига тушуна олмаганликлари сабабли ундан маънавий озуқа олмайдилар. Бундан ташқари, кўпгина ўқувчилар китобни қаердан ва қандай танлаб олишни билмайдилар, улар кутубхонанинг маълумотнома-библиографик аппаратидан фойдаланиш йўллари билмайдилар. Текширишларнинг кўрсатишича фақат 5 фоиз ўқувчигина кутубхона каталоги ва картотекаси орқали китоб танлаб олар экан.

Агар масалани шу жиҳатдан оладиган бўлсак, юқоридаги аҳволга таъсир этадиган салбий сабабларни ҳам тилга олишга тўғри келади. Биринчидан, жуда кўп ўқитувчилар ўзлари дарс берадиган предметлари бўйича қандай янги, қизиқарли китоблар ва библиографик кўрсаткичлар чиқаётгани билан қизиқмайдилар ёки уни билмайдилар. Иккинчидан, кўпчилик кутубхоначилар, айниқса мактаб кутубхоначилари ҳар хил фанларга оид илмий билим берувчи қизиқарли китобларни маблағ етишмаслиги туфайли ололмайдилар. Учинчидан, кўпчилик кутубхоналар ўзларида маълумотнома-библиографик аппаратлар бўлгани ҳолда (мактаб кутубхоналарида бу ҳам йўқ) уни ўқувчилар ўртасида кенг тарғибот қилишга анча бефарқ қарайдилар. Демак, ўқувчиларнинг кўпчилиги китобларни қаердан топиб ўқиш, уларни қандай танлаш кераклигини на ўқитувчидан ва на кутубхоначидан ўрганадилар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ўқувчиларни китобдан унумли фойдаланишга ўргатишдан, яъни улар ўртасида кутубхоначилик ва библиографик билимларни кенг тарғибот қилишни йўлга қўйишдан иборат.

КИТОБХОНЛАРГА ЎҚИШ МАДАНИЯТИНИ ЎРГАТИШНИНГ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

Ўқиш маданиятини тарбиялаш соҳасидаги ишларни биргаликда ва ҳамкорликда олиб бориш лозим. Бу борада, айниқса оиланинг роли ниҳоятда катта. Чунки оила бола тарбиясида бошланғич ва асосий роль ўйнайди. Ҳамма оилалар учун бир хил, умумий тарбиявий фор-

мула яратиш мумкин эмас. Бироқ, оилаларда тарбиянинг бутун бир тизими яратилганки, уни ҳар бир оила ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўлласа яхши натижаларга эришиши мумкин.

Оилада бола тарбиясига оид жуда кўплаб китоблар, мақолалар ёзилган. Биз асосий эътиборни тарбиянинг ғоят самарали воситаси — китоб ўқишни уюштириш, китоб орқали болани тарбиялаш, унда эзгуликни шакллантириш ҳақидаги баъзи фикрларга қаратмоқчимиз.

Бола китоб ўқиш орқали дунёни билиб олади, унинг дунёқараши ўсади, характери шаклланади, ҳаётни ўрганади, билими ошади. Бироқ кўпгина оилалар китобнинг бола тарбиясидаги аҳамиятини тушунмайдилар, тушунсалар ҳам бунга етарлича эътибор бермайдилар, болаларга керакли шарт-шароитлар ярата олмайдилар. Айрим оилалар болаларнинг китобга бўлган қизиқишига эътибор беришса, айримлари эса ниҳоятда масъулиятли бу вазифани мактабга ёки кутубхоначига юклашади. Учинчи оилалар эса бу ҳақида ҳатто ўйламайдилар ҳам. Аслида? Аслида ота-оналар боланинг китоб билан дўстлашувининг ташкилотчиси бўлишлари лозим. Масалага шу нуқтаи назардан қараганимизда, яна бир масъулиятли вазифани ҳал этиш лозимлиги аниқланади.

Ҳар қандай ота-она ҳам болаларининг китоб ўқишини кўнглидагидек уюштира оладими? Улар бу ишга педагогик жиҳатдан тайёрми? Ўқишга тўғри раҳбарлик қила оладими?

Албатта, ота-оналар қисман бўлсада, педагогик билим ҳамда болалар учун ёзилган асарлар билан яхши таниш бўлиши, тарбия тамойилларини билиши, уларни амалда қўллай олиши зарур. Демак, аввало, ота-оналарни бола тарбиясига доир билимлар, китоб ўқиш, болалар ўқишни бошқариш каби масалалар билан яқиндан таништириш керак экан. Бунда уларга боғча тарбиячилари, ўқитувчилар, кутубхоначилар, шунингдек хилма-хил семинарлар, педагогик билимлар университетлари, матбуот саҳифаларидаги қимматли мақолалар жуда катта ёрдам бериши мумкин. Оилада бола дунёга келдими, уни

тарбиялаш, вояга етказиш ота-онанинг муқаддас бурчи. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини ўзи хоҳлагандек тарбиялашга интилади. Бу қадимдан қолган анъана, уни бузиш ёки ўзгартириш жуда қийин. Лекин ўсиб келаётган авлодни ҳақиқий инсон, жамиятга фойда келтирадиган, ақлли, идрокли қилиб тарбиялаш учун педагогика фани томонидан яратилган ва тавсия этилаётган, ёшларни маънавий руҳда тарбиялаш тамойилларини билиш ва ана шунга таяниб иш юритиш керак.

Ҳозирги даврда оила тарбиясини илмий асосда уюштириш ва ота-оналарни тарбияга оид билимлар билан қурооллантириш навбатдаги асосий масалалардан биридир.

Инсон ҳар томонлама ривожланган ва яхши тарбияланган бўлиши учун ҳам мактаб жамоаси, ҳам ота-оналар жиддий меҳнат қилишлари керак бўлади.

Кичик ёшдаги болалар дунё фақат шодлик учун, битмас-туганмас бахт учун яратилган деб ишонадилар ва бу ишонч уларни руҳан соғлом бўлиб вояга етишларида асосий омилдир. Атроф муҳит ҳақида ҳали етарли тасаввур йўқ кичкинтойларга зарур бўлган, уларнинг дидига, тушунчасига мос китобларни танлаш, қиёмига етказиб, маромида ўқиб бера олиш, болаларни шунга ўргатиш ота-оналар ва тарбиячилар зиммасидаги муҳим вазифадир.

Бола китобнинг аҳамияти, ундан қандай фойдаланиш, уни қандай асраш ҳақидаги тушунчани ҳам дастлаб ота-онадан ўрганиши лозим.

Ҳар бир бола ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, юриштириши, қобилияти ва имкониятларининг ҳаммасини унинг ота-онасигина кўпроқ билади. Шунинг учун боланинг китобни тўғри танлай олиши ва ундан ўринли фойдаланишида ота-онанинг ўрни катта.

Ота-оналар ёрдамида болага тавсия этиладиган китоблар (албатта бадий юксак савияда бўлиши керак) уларнинг маънавий жиҳатдан етук бўлиб тарбияланишларига ёрдам бериши лозим.

Бундан ташқари, тавсия этиладиган китоблар боланинг ёши, психикаси, ўқиш ва тушуниш қобилиятига мос келиши мақсадга мувофиқдир. Шу туфайли ёзувчилар

болалар учун китоб ёзаётганларида мана шу омилга алоҳида эътибор берадилар ва турли ёшдаги болаларнинг турлича хусусиятларини ҳисобга олиб асарлар яратадилар.

Масалан, С. Маршак, С. Михалков, Б. Бианки, Қ. Муҳаммадий, Ш. Саъдулла, Қ. Ҳикмат, Х. Тўхтабоев, Ҳ. Назир каби кўплаб шоир ва ёзувчилар болалар учун ёзган жуда қимматли асарлари билан машҳурдирлар. Болаларнинг китоб танлашини енгиллаштириш мақсадида йирик кутубхоналар, болалар китоби уйи томонидан хилма-хил библиографик қўлланмалар чиқарилмоқда. Кутубхоналарда китоблар рўйхати, расмли картотекалар мавжуд бўлса, магазинларда болалар китоби алоҳида ажратилган бўлимларда сотилади.

Болаларга китоб тавсия этишда юқорида айтилган муассасаларнинг тавсияномаларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда ота-оналар ҳам болалар учун ёзилган китобларни танлай олиш қобилиятига эга бўлишлари мумкин.

Улар фарзандларига дуч келган китобни олиб бераверсалар, боланинг китобга бўлган иштиёқини бўғиб қўядилар. Китоб танлашда, биринчидан, боланинг ёши, психологияси, қизиқиши, дидини ҳисобга олиш, иккинчидан, танланган китобдаги шеър ва бошқа жанрдаги асарлар бола нутқини, сўз бойлигини оширадиган қизқарли, таъсирчан савияда, расмларга бой бўлишига эътибор бериш керак.

Ота-оналар болаларга китоб олиб беришда ва уларни ўқишга қизиқтиришда шу соҳани тушунадиган кишилар, жумладан, ўқитувчилар, кутубхоначилар билан маслаҳатлашсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Синфдан ташқари ўқишни ташкил қилиш. Мактабда ҳар хил предметлардан дарс ўтиш, синфдан ташқари ўқиш ва факультатив дарслар олиб бориш вақтида болалар ўқиш маданиятига ўргатилади.

Мактабда ўтиладиган синфдан ташқари дарслар тизими ўқувчиларни мустақил, тушуниб, мулоҳаза қилиб ўқишга тайёрлайди. Ўрта мактаб дастурида 1—3-синфда ўтиладиган синфдан ташқари ўқиш дарсларининг асосий вазифаси ўқувчиларни тушуниб тўғри ўқишга ўргатибгина қолмай, ҳар бир асар матни билан ишлаш, мустақил

китоб ўқиш йўлларини улар онгига сингдириб боришдан иборат деб уқтирилади.

Кичик ёшдаги ўқувчилар хикоя, эртак, шеърларни ўқиш жараёнида бадий асарларни тушуна бошлайдилар, ундаги асосий фикрни англаб оладилар, воқеа ва ҳодисаларни, шунингдек қаҳрамонларнинг қилмишларини ўзлари баҳолай бошлайдилар. Ўқиш дарсларида образли фикрлаш ривожланади, гўзалликни сезиш, билиш тарбияланади, адабиётни ва она тилини севиш, унга бўлган қизиқиш ортади.

Синфдан ташқари ўқиш ўқувчини китоб билан янада яқинроқ дўстлашувида ёрдам беради. Мактаб дастурининг «Синфдан ташқари ўқиш» дарсларида асосий эътиборни китоб танлаш ва у билан ишлашга, ўқувчиларнинг китобхонлик фаолиятини ва қизиқишини ривожлантиришга, уларнинг мустақил ўқишига доимо раҳбарлик қилиб туришга қаратиш кераклиги таъкидлаб ўтилган.

1-синфда «Синфдан ташқари ўқиш» дарслари ўқувчиларни китоб ўқиш ва уни авайлаб сақлашнинг асосий қоидалари билан таништириши лозим. Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчиларни ўқиладиган китобларнинг муаллифлари билан таништиради, китобларнинг асосий мазмунини эслаб қолишга ўргатади.

2-синфдан эса ўқиш соҳасида олинган кўникмалар мустаҳкамланиши, яъни ўқувчиларни воқеа ва ҳодисалар, қаҳрамонлар фаолиятига баҳо беришга ва уларга ўзларининг муносабатларини билдира олишга ўргата бориш лозим. Бундан ташқари, китоб танлаш ва уни ўқишда китобнинг элементларидан (титуль варағи, кириш ёки сўз боши, муаллиф ҳақидаги маълумотлар, хулоса, мундарижа), шунингдек, тавсия рўйхатлари, расмли картотекалардан фойдаланишга ҳам ўргата бошлайди.

3-синфда «Синфдан ташқари ўқиш» дарсларида илмий-бадий ва илмий-оммабоп китобларни ўқиш, маълумотнома адабиётлари билан таништириш, каталог ва кўрсаткичлардан, китоб кўргазмасидан китоб танлаб олиш йўлларини ўргатиш лозим.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мактабда уч йил давомида «Синфдан ташқари ўқиш» дарслари орқали

ўқувчиларни китобдан фойдаланишнинг оддий йўллари-ни билиб олишга ўргатилади.

Китоб билан мустақил равишда ишлаш ўқувчиларда керакли кўникма ва малака ҳосил қилишни талаб қилади. Бу вазифа кутубхоналарда кутубхоначи томонидан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ўқиш маданиятини тарбиялашда ўқитувчи ва кутубхоначи ўзаро узвий алоқада, ҳамкорликда ишлашлари лозим.

Ҳамкорликнинг йўллари жуда хилма-хил бўлиб, аввало, ўқитувчи билан кутубхоначи олиб бориладиган ишларни келишиб олишлари, ишни биргаликда режалаштиришлари сўнгра ўзаро тақсимлаб олишлари лозим.

Одатда, кичик ёшли ўқувчиларни ўқитувчилар китоб сақланадиган жой, яъни кутубхонага экскурсияга олиб келадилар. Кутубхоначи эса ўқувчиларни кутиб олишга тайёр бўлиши керак. У ўқувчиларни китобларнинг жойлашиши, китоб танлаш йўллари, кутубхонадан фойдаланиш қоидалари, китоб кўргазмалари билан таништириш давомида уларга кутубхонада ташкил қилинаётган қизиқарли ишлар ҳақида ҳам сўзлаб бериши керак.

Ўқитувчилар кичик ёшдаги ўқувчиларга китобни қандай қилиб авайлаб-асраш йўллари ва китоб ўқиш гигиенаси ҳақида маълумот берсалар, кутубхоначилар эса ўқитувчи айтган қоидаларни янада мустаҳкамлаб, болаларга титилиб, йиртилиб кетган китобларни қандай қилиб тузатиш (яъни таъмирлаш) йўллари амалда кўрсатиб берадилар.

Кичик ёшдаги ўқувчиларга дарс берувчи ўқитувчи кутубхонада ўтиляётган мавзулар бўйича қандай китоблар борлигини билиши, кутубхоначи эса 1—3-синф дастури билан таниш бўлиши, қайси чоракда қайси мавзулар ўтилишини билиб олиши лозим.

Чунки дарсликларда материаллар ниҳоятда қисқа ёритилади, шоир ёки ёзувчининг асаридан айрим парчаларгина берилган бўлади. Шу боисдан ўқувчилар дарслик билан чегараланиб қолмаслиги учун ўқитувчи ва кутубхоначи биргаликда унинг дарсликдаги материални кенг-роқ, ҳар томонлама ўрганиши учун адабиётлар тавсия

килиб, бу китобларнинг ўқилишини назорат қилиб турадилар.

Кўпинча ўқувчилар ўқитувчилар томонидан ўқиш учун тавсия қилинган китобларнинг рўйхати билан кутубхоначига мурожаат қиладилар. Кутубхоначи эса ўқувчиларга бу китобларни топишда яқиндан ёрдам бериши зарур. Ўқитувчи, айниқса, кутубхоначи болаларга мустақил равишда китоб танлаш йўлларини мунтазам ўргатиб бориши лозим. Кутубхонанинг маълумотнома-библиографик аппарати эса ўқувчининг энг яқин ёрдамчиси бўлиб қолмоғи керак.

Кичик ёшдаги ўқувчиларни китобхон сифатида шакллантириш, уларни китобга қизиқтириш, китоб билан дўстлаштириш, аввало, кутубхоначининг зиммасига тушади. Болалар 6—7 ёшдан бошлаб, яъни ўқишни ўрганиб олишлари биланоқ кутубхонага кела бошлайдилар. Бу ёшдаги болалар ҳали ўқишга қайналадилар, кўпинча китобдаги расмларни кўриб, ундан бир, икки варағини ўқийдилар. Чунки уларда ҳали ўқиш кўникмаси шаклланмаган, диққатсизлик сезилиб туради. Кўпинча улар ўқишни эмас, тинглашни яхши кўрадилар. Чунки бу даврда улар «тингловчи»дан эндигина «ўқувчи»га айлана бошлайдилар. Шунинг учун ҳам кутубхоначининг асосий вазифаси уларни китобга қизиқтириб, уни ўқишга ўргатишдан иборат.

Болани китобга қизиқтиришнинг йўллари жуда кўп. Булардан бири — ифодали ўқиш ва сўзлаб беришдир. Машҳур педагоглар ифодали ўқий билиш ва маҳорат билан яхши ҳикоя қилишни бадиий адабиётнинг ғоявий-бадиий фазилатларини очиб берувчи энг фойдали усуллардан бири, болани китобга қизиқтирувчи таъсирли восита деб ҳисоблайдилар. Ифодали ўқишни, аввало ота-оналар олиб боришса, кейинчалик эса бу масъулиятли машғулот болаларнинг ўзига топширилса, китобдан олинадиган завқ, ҳис-ҳаяжон умумлашади, коллектив равишда тарбиялаш-тарбияланиш вужудга келади. Ифодали ўқишнинг яна бир самарали томони шундаки, юқорида таъкидлаганимиздек, кичик ёшдаги болалар ўқишдан кўра эшитишни маъқул кўрадилар. Бундан ташқари китобни ўқиб берадиган китобнинг интонацияси, ўқиш техникаси юқори бўлса, асар

мазмуни болаларга тез сингади ва улар ҳам яхши ўқишга интиладилар. Агар ўқилган матн ёки асар сўзлаб берилса, болалар китоб мазмунини теранроқ тушуниб оладилар ва ўзлари ҳам сўзлаб беришга ўрганадилар.

Бу эса мустақил ўқишдаги илк қадамлардир. Ифодали ўқишни ташкил қилишнинг ўзига хос томонлари қуйидагилардан иборат:

1. Танланган китоб болаларга таниш, бадиий жиҳатдан юксак савияда, содда тилда ёзилган бўлиши керак. Бундай асарлар асосан, ўзбек, қардош халқлар ва чет эл болалар адабиётларининг юксак намуналаридир. Ватанимиз тарихи, қаҳрамонлар ҳақидаги китоблар болаларга қимматли билим беради, уларнинг тасаввурини бойи-тади.

Мактабгача ёшдаги болаларга ифодали ўқишни ташкил этишда халқ оғзаки ижоди намуналари — эртаклар, ҳикояларга кенг ўрин ажратиш керак. Бундай асарлар сирли томонлари билан ёш китобхонларни ўзига тортади ва улар тарбиясига кучли ижобий таъсир кўрсатади. Чунки халқнинг нодир ижод намуналари ўзининг теран халқчиллиги, тилининг жозибadorлиги ва юксак бадиийлиги билан мароқлидир. Зотан уларда халқнинг орзу-умидлари, қаҳрамонлиги, ватанпарварлик туйғулари акс этган бўлади.

Масалан, «Булбулигўё», «Бадал қароқчи», «Уч оғайни ботирлар», «Сехрли олма» ва бошқа эртакларни кичикинтойлар севиб, берилиб тинглайдилар.

Бундан ташқари ифодали ўқиш учун А.С. Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак», «Шоҳсултон», Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Илм иста», «Тўғри сўз бола» ҳикояларини, Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ», шунингдек, чет эл тараққийпарвар ёзувчилардан ака-ука Гриммларнинг «Бир хурмача шавла», Г. Андерсеннинг «Дюмчахон», «Нўхот устидаги малика» асарларини ҳам танлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида номлари санаб ўтилган асарларни ифодали ўқиётганда улардан таъсирчан, тарбиявий аҳамияти фоят улкан сахналар, воқеалар, ҳулосаларни бўрттириб, такрор-такрор, эътибор ва урғу бе-

риб, алоҳида таъкидлаб ўтиш тавсия этилади. (Бундай талаблар қўяётганимизнинг боиси шундаки, эшитувчи бола муайян асар — матн, ҳикоя ёки шеър мазмунини тўлиқ тушунсин, унинг ғоясини билиб олсин, ундан завқлансин, китоб ўқишга қизиқсин.)

2. Ифодали ўқиб ёки ҳикоя қилиб берадиган киши танланган китоб, ҳикоя, шеърни аввало бир ёки икки марта ўқиб чиқиши, қизиқарли расмларга эътибор бериши лозим.

Шунингдек, у ўқиш тезлигини билиб олиши, ҳикоя қилиш жараёнидаги мимикаларни пухта ўйлаб, машқ қилиши керак. Бу эса боланинг китобга қизиқишини оширишнинг асосий жиҳатларидан биридир.

Масалан, Х. Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр» эртагини бошланиши майин, секин, дона-дона ўқилади:

Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда.
Кўп эртак эшитгандим,
Ўқиб берарди бувим.

Сўнгра ифодали ўқиб берувчи киши эртакдаги жангу жадаллар, қуллар кўзғолони тасвирланган ўрнига келганда товушини ўзгартиради, яъни баландроқ, тезроқ ўқиб, воқеаларга бўлган ўз муносабатини юз, кўз мимикалари — имо-ишоралари воситасида ифодалайди:

Жамбил деган томонда,
Жуда қадим замонда.
Қуллар исён қилдилар,
Жангга кириб қўшинлар.
Урушиб ойу кунлар.
Дунёни қон қилдилар.

Асар охирида Ойгул билан Бахтиёр мурод-мақсадларига етадилар, эл озод бўлади, шодиёна ҳаёт бошланади. Айни шу сахналарни ўқиётганда эса овоз баландлашади, табассумли, тантанавор руҳдаги қўйидаги сатрларга сингдирилган шодлик тароналари таъсирчан таъкидлар билан ўқилади.

Қирқ кеча-ю, қирқ кундуз,
Бирга эркак, хотин-қиз.
Ўйнаб байрам этдилар,
Золим хонни йўқотиб.
Қайғуларини отиб,
Муродига етдилар.

Болалар доимо яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалаба қозонишини исташлари табиий. Шу боисдан, юқоридаги асарнинг болаларга ёқиб қолган жойларини, бир, икки марта такрор ўқиб бериш ва уларга тушунмаган жойларини батафсил тушунтириб ўтишга тўғри келади. Масалан, «Қуллар» нима дегани? Хонлар»-чи?» Шунингдек, «золим», «зулмат» каби сўзларнинг маъноси нимадан иборат. Ифодали ўқиш ва ҳикоя қилиб бериш болаларни мустақил ўқишга тайёрлашдаги дастлабки босқич ҳисобланади. Бу жараёни янада самарадор бўлиши учун ифодали ўқиётган ёки таъсирчан сўзлаб берилаётган асарнинг энг қизиқ жойига келганда тўхтаб, давомини ўқишни ё сўзлаб беришни болаларнинг ўзига топширган маъқул. Бу йўл билан уларни мустақил ўқишга жалб этиш, китобга қизиқтириш мумкин.

Кичик ёшдаги болаларда ўқиш маданиятини тарбиялаш йўлларида бири, китоблар ҳақида самимий суҳбатлашишдир. Суҳбат одатда, бола китобни мустақил ўқиганидан сўнг олиб борилади. Суҳбатда аввало, китоб ва унинг муаллифи ҳақида қисқача, аниқ маълумотлар берилади, баъзи тарихий шахсларга тўхталиб ўтилади, географик номлар, жойларга диққат қилинади. Асар мустақил равишда ўқилган бўлса, бола уни қанчалик тушунган-тушунмаганлиги синаб кўрилади. Шу мақсадда у китобдаги қаҳрамонлар ва воқеаларни эслаб қолган-қолмаганини текшириш учун саволлар берилиб, бу саволларга биргаликда жавоблар топилди.

Бундай суҳбат биринчидан, боланинг гапириш, сўзлаш қобилиятини ўстиришга хизмат қилса, иккинчидан, китобдан тушунмаган жойларини тушунишга, учинчидан эса мулоҳаза қилишга ўргатади.

Шунингдек, суҳбат ўқилган китобдаги воқеаларни хотирада узоқ вақт сақлаб қолишга ёрдам беради, ёш мухлисида бахслашиш лаёқатини шакллантиради.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари айниқса «Зумрад ва Қиммат» эртагини севиб ўқийдилар, чунки эртақнинг мазмуни ҳақчил, маъноси чуқур, теран, сюжети ғоят кизиқарли. Шунинг учун бу эртақ ўқувчилар томонидан мустақил ўқилган бўлсада, уни яна бир марта оила даврасида ўқиб, болаларни муҳокама қилишларига ёрдамлашиш керак. Дейлик, болаларга қуйидагича саволларни бериш мумкин.

1. Эртақдаги қайси воқеалар сизга ёқди?

2. Нима учун сеҳргар кампир Зумрадни яхши кўриб қолади?

3. Нега Қимматни ҳамма ёмон кўради?

4. Киши ўз мақсадига эришиш учун нима қилмоғи керак?

5. Инсондаги қайси фазилат яхши-ю, қайсиниси ёмон?

6. Сен ўзингдаги қайси одатларни йўқотишинг зарур?

Суҳбат ота-она, ўқитувчи, кутубхоначи томонидан ҳазил-мутойиба шаклида олиб борилса ҳам, эртақнинг тарбиявий томонига доимо урғу беришни унутмаслик лозим. Кичик ёшдаги болаларни китобхонликка ўргатишда ўйиннинг аҳамияти ҳам катта. Болаларга ўйин орқали кўп нарса ўргатиш мумкин. Бу ишни оилада, синфда, кутубхонада тез айтишлар, топишмоқлар, шеърлар айтишдан бошлаш керак. Бундан ташқари «бадий аукцион», «викторина», «давом этинг» ўйинлари орқали болаларни ўқишга қизиқтириш, хотирасини ўстириш, эслаб қолишга ўргатиш мумкин. Болалар ўйин, хатти-ҳаракатлари орқали ўқиган китобларидаги қаҳрамонларнинг ҳолатини кўрсатишлари мумкин.

Масалан, болалар «Бўғирсоқ», «Бўри билан эчки болалари», «Тулки билан турна», «Дехқон билан айиқ» эртақларидаги образларга кириб, уларни ўйин орқали жонлантиришлари мумкин. Китоб ёки хикоя мазмунини мусобақа-ўйин воситасида ифодалаб беришлари ҳам мумкин.

Ўйиннинг хиллари кўп, мақсад уларни китобхонлик билан моҳирона боғлаш ва шу тарзда болада китобга қизиқиш уйғотиб, самарали натижаларга эришишдан иборат.

Болаларни тарбиялашда топишмоқ ва мақоллардан, ўзаро мусобақа, ўйин шаклида фойдаланишнинг амалий самараси жуда қатта. Топишмоқ бола зехнини ўткирлаштиради, унда фикрлашни, топқирликни тарбиялайди, шу билан бирга уни кўпроқ ўқиш ва билим олишга ўргатади. Масалан:

Чин кушим, чинни кушим,
Чин тепага қўнди кушим,
Тумшугини ерга тираб,
Халққа салом берди кушим. **(Самовар)**

Ёки

Хўппа семиз бир туки йўк. **(Тарвуз)**
Пак-пакана бўйи бор,
Етти қават тўни бор. **(Пиёз)**
Узун терак, ичи ковак. **(Камич)**

Мақолларни айтганда эса, албатта, уларнинг чуқур мазмунини, маъносини мисоллар, воқеа ва ҳодисалар воситасида тушунтириб беришга ҳаракат қилиш керак. Чунки халқ мақолалари чуқур маънони ихчам ва содда ифода этиши билан ажралиб туради.

Бу эса болага мантиқий фикрлашни, фикрни қисқа, содда ифодалашни ўргатади ҳамда ўқиган нарсасининг моҳиятини яхшироқ, чуқурроқ англаб олишга ёрдам беради.

Китоб ўқишга қизиқтиришда ва болаларда ўқиш маданиятини тарбиялашда китобдаги расмларнинг аҳамияти улкан. А. Макаренко айтганидек, китобдаги расмларни болалар билан бирга кўриб, уни гапириб бериш бола онгини, фантазиясини бойитади. Айниқса, эртақларга чизилган расмлар болаларда қахрамонлик, ватанпарварлик, дўстлик туйғуларини тарбиялайди. Гоҳида ота-оналар эртақдаги воқеа ва ҳодисаларни ёлғон деб болани китобга, эртақка бўлган ҳавасини сўндирадилар. Бу билан улар фарзандларида инсонийлик, эзгуликка бўлган интилишни букадилар, ўзлари билмаган ҳолда ўсмирнинг маънавий шаклланишига тўсиқ бўладилар.

Кичик ёшдаги болалар китобдаги воқеа-ҳодисаларни расмлар орқали тез тушуниб оладилар. Бунинг учун болага китоб ўқиётганда ундаги расмларга алоҳида эътибор беришни уқтириш, расмларда тасвирланган ижобий ва салбий образларни тушунтириш, яъни бу образлар фарқи, хулқ-атвори, ҳолатларини гапириб бериш лозим. Уйда болалар орасида расм ўйинларини уюштириш, яъни бирор-бир эртак ёки ҳикоя қаҳрамонларининг расмларини чиздириш ва шу расмларга қараб ҳикоя қила билишга одатлантириш керак. Бундан ташқари, китобдаги расмларнинг ҳикоя ёки эртаклар билан тушунтириб ва бу расмларни матн билан боғлаб гапириб беришга одатлантириш керак.

Кичик ёшдаги ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашда китобни тушуниб, мулоҳаза қилиб ўқишни ўргатиш алоҳида аҳамиятга эга. Кутубхоначи бу ўқувчилардан китобни қабул қилиб олаётганда улар билан ўқилган китоб ҳақида суҳбатлашади. Бунда ҳар бир ўқувчининг китобхонлик савиясини ҳисобга олган ҳолда уларга китобдан энг керакли, энг муҳим нарсаларни билиб олиш йўллари ўргатади, имконияти ва қобилиятига қараб оддий китоблардан мураккаброқ китобларни ўқишга етаклайди.

Ўқувчилар кўпинча бирор бир китобни сўраб кутубхоначига мурожаат қиладилар. Бундай ўқувчилар китобнинг номини билсаларда, асар муаллифини билмайдилар, шунинг учун ҳар бир кутубхонада ўқувчилар учун ҳар хил кечалар, яъни шоир ва ёзувчилар ҳақида қизиқарли суҳбатлар уюштириш, ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Болаларга китобнинг муаллифи ва сарлавҳаси асар мазмунини аниқлашда қандай роль ўйнашини ўргатиш лозим.

Китоб муқовасида, титуль варағида қандай маълумотлар ёзилиши, сўз боши, мундарижа нималигини уларга тушунтириш керак. Чунки китобнинг бу элементлари уни нима ҳақида эканлигини, ким томонидан ёзилганлигини, хуллас асарнинг қисқача мазмунини очиб беради. Ўқувчининг бу нарсани пухта билиб олиши китоб танлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқиш маданияти ўқилган нарсадан кераклигини ёзиб боришни, яъни ўқиш кундалиги тутишни ҳам ўргатади. Ўқиш кундалиги кичик китобхонларга ўқиганларини яна бир эслашга ва унга муносабат билдиришга ўргатади. Ўқиш кундалигига ўқувчилар, асосан, китобнинг муаллифи, номи ва мазмунини ёзиб борадилар.

Бундай ёзувлар китоб мазмунини тўлиқ тушунишга, ундан керакли воқеа ва саналарни эслаб қолишга, китоб мазмунини хотирада узоқ сақлаб қолишга ўргатади.

Бундай ёзувларнинг яна бир аҳамияти шундаки, кутубхоначи ёки ўқитувчи кундалик билан танишиб борар экан, ўқувчининг нималарга қизиқишини, қандай китоблар ўқишини, нималарга эътибор беришини, хуллас, ўқиш мазмунини аниқлаб олади. Кундалиқдаги ёзувларга асосланиб ўқувчига қандай китоблар тавсия этишни, ўқишга қандай раҳбарлик қилишни белгилаб олади.

Кутубхонага аъзо бўлган ўқувчиларга биринчи кунданок кутубхона ва унинг маълумотнома-библиографик аппартидан фойдаланишни ўргатиш зарур.

Кўпинча кичик ёшдаги ўқувчиларга кутубхоначининг ўзи китоб танлаб беради ва аста-секин китоб кўргазмаларидан, муқовали картотекалардан, ўқитувчи томонидан берилган китоблар рўйхатидан мустақил равишда китоб танлаб олишга ўргатади. Бундан ташқари китобларни жавонларга жойлашиш тартиби ва библиографик қўлланмаларидан фойдаланиш йўллари билан таништиради.

Умуман мустақил китоб танлашга ўргатиш анча мураккаб иш бўлиб, кутубхоначидан катта масъулият талаб қилади.

Ўрта ва юқори синф ўқувчиларида ўқиш маданиятини тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Чунки бу ёшдаги ўқувчилар китоб ўқишни, танлашни анча яхши билдилар ва ўқиганларини тушунадилар. Дарс жараёнининг мураккаблашиб бориши, олинган ахборотларнинг хилма-хиллиги ва кўплиги ўқувчилардан янада кўпроқ ўқишни, билим олишни, олинган билимларини мустаҳкамлаб боришни талаб қилади. Бунинг учун эса китобдан тўлиқ фойдаланиш йўллари билиб олишга тўғри

келади. Керакли материалларни тез ва осон топиш, ўқилган нарсалардан муҳимини эслаб қолиш, тез ўқиш қоидаларини билиб олиш бу ёшдаги ўқувчилар учун ниҳоятда зарурдир. Чунки бу ёшдаги ўқувчилар мактабда олган билимлари билан қаноатланиб қолмайдилар. Улар кўпроқ мустақил ўқиб, билим олишга, айниқса, бадий адабиёт, илмий билим берувчи китобларни ўқишга ҳаракат қилдилар.

Кутубхоначилар ўқиш маданиятини тарбиялашда асосан қуйидаги йўллардан фойдаланадилар:

а) мустақил ўқишга бўлган талабни уйғотиш ва ривожлантириш;

б) китоб танлаш малакасини таркиб топтириш ва ўстириш;

в) илмий билим беришга оид вақтли матбуот ва китоб устида ишлаш маҳоратини эгаллашга ёрдам бериш;

г) бадий адабиётни ўқиш санъати билан танишиш.

Юқоридаги вазифаларни бажаришда кутубхоначи ўзининг хилма-хил имкониятларидан фойдаланади. Ўқувчиларнинг ўқиш маданиятига мактаб ва у ерда ўтиладиган предметлар, кутубхона ва ундаги китоблар, уни ўраб турган муҳит ва ўртоқлари, оммавий ахборот воситалари (айниқса, радио, телевидение) ва бошқалар таъсир этади. Лекин ўқувчиларни мустақил ўқишга мажбур қиладиган омиллардан бири унинг дарсни ўзлаштиришга интилишидир. Уқитувчи ва кутубхоначининг олдида турган асосий вазифа ҳам ўқувчиларни дарсликдан ташқарига олиб чиқиш, дарсда ўтилган мавзуларни кенгроқ ҳамда қизиқарлироқ қилиб тушунтириш учун бадий ва илмий билим берувчи китоблардан фойдаланишни ўргатишдан иборат. Юқоридаги вазифаларни бажаришда боланинг ўзига хос хусусиятини, ҳар бир янгиликка қизиқишини ва уни тезроқ билиб олиш истагини ҳисобга олиш лозим.

Кутубхоначи ўз иши давомида ўқувчиларни ўқишга бўлган талабини ривожлантиришга ҳаракат қилади. Кўпинча кутубхоналарда ўтказиладиган оммавий тадбирлар китобхонларни қизиқиш ва талабларини қондириш, шунингдек, ривожлантиришга қаратилган бўлади.

Кутубхоначи ўз иши давомида ўқувчиларни ўқишга бўлган талабини ривожлантиришга ҳаракат қилади. Кўпинча кутубхоналарда ўтказиладиган оммавий тадбирлар китобхонларни қизиқиш ва талабларини қондириш, шунингдек, ривожлантиришга қаратилган бўлади.

Бу ёшдаги бола ўз билимини кўрсатишга, ўртоқлари орасида ўз фикрини тасдиқлашга, исбот қилишга қизиқади. Шу хусусиятларни ҳисобга олган кутубхоначи улар билан кўпроқ баҳсга сабаб бўладиган конкурслар, викториналар, ўйинлар ўтказишга ҳаракат қилади. Бу тадбирларда саволлар ва уларга жавоб берувчи китоблар рўйхати биргаликда тузилиб, уларни каталог, картотека, библиографик кўрсаткичлардан топиш йўллари ўргатилади. Масалан, «Тушунтир-исбот қил», «Бионика нима?», «Юлдузлар картасини ким билади?» каби баҳсли ўйинлар китобхонлар фаоллигини оширади.

Китобхонлар фаоллигини юксалтириш китобга бўлган талабни ошириш ва уларда китоб танлаш малакасини таркиб топтиришни ҳамда ўстиришни ҳам ҳисобга олади. Бунинг учун кутубхоначи болаларга китоб жавонларида китоблар қандай жойлашганлигини, қайси бўлимлардан қандай китобларни топиш мумкинлигини ўргатади.

Бундан ташқари, китобларнинг жавонда жойлашуви ҳамда карточкаларнинг каталогларда жойлашуви ўртасидаги алоқаларни тушунтиради. Бу хилдаги тушунтиришлар суҳбатлар, плакатлар, экскурсиялар ва саёхатлар тарзида олиб борилиши мумкин. Айниқса ўйин шаклида олиб бориладиган «Биз қайси китобданмиз?», «Бизни топиб олинг!» мавзулардаги ўйинлар болаларни китобга бўлган қизиқишини ошириб қолмасдан, уларни китоб танлашга, ўқишга ҳам ўргатади.

Ўсмирларнинг қизиқишлари ва ўқиш даражаси хилма-хил бўлади. Шунинг учун кутубхоначи китоб танлашга ёрдам бериш мақсадида алоҳида жавонларда публицистик китоблар, қомуслар, луғат, маълумотнома адабиётлари каби рубрикалар ташкил этади. Баъзи ўқувчиларнинг қизиқишига қараб биргаликда ўқиш режаси тузиб борилади. Бу эса китобни тартибли ўқишга ёрдам беради.

Ўқувчилар ўқишига ўртоқларининг таъсири жуда катта бўлади. Шунинг учун ҳам кутубхоналарда ўтказиладиган «Китобхон формуляри ҳимояси» каби тадбирлар ҳам китоб ўқийдиган ўқувчиларни фаоллаштиришга, уларни китоб танлаш ва ўқиш, китоб мазмунини тушуниш, ундан олган таассуротларини ўртоқларига сўзлаб бериш, яъни ўқиган китобларини тарғибот қилишга ҳам ўргатади.

Бу усулнинг қизиқарлилиги ҳам шундаки, формуляр ҳимоясидан кейин ўқувчилар «мен сендан қолмайман» қабилида иш тутиб, ҳимоя қилинган китобларни ўқиб чиқадилар. Формулярни ҳимоя қилувчи бу китобни қайси кутубхонадан, қандай танлаб олганлигини, ўқиганда нималарга эътибор берганлигини, яна шундай китоблар ўқимоқчи эканлигини ҳам албатта гапириб беради. Бу эса бошқа ўқувчиларнинг китоб танлашига ижобий таъсир кўрсатади. Фақат юқоридаги тадбир эмас, балки кутубхонада ўтказиладиган кўпгина бошқа оммавий тадбирлар ҳам китоб танлаш, китобхон талабини оширишга катта ёрдам беради.

Китобдан тўлиқ фойдаланиш учун фақат китоб танлашнигина эмас, уни ўқишни, у билан ишлаш йўлларини ҳам ўрганиш лозим. Ҳозирги даврда айниқса билим берувчи китоблар билан ишлаш муаммоси долзарб масала бўлиб турибди.

Жуда кўп ўқувчилар мактабда ўқиш даврида ва уни битиргандан кейин ҳам илмий китоблар билан ишлаш йўлларини билмайдилар.

Чунки бундай китобларни ўқиш, уни тушуниш, у билан ишлаш ва олган билимини ҳаётга татбиқ этиш жуда катта сабр-тоқатни, мунтазам шуғулланишни, яъни ўқиб олиш малакасига эга бўлишини тақозо этади. Бу ишни амалга оширишда ўқитувчи, кутубхоначи ва китобхон — ўқувчи биргаликда ҳаракат қилиши лозим.

Ўқувчиларнинг ўқиш доирасини кенгайтириш, мактабда ўтилаётган дарсларнинг хилма-хиллиги ва муаммоли хусусиятга эга эканлиги, уйга берилаётган топшириқларнинг мураккаблашиб бориши ўқувчилар билан махсус суҳбатлар ва маслаҳатлар ўтказишни муқаррар қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам кутубхонада «Реферат ва рецензия қандай ёзилади?», «Луғатлар, маълумотнома адаби-

ётлари билан қандай ишлаш керак?», «Танқидий адабиётлардан фойдаланиш» каби гуруҳли суҳбатлар ўтказилади.

Илмий билим берувчи адабиётни ўқиш уни кўриб чиқишдан бошланади. Ўқиш учун китоб танлаётганда уни кўриб чиқиш керак, яъни ўқувчини қизиқтирган саволларга, масалага, муаммоларга шу китобдан жавоб олиш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаш лозим. Бунинг учун китобнинг муаллифи, сарлавҳаси, сарлавҳа ости маълумотлари, чиқиш маълумотлари кўриб чиқилади. Уларда керакли ахборот бўлмаса, китобга ёзилган аннотация, кириш сўзи, мундарижа, китобнинг нима ҳақида эканлигини айтиб беради.

Юқори синф ўқувчилари энди китобдаги маълумотнома аппаратларидан (адабиётлар рўйхати, предмет кўрсаткичи, изоҳлар, карталар, тушунтиришлар, жадваллар) фойдаланиш йўллари билладилар. Кўпинча дарсларга тайёргарлик кўриш даврида бирор-бир масалани ечиш учун бир неча китобларга мурожаат қилишга тўғри келади. Бу ҳолда ўқишни яна бир хили — танлаб ёки топиб ўқиш усулини ўрганиб олиш лозим.

Танлаб ёки топиб ўқишнинг аҳамияти шундаки, бу усул бирор-бир нутқ, иншо, реферат ёзиш ёки сўзга чиқиш учун керакли бўлган материални, ахборотни тез ва пишиқ тайёрлашга ёрдам беради. Бунинг учун китобнинг тузилишини ва унинг аппарати билан ишлаш йўлини билиш керак. Шунинг учун ҳам кутубхонада ўқувчиларни луғатлар, маълумотнома адабиётлари, қомусларнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш йўллари билан таништириб борилади. Булар эса танловлар, викториналар, ўйинлар, баҳслар каби оммавий тадбирлар орқали, «Ким тез топади?», «Ким тўғри ва тўлиқ жавоб беради?» деб номланадиган топшириқлар, суҳбатлар орқали ўргатилади. Айниқса кутубхоналарда ўтказиладиган кутубхоначилик дарслари танлаб ўқишни ўргатишда катта аҳамиятга эга.

Ўқишни мураккаб хили бу чуқур тушуниб ўқиш ёки ўқилган нарсани уқиб олишдан иборат.

Китобни уқиб олиш — уни тўлиқ тушуниб олиб, китобдан керакли маълумотни ажратиб олиш ва фикрлаш, унга баҳо беришдан иборатдир.

Китобни уқиб олиш тўғрисида тузилган эсдалик ўқувчиларнинг китоб ўқиш қондасига айланиши лозим. Қуйида китобни қандай ўқиш кераклиги ҳақида айрим маслаҳатларни келтирамиз:

1. Озгина ўқилса, ҳам, пухта ўқиш лозим. Китобни «ямлаб ютиш» ёмон одат.

2. Китобни танлай билиш ниҳоятда муҳим. Бирор бир масалага оид китобни ўқимоқчи бўлсангиз, аввало, шу соҳани биладиган одам билан маслаҳатлашишингиз ёки шу соҳага оид тавсия рўйхатларидан фойдаланишингиз керак. Ўқишни энг яхши, энг керакли китобдан бошлаш керак.

3. Ўқиётганда вақти-вақти билан тўхтаб, ўқилган нарсани ўйлаб кўринг. Агар тушунмайдиган сўзлар учраса, луғат, қомуслар ёрдамида бу сўзларнинг мазмунини билиб олинг ва бу сўзларни алоҳида дафтарга ёзиб қўйинг, уни қаерларда ишлатиш мумкинлигини ўйлаб кўринг. Тушунмаган ибораларни тушуниб олиш лозим.

4. Алоҳида боблар ва бўлимларни ўқигандан сўнг, ҳали у хотирангизда борлигида мазмунини дафтарга қисқача қилиб ёзиб қўйинг. Агар бунга ўрганмаган бўлсангиз, газетадаги мақоланинг мазмунини ёзиб олишдан ўргансангиз бўлади.

5. Ўқиётган китобингиздаги қандайдир фикр сизга маъқул тушса, уни ҳам дафтарга ёзиб қўйиш мумкин. Аввало, хотирада қолганини ёзиб, сўнгра уни матн билан таққослаб, тўлиқ ёзиб олиш керак. Бу бировнинг фикрини уқиб олиб, айтиб беришга ўргатади. Бу жуда муҳим фазилатдир.

6. Эслаб қолиш керак бўлган нарсалар: йиллар, воқеалар, номлар, сонлар ва ҳоказоларни ёзиб бориш фойдали.

7. Ўқишни тугатгандан кейин ўзингизга ҳисоб беринг: китоб қандай янгилик берди, нимани бермади, шу соҳада яна нималарни билиш лозим, сиз муаллифнинг қайси фикрига қўшиласиз ёки қўшилмайсиз, нимага?

Тўғри, китобни бундай ўқиш аввало, секин ва қийин бўлиб туюлиши мумкин, лекин беш, олтита китоб шундай ўқилса, уқиб олиш малакасига эга бўлинадик, бу жуда ҳам керакли ва муҳим малакадир.

Кутубхонада хилма-хил усуллар билан мана шу мас-лаҳатларга амал қилинади, Масалан, кутубхоначи китоб-хон билан ўқилган китоблар ҳақида суҳбатлашар экан, албатта, китобни қандай қилиб тушуниб ўқиш керакли-гини ўргатади. Китобхоннинг китоб ҳақидаги мулоҳаза-сини билмоқчи бўлган кутубхоначи ундан ўқиган китоби ҳақидаги фикрларини мулоҳазалар дафтарига ёзишни илтимос қилади (кутубхоналарда шундай дафтар мавжуд). Шу орқали кутубхоначи китобхоннинг ўқиш даражаси-ни, бирор бир асарни тушуниш имкониятини билибгина қолмай, ўзининг китобхонларнинг ўқиш маданиятини ошириш соҳасида олиб бораётган ишларининг натижа-сини ҳам аниқлаб олади.

Кутубхоначи ўқувчиларга фақат илмий билим берув-чи китоблар устида эмас, балки бадий-илмий китоб ус-тида ишлаш йўлларини ҳам ўргатади.

Бадий адабиёт ўқиш билан илмий китобни ўқиш ўрта-сида жуда катта фарқ бор.

Бадий адабиётни ўқиш, уни ҳис қилиш, сезиш, ҳаяжонланиш, тушуниш, ундан завқ олиш мумкин. Ки-тобни ҳис, ҳаяжон билан ўқишни болалиқдан тарбия-ланса, бола дунёда бўлаётган нарсаларга бефарқ қарай олмайдиган, доимо эзгуликка интиладиган, дидли, фаро-сатли ва ахлоқли бўлиб ўсади.

Баъзи ўқувчилар китобни жуда юзаки ўқийдилар. Улар китобдаги эпизодларга, пейзажларга, лирик кечинмалар-га, ўхшатишларга, қизиқарли ибораларга, ёзувчининг мақсади, ғояси ва ёзиш услубига аҳамият бермайдилар. Тезкорлик билан, шошма-шошарлик билан ўқилган ки-тоб ўқувчига билим ҳам, маънавий озуқа ҳам бермайди. Гоҳида қунт билан ўқилган битта китоб юзаки ўқилган ўнлаб китобдан кўра кўпроқ фойда беради, завқ бағиш-лайди.

Баъзи ўқувчиларнинг формулярини текширганда жуда кўплаб хилма-хил китобларнинг номи ёзилганлигини кўриш мумкин. Агар формулярдаги ёзувларга қараб баҳо берадиган бўлсак, бу ўқувчи тузуккина «олим»нинг ўзи бўлиб қолган. Лекин у билан шу ўқилган китоблар ҳақида суҳбатлашилса, у китобларнинг муаллифи ва қисқача маз-

мунидан бошқани билмаслигига амин бўлинади. Кўпинча мактаб дастурига кирган асарлар фақат бадий жиҳатдан таҳлил (сифати тўғрисида гапирмайлик) қилинади, конференция, баҳс, мунозаралар кўпинча ахлоқий мавзуларга бағишланади. Ўқитувчи томонидан ўқиш учун топширилган китоблар ўқувчи томонидан тез ва юзаки ўқилса, ўқувчининг ўзи танлаб олган китоблар эса улар томонидан секин, тушуниб ўқилишини кузатиш мумкин.

Юқоридаги мисоллар ҳамма жойда ҳам ўқишни сифатли бўлишига эришишимизни тақозо қилади. Ўқиш сифатли бўлиши учун биз ўқувчиларнинг тасаввурини ривожлантиришимиз, кузатувчанлигини ўстиришимиз, уларда ҳис-ҳаяжонни тарбиялашимиз, уларни воқеа ва ходисаларни чуқур тушунишга одатлантиришимиз керак.

Мана шундагина у ҳақиқий китобхон бўлади. Ҳақиқий китобхонни тарбиялашда ўқитувчи ва кутубхоначи ўзига хос хусусиятлардан фойдаланади. Масалан, кутубхоначи китобхон билан ўқилган китоб ҳақида суҳбатлашар экан, «Нима учун китоб қаҳрамони ёки персонаж шундай ҳаракат қилади?» ёки «Нима учун у шундай сўзлайди?» деб сўраши мумкин. Бундай саволлар китобхонни китоб қаҳрамони ёки персонаж психологиясини кузатиб боришга, унда айтилмаган нарсаларни сезиб олишга, ҳаётда одамлар ўртасида бўладиган муносабатларни тушунишга ўргатади. Бу эса унда китобни тушуниб ўқишни шакллантиради.

Кўпинча бадий ўйинларда китобдан бирор-бир матн ёки парча, эпизод ўқилиб, унинг муаллифини топиш ёки бу парча қайси китобдан эканлигини айтиб бериш сўралади. Бундай савол-жавоб ўйинлари китобхонни ёзувчининг ёзиш услубини билишга, ўқиган нарсасини эса сақлаб қолишга ўргатади.

Юқори синф ўқувчилари учун ўтказиладиган баҳс, мунозаралар, китобхонлар конференцияларида ўқувчилар шу китобдан олган таассуротлари ҳақида гапириб беришгина қолмасдан, уни таҳлил қилишлари, унга баҳо беришлари, ёзувчи билан баҳсга киришларига эришиш лозим.

Шундагина китобни тўғри тушуниш, ундан маънавий озуқа олиш мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ўқиш маданияти нима ва нима учун уни болаликдан, ёшлиқдан тарбиялаш лозим деймиз?
2. Мактаб ўқувчиларининг ўқиш маданияти даражаси қандай?
3. Болани ўқишга қизиқтиришни ва ўргатишни қандай, қачон ва нимадан бошлаш керак?
4. Синфдан ташқари ўқиш соатларида асосан нималар ўргатилиши лозим?
5. Ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашда оила, мактаб ва кутубхонанинг узвий алоқаси нималардан иборат?
6. Ўқиш маданиятини ўргатишда қандай тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга?
7. Илмий билим берувчи китоблар билан бадий адабиётни ўқишда қандай фарқ бор?

Муҳокама учун саволлар

1. Сиз ҳали талабасиз. Келгусида кутубхоначи бўлиб ўқувчиларга китоб ўқиш сирларини ўргатасиз. Бунга ўзингизни тайёрлаш учун нималарни билишингиз лозим?
2. Болаларни оиладан бошлаб ўқиш маданиятига ўргатиш зарур экан. Оилада бу ишни қачондан бошлаб ва қандай ташкил қилиш мумкин?
3. Ўзингизни кутубхоначи ўрнида тасаввур этинг. Олдингизда ҳали ўқиш маданиятидан беҳабар ўқувчи турибди. Сиз, аввало, ишни нимадан бошлар эдингиз?
4. Кичик ёшдаги ўқувчиларни китобга қизиқтириш, уларга ўқиш сирларини ўргатишда кутубхоначининг ўрни ниҳоятда муҳимлигини исбот қилиб беринг.

КУТУБХОНАЧИЛИК ВА БИБЛИОГРАФИК БИЛИМЛАР ТАРҒИБОТИ

Кутубхоначилик дарсларини ташкил этиш йўллари

Ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашнинг асосий йўлларида бири кутубхоначилик дарсларини ташкил қилишдан иборат.

Кейинги йиллар ичида бу соҳада катта тажриба тўпланди. Кутубхоначилик дарсларини ўтказиш соҳасида мақо-

лалар, қўлланмалар, китоблар нашр қилинди, дастурлар тузилди. Республикамизда бу соҳада бир қатор ишлар амалга оширилди. Республика болалар кутубхонаси ходимлари ўқиш маданиятини тарбиялаш бўйича хатлар, тавсияномалар, маслаҳатлар ташкил қилиб, уни ўтказишга амалий ёрдам бера бошладилар.

Тошкент Давлат маданият институтининг ўқитувчилари талабалар билан биргаликда ўзига хос дастур тузиб, шу дастур асосида мактабларда кутубхоначилик дарслари олиб бордилар. Бу ишга ўқитувчилар, кутубхоначилар жалб қилинди. Бу соҳада етарли тажриба ҳам тўпланди. Лекин баъзи сабабларга кўра бу иш оммалашмади. Ўрта махсус ўқув юртларида ўқувчиларни ўқиш маданиятига ўргатишни ташкил қилиш ва уни мунтазам олиб бориш ҳақида халқ таълими ва маданият ишлари вазирлигининг биргаликдаги қарори тасдиқланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мана шу қарорга асосан қуйи ташкилотлар мактаб ва ўрта махсус ўқув юртларида кутубхоначилик дарсларини ташкил қилиш ва уни ўтказишнинг аниқ шаклларини ишлаб чиқишлари мумкин. Кутубхоначилик дарслари қаерда, қачон ва ким томонидан, қайси соатлар ҳисобидан ўтказилиши керак? Дарсни қайси дастур, қўлланма, ҳужжатлар асосида олиб бориш керак? Бунинг учун, албатта, кутубхоначилик дарсларини олиб боришни белгилловчи, уни ўтказиш йўллари, қоидаларини аниқлаб берувчи ҳужжатлар ишлаб чиқилиши лозим. Бу масалани ечишда халқ таълими бўлими ва маданият бошқармаларининг биргаликдаги қарори ёрдам бериши мумкин.

Қарор, шунингдек, мактаб ва ўрта махсус ўқув юрти директорлари томонидан кутубхоначилик дарсларини ўтказишга амалий йўлланма бериши ва уни текшириб туришга имконият яратиши лозим.

Кутубхоначилик дарсларини ташкил қилиш ва уни муваффақиятли олиб боришга ўқитувчилар малакасини ошириш институти, Республика педагогика илмий-тадқиқот институти, услубий марказ бўлган республика, вилоят кутубхоналари фаол ёрдам беришлари мақсадга мувофиқдир.

Бу ишни муваффақиятли олиб бориш учун туман, шаҳар, вилоят халқ таълими ва маданият бўлимларида ҳамкорлик кенгашлари ташкил қилиниши ва уч-беш йилга мўлжалланган аниқ режалар тузилган бўлиши керак. Режада юқорида кўрсатилган муассасаларнинг бу ишда қатнашиш шакллари кўрсатилиб, кутубхоначилик дарсларини қандай, қаерда ва ким томонидан ўтказилиши аниқлаб олинади. Шунингдек, режада ўқитувчилар ва кутубхоначилар дарсларни муваффақиятли ўтишлари учун семинарлар, практикумлар, маслаҳатлар ўтказилиши, дарсни яхши ташкил қилиш бўйича мактаб ва кутубхоналар ўртасида мусобақалар ташкил қилиниши каби тадбирлар ҳам акс этиши лозим.

Туман миқёсида дарсларнинг ташкил этилиши ва уларнинг ўтказилишини ҳамкорлик кенгаши аъзолари бўлган туман халқ таълими бўлимининг кутубхоналар бўйича услубиётчиси ва марказлашган кутубхоналар тизимининг директори кузатиб, назорат қилиб боради. Режа ҳамкорлик кенгаши аъзолари томонидан тасдиқланиб, мактаб ва кутубхоналарда бу ишни ташкил қилувчи ва ўтказувчи шахслар аниқланади ва дарс жадвали тузилади.

Кутубхоначилик дарсларини ўтказиш учун синфдан ташқари дарслар ва тарбия соатларидан алоҳида соатлар ажратиб олиш мумкин.

Дарс жадвали тузишда, асосан, синфлар сонини, назарий ва амалий дарс соатларини, ўқитувчи ва кутубхоначи ўтказадиган соатларни, дарсни ўтказиш жойини (мактаб ёки кутубхона) аниқлаш жуда муҳимдир. Буни албатта, директор ёки ўқув ишлари бўйича директор ёрдамчиси назорат қилиб туради.

Бу ерда қўйидаги муҳим масалани ҳам ҳал қилиш керак. Кўпгина ўқитувчилар дарс бериш услубини яхши эгаллаган бўлсаларда, кутубхоначилик соҳасида етарли билим ва малакага эга эмаслар.

Кутубхоначилар эса аксинча. Шунинг учун ўқитувчиларга кутубхонашунослик юзасидан маъруза ўқиб, уларни кутубхона иши билан таништириш, кутубхоначиларга эса дарс ўтиш қоидаларини ўргатиш, дарсларга кириб ўқитувчилардан маслаҳатлар олиш муҳимдир.

Дарс ўтишда ва уларни синфлар бўйича тақсимлашда «Мактаб ўқувчиларига кутубхоначилик-библиографик билим бериш» дастуридан тўлиқ фойдаланиш мумкин. (Дастур иловада берилган.) Дастур кутубхоначилик дарсларининг ҳамма томонини қамраб олади. Лекин ҳар бир мактаб ажратилган соатларга қараб дастурдан ижодий фойдаланиши мумкин. Бунда албатта, қайси дарслар кутубхонада ва қайси дарслар мактабда, синфда ўтказилишини белгилаб олиш керак.

Масалан, кутубхонанинг маълумотнома-библиографик аппарати, китобларни жавонларда жойлаштириш, китоб танлаш, луғатлар, маълумотнома адабиётлари, қомуслардан фойдаланиш каби мавзуларга оид дарслар кутубхонада ўтказилса, бошқа дарсларни кутубхона китобларидан фойдаланган ҳолда синфларда ўтказиш мумкин.

Кутубхоначилик дарсларини қандай ўтиляётганлигини, уни қандай фойда келтираётганлигини, ўқувчиларга дарсларнинг ёқиш ёки ёқмаслигини, шунингдек, дарсларда нималарга эътибор бериш зарурлигини анкета, суҳбатлар, кузатишлар орқали билиб олиш мумкин. Бу тадбирлар кутубхоначилик дарсларини ўтказишни янада яхшилаш, унга қўшимча материаллар қўшиш йўлларини кўрсатиб беради. Кутубхоначилик дарсларини ўтиб бўлгандан сўнг ўйин, викторина, танлов ёки китобхонлар конференцияси каби тадбирлар ўтказилиб, унда ўқувчиларнинг шу соҳада олган билимлари ва малакалари аниқланади.

Кутубхоначилик дарсларини тайёрлаш ва ўтказиш

Кутубхоначилик дарсларининг ўзига хос хусусиятларидан бири ўқувчиларнинг ёшини, синфини ҳисобга олишдан иборат. Шунинг учун ҳам баъзи дарс мавзуларининг номлари бир хил бўлса ҳам, уларда бериладиган материаллар ва маълумотлар ҳар хил бўлади, яъни оддийдан мураккабга қараб боради.

Биз юқорида кўрсатиб ўтган дастурда биринчи синфлар учун иккита асосий мавзу, яъни кутубхона билан

танишув ва китобнинг тузилиши берилган бўлиб, уларга 2 соат вақт ажратилган. Иккинчи синф ўқувчилари учун эса китобнинг тузилиши ва кутубхонада китоб танлаш мавзулари берилган бўлиб, уларга 3 соат ажратилади.

Учинчи синфда илмий билим берувчи адабиётлар билан танишув ва биринчи маълумотномалар, луғатлар, қомуслар билан ишлаш мавзуларига 3 соат ажратилган.

Қуйида биз асосан кичик ёшдагиларга аталган кутубхоначилик дарсларини ўтказиш йўллари ва унга керакли материаллар билан таништириб ўтамыз.

Биринчи синф ўқувчилари ўқишни анча ўрганиб олганларидан кейин ўқитувчи уларни кутубхонага экскурсияга олиб боради. Буни олдиндан билган кутубхоначи болалар билан бўладиган суҳбатга пухта тайёргарлик кўради. Кичик ёшли ўқувчилар учун қизиқарли, расмли китоблар танлаб қўяди, кўргазмалар ташкил қилади, хилма-хил расмли каталогларни кўринадиган жойга қўяди. Хуллас, болаларни тантанали кутиб олишга ва кутубхонага қизиқтиришга ҳаракат қилади.

Кутубхоначи кутубхонага биринчи марта келган ўқувчилар билан суҳбатни қандай уюштириши керак?

Албатта, суҳбатнинг мақсади китоб ўқувчилар ҳаётида қандай катта аҳамиятга эга эканлиги, зиёли китобхон бўлиш учун нималарга риоя қилиш кераклиги ҳақида маълумотлар беришдан иборат.

Кутубхоначи ўқувчиларни кутубхона билан таништираётган экан, болаларга кутубхонанинг бўлимларини, яъни абонемент ва ўқув залини кўрсатади, бу ерда хоҳлаган китобни топиш мумкинлигини уқтиради. Жавонларда турган хилма-хил китобларнинг қандай жойлашганлиги ҳақида гапириб бериш, иложи бўлса, болалар бу китобларни ўз қўлларига олиб кўришлари керак. Сўнгра кутубхоначи ўқувчиларни ўқув залига тўплаб, кутубхонада қандай оммавий тадбирлар ўтказилиши ҳақида суҳбат ўтказилади. Суҳбат давомида кутубхонадан қандай фойдаланиш, яъни китобни уйга бериш муҳлати, кутубхона китобини авайлаб сақлаш, қаердан, қандай китобларни топиш мумкинлиги ҳақида тушунча беради.

Ўқувчиларни шу ернинг ўзида кутубхонага аъзо қилиб, уларнинг ёшига мос бўлган энг қизиқарли китоблар берилади. Экскурсиядан кейин улар мустақил равишда ёки оналари билан биргаликда кутубхонага қатнай бошлайдилар. Ўқувчилар билан иккинчи марта суҳбат ўтказганда биринчи синф ўқувчиларини қизиқарли бирорта китобнинг муқоваси ва ичидаги расмлари, муаллифи билан таништирилса, иккинчи синф ўқувчиларини китобнинг титул varaғи билан таништириш керак. Ўқувчиларга китобнинг титул varaғида нималар ҳақида маълумот берилишини амалда бирор бир китобнинг титул varaғини кўрсатиб тушунтириб бериш керак. Сўнгра улар китобнинг сўз боши ва хулосаси билан таништирилади ва улардан нималарни аниқлаб олиш мумкинлиги айтилади.

Китобнинг элементлари тушунтириляётганда болаларнинг эътиборини ундаги расмларга жалб қилиш керак. Чунки расмлар китобни нима ҳақида эканлигини аниқлаб беради. Бундай суҳбатдан кейин болаларга уйда бирорта китобни кўлда яшаш вазифа қилиб берилади. Бу, албатта, дарсдаги маълумотларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Китобнинг асосий элементлари ҳақида маълумот бергандан сўнг кутубхонадан китобни қандай танлаш ҳақида тушунча берилади. Бу ҳақида суҳбат олиб бориш учун кутубхоначи китобларни яхшилаб жойлаштириб, ажраткичларни тўғрилаб қўйиши керак. Бундан ташқари, расмли каталоглар, китоблар рўйхати ҳам кўринадиган жойга қўйилиши, иккинчи ёки учинчи синф ўқувчиларига атаб эса қизиқарли китоб кўргазмаси, плакат, альбом тайёрлаб қўйилиши керак.

Кутубхоначи ўқувчилар эътиборини алоҳида жавонларда турган китобларга қаратиб, улар хилма-хил мавзуларга бўлинганлигини ва ҳар бир мавзуга оид китоб муаллифларининг исм, фамилияси бўйича алфавит тартибида жойлашганлигини тушунтиради. Сўнгра ўқувчиларга бирор-бир китоб муаллифининг асарини қидириб топиш ҳақида топшириқ берилади.

Бундан ташқари китобхонга бир мавзуга оид кўплаб китоблар ичидан энг қизиқарли ва ўзига ёққан китоблар

ни қандай танлаб олиш мумкинлиги тушунтирилади. Бунинг учун китобнинг элементлари ва расмлари (буни ўқувчилар илгариги суҳбатдан билдилар) дан фойдаланиш кераклиги айтилади. Шу тариқа, ўқувчиларни очик китоб фондидан китоб танлаб олишга ўргатилади. Болаларни расмли каталоглар, картотекалар, альбомлар ёрдамида китоб танлашга ҳам ўргатиш лозим.

Ўқувчиларни китоб муқоваларидан ташкил топган каталог, картотекадаги карточкаларни жойлаштириш тартиби билан таништириб, уларни китоб танлай билишга ўргатилади. Буни «Китобни қидириб топ» каби ўйин шаклида олиб бориш ҳам мумкин. Китобхон каталогдаги ёки картотекадаги муқова ёки карточкани ўқиб, яъни китобнинг элементлари билан танишиб, ўзига ёққан китобни махсус жавондан топиб олишга ўрганиши лозим.

Кутубхоначи болаларга кўргазмада китоблар қандай жойлаштирилиши, унинг сарлавҳаси, цитатаси, рубрикалари нималарни англатишини тушунтиради. Сўнгра кўргазмадан китоб танлаб олиш ўргатилади. Кутубхоначи ўқувчиларга библиографик қўлланмадан китоб танлашни ўргатишдан олдин уларни чиройли қилиб безатилган тавсия рўйхати билан таништиради. Шунингдек, ўқувчиларнинг ёшига мос бўлган қизиқарли китоблардан иборат рўйхатдан ўзларига ёққан китобларни танлаб олиш йўллари ўргатилади.

Библиографик қўлланмалар ҳақидаги суҳбатни кутубхонада ўтказиш керак.

Библиографик қўлланмалар ҳақида гап борар экан, албатта, ўқувчиларни қўлланмада берилган китоблар билан таништириш лозим.

Маълумки, библиографик қўлланмада ҳар хил китобларнинг тавсифи берилади. Ўқувчиларга қўлланмалардан ўзига мос келадиган, ўзи қизиққан, ўзига ёққан китобларни танлаб олиш коидаларини пухта ўргатиш лозим. Кутубхоначи болалар билан биргаликда қўлланмадан учтўртта китоб танлайди ва уларни китоб жавонидан қидириб топиб, болаларга кутубхонадаги барча китобларни бирданига ўқиб чиқиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Шунинг учун ҳам библиографик қўлланмалар ярати-

лишини, улардан китобхон ўзига ёққан китобларни топиши мумкинлигини уқтиради.

Олинган маълумотларни янада мустаҳкамлаш ва болаларда малака ҳосил қилиш учун кутубхоначи улар билан «китоб топиш» ўйинини ўтказди. Бунда кутубхоначи каталог ёки библиографик қўлланма асосида олдиндан тайёрлаб қўйилган, китоб номи ёзилган карточкаларни ўқувчиларга тарқатади ва жавондан шу китобларни ким тез ва тўғри топишини кузатиб туради.

Китоб танлашга ўргатишнинг йўллари хилма-хил бўлиб, кутубхоначининг ундан ижодий фойдаланиши ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашда катта ёрдам беради.

Кичик ёшдаги ўқувчилар ўқитувчи ва кутубхоначидан кутубхона, китоб ва уни танлаб ўқиш ҳақида керакли маълумотларни олиб, анча тажриба орттирадилар. Айниқса, учинчи синф ўқувчилари бадий китоблар билан бир қаторда илмий билим берувчи адабиётларни ҳам қизиқиб ўқий бошлайдилар. Уларнинг бундай китобларни ўқишларига атрофдаги ҳамма нарсага бўлган қизиқишлари ва уларни билиб олишга бўлган интилишлари мажбур қилади. Ўқиш жараёнида кўпчилик ўқувчилар номаълум сўзларга дуч келадилар ва бу сўзларнинг маъносига тушунмайдилар.

Бундан ташқари кўпгина болалар илмий билим берувчи китобларни пала-партиш, юзаки ўқишга киришиб, бу китобларнинг фақат мазмуни, яъни фабуласи билан қизиқадилар.

Шунинг учун ҳам кутубхоначилар бу даврга келиб юқорида айтилган китобларни қандай танлаб, қандай ўқиш кераклиги ҳақида кутубхоначилик дарслари ўтказадилар.

Дарсда бундай китобларни қайси жавонлардан ва қандай белгиларга (китобнинг шифрини айтади) қараб топиш кераклигини тушунтиради. Китобларни шифрига қараб топиш энг яхши усул ҳисобланади.

Сўнгра олинган маълумотларни яқунлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўйин ўтказилади. Бунинг учун қирқилган бир нечта қоғозларни олиб биттасига китобнинг муаллифи, иккинчисига эса китобнинг номи ёзилади ва

аралаштириб, ўқувчиларга улашилади. Ўйиннинг тартибига кўра ҳар бир китоб ўз муаллифини топиши лозим. Дарснинг охирида болаларга уйда бажариш учун турли топшириқлар берилади.

Масалан: Қайси китобда дельфинлар ҳақида ёзилган? Муаллифи ким?

Илмий билим берувчи китобларни ўқиш ва у билан ишлашга қизиқтиришнинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, ўқувчи бундай китобларни қанча кўп ўқиса, дарсларни ўзлаштириши шунча осонлашади ва яхшиланади.

Чунки муаллифлар бундай китобларни ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, мактабда нималар ҳақида ва қандай дарслар ўтилишини ҳисобга олган ҳолда ёзадилар. Учинчи синфда ўтиладиган «Биринчи луғатлар, маълумотнома, қомуслар» мавзуси ҳам юқоридаги мақсадни амалга оширишга хизмат қилади.

Дарснинг мақсади ўқувчиларни маълумотнома адабиётларига қизиқтириш ва уларга бундай адабиётлардан фойдаланиш йўлларини ўргатишдан иборат. Дарс ўтиладиган хона ёки ўқув залида маълумотнома адабиётлари кўргазмаси ташкил қилинади.

Кўргазмага «У ким? Бу нима?» қомусининг 3-жилди, «Детская литература» нашриёти томонидан нашр этилган 20 дан зиёд қомусий луғатлардан намуналар, А. Маркушанинг «А, Б, В, ...» Е. Каменевнинг «Какого цвета радуга» ва С. Сахаровнинг «По морям вокруг земли», «Болалар энциклопедияси» ва ҳоказо китоблар қўйилади.

Ўқувчиларни биринчи навбатда «У ким? Бу нима?» қомуси билан таништириб, луғат, маълумотнома ва қомус сўзларининг маъносини тушунтириш лозим.

Бунинг учун юқорида тилга олинган китобнинг учинчи жилдига ёзилган сўзбошидан фойдаланиш керак. Сўнгра ўқувчиларга қомуснинг тузилиши, ундан фойдаланиш йўллари ўргатилади. Бунинг учун болалар билан қомуснинг учинчи жилдини синчиклаб кўриб чиқиб, ундаги материаллар алфавит бўйича жойлаштирилганлигига эътибор қаратилади. Китобнинг охирида мундарижа берилган бўлиб, бу ердан ўқувчилар ўзларига таниш бўлган муаллифларнинг номларини ҳам ўқийдилар.

Ўқувчиларга китобдан қизиқарли бирор бир мақола-ни ўқиб бериш ҳам мумкин.

Дарснинг иккинчи қисми кичик қомусий луғатларнинг тузилишига бағишланади. Кутубхоначи кичик қомусий луғатдаги материаллар ҳам алфавит тарзида жойлаштирилганлигини, алфавит кўрсаткичини, шунингдек китобни тўлиқ ўқиган ўқувчи ундан керакли, ўзини қизиқтирган саволларга жавоб топа олиши мумкинлигини тушунтириб беради. Ўтилган дарсни янада мустақкамлаш учун ҳар хил ўйинлар, савол-жавоблар ўтказиш, уйга топшириқлар бериш мумкин.

Шундай қилиб, кичик ёшдаги ўқувчилар билан кутубхоначилик дарсларини қандай ўтказиш кераклиги ва бунинг учун қандай материаллардан фойдаланиш мумкинлигини кўриб чиқдик. Лекин ўқувчилар билан ишлаганда фақат кутубхоначилик дарсида берилган маълумотлар билан қаноатланиб қолиш ярамайди. Синфда ва кутубхонада китоб ўқиш ва у билан ишлаш соҳасидаги билимларни янада мустақкамлаш ва янги билимлар бериб, ўқувчиларнинг бу соҳадаги малакасини доимо ошириб бориш керак.

Ўрта ва юқори синф ўқувчилари ҳам китоб ўқиш ва у билан ишлаш соҳасидаги билимларга жуда муҳтождирлар.

Болаларга аталган китоблар уларнинг ёши ва синфига қараб ҳам мураккаблашиб бораверади. Шунинг учун ҳам, айниқса, бу ёшда китоб билан мустақил равишда ишлаш йўлларини билиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни ҳисобга олиб биз кутубхоначилик дарслари дастурида берилган ҳамма дарсларга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топмадик. Лекин мустақил ўқиш ва у билан ишлаш услубини, йўлларини тўлароқ ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Чунки бу мавзу бошқа мавзулар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчиларга мустақил ўқиш йўлларини ўргатиш

Китобни қандай ўқиш керак? Китоб ўқишнинг хилма-хил йўллари мавжуд. Масалан, китобни кўриб чиқиш, яъни у билан танишиш, китобни ўқиш, тушуниб ўқиш,

ўқиб олиш, яъни у билан ишлаш, ундан тўлиқ фойдаланиш. Хуллас, К. Д. Ушинский таъкидлаганидек, «Ўқиш бу ҳали ҳеч нарса эмас, нимани ўқиш ва ўқиганини қандай тушуниш» нинг аҳамияти катта. Аввало ўқувчиларга мустақил ўқишнинг асосий вазифалари, мустақил ўқиш орқали нималарга эришиш мумкинлиги ҳақида сўзлаб бериб, китоб фақат билим манбаигина бўлиб қолмасдан, яхши маслаҳатчи ва содиқ дўст ҳам эканлиги уқтирилади. Шу ўринда атоқли кишилар китобдан қандай фойдаланганлари ҳақида ўқувчиларга гапириб бериш керак.

Машҳур рус библиографи Н.А. Рубакин ҳаёти давомида 230 мингта китоб тўплаган, 250 мингта китобни кўриб чиққан, ўқиган, 350 та мақола ёзган, 49 та катта илмий иш, 280 та илмий-оммабоп китоб ёзган.

Бунга Рубакин томонидан таҳлил қилинган китоблар, мақолалар, тузилган дастурлар кирмаган. Инсонни шунчалик маҳсулдор бўлишига ақл бовар қилмайди.¹

Бундай мисоллар ўқувчини китобга қизиқтиради, уларнинг ўқишга бўлган муносабатини яхшилайти.

Ўқувчиларга ҳозирги даврда китоб ўқишни ва у билан ишлашнинг асосий усулларини тушунтиришга ҳаракат қилиш керак. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Ўқишнинг бошланиши — китоб билан танишув. 25 йил ичида бир киши ўртача миқдорда 2,5 мингта китобни ўқиб чиқар экан. Агар китобни юзаки, яъни кўз югуртириб ўқиб чиқилса, бу сонни иккига кўпайтириш мумкин экан. Кўз югуртириб чиқиш китоб танлаш, ахборот олиш, китоб мазмунини қисқача билиб олиш, ундан фойдаланиш ва керакли маълумотларни олишда ишлатиладиган қулай усуллардан биридир. Кўз югуртириб чиқиш орқали китобхон хилма-хил китоблардан ўзига керакли бўлганини танлаб олади. Бунинг учун асосан:

а) китобнинг титул варағи ва муқовасига эътибор бериш лозим. Одатда китобнинг муқовасида муаллиф ва китобнинг номи, шу китобнинг мазмунини акс эттирувчи расм берилган бўлади. Китобнинг титул варағида эса

¹ Николаева Л. А. Учись быть читателем. М.: Просвещение, 1982, с.68.

эртак, қисса, хикоя, повесть ёки роман деб ёзилади ва китоб чоп этилган шаҳар, нашриётнинг номи, йили ва унинг қисқача мазмунини ифодаловчи аннотация берилади. Китобнинг муқова ва титул варағидаги бу элементлар китобхонга керакли маълумотларни беради.

Бунинг учун ўқувчиларга китоб танлаётганда китобнинг элементларига эътибор бериш кераклигини тушунтириш лозим. Масалан, А. Обиджоннинг «Оловжон ва унинг дўстлари», О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Х. Тўхтабоевнинг «Сеҳрли қалпоқча», «Беш болали йигитча» ва бошқа асарларини танлаш мумкин;

б) китоб танлашда унинг аннотацияси муҳим аҳамиятга эга. Аннотация одатда раво ва қизиқарли тилда ёзилиб, китобнинг қисқача мазмунини ифодалаши, ўқувчиларни шу китобга қизиқтириши ва уни ўқишга чорлаши лозим;

в) аннотациядан ташқари китоб ва унинг мазмуни ҳақидаги кириш сўзи, хотима, унинг мундарижаси ҳам керакли маълумотларни беради. Одатда, китобхон мустақил ўқиш учун китоб танлаётганда, қайси бир китобни танлаб олиш кераклигини билмай, иккиланиб қолади. Бу ҳолат кўпинча болаларда ва баъзан катталарда ҳам учрайди. Бунда уларга юқорида айтилган китоб элементларини билиш катта ёрдам беради.

А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» тарихий романини оламиз. Китобнинг сўз боши ва хотимаси жуда қисқа бўлиб, уни ёзувчининг ўзи ёзган. Унда адиб китобни нима ҳақида, мақсадда ёзганлигини айтган, холос. Китобхон бундан, албатта, қониқмайди, у китобнинг мазмунини билишни истайди. Бу хоҳиш эса уни китоб мундарижасига мурожаат қилишга ундайди. Мундарижа китобхонга асар мазмунини очиб бера бошлайди. Масалан: 1. Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли. 2. Хон қизига лойиқ бир йигит. 3. Бек ошиқ. 4. Марғилон ҳавоси ёқмади. 5. Киройи куёвнинг шундоғ бўлса ва ҳоказо.

Мундарижа билан танишган китобхон беихтиёр китобни ўқишга қизиқа бошлайди.

Бундан ташқари, китоб охирида профессор Ҳомил Ёқубовнинг «Йирик санъаткорнинг тўнғич романи» ма

қоласи берилган бўлиб, унда китоб муаллифининг ижоди ва адибнинг машҳур романи «Ўткан кунлар» ҳар томонлама характерлаб берилади. Мақоланинг муҳимлиги шундаки, у китобхонга китобни қандай ўқиш ва қандай тушуниш, нималарга эътибор беришни ўргатибгина қолмай, балки муаллифнинг биографияси, босиб ўтган йўли, ижоди ва бошқа намуналарини тарғиб қилади, уни ўқишга ундайди. Демак, китобнинг элементлари ўқувчига, биринчидан, китобни характерлаб беради ва унда асар ҳақида тасаввур ҳосил қилдиради, иккинчидан, китобни танлаб ўқиш имконини беради, учинчидан эса уни тўлиқ тушунишга ёрдам беради.

2. Китобни бевосита ўқиш. Китоб билан ишлашнинг энг тарқалган усули уни бевосита ўқишдир.

Албатта, китобни бевосита ўқиш орқалигина унинг мазмунини, ғоясини, воқеа ва ҳодисаларнинг кечишини, қаҳрамонлар ва персонажлар характерини билиб олиш ва баҳолаш керак. Агар баъзи бир абзацларни, нотаниш сўзларни, лирик чекинишларни ва табиат тасвирини тушириб ўқийдиган бўлсак, унда китоб мазмунини тўлиқ тушуна олмаймиз. Бу ҳолда ҳар қандай яхши ва қизиқарли китоб ҳам мазмунсиз бир нарсага айланиб қолади. Шунинг учун ўқиладиган китобдаги ҳар бир сўз, гапни тушуниб, маъносини билиб ўқиш лозим.

Баъзан китобни биргаликда ўқилса, унинг мазмунини янада яхшироқ тушуниш мумкин.

Кўпинча ўқилган китобни бировга сўзлаб бериш ёки у билан шу китоб ҳақида суҳбатлашиш ҳам асарнинг мазмунини янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам китоб устида фикрлашиш, мунозара қилиш ва баҳслашиш уни тўлақонли тушунишга олиб келади.

3. Китобни уқиб олиш, уни ўрганиш. Китобдаги материални ва матннинг мазмунини уқиб олиш учун:

- а) китоб билан ишлаш йўллари билиш;
- б) ўқилган нарсани чуқур англаб олиш;
- в) асосий нарсани иккинчи даражалидан, хулосани эса ҳар хил далиллардан ажратиб олишни билиш;
- г) тушунмаган бирорта сўз ёки иборани тушуриб қолдирмаслик;

д) ўқилган китобдан керакли нарсаларни ёзиб олишни билиш;

е) китобдаги энг керакли нарсаларни эсда сақлаб қолиш ва ўзлаштириб олишни билиш лозим.

Китобни ўқиганда ундаги материалларни узоқ вақт эсда сақлаб қолиш ва мазмунини тўғри тушуниш учун ўқувчиларга ўқилган асарларнинг қисқача мазмунини ёзиб олишни ўргатиш керак. Ёзиб бориш фикрлашни, қисқа, тўғри, маъноли ёзишни ривожлантиради. Ёзиб олишнинг хиллари кўп бўлиб, ҳар ким ҳар қандай усулда ёзиб олади. Бу, асосан, қандай китоб билан ишлашга, қандай мақсад билан ўқишга боғлиқ.

Кўчириб олиш, цитата олиш, режа, тезис, конспект, аннотация, мулоҳаза, реферат, рецензия ёзиб олишнинг турли шакллари ҳисобланади.

Аввало ёзиб боришнинг энг оддий хили — к ў ч и р и б олишни ўрганиш керак. Ҳар ким китобдан ўзига керакли, ўзига ёққан нарсаларни кўчириб олишга ҳаракат қилади. Ўқувчиларга китоб ўқиш давомида, ундаги алоҳида фикрлар, хулосалар, воқеалар, саналар, шеърлар ва ўйноқи сўзларни кўчириб олишни ўргатиш керак. Бунинг учун китобнинг номи, нашр қилинган йили ва керакли маълумотлар китобнинг қайси бетидан эканлиги ҳам қайд этилади. Кейинчалик ўқувчига шу материаллар керак бўлса, уни қайси китобнинг қайси бетидан топиш мумкинлиги аён бўлади.

Ёзиб олиш учун дафтар, қирқилган қоғозлар, каталог карточкасидан фойдаланиш мумкин. Ёзиб боришда каталог карточкасидан ёки 15×200 мм қилиб қирқилган қоғоздан фойдаланиш айниқса жуда қулайдир.

Ўқиш кундалиги тутиш ўқувчи учун ниҳоятда зарур. Чунки кундалик дарс тайёрланаётганда, бирон бир масалани ҳал қилаётганда, маъруза тайёрланаётганда тайёр материал бўлиб хизмат қилади.

Ҳатто улуғ кишилар, дохийлар ва халқ йўлбошчилари ҳам ўзлари ўқиган китоблардаги маълумотларни конспект тарзида ёзиб боришга ҳаракат қилганлар. Улар китобни қўлда қалам ёки ручка билан ўқиганлар.

Ёзиб боришнинг яна бир хили — ц и т а т а д и р . Ўқувчи ўзи айтган фикрни асослашда, тасдиқлашда цитатадан фойдаланади. Ўқувчи маъруза, нутқ, реферат ёки бирор мақола ёзишда ўзи айтмоқчи бўлган фикрни мустаҳкамлаш учун китобдан цитаталар келтиради. Албатта, цитата олинган такдирда унинг муаллифи, қайси китобдан ёки мақоладан олингани, нашр қилинган жойи, нашриёти, йили, бети аниқ кўрсатилиши лозим. Олинган цитата қўштирноқ орасида берилади.

Ёзиб олишнинг яна бир хили — р е ж а д и р . Режа бу ўқилган китоб ёки мақоладаги асосий фикрлар йиғиндиси, мундарижасидир. Режа тузишни ўқитувчилар мактабда ўргатадилар. Лекин ўқувчилар ҳар хил мавзуларда режа тузишда қийналадилар. Шунинг учун ҳам уларни режа тузиш қоидалари билан таништириш, уларга бир неча хил оддий ва мураккаб режалар тузишни ўргатиш керак.

Режа тузиш учун мақола ёки китобдаги асосий фикрларни англаб олиш, мақола ёки китобни бўлимларга бўлиб, уларга сарлавҳа топиш лозим. Китобни ўқиб, ундаги асосий фикрлар ва масалалар ажратиб олинади, бу эса режанинг асосий пунктларини ташкил этади. Ҳар бир пунктга аниқ ва қисқа сарлавҳа топишга ҳаракат қилинади, бу сарлавҳа пунктнинг мазмунини ифода этиши лозим. Одатда, режа ва унинг пунктлари китобнинг мазмуни ва ундаги материалнинг жойлашишига мос равишда тузилади. Тузилган режа хотирадан чиқиб кетган материал ёки китобни қайта эсга солишда катта аҳамиятга эга.

Т е з и с ҳам ёзиб олишнинг анча мураккаб шакллари-дан биридир. Илмий мақола ёки матн бир неча тезислардан иборат бўлиб, унда муаллиф ўз фикрини, мулоҳазасини хилма-хил фактлар орқали исбот қилишга ҳаракат қилади. Бу мулоҳазалар бир неча варақларни ташкил этади. Тезисда эса бу фикрларни икки-учта гап билан ифода этиш мумкин. Шунинг учун ҳам тезисда муаллифнинг асосий фикри, хулосаси акс эттирилган бўлади. Китобдан ёки мақоладан тезис тузиш учун ўқиладиган матнни чуқур ўйлаб, мулоҳаза юритиб, таҳлил қилиб ўқиш керак. Тезис бу китоб ёки мақоланинг асосий қоидала-

рини ифода этувчи, асосий фикр ва мулоҳазаларни ажратиб кўрсатувчи қисқа ва аниқ фикрлардир. Одатда, тезис тузиш учун ўрганилаётган нарса бир неча марта ўқилиб, таҳлил қилинади, бу эса материалларни хотирада узок вақт сақлай олишга олиб келади.

Маъруза ёки семинарларга тайёрланишда, аввало, режа тузиб, сўнгра нима ҳақида гапириш кераклигини, яъни тезисни аниқлаб олиш керак. Кейинчалик режа ва тезисга асосланиб хилма-хил материаллардан фойдаланган ҳолда маъруза, мақолалар тайёрланади.

Ёзиб олишнинг яна бир хили — конспектдир. Конспект ўқилган китобдан тушунган нарсани ёзиб олишдир. Конспект қилиш учун китобни синчиклаб ўқиб чиқиш керак. Олдинга қўйилган мақсадга қараб конспект ҳам ҳар хил ёзилади. Шунинг учун конспектни иложи борича ҳар ким ўзининг имкониятига, қобилиятига қараб ўз сўзи билан ёзиб боради. Бу эса китобнинг мазмунини мантиқий фикрлашга, асосий фикрни ажратиб олишга, фактларни умумлаштиришга, хулоса қилишга ўргатиб қолмасдан, ёзиш усулини такомиллаштиришга, тилнинг равон бўлишига, ўз фикрини ёрита олишга ҳам ўргатади.

Конспект олишнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Матнни диққат билан ўқиб, номаълум жойлар, сўзлар, янги номлар, фактларни белгилаб бориш.

2. Дафтарнинг бир четига китобдаги тушунмаган атамаларнинг маъносини ёзиб бориш.

3. Китоб ўқиганда белгилаб қўйилган жойларни қайта яна бир марта ўқиб чиқиб, мазмунини қисқача ёзиб бориш.

4. Конспект олишда муаллифнинг фикрини, китоб мазмунини ўз сўзида ифода этиш.

5. Конспект олишда китобдан цитаталар олишга эътибор бериш.

Ўқувчиларга амалий машғулотларда бирорта мақоладан конспект олиб, ўзаро бир-бирларининг конспектларига рецензия беришни, яъни уни баҳолашни ҳам вазифа қилиб топшириш мумкин. Бунда албатта, қуйидаги саволларга эътибор бериш керак:

1. Мақолада асосий фикр берилганми?
2. Конспект ҳажми етарлими?
3. Конспект хилини аниқлаб, уни тўғри ёзилганлигини исбот қилинг.

Дарс охирида ўқувчиларга юқорида кўрсатилган китоб билан ишлаш йўллари бўйича уйда бажариб келиш учун амалий топшириқлар бериш, ўтилган дарсларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Кутубхона ва мактаб ҳамкорлигида ўтказиладиган кутубхоначилик дарслари ўқувчиларни кутубхонадан, китобдан фойдаланишга, уни кадрлаш ва севишга, ундан билим ва завқ олишга ўргатади.

Кутубхоначилик дарслари китобни танлаб, мунтазам, тартибли ўқишга ўргатиш билан бирга дарсларни сифатли тайёрлашга, уни тўлиқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Ўқувчини ҳақиқий китобхон сифатида тарбиялайди. Шунинг учун ҳам бу дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш катта аҳамиятга эгадир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Кутубхоначилик дарсларини ташкил этишда нималарга эътибор бериш керак?
2. Китобни танлаб ўқиш жуда муҳим. Танлаб ўқишда нималарга эътибор бериш ва қайси ёрдамчи воситалардан фойдаланиш лозим?
3. Ўқишнинг бир неча хили мавжуд. Ҳақиқий тушуниб ўқиш учун нималарга риоя қилиш керак?
4. Ўқилган нарсани хотирада узоқ сақлаш учун ёзиб бориш лозим. Унинг хиллари кўп. Уларнинг ўзига хос хусусиятларини ва фарқни исботлаб беринг.

Муҳокама қилиш учун саволлар

1. Сиз институтни битириб мактаб кутубхонасида ишляпсиз. Ўқувчиларга «Кутубхоначилик дарслари» ўтиш керак. Шунда ишни нимадан бошлайсиз?
2. Китоб ўқиш учун, аввало уни танлаш керак. Керакли китобларни танлаш учун нималарни билиш кераклигини ўқувчиларга қандай тушунтирасиз, қандай тадбирлар ўтказасиз?

3. К. Д. Ушинскийнинг: «Ўқиш бу хали ҳеч нарса эмас, нимани ўқиш ва ўқиганини қандай тушуниш — мана ҳамма гап қаерда» деган иборасига сизнинг муносабатингиз қандай?

4. Кичик ва ўрта ёшдаги ўқувчиларнинг ўзига хос хусусияти, қизиқиши ва ўқиши ҳам бир-биридан фарқ қилади. Уларга ўқиш маданиятини ўргатиш учун қандай тадбирларни танлаб олган маъқул?

5. Кўпинча мактаб ўқувчиларига китоб ўқигандан сўнг асардан олган таассуротларини қисқача ёзиб бориш таклиф қилинади. Нима учун? Сиз бунга қандай қарайсиз?

6. Кутубхоначилик дарслари албатта, дарс тайёрлаш сифатини ошириб боришга ижобий таъсир кўрсатади. Бундай дарсларни қандай ташкил қилиш мумкин ва зарур?

КУТУБХОНАНИНГ ЎҚУВЧИЛАРГА АТАЛГАН АХБОРОТ ВА БИБЛИОГРАФИЯ ИШЛАРИ

Маълумотнома-библиография аппарати таркибига (МБА) каталог ва картотекалар системаси, маълумотнома-библиография фонди, бажарилган маълумотномалар картотекаси киради.

Каталог ва картотекаларни юритиш давлат стандартларига, қоида ва қўлланмаларга, кутубхона библиографик классификация (КБК) жадвалларига аниқ риоя қилишни кўзда тутати. Буларнинг ахборот бериши уларда китоб фондларининг таркиби ва мазмуни акс эттирилишининг батафсиллигига боғлиқдир.

Алфавит каталогда (АК) каталог варақчалари якка муаллифлар исмлари ёки фамилияларининг, жамоа муаллифлар номларининг ёхуд матбуот асарлари ва бошқа хужжатлар сарлавҳалари алфавит тартибида жойлаштирилади. Алфавит каталоги кутубхонада мавжуд бўлиб, у бир муаллифнинг ҳамма асарларини ва бир асарнинг турли нашрларини топиш имконини беради.

Болалар Марказий кутубхонасининг (БМК) алфавит каталоги ўз фондини ҳам, МКТ филиаллари бўлган болалар кутубхоналарининг фондини ҳам тўлиқ акс эттиради. Филиал кутубхонада эса АК ни фақат ўз фонди учун тузилади. Каталоглар учун варақалар МК нинг бутлаш ва ишлов бериш бўлимида тузилади, каталогларни БМК ва филиал кутубхона ходимлари юритадилар ва таҳрир қиладилар. АК варақчасига болалар ва мактаб кутубхоналари учун Кутубхона-библиографик классификация (КБК) жадваллари бўйича тўлиқ индекс ёзилади. Марка-

зий АК учун мўлжалланган варақчанинг орқа томонида мазкур нашр БМК нинг қайси структурали бўлинмасида ва филиал бўлган қайси болалар кутубхонасида борлиги кўрсатилади.

АК хизмат каталоги бўлиб, одатда ундан кутубхоначилар, болалар, мураббийлар фойдаланадилар. БМК да ва болаларга хизмат кўрсатадиган филиал кутубхоналарда сарлавҳаларнинг алфавит кўрсаткичи асарнинг фақат номи маълум бўлганда муаллифнинг фамилиясини аниқлашга ёрдам беради. Унга бадий адабиётнигини эмас, балки илмий-билиш адабиётининг номлари ҳам киритилган; кўрсаткич учун варақчаларни адабиётни бутлаш ва унга ишлов бериш бўлимининг ходимлари тузадилар. Кўрсаткичдан кутубхоначилар, шунингдек катта ёшдаги ўқувчилар фойдаланадилар.

Каталог варақчалари системали каталогда (СК) кутубхона библиографик классификация системаси белгилаб берганига мувофиқ билим соҳалари бўйича жойлаштирилади.

СК ўқишга раҳбарлик қилишда китобхонларнинг мустақил равишда китоб танлаши ва қидиришида муҳим ўрин тутди, мазмун жиҳатидан универсал билим соҳалари бўйича тартибли мустақил билим олиш мақсадида ўқишга тавсия этиладиган репертуар сифатида иш кўради.

Марказий системали каталог БМК да жойлаштирилган бўлиб МКС даги болалар учун мўлжалланган ягона фондни экс эттиради. Болалар ва мактаб кутубхоналари учун КБК жадваллари унинг структурали негизини ташкил этади. Каталог айрим ёш гуруҳлардаги (8—9 ёш, 10—11 ёш, 12—14 ёш) китобхон болаларга қаратилган қисмлардан иборат. Башарти болалар адабиёти катта бўлмаса, масалан филиал қишлоқ кутубхонасида 10—11 ва 12—14 ёшдаги китобхонлар учун ягона системали каталог ташкил қилинади. Бундай каталоглар тегишли фонд яқинида жойлаштирилади. Кутубхона фонддини тўлиқ акс эттирадиган алфавит каталогидан фарқли ўлароқ системали каталогда имкони борича ҳар бир асарнинг сўнгги ёки энг яхши нашрлари кўрсатилган бўлади.

Болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган турли кўри-нишдаги тўпламлардан олинган материаллар аналитик тавсифининг мавжудлиги болалар учун мўлжалланган системали каталогнинг хусусиятидир, БМК нинг библио-график-мутахассиси ана шундай мақолаларни тўплайди.

Системали каталог учун варақачалар адабиётни бут-лаш ва ишлов бериш бўлимида юритилади. Филиал ку-тубхоналарига китоблар каталог варақачалар билан бир-га келтирилади. БМК ва филиал кутубхонасининг СК учун жавобгар бўлган ходимлари каталогларни бошқарадилар. Адабиётни бутлаш ва ишлов бериш бўлимининг махсус ажратилган ва болалар адабиётини системалаштирувчи ходими каталогни таҳрир қилади. БК да ва филиал бола-лар кутубхоналарида болалар учун СК дан алоҳида бола-лар ўқиши раҳбарлари учун системали каталог тузила-ди. Унда кутубхоначилар ва педагогларга аталган адаби-ётлар, ҳукуматнинг кутубхоначилик ишига, маориф, тарбияга оид қарорлари; психология, ўқиш социология-си, китобхон болалар билан кутубхонада олиб борилаёт-ган иш, болалар адабиёти назарияси, тарихи, танқиди ва библиографик масалаларига доир материаллар тўплам-ларидан олинган аналитик тавсифлар, болалар ўқиши раҳбарлари учун услубий материаллар, библиографик қўлланмалар акс эттирилади. Болалар ва катталар учун адабиёт фондига эга бўлган кишлоқ филиал кутубхона-ларида болалар ўқишига раҳбарлик қилишга оид китоб-лар педагогика бўлимида, болалар адабиёти тўғрисидаги китоблар эса катталар учун СК даги болалар адабиёти бўлимида кўрсатилади.

Алфавит-предмет кўрсаткичи (АПК) СК бўйича, газе-та ва журналларнинг мақолалари системали картотекаси ва ўлкашунослик картотекаси бўйича дастур ҳисоблана-ди. АПК билан СК ўртасидаги боғланиш классификация индекслари ёрдамида амалга оширилади. Ўша индекслар-нинг ўзи одатда системали каталогда газета ва журнал-ларнинг мақолаларини қидириш учун белгиланади. АК ва СК дан тескари қидирув АК асосий варақчаларида кўрсатилган классификация индекслари бўйича олиб бо-рилади. Илмий-оммабоп адабиёт фонди мазмунини акс

эттирувчи рубрикалар АПК га киритилади. Рубрикаларнинг ифодалари предмет, мавзу, тушунча ҳақидаги болалар идроки хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. Газета ва журнал мақолаларининг системали каталоги (М.С.К) СК га қўшимча бўлиб, 10-14 яшар китобхонларга аталган газета ва журналлардан олинган мақолаларнинг тавсифидан иборат. МСК ва БМК ни библиография мутахассиси бошқаради, одатда МСК варақаларида сўнгги 2—3 йил ичидаги материаллар кўрсатилган бўлади.

Системали ўлкашунослик картотекаси 10—14 ёшли болалар учун тушунарли бўлган жонажон ўлка тўғрисидаги адабиётни ва маҳаллий ёзувчиларнинг, фан арбобларининг асарларини тавсия этади. Бу картотека китобларнинг ҳамда тўпламлар ва вақтли нашрлардан олинган мақолаларнинг тавсифини ўз ичига олади. СК билан эса унинг ўлкашуносликка оид материаллар акс эттирилган бўлимлари орқали боғланган. Ўлкашунослик картотекасини библиография мутахассиси бошқаради.

Кичик ёшдаги китобхон болалар учун махсус ўлкашунослик картотекасини ташкил қилиш шарт эмас, лекин жонажон ўлка тўғрисидаги адабиётни 8—9 ёшли ўқувчилар учун ҳам СК да акс эттириш керак. Айтиб ўтилган картотекаларнинг ҳаммаси БМК учун мажбурийдир. МКТ да болаларга хизмат кўрсатувчи бошқа бўлимлар учун каталоглар билан картотекаларни қуйидагича қўшиб олиб бориш зарур. Филиал болалар кутубхонаси учун ҳам, болалар ўқиши раҳбарлари учун ҳам бутун фондга мўлжаллаб алфавит каталогини ташкил қилади. Бу кутубхонада сарлавҳаларнинг алфавит кўрсаткичи ҳам бўлиши лозим. 8—9 яшар китобхонлар учун БМК нинг СК га ўхшаш расмли ажраткичлари бўлган системали каталог тузилади. Китоб фонди катта бўлган чоғда 10—11 ва 12—14 яшар китобхонлар ўрта ва катта ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган СК кўрсаткичларидан ёки китоб фонди катта бўлмаган 10—14 ёшли ўқувчиларга мўлжалланган умумий СК дан, шунингдек МСК дан фойдаланадилар. МСК да болалар учун тушунарли бўлган ўлкашуносликка оид материаллар акс эттирилади. Болалар ўқиши раҳбарлари учун адабиёт алоҳида системали каталогда акс эттирилади.

Катта ёшдаги кишиларга ва болаларга хизмат кўрсатувчи филиал кутубхонада (қишлоқ филиал кутубхонаси) филиалнинг бутун фондига, шу жумладан болалар адабиётига мўлжаллаб алфавит каталоги юритилади. 6—7 ёшли болаларга имкони борича айрим мавзу ва жанрлар юзасидан чиройли қилиб безатилган альбом-каталоглар, турнекетлар ташкил қилинади.

Газета ва журнал мақолаларининг системали картотекаси (уни тузиш имкони бўлса) икки қисмдан: катта ёшдагилар учун; 10—14 яшар болалар учун мўлжалланган қисмлардан иборат бўлади.

Болалар ўқишига раҳбарлик қилишга мўлжалланган материаллар, услубий нашрлар катталар учун белгиланган СК ва МКТ да акс эттирилади.

МСК маълумотнома-библиография аппаратининг мазмуни ва тузилиши Давлат оммавий кутубхоналарини марказлаштириш тўғрисидаги Низомда ва бошқа кўрсатма берувчи услубий материалларда белгиланади. Қоидага мувофиқ каталоглар ва картотекалар системаси марказлаштирилган система китоб фондлари марказий кутубхонанинг китобхонлар ва хизмат каталогларидан, марказий кутубхона ва филиал кутубхоналарнинг каталоглари ва картотекаларидан таркиб топади. Каталог картотекаларнинг ана шу системаси ва марказлашган система бўйича уларнинг тақсимланиши у ёки бу нашрнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни кутубхоналарнинг қайси биридан олиш мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради.

Маълумотнома-библиография фонди асос бўладиган ва кўрсатма берувчи материалларни, маълумотномалар ва маълумотнома нашрларни, библиографик қўлланмаларни ўз ичига олади.

Қомуслар, луғат ва маълумотномалар маълумот берувчи нашрларга киради. Китоб фонди кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун «У ким, Бу нима?» қомусий нашрга, ўсмирлар учун эса «Болалар қомуси» га эга бўлиши керак.

Ахборот маълумотнома-библиография ишида умумий табиатга эга қомусдан, қисқача адабиёт қомусидан ва шу кабилардан ҳам фойдаланилади. Ҳатто кичик мактаб ёшидаги китобхонлар сўровларининг унверсал, айтилиши вақтда

аниқ бўлиши кутубхоначининг ана шу қомусий нашрларга муурожаат қилишини тақозо этади.

Кутубхонанинг маълумотнома-библиография фондида болалар учун мўлжалланган қомусий луғатлар ва қомус табиатидаги китоблар бўлиши лозим. Масалан, кичик ёшдаги китобхонлар учун «Ўсимликнинг уйи қаерда» китоби, ўсмир китобхонлар учун эса «Ёш техник қомусий луғати», «Ёш расом қомусий луғати», «Ёш филолог қомусий луғати» ва шу қабилар шундай дастурлардир. Бундай нашрларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар болаларни қизиқтирадиган кўпгина саволларга жавоб беради. Уларнинг фан, техника ва маданиятнинг муайян соҳаларига оид билимларини кенгайтиради ва айни вақтда маълумотнома адабиётидан фойдаланишга ўргатади.

Тил, изоҳли, соҳавий луғатлар, урғу, орфоэпик, орфографик, хорижий сўзлар, сиёсий атамалар луғатлари, махсус (географик, фактографик) луғатлар ҳам керак.

Ўсмирлар учун касб танлашга, касбга йўналтиришга оид маълумот берувчи китобларни, масалан, «Касблар ҳақида икки оғиз сўз», «Касбга йўл» туркумидаги китобларни танлаш мумкин.

«Ҳамма нарсани билишни истайман» каби илмий-бадий альманахлар ва шу қабилардан маълумотнома нашрлари сифатида фойдаланиш мумкин, булар саволларга жавоблар олишга ёрдам беради. Маълумотнома - библиография фондида «Қадамжолар бўйлаб» туркумидаги китоблар, альбомлар, атласлар, жуғрофий ва сайёҳлар хариталари, бошланғич ва ўрта мактаблар учун дастур ва дарсликлар бўлиши керак.

Кутубхоначилар МКТ марказий кутубхона ёрдами билан ўзларининг маълумотнома-библиография аппарати-ни муттасил тўлдириб туриш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, китоб фондида етишмаётган луғатлар, маълумотномалар, библиографик қўлланмаларни аниқлашлари лозим.

Мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган маълумотнома - библиография фонди хизмат кўрсатиш бўлимларига, каталог ва варақачаларнинг яқинроғига жойлаштирила-

ди. Қомусий ва маълумотнома нашрларининг ягона нусхалари ўқиш залидаги алоҳида жавонда тўпланеди. Мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган баъзи бир маълумотнома ва библиографик кўлланмаларни имкони борича, билимларнинг мазкур соҳасига оид адабиётлар қўйилган жойда тўплаш яна ҳам яхшироқдир.

Маълумотнома-библиография аппарати китобхонлар ва кутубхоначилар меҳнатини илмий ташкил қилишнинг муҳим негизи бўлиб хизмат қилади, ўқишга раҳбарлик қилиш имкониятини яхшилайди.

Ўқувчиларга ахборот бериш ишларини ташкил этиш

Ахборот ишининг моҳияти шундаки, у кутубхона фондларига келтирилган янги адабиёт тўғрисида ва мактаб ўқувчиларини қизиқтирадиган мавзуларга бағишланган нашрлар ҳақида китобхонларни мунтазам равишда хабардор қилиб туради. Ахборот бериш муттасил олиб борилади. Унинг мазмуни энг муҳим тарбиявий ва умумий таълим вазифалари, китобхонларнинг қизиқишлари, уларнинг ёши, хусусиятлари, олинаётган адабиёт мавзуси, вақтли нашрлар муаммолари билан белгиланади. Кутубхонанинг ахборот ишида оммавий, гуруҳий ва якка тадбир шаклларида фойдаланилади.

Китобхон китоб фондининг мазмуни тўғрисидаги дастлабки тасаввурини китоб жавонлари ёнига эркин бориш йўли билан олади. Китоб кўргазмалари ҳам уни бу ҳақида хабардор қилади. Каталоглар ва картотекаларнинг бир тизимда бирлашуви, китоб фондларини кўп жиҳатдан: нашрларнинг тури ва билим соҳалари, мавзулар, жанрлар, муаллиф ва китоб номларининг алфавит бўйича жойлашуви, китобхонларни ҳар бир ёш гуруҳини билиш имкониятлари ва қизиқишларига мувофиқ тарзда очиб бериш имконини яратади.

Ахборот манбаи сифатида каталоглардан фойдаланишнинг жадаллиги кўп жиҳатдан китобхонларнинг библиографик тайёргарлиги даражасига боғлиқдир. Ахборот ишида кутубхонанинг сўзи — кутубхона ва унинг бўлим-

ларининг иши, китоблардан фойдаланиш қоидалари тўғрисидаги ҳикояси асосий роль ўйнайди.

Бундай ахборот ҳатто энг кичик китобхонларга ҳам тушунарли бўлади.

Йўл кўрсаткичлари, расмли китобчалар, плакатлар, магнитофон ёзувлари, слайдалар ҳам сал каттароқ ёшдаги мактаб ўқувчиларига кутубхона тўғрисида ҳикоя қилиб бериши мумкин. Булар кутубхона бўлимларининг иши, жавонлардаги китобларнинг жойлаштирилиши, янги китоблар ҳақида маълумотлар олиш манбалари бўлиб ҳисобланади.

Болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхона ахборот ишининг асосий мазмуни турли ёш гуруҳига мансуб китобхонларнинг ўқув, ижтимоий ва шахсий талаб ва эҳтиёжлари билан белгиланади. Кутубхоначи ўз китобхонларини ўргана бориб, қизиқишлари қарор топган, мунтазам равишда ахборот олиб туришга эҳтиёж сезган ўқувчилар гуруҳини аниқлаши лозим. Бундай гуруҳларда кутубхоначиларгина эмас, балки катта билим эгаси бўлган ўқувчилар ҳам ахборотчи бўлишлари мумкин. Ахборотчи фаоллар ахборот мавзусини белгилашда кутубхоначиларга кўмаклашадилар, материал танлашда қатнашадилар ва ҳатто ахборот учун ажратилган барча адабиёт ёки унинг бир қисми бўйича шарҳлар билан чиқадилар.

Гуруҳга ахборот бериш якка тартибдаги ахборотнинг ўрнини боса олмайди.

Ўқувчи болаларнинг қизиқишлари ва ўқиш имкониятларини билиш кутубхоначига муайян мавзулар ва билим соҳаларига, адабиёт турларига қизиқиши ортаётган китобхонларни аниқлашга ёрдам беради. Кутубхоначи бундай китобхонларни уларнинг розилиги билан алоҳида ҳисобга олади. Ўсмирларнинг қизиқишлари беқарор бўлиб, тез-тез ўзгариб туради. Шу боисдан якка тартибдаги маълумот олаётган китобхонлар билан суҳбатлашганда шу китобхонга таклиф этилган адабиёт унга маъқул бўлган ёки бўлмаганлиги, мавзу чегараларини аниқлаш кераклиги ёки йўқлигини вақти-вақти билан сўраб туриш лозим.

Суҳбатларнинг натижалари китобхоннинг картотекасидаги варақачага ёзиб қўйилади. Варақачада китоб-

хоннинг фамилияси, нечанчи синфда ўқиётганлиги, сўров мавзуи, маълумот берилаётган манбаларнинг номи кўрсатилади. Гуруҳий ва яқка тартибдаги ахборотга ўқувчиларгина эмас, шу билан бирга мураббийлар, ўқитувчилар ва бошқалар ҳам жалб қилиниши керак. Улар кутубхонада болалар билан ишлаш масалалари юзасидан ахборот олишлари мумкин.

Ахборот усуллари ва шакллари айрим мавзу ёки масалаларга оид янги олинган китоблар рўйхатини танлаб оммалаштириш, китобхонлар айрим гуруҳларига ахборот хизмати кўрсатиш шаклларида биридир. Чунончи, ўрта ва катта ёшдаги китобхонлар учун мактаб дастурининг айрим фанлари ва бўлимларига оид, айрим касблар, ҳозирги сиёсатнинг муҳим масалалари, фан ва техника янгиликлари, спорт ва санъат тўғрисидаги адабиётларни ўз ичига олувчи рўйхатлар тайёрланиши мумкин. Бундай рўйхатларга, одатда, шу йил нашр этилган ёки кўпдан бери қайта нашр қилинмаган, лекин эскириб қолмаган китоблар киритилади. Бундай рўйхатлар китобхонларга бевожута кутубхонада таклиф қилиниши ёки мактабларга ва мактабдан ташқари муассасаларга топширилиши мумкин. Мактабларда ахборот стендлари ташкил қилиниб, уларга бир қанча чўнтакчалар ёпиштириб қўйилади. Чўнтакчаларда мавзулар ёзилган бўлади, уларнинг ичига эса тавсия этиладиган китоб ва мақолалар тавсифланган варақчалар солинади. Ана шундай стендлар ўқувчилар ва ўқитувчилар учун алоҳида-алоҳида ташкил этилиши, чўнтакларнинг ичидаги нарсалар мунтазам равишда янгиланиб турилиши керак.

МКТ шароитида марказий кутубхоналар мунтазам равишда «Янги олинган китоблар» рўйхатини эълон қилиб турадилар, буларда мактаб ўқувчилари учун махсус бўлим ажратилади. Бундай рўйхатлар МКТнинг барча бўлимларига бериладиган адабиёт рўйхатини ўз ичига олади. Рўйхатлар универсал, соҳавий, мавзувий бўлиши мумкин. Бир қанча ҳолларда тавсияга қисқача аннотация, китобга ёзилган тақризлар қўшиб қўйилади. Башарти ахборот кишлоқ мактабларига юбориш учун тайёрланган бўлса, аннотациядан кейин ушбу асарни ёки китоблар

туркумини тарғиб қилиш учун кутубхона ишининг қандай шаклларидан фойдаланиш кераклиги ҳақида тавсиялар берилиши мумкин. Шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари, услубий кабинет билан келишиб, турли фан ўқитувчилари учун махсус ахборот рўйхатлари тузиш мумкин. Бундай рўйхатлар болалар адабиётини, шунингдек услубий материалларни ўз ичига олади. Мактабларга юбориладиган бундай рўйхатлар ўқув ишида ва ўқувчилар билан синфдан ташқари ишлашда педагогларга катта ёрдам беради.

Кутубхонада ташкил этиладиган мавзувий ва янги китоблар ҳақидаги кўргазмалар ва кўрик кўргазмалари адабиёт ҳақидаги ахборотни китобхонларга етказишга ёрдам бермоқда. Бу кўргазмалар ҳар бир ёш гуруҳдаги китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимларида ёки умумий ўқиш залида жойлаштирилади. Бундай кўргазмаларда муайян вақт ичида кутубхона олган бутун адабиётни қўйиш шарт эмас. Бундай пайтда китобхонлар ўртасида кенг тарғиб қилиш зарур бўлган энг яхши китоблар танланади. Кўргазмаларда китоблар билан бир қаторда янги журналлар, аудиовизуал воситалар, библиографик қўлланмалар қўйилиши мумкин. Ана шундай кўргазмаларда ўлкашунослик материалларини ҳам кўрсатиш муҳимдир. Янги китоблар тегишли бўлимларда очиқ фонд жавонларига ҳам қўйилиши мумкин.

Кўрик кўргазмалар қандайдир бирор мавзу, тадбирга, ижодга, фанлардан бирини ўрганишга, юбилей санасига бағишланган китоблар билан китобхонларни таништиради. Бундай кўргазмаларга МКТ ягона китоб фондидан олинган адабиётлар ҳам қўйилиши мумкин.

Кўрик кўргазмалар китобхонларга маълум бўлган кунларда, мунтазам равишда ташкил қилиниши лозим. Кўргазмадаги китоблар уч кун давомида берилмайди, бунда ҳар бир китоб ичига бланка ёки варақача қўйилади. Борди-ю китобхон ушбу китобни олишни хоҳласа, шу бланка ёки варақачага ўз фамилиясини ёзиб қўйиши лозим бўлади. Варақачалар айни вақтда кўргазманинг самарали ўтганлигидан, китобхонларнинг тавсия этилган китобга қизиққанлигидан далолат беради.

Кутубхона болалар ўқиши раҳбарлари учун кўрик кўргазмаларни шаҳар ёки туман таълими бўлимлари би-

лан келишган ҳолда ўқитувчиларнинг август кенгашлари даврида ёки фан ўқитувчилари, синф раҳбарларининг семинарларида ташкил қилади. Кўргазмалар ёнида адабиёт обзорларини ўтказиш тавсия этилади, бундай обзорларни ўтказиш вақтини маҳаллий матбуотда ёки радио орқали хабар қилиш лозим бўлади.

Кутубхона кейинги йиллардаги янги адабиётлар ёки билим соҳаларидан бирига оид адабиётлар юзасидан очиқ эшиклар кунларида қатнашиши мумкин.

Энг яхши илмий ва бадиий асарларни тарғиб қилиш мақсадида ахборот иши обзор шаклда ҳам амалга оширилади. Библиографик обзорларни кутубхонада мунтазм равишда, масалан, ойига бир марта, китобхонларга маълум бўлган кунда ўтказиш тавсия этилади. Ҳатто ўсмирлар учун мўлжалланган библиографик обзор ҳам 15 — 20 дақиқадан ошмасдан, адабиётга оид ахборотнинг бошқа кўргазмали шакллари билан: кўргазма ташкил қилиш, янги китобларнинг очиқ кўригини уюштириш, магнитофон ёзувларидан, слайдалардан, расмлардан фойдаланиш билан бирга қўшиб олиб борилса, ижобий самара беради. Обзорни адабий эрталик ёки кеча сценарийсига, китобхонлар конференциясининг якунловчи қисмига киритиш мумкин.

Адабиёт обзорларини маҳаллий матбуотда эълон қилиш, маҳаллий радио ёки мактаб радиоси орқали эшитириш тавсия этилади.

Библиографик обзор биронта тамойил асосида бирлаштирилган асарларни ифода этишни кўзда тутди. Айниқса катта ёшдаги ўсмирлар, педагоглар, ота-оналар учун ўтказиладиган обзорларда китобни таърифлашгина эмас, шу билан бирга унга баҳо бериш ҳам муҳимдир. Ўқиш раҳбарлари учун китобнинг педагогик жиҳатдан қимматли эканини кўрсатиб бериш лозим. Обзорда матбуотда эълон қилинган китоб ҳақидаги тақризларни айтиб ўтиш, китобхонлар билдирган фикрларни ўқиб бериш, шунингдек ўқув ишида, болалар билан синфдан ташқари ва мактабдан ташқари ишларда китобни тарғиб қилиш йўллари ҳам айтиб бериш мумкин.

Ахборот кунлари — тадбирлар мажмуаси бўлиб, ахборот ишининг амалда ўзини оқлаган бу усулидан кўзда

тутилган мақсад — китобхонларни муайян мавзудаги адабиёт ёки муайян вақт ичида кутубхонага келтирилган адабиёт билан таништиришдан иборат. Ахборот кунлари мунтазам равишда ўтказилса, унда янги китоблар, вақтли нашрлар, аудиовизуал материалларнинг кўргазмалари ташкил қилинса, айрим, энг муҳим мавзулар юзасидан суҳбатлар, адабиёт обзорлари уюштирилса, айни муддао бўлади.

Ўқувчилар учун «Ахборот куни» сценарийсига кўргазмага қўйилган китоблардан айрим ҳикоя ёки шеърлар ўқиб беришни, қизиқарли саволлардан тузилган кичик викторина ташкил қилишни ҳам киритиш мумкин.

Мактаб ўқувчилари учун ўтказиладиган ахборот кунларига катталар — ўқитувчилар, мактаб мураббийлари ҳам таклиф қилинадилар, янги адабиётлар ҳақида гапириб беришда, унинг яхши жиҳатларига баҳо беришда, қатнашувчиларнинг диққат-эътиборини қандай китобларга қаратиш лозимлигини аниқлашда кутубхоначиларга кўмаклашадилар. Кутубхоначилар билан педагогларнинг биргаликдаги ана шундай иши ҳозирги адабиётни жамоа бўлиб таҳлил қилишга, мактаб билан кутубхона ишида ўзаро алоқа ўрнатишга катта ёрдам беради.

Китобхонларнинг сўроқларини қондиришда маълумотнома-библиография ишининг аҳамияти

Китобхонларнинг ўқиши ва ижтимоий фаолияти, шахсий қизиқишлари билан боғлиқ хилма-хил сўроқ, талаб ва эҳтиёжлари кутубхонада маълумотнома-библиография иши воситалари билан ҳам амалга оширилади.

Маълумотнома-библиография иши китобхонларга адабиёт тўғрисида маълумот берибгина қолмай, шу билан бирга уларда вужудга келадиган саволларга ҳам аниқ жавоб қайтариши лозим. Кутубхона китобхонга берадиган ҳар бир маълумот икки хил мақсадни кўзда тутди: китобхоннинг саволига жавоб беради ва унга адабиётни тавсия этади. Бу адабиёт китобхонга мавзунини ёритади, унинг билимларини кенгайтиради, унда мавзуга оид ёки

мавзу билан боғлиқ масалаларга доир китобларни қунт билан ўқишга қизиқиш уйғотади.

Маълумотнома-библиография ишининг сифати, ўқиш самарадорлиги кўп жиҳатдан, кутубхоначилар ўз китобхонларини, уларнинг сўровларини, ўқишга оид ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларини қанчалик яхши билишларига боғлиқ. Китобхонларнинг сўровларини ўрганиш маълумотнома-библиография иши самарадорлигининг шартларидан биридир.

Мактаб ўқувчилари мурожаат қилаётган саволларнинг ранг-баранглиги ҳам уларнинг қизиқишлари кенг ва хилма-хил эканлигидан далолат беради.

Китобхонларга бериладиган библиография-маълумотномаларни қуйидаги груҳларга бўлиш мумкин. Китобни ким ёзганлиги, муайян муаллифларнинг китоби қандай деб аталиши, у қачон ва қаерда нашр этилганлиги ҳақидаги маълумотларни кутубхоначи алфавит каталоги ва сарлавҳалар картотекаси ёрдамида бажаради. Муайян мавзуга оид қандай китоблар ва мақолалар мавжудлиги, бирор бир ходиса, воқеани ёритишга оид маълумотни кутубхоначи системали каталог, газета ва журналлар мақолалари картотекалари, комуслар, луғатлар библиографик қўлланмалар ёрдамида бажаради. Айниқса мураккаб масалаларга дуч келган кутубхоначига баъзан мутахассисга мурожаат қилишига ҳам тўғри келади.

Кутубхоначи мактаб ўқувчиларининг сўровларини асосан адабиёт бериш жойида қондиради. Мураккаб қидирувлар талаб қилинган айрим ҳолларда бу қидирувларни марказий кутубхона библиографи бир неча кун давомида бажаради. Бундай ҳолларда китобхонни МК га юбориш керак, чунки библиографда қўшимча саволлар туғилиши мумкин.

Маълумотларни бажаришнинг асосий босқичлари: сўровларни қабул қилиш, адабиётни танлаш ва ўрганиш, маълумот тузиш ва уни китобхонга етказишдан иборат. Сўровни қабул қилиш чоғида одатда мавзу, китобхоннинг қизиқишига нима сабаб бўлганлиги, сўровдан кўзда тутилган мақсад нимадан иборат эканлиги, китобхоннинг мавзудан хабардорлиги, зарур маълумотларнинг ҳажми,

материални ўрганиб чиқиш учун қанча вақт кераклиги аниқлаб олинади. Башарти, кўпгина ўқувчилардан бир мавзудаги сўров тушган бўлса, унда ҳар бир ўқувчини айти қайси жиҳати кўпроқ қизиқтирганлигини билиш муҳимдир.

«Сўра, жавоб қайтарамиз» стенди китобхонларнинг сўровларини кўпайтиришга, уларда янги қизиқишларни вужудга келтиришга ёрдам беради. Бундай стендлар кўпгина кутубхоналарда ташкил қилинган. Бундай стендда кўпгина китобхонларни қизиқтирадиган саволлар, кутубхоначининг бу саволларга қайтарган жавоблари ҳамда тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати ёзилган бланкалар қўйилган бўлади. Савол ва жавоблар ёзилган бланкалар кўп бўлмаслиги керак, 2—3 ҳафтадан кейин эса уларни янгиларига алмаштириш лозим бўлади.

Кутубхоначи китобхоннинг саволига жавоб қайтарибгина қолмай, уни жавоб топишда фаол иштирокчига ҳам айлантириши керак. Кутубхоначи маълумот бера туриб, зарур материални мустақил излаш йўллари тўғрисида китобхон билан суҳбатлашади, унинг олдига турли мураккабликдаги бир неча китобларни очиб қўяди. Бу китоблардан унинг саволига жавоб топиш мумкин.

Қидирувлар жараёнида кутубхоначи китобхон билан биргаликда кутубхона маълумот аппаратининг қайси қисмига мурожаат қилиши лозимлигини аниқлайди. Шу тарзда китобхон кутубхонанинг маълумотнома-библиография аппаратидан фойдаланишни, китобларни мустақил танлашни, ўзида туғилган саволларга жавоб топа билишни ўрганиб олади. Айниқса, кичик мактаб ёшидаги китобхонлар ва кичик ёшдаги ўсмирлар билан ишлаганда, баъзан бирмунча катта ёшдаги ўсмирларга мўлжалланган нашрлардан фойдаланиш зарурати туғилади. Бундай ҳолларда кутубхоначининг ёрдами муҳимдир.

Китобхонларнинг онг-билим даражасини ошириш, энг яхши адабиётни тарғиб қилиш, яъни билимларни ўзлаштиришда кўмаклашиш китобхонларда кутубхона-библиография маданиятини шакллантиришдан иборат. Маълумотнома-библиография ишининг асосий мақсади ана шу тариқа амалга оширилади.

Ўқувчиларнинг кутубхона-библиография маданияти асосларини эгаллаши кутубхоначи қидириши керак бўлган маълумотлар сонини камайтиради, чунки китобхонлар кўпгина саволларга кутубхонанинг маълумотнома-библиография аппаратидан фойдаланиб, мустақил равишда жавоб топишлари мумкин бўлади.

Кутубхона болалар ўқиши раҳбарларига, ўқитувчиларга, тарбиячиларга, ота-оналарга, болалар адабиёти ва болалар ўқиши масалалари билан шуғулланаётган кишиларнинг ҳаммасига ҳам маълумотнома-библиография ёрдамини беради.

Ахборот ва маълумотнома-библиография ишининг самарадорлиги ахборотга киритилган китобхонлар сўровларини ҳамда ҳисобга олиш дафтаридаги маълумотномалар ёзувларини, ахборот кунлари адабиётни кўздан кечириш жараёнидаги кузатишларни таҳлил қилиш чоғида ўқувчиларнинг маълумот аппарати билан ишлаш ва ундан шахсий ўқиш режаларини тузишда фойдаланиш вақтида ҳам намоён бўлмоқда. Китобхонлар билан ўтказилган суҳбатлар китобхонларнинг айрим гуруҳларини нималар қизиқтираётганини, уларни ишнинг қандай шакллари ўзига кўпроқ жалб этаётганини билиб олишга ёрдам беради.

Ана шундай таҳлил камчиликларни бартараф қилиш йўлини топишга, ахборот ва маълумотнома-библиография иши сифатини, буларнинг педагогик таъсирчанлигини оширишга кўмаклашади.

МК библиография бўлими ахборот ва маълумотнома-библиография ишини ташкил қилади ва йўналтириб туради. МК системасидаги ахборот ва маълумотнома библиография ишининг аҳволини таҳлил қилиб, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади, ахборот учун адабиёт танлаш масалаларига доир маслаҳатлар беради. Библиограф болалар кутубхона ходимлари билан биргаликда кўргазмалар учун адабиёт рўйхатини тузадилар, адабиёт обзорларини тайёрлайдилар, китобхонларнинг мураккаб ахборот сўровларини бажарадилар, болалар ўқиши раҳбарлари, болалар адабиёти библиографияси учун ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқиши масалаларига оид маълумотлар йиғадилар.

Библиограф турли иш шакл ва усулларининг самарадорлигини, маълумот аппаратининг аҳволи ва унинг ташкил этилишини ўрганади, ахборот ва маълумотнома-библиография ишини йўлга қўйишда тизимдаги кутубхоналаргагина эмас, шу билан бирга мактаб ва қишлоқ кутубхоналарига ҳам амалий ва услубий ёрдам беради.

Ахборот ва маълумотнома-библиография иши масалаларини МК кутубхоначилари семинарлари ва кенгашларининг муҳокамасига киритади. Бу масалалар мактаб ва қишлоқ кутубхоначиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари дастурига киритилади. Курс ва семинарларнинг қатнашчиларига уларнинг билимларини кенгайтирадиган ва чуқурлаштирадиган ҳамда илғор тажрибани оммалаштиришга ёрдам берадиган адабиётлар тавсия этилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кутубхоналарни ўқувчилар билан олиб борадиган ахборот библиография иши китобхонларга ўз вақтида керакли маълумотларни тезда ва аниқ олиш имкониятини яратади. Бу эса, ўз навбатида, мактабдаги ўқиш сифатини оширади, ўқувчини билимдон қилиб тарбиялашга ёрдам беради.

Кутубхоналарнинг асосий ижтимоий вазифаларидан бири китобхонларни ахборот билан таъминлашдир. Ҳозирги давр ёшлари ахборотга жуда ҳам муҳтож. Шунинг учун ҳам кутубхоналар ўз фаолиятига ахборот технологияларини олиб кирмоқдалар, ахборотни анъанавий ва электрон усулларини яратмоқдалар ва уни ёшларга етказиб беришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса ёшларимизнинг билим олишига, халқимиз анъаналари руҳида камол топишига ёрдам беради. Ушбу рисоладан кутилаётган мақсад ҳам шундан иборат.

АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И. А.* Истиқлол ва маънавият. — Т.: Ўзбекистон, — 1994. 45-бет.
2. *Каримов И. А.* Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида. — Т.: Ўзбекистон, 1994. 314-бет.
3. *Каримов И. А.* Адолатли жамият сари — Т.: Ўзбекистон, 1998, — 160-бет.
4. *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI асрга интиломда. — Т.: Ўзбекистон, 1999. 48-бет.
5. Болалар боғчаларида халқ ўйинлари. Т.: 1991 92-бет.
6. Библиотека и юный читатель. М.: Книж. палата, 1987. с. 190.
7. Изучение читателей в детской библиотеке. М. 1973. с. 85.
8. *Исломов Э., Йўлдошев Э.* Мактаб кутубхонаси ишини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 1992. 87-бет.
9. *Рашидова М., Йўлдошев Э.* Китоблар оламида. Услуг. қўлланма. Т.: 1987. 64-бет.
10. *Рашидова М., Йўлдошев Э.* Сирли олам калити. Услуг. қўлланма. Т.: 1987. 68-бет.
11. *Раҳимова М., Йўлдошев Э.* Камолот калити. Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 42-бет.
12. Руководство чтением детей в библиотеке. М.: Книга, 1976. с. 319
13. *Йўлдошев Э.* Ўзбекистонда болаларга хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг айрим масалалари. ТошДУнинг илмий тўплами. № 585. 1979. 64 — 73-бетлар.
14. *Йўлдошев Э.* Болалар китобхонлигини ўрганишнинг форма ва методлари. Услуг. қўлланма. Т.: 1982. 12-бет.

15. *Йўлдошев Э.* Болалар кутубхонасида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: ТошДУ. 1983, 32-бет.

16. *Йўлдошев Э.* Кутубхонада болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш. Ўқув қўлланма. Т.: ТошДУ. 1986. 46-бет.

17. *Йўлдошев Э. Олимов С.* Фантастик асарлар ва болалар китобхонлиги. Услуб. қўлланма. Т.: ТошДУ 1987. 64-бет.

18. *Йўлдошев Э.* Кутубхона фондларини бутлашнинг асосий йўналишлари. Гулистон. 1994, № 4, 18 — 19-бетлар.

19. *Эгамов Х., Йўлдошев Э.* Болалар китоби ва маънавий камолот. Т.: Ўқитувчи. 1981. 24-бет.

20. *Юлдашев И.* Из истории создания библиотек для детей и юношества в Узбекистане. Библиотеки Узбекистана Сборн. научн. трудов. 1979. Вып. 5. с. 150 — 165.

21. *Юлдашев И., Расулов К.* Состояние и перспектива централизации библиотек в Узбекистане. Библиотеки Узбекистана. Научн. сборник. 1982. вып. 11, с. 17 — 29.

22. *Юлдошев И., Исламов Э.* Библиотечное обслуживание детей в Узбекистане. Спец. курс. Т.: Ўқитувчи. 1986. с. 50.

23. *Йўлдошев Э., Исламов Э.* Мактаб ва лицей кутубхонаси ишини ташкил этиш. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашри. Т. Ўқитувчи, 1997. 127-бет.

24. *Йўлдошев Э.* Кутубхона фондларини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. Т.: Маърифат — Мададкор, 2002. 95-бет.

25. *Йўлдошев Э.* Кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: «Ўзбекистон», 2002. 127-бет.

26. Ўзбек болалар адабиёти дарслик-хрестоматия. Т.: Ўқитувчи. 1976. 3 — 20-бетлар.

Қуйида биз 1—11-синф ўқувчилари билан олиб бориладиган машғулотлар дастурини келтирамиз. Дастур ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб тузилган. У ўқувчиларнинг китоб ва кутубхонада адабиёт танлаш манбалари ҳақидаги ялпи билимларни ўзлаштиришга, болаларда ижодий мутолаа, адабиёт танлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришга мўлжалланган. Кутубхона-библиография маданиятини тарбиялаш вазифаси ўқувчиларнинг ўқув фанларига, ижтимоий-фойдали фаолиятларига қизиқиш уйғотиш билан баб-баравар ҳал этилади.

Кутубхона-библиография билимлари дастури фақат дарслар ва машғулотлар воситасида эмас, ўқувчилар йиғилишларида, суҳбатлар, лекциялар, эрталиклар ва кечалар, мунозаралар, мусобақалар ва олимпиадалар ёрдамида ҳам амалга оширилади. Шунингдек, бунда матбуот, радио, телевидение ва ҳоказо оммавий ахборот воситаларидан ҳам кенг фойдаланилади.

Дастур 41 соатга мўлжалланган. Мактаб имкониятларидан келиб чиқиб, машғулот мавзулари ўзгартирилиши, тўлдирилиши, маҳаллий маълумотларни киритган ҳолда машғулот мазмуни бойитилиши ҳам мумкин.

1—11-синф ўқувчиларининг кутубхона-библиография билимлари асослари

Ўқувчилар билан олиб бориладиган машғулотлар дастури.

1 - с и н ф

1 - м а в з у . Кутубхона билан танишув (экскурсия), (1 соат).

Кутубхона, унинг фондлари, бўлимлари (абонемент ва кироятхона). Кутубхоначи ва китобхон. Кутубхонадан фойдаланиш қоидалари.

Китоб ўқишни энди бошлаётган китобхонларга мўлжалланган китобларнинг ранг-баранглиги, китобларни жавонларга жойлаштириш тартиби.

2 - м а в з у . Китобнинг тузилиши (1 соат)

Китобнинг тузилиши билан биринчи танишув: муқова, қорешок, саҳифалар, безак-расмлар. Турли сураткаш расмларнинг ўзига хос қизиқ услуби.

Китобларни кўздан кечириш

2 - с и н ф

1 - м а в з у . К и т о б н и н г т у з и л и ш и (1 с о а т)

Китобнинг тузилиши ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш: сарварақ (муаллиф исм-шарифлари, сарлавҳа), мундарижа, сўз боши. Китобнинг мазмуни ва қандай китобхонга мўлжалланганлигини аниқлаш маҳорати. Расмлар, матнни чуқурроқ тушунишда уларнинг аҳамияти.

2 - м а в з у . К у т у б х о н а д а к и т о б т а н л а ш (2 с о а т)

Китоб фондларидан эркин фойдаланиш: турли мавзу ва жанрларга оид китобларнинг жойи, китобларни жавонларга жойлаштириш тартиби, жавон ажраткичлари. Китобларни жавонлар ёнида кўздан кечириш. Хатчўплар ва улардан фойдаланиш. Китоб кўргазмалари, плакатлар, альбомлар.

Кичик ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган маълумотнома-библиография аппарати. Каталог карточкаси. Китобларни жавонларда жойлаштириш билан каталог ўртасидаги боғлиқлик. Тавсия библиографик рўйхатлар. Картотекалар.

Шу ёшдаги болаларга мўлжалланган тавсия библиографик кўрсаткичлар, китоб танлашда уларнинг аҳамияти.

3 - с и н ф

1 - м а в з у . К и ч и к ё ш д а г и ў қ у в ч и л а р г а м ў л ж а л л а н г а н и л м и й - м а ʼр и ф и й а д а б и ё т л а р б и л а н т а н и ш у в (2 с о а т)

Илмий-маърифий китоблар мавзуларининг турли-туманлиги. Уларнинг муаллифлари — олимлар, муҳандислар, журналистлар, сайёҳлар.

Илмий-маърифий китобларнинг туркумлари («Нимагажоннинг китобчалари» ва бошқалар), уларнинг безак санъати, илмий-бадий ва илмий-оммабоп адабиёт мутолаасининг ўзига хос хусусиятлари.

2 - м а в з у . Д а с т л а б к и қ о м у с л а р , л у ф а т л а р , м а ʼл у м о т - н о м а л а р (1 с о а т)

Маълумотнома адабиётлари ҳақида тушунча. «Бу ким? У нима?» қомуси ва «А дан Я гача» митти қомусий луфатча. Уларнинг тузилиши: материалларнинг алифбо тартибида жойлашуви, алифбо кўрсаткичлари ва ҳоказо. Бу китоблардан ўқув ва ижтимоий ишларда фойдаланиш.

Қомусий китобларда илмий билимлар баёнининг қизиқарлилиги.

4 - с и н ф

1 - м а в з у : **Кириш. Китоб ва кутубхона ҳақида (1 соат)**

Болалар кутубхонасига экскурсия.

Инсоният тарихида, инсон ҳаётида китобнинг аҳамияти. Кутубхонанинг вазифалари. Машҳур кишиларнинг мутолаа, китоб, кутубхона ҳақидаги фикрлари.

2 - м а в з у : **Китобнинг тузилиши (1 соат)**

Аннотация, сўз боши, сўнгсўз, уларнинг мазмуни, вазифаси ва китобдаги ўрни. Луғат ва унинг вазифаси. Мундарижа. Китобларни танлаш, уларни мутолаа қилиш ва улар билан ишлашда китобнинг тузилиши ҳақидаги билимлардан фойдаланиш.

3 - м а в з у : **Китоб безаш (1 соат)**

Китоб безаш элементлари. Безак расмларининг намуналари: фотосуратлар, чизмалар, хариталар, расмлар ва ҳоказо.

Бундай асарларга ишланган расмлар, безакчи-рассомларнинг ишидаги фарқлар, рассомлар «услуги»нинг ўзига хослиги.

Бир бадий асарга ишланган турли рассомларнинг ишини қиёслаш, матнни чуқурроқ тушунишда расмларнинг аҳамияти.

4 - м а в з у : **Кутубхонада китоб танлаш (3 соат)**

Китоб кўргазмалари, кутубхона плакатлари. Системали каталоглар, мавзули картотекалар, библиографик кўрсаткичлар, рўйхатлар. Китоб фондларидан эркин фойдаланиш, мазкур кутубхонада 4 — 5-синф ўқувчиларига мўлжалланган китобларни жойлаштириш хусусиятлари, токча ажраткичлари, токча ичи кўргазмалари. Китобхонларнинг китоблар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари альбоми (1 соат).

Кутубхона каталоглари. Китобнинг сарварағи ва каталог карточқаси. Каталог карточқасидаги аннотация. Шифр. 4 — 5-синф ўқувчилари учун системали каталог, унинг тузилиши, ажраткичлар. Каталогда карточқаларнинг ва токчаларда китобларнинг жойлашуви, Алифбо-предмет кўрсаткичи («калит») [2 соат].

5 - м а в з у . **Ўқувчилар матбуоти (1 соат)**

Вақтли матбуот. Вақтли нашрларнинг китобдан фарқи. Катталар матбуоти. Турли ёш гуруҳларига мансуб ўқувчиларга мўлжалланган газета ва журналлар (уларнинг тарихи, тиражи, безак хусусиятлари). Газета яратувчилари, газета мақолаларининг жойлаштирилиши, газетанинг ахборот ва ташкилотчилик

вазифалари. Ўқувчилар газетасининг болалар китоби билан алоқаси.

Вақтли нашрларни мутолаа қилиш услуги.

6 - м а в з у . **Ўқилган китоб ҳақидаги қайдлар (1 соат)**

Мутолаа кундалиги — кишининг китобхонлик таржимаи холи, ўқилган китоб ҳақидаги ахборотни узоқ муддатгача эсда сақлаш усули бадий адабиётни чуқурроқ идрок этиш усуллари билан бири, ўқувчиларнинг мулоҳаза ва ёзма нутқларини ривожлантириш воситаси. Кундалик юритишнинг эҳтимолий тузилган шакли (муаллиф, сарлавҳа, китобни мутолаа қилиш вақти, асосий иштирок этувчилар, мавзу, китобнинг китобхонда қолдирган таассуроти, кўпроқ ёқиб қолган сатрлар...) Кундаликни безаш.

5 - с и и ф

1 - м а в з у . **Китобларни танлаш. Библиографик кўрсаткич.**

Библиография фан сифатида. Унинг мазмуни ва мавзуси, библиографик — фахрли касб.

Ўқувчилар учун тавсия библиографик кўрсаткичлар, кўрсаткичларнинг турлари, уларда акс эттирилган китоблар ҳақидаги маълумотлар. Кўрсаткич — ўқувчининг ўқиш учун китоб танлашида биринчи ёрдамчидир.

2 - м а в з у . **Китобни қандай ўқиш керак (1 соат)**

Бадий ва илмий-оммабоп адабиёт, улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар.

Мутолаанинг мақсадлари ва усуллари ҳақидаги тушунча.

Бадий асар мутолаасининг мақсади: ахлоқий, ғоявий, эстетик тарбия; бадий дидни ўстириш; ҳаётий тажрибани бойитиш; завқланиш маданиятини ўстириш. Бадий асар мутолаасининг усуллари; мулоҳазали, шошмай, тўлиқ мутолаа қилиш ва такрор мутолаа қилиш. Бадий адабиёт мутолаасида ҳаёлни аҳамияти. Асарнинг бадий жиҳатлари ва тилига эътибор қилиш.

Илмий-оммабоп адабиёт мутолаасининг мақсади: дунё, дунёқараш ҳақидаги муайян билимларни кенгайтириш, қизиқувчанлик туйғусини қондириш ва ўстириш, йиғилишга, маърузага тайёргарлик кўриш, меҳнат малакалари ҳосил қилиш ва ҳоказо. Илмий-оммабоп адабиёт мутолаасининг усуллари: китобни

кўздан кечириш, танлаб-танлаб ва тўлик мутолаа қилиш, ўрганиш.

3 - м а в з у . **Ўқилган китоблар ҳақида қайдлар (1 соат)**

Тақриз — китобхоннинг асар матнига таяниб китоб ҳақидаги ёзган мулоҳаза ва фикрларидир.

Тақризнинг тузилиш вариантларидан бири: мазмунни қисқача айтиб бериш, асардаги воқеа-ҳодисалар кечган жой ва вақт ҳақида маълумотлар; китобнинг китобхонни нима билан бойита ва қизиқтира олгани ҳақида мулоҳазалар, уни дўстларидан кимга тавсия қилмоқчилиги.

4 - м а в з у . **Маълумотнома адабиётлари (1 соат)**

Қомус. Болалар учун қомус туридаги китоблар. «Болалар қомуси». Умуман нашр ва айрим жилднинг тузилиши, маълумотнома бўлими. «Болалар қомуси»дан фойдаланиш қоидалари.

Луғатлар, уларнинг тузилиши ва улар билан ишлаш қоидалари.

5 - м а в з у . **Кичик ёшдаги ўсмирларга мўлжалланган вақтли нашрлар (1 соат)**

Журнал, 3—4 етакчи журналларга қисқача шарҳ. Улардаги мақолаларни ташкил этиш қоидалари. Болалар журналларининг мазмуни, уларнинг муаллифлари ва яратувчилари. Журнални қандай ўқиш керак.

Вақтли нашр мақолаларидан ўқишда, ўқувчиларнинг жамоат ишларида, тўғарак машғулотларида фойдаланиш.

6 - с и н ф

1-мавзу. **Кутубхонанинг маълумотнома-библиография аппарати (3 соат)**

6—8-синф ўқувчилари учун системали каталог. Каталогнинг тузилиши. Газета ва журнал мақолаларининг картотекаси, унинг тузилиши. Картотека ва системали каталог ўртасидаги умумийлик ва фарқ. Бошқа картотека. Библиографик кўрсаткичлар (2 соат).

Маълумотнома адабиёти. Китоб билан мустақил ишлаш, мустақил билим олишда унинг аҳамияти.

Қомуслар: универсал қомуслар (ўзбек қомуси, болалар қомуси ва ҳоказо) ва соҳавий қомуслар (тарихий, театр, адабий ва ҳоказо).

6—8-синф ўқувчилари учун соҳали лугатлар ва қомусий китоблар. Маълумотнома нашрлари билан ишлаш қоидалари.

Мазкур кутубхонада маълумотнома фондининг ўрни, системали каталогда лугат ва маълумотномаларнинг акс эттирилиши. Ўқишда, ижтимоий ишларда ва ҳоказоларда ёрдамчи адабиётларни қидириб топиш учун кутубхонанинг маълумотнома-библиография апаратидан фойдаланиш.

Уй кутубхонасидаги маълумотнома нашрлари (1 соат).

2 - м а в з у . **Ўқилган китоблар ҳақида қайдлар (1 соат).**

Бадий адабиётни мутолаа қилганда қайдларнинг аҳамияти (ўқилган адабиёт устида мулоҳаза юритиш, эсдан чиққан асарларни хотирада тез тиклаш, қайдларни, мутолаа кундаликларини қайта ўқиш вақтида ўзининг маънавий жиҳатдан ўсганлигини кузатиш имконияти). Қайдларни ёзиб боришнинг тахминий шакли: муаллиф, у ҳақида қисқача маълумот, сарлавҳа, нашр маълумотлари, асар яратилган вақт, китоб ҳақида тақриз, кўпроқ ёқиб қолган парчалардан кўчирма.

Илмий-оммабоп адабиёт мутолааси вақтида қайдлар ёзишдан мақсад: ўқилган китобни янада яхшироқ ўзлаштириш, фан, техника, маданият ва ҳоказоларнинг турли соҳаларига доир маълумотларнинг тўпланиши. Қайдларнинг шакли: аннотация, кўчирма (сўзма-сўз, қисқартирилган).

Ўқилган китоб ҳақидаги қайдлардан амалий фаолиятда фойдаланиш.

3 - м а в з у . **Китоб ва унинг яратувчилари. Китобнинг тузилиши, мутолаада унинг апаратидан фойдаланиш (2 соат).**

Ўқувчиларнинг китоб ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш, янги тушунчалар ва атамалар билан таништириш (туркум, форзац, фронтиспис ва бошқалар), сарварақ ҳақида қўшимча маълумотлар (таржимон, қайта нашр ҳақидаги ахборот). Шарҳлар, уларнинг мазмуни, муаллифлар, уларнинг китобдаги ўрни (сатр остилари ва китобнинг охирига олиб чиқилган). Асарлар тўпламига доир йиғма алифбо кўрсаткичи. Китобни мутолаа қилиш ва у билан ишлашда китоб апаратидан фойдаланиш.

Турли типдаги адабиёт: илмий, илмий-оммабоп, ҳужжатли, ёдном адабиётларда расмларнинг аҳамияти.

Бадий китобда расмларнинг аҳамияти. Рассомнинг асар мазмунига чуқур кириб бориши ва ёзувчининг ғояси. Китоб-

хоннинг асар мазмунини яхшироқ тушунишга ёрдам беришга интилиши. Китобга расм ишлашнинг вазифаларидан бири китобхоннинг бадиий дидини ўстиришдир.

Китобга расм ишлашнинг келиб чиқишининг қисқача тарихи. Таниқли ўзбек китоб безакчи рассомларнинг маҳорати.

7 - с и н ф

1 - м а в з у . **Ижтимоий-сиёсий адабиёт (2 соат)**

Публицистиканинг бадиий адабиётдан фарқи, унинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти.

Публицистик жанрлар (очерк, ҳужжатли қисса, ёдномалар, сиёсий памфлет ва ҳоказолар). «Чўлпон» ва «Янги аср авлоди» нашриётларининг публицистик туркумлари. «Ёшлик» ёшлар журналининг публицистик бўлими. Ёшларга мўлжалланган публицистик китобларнинг муаллифлари. Бу китобларнинг мавзуси ва қаҳрамонлари. Инсон дунёқарашининг шаклланишида ижтимоий-сиёсий китобларнинг аҳамияти.

Дарсларга, маърузаларга, иншоларга, сиёсий ахборотларга ва ҳоказоларга тайёрланиш вақтида ижтимоий-сиёсий адабиётдан фойдаланиш.

Системали каталог ва библиографик қўлланмаларда ижтимоий-сиёсий адабиётнинг акс этиши, очик фондлар тоқчаларида унинг жойи.

2 - м а в з у . **Фан ва техникага оид китоблар (2 соат)**

Фан ва техника тарихи, унинг ҳозирги замон ютуқлари ва илмий-оммабоп адабиётлар. Фан ва техника ҳақидаги китобларнинг ўзига хослиги, улар мутолаасининг хусусиятлари ва амалий фаолиятда фойдаланиш йўллари. Илмий-оммабоп китобларнинг мавзуси, уларнинг мактабнинг физика, химия, биология ва бошқа фан дастурлари билан алоқаси. Ўсмирларга мўлжалланган илмий-оммабоп китобларнинг асосий жанрлари: биографик очерклар, повестлар, ёдномалар; публицистик асарлар; қизиқарли китоблар, ёш техник-конструкторларга ёрдам тарзидаги адабиёт. Ёшлар ва ўсмирлар учун илмий-оммабоп китобларнинг муаллифлари. Илмий-оммабоп китобларнинг туркумлари.

Маълумотнома ҳолидаги илмий-техника адабиёти (энг оммавий маълумотномаларнинг қисқача тафсилоти).

Фан ва техникага оид китобларнинг системали каталогларда, библиографик кўрсаткичларда акс эттирилиши: очик фонд тоқчаларида уларнинг жойи.

3 - м а в з у . **Санъатга оид китоблар (2 соат)**

Санъатга оид китобларнинг жанр ва мавзу бўйича ранг-баранглиги: таржимаи ҳоллар, ижодга оид очерклар, санъат тараққиётидаги айрим даврлар ҳақида китоблар, ёдномалар, альбомлар. Санъатга оид китоблардаги ахборот, китобхоннинг эстетик камолотида уларнинг аҳамияти. Санъатга оид китобларнинг туркумлари.

Санъатга оид китобларнинг системали каталогда ва библиографик кўрсаткичларда акс эттирилиши.

Очиқ фонд тоқчаларида уларнинг жойи.

4 - м а в з у . **Катта мактаб ёшидаги ўқувчиларга мўлжалланган вақтли нашрлар (2 соат)**

Мактаб ҳаётида вақтли матбуотнинг аҳамияти. Вақтли нашрларнинг турлари (уларнинг соҳа, қандай китобхонга мўлжалланганлиги, нашр жойи бўйича фарқи). «Туркистон»нинг қисқача тафсилоти (газета мазмуни, унинг асосий жанрлари, ахлоқ масалалари бўйича муҳоқасалар, хатлар бўлимининг иши). Ёшлар учун ижтимоий-сиёсий ва бадний журналлар, «Юность», «Смена», «Ёшлик», «Ёш куч» журналларининг қисқача тафсилоти.

Соҳавий ва техникага оид ёшлар журналлари, уларнинг қисқача тафсилоти («Фан ва техника», «Физкультура и спорт» ва бошқалар).

Газета ва журналларни мунтазам мутолаа қилиш зарурияти. Вақтли нашрлар билан ишлаш усуллари. Газета ва журнал мақолаларининг картотекаларидан фойдаланиш.

8 - с и н ф

1 - м а в з у . **Адабиётни танлаш ва қидириб топишда турли хил библиографик қўллаималардан фойдаланиш (1 соат)**

Ҳозирги замон ҳаётида библиографиянинг аҳамияти. Ўзбекистонда давлат библиографияси (жорий ва ўтмишда). Ўзбекистон Китоб Палатаси ва унинг маҳсулотлари. Тавсия библиографияси. Библиографик қўлланмаларнинг турлари: кўрсаткичлар, рўйхатлар, китоблар ҳақида суҳбатлар (бир мавзуда ёки бир муаллиф асарлари ҳақида). Қўлланмаларнинг тузилиши, китоблар ҳақидаги ахборот характери. Керакли адабиётларни танлаш учун библиографик қўлланмалардан фойдаланиш. Журнал ва газеталарда китоблар ҳақида маълумотлар (масалан, «Книжное обозрение» газетасида болалар ва ўсмирлар адабиётига бағишланган махсус бўлим); китоб ичидаги библиографик рўйхатлар.

2-мавзу. Адабиёт билан мустақил ишлаш усуллари (2 соат)

Мутолаа мақсадига боғлиқ ҳолда китоб, мақолалар, маълумотномалар билан мустақил ишлаш турлари ва усулларининг ранг-баранглиги.

Китоб, мақола режаси. Конспект олиш. Конспект турлари (матний, эркин, аралаш). Тезислар тузиш. Конспектлар, тезислар, кўчирмалар, газета ва журнал қирқимларини расмийлаштириш, системага солиш ва сақлаш.

Цитата ва кўчирмаларнинг библиографик расмийлаштирилиши.

3-мавзу. Танқидий адабиёт (2 соат)

Адабиётшунослик ва адабий танқид. Китобхон тарбияси ва ёзувчи ишида уларнинг аҳамияти. Ўзбек танқидчилари. Ҳозирги замон танқидчилиги.

Ўқувчиларга мўлжалланган танқидий адабиёт турлари. Журналнинг танқид бўлими, китобхоннинг бадиий дидини тарбиялашда унинг аҳамияти. Адабий-танқидий китобларнинг туркумлари.

Танқидий адабиёт мутолаасининг мақсади: адабиёт тарихи соҳасидаги билимларни кенгайтириш; бадиий асарни теран тушуниш; дарсга, маърузага, иншога, китобхонлар конференциясига, адабий кечага тайёргарлик.

Каталогда, газета ва журнал мақолаларининг картотекалаарида танқидий адабиётнинг акс эттирилиши, очиқ фонд тоқчаларида унинг жойи.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИГА КУТУБХОНАЧИЛИК-БИБЛИОГРАФИК БИЛИМ БЕРИШ

(Юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган машғулотларнинг намунавий дастури)¹

Дастурнинг асосий мақсади — ўқувчиларни кутубхона-библиографик билимлар тизими билан таништириш, уларда мустақил равишда ўз билимларини ошириш малакаларини шакллантиришдан иборат. Машғулотлар уч асосий йўналишда — китоб, кутубхона ва адабиёт танлаш мавзулари асосида олиб борилади. Мавзулар 9-, 10- ва 11- синф ўқувчилари орасида

¹ Тузувчи — Мирали Маҳмудов.

оддийдан мураккабга қараб ўсиб бориш шаклида берилади. Дастурда мавзуларни ёритишга ажратилган соатлар намунавий бўлиб, ҳар бир мактаб жамоаси ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда уларни камайтириш ёки кўпайтириш ҳукукига эга.

Дастур доимий равишда ва малакали мутахассислар томонидан амалга оширилгандагина кўзланган мақсадга эришилади, деб ўйлаймиз.

IX синф

ДАСТУР

Мавзу: КИТОБ

Маъруза

Амалий машғулот

Китоб — билим манбаи, инсонни ахлоқий ва эстетик тарбиялаш воситаси. Китоб — дунёни билишда энг яқин ёрдамчи. Китобнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи, машҳур кишилар ҳаёти ва фаолиятида китобларнинг ўрни.

Нашр турлари: — мақсадга ва ишлатилишига кўра (дарсликлар, илмий-оммабоп нашрлар, маълумотнома нашрлар ва ҳоказо);

— маълум бир китобхонга мўлжалланганлигига кўра (юқори синф ўқувчилари учун, мутахассислар учун, катта ёшдагилар учун ва ҳоказо);

— ахборот характерига кўра (илмий, илмий-оммабоп, бадий ва ҳоказо);

— юқори синф ўқувчилари учун илмий-оммабоп нашрлар;

— ахборот нашрлари, библиографик нашрлар. Тавсия библиографик қўлланмалар;

— бадий асар нашрлари;

— маълумотнома нашрлар. Энциклопедиялар, луғатлар, маълумотномалар.

Китоб аппарати—сўз боши, муаллиф сўз бошиси, мундарижа, хулоса. Маълумот аппарати — муаллифлар, предмет ва географик кўрсаткичлар, чизмалар, жадваллар ва ҳоказолар.

Амалий машғулот

1. Синфдан ташқари ўқиш учун илмий-фантастика асарлар рўйхатини тузиш.

2. Бирон-бир мактаб предметини ўрганишга ёрдам берувчи
3 — 4 та тавсия кўрсаткичларини танлаш.

3. Бирор ёзувчининг ижодини ўрганишга ёрдам тариқасида танқидий-адабий нашрлар шарҳи ўтказиш.

4. Маълумотнома нашрлардан энг яхши фойдаланувчилар мусобақасини ташкил этиш.

М а в з у: КУТУБХОНА.

М а ъ р у з а

А м а л и й м а ш ђ у л о т

Кутубхонанинг жамият ҳаётидаги аҳамияти. Кутубхонанинг инсонларнинг узлуксиз ва мустақил билим олиши учун ва касб-корига оид адабиётларни ўқишини ташкил этишдаги, касб танлашдаги, кишиларнинг ҳар томонлама ижодий камол топишидаги ўрни. Кутубхонанинг ақлий меҳнатни ташкил этишдаги ўрни. Кутубхоначи ва библиографнинг маслаҳатлари.

Кутубхона тадбирлари: китобхонлар коференцияси, адабий кечалар, оғзаки журнал, китоб ҳақида суҳбатлар ва бошқалар.

Оммавий кутубхонанинг мактаб ва болалар кутубхонасидан фарқи. Ўқув кутубхоналари.

А м а л и й м а ш ђ у л о т

1. «Менинг китоб ўқишимда кутубхонанинг ўрни» деб номланган китобхонлар конференциясини ўтказиш.

2. Оммавий (мактаб) кутубхонада мавжуд бўлган тавсия библиографик кўрсаткичлар ҳақида суҳбат тайёрлаш.

3. Мактаб кутубхонасида кичик ёшдаги ўқувчиларга хизмат қилиш кунларида навбатчилик қилиш. Китоб фондининг маълум бир бўлимидаги китобларни жойлаштириш.

М а в з у: АДАБИЁТ ТАНЛАЙ ОЛИШ МАҲОРАТИ

М а ъ р у з а

А м а л и й м а ш ђ у л о т

Мустақил равишда адабиёт танлай олиш маҳорати — китоб ўқиш маданиятининг, билим олишнинг таркибий қисмидир. Бирор мавзу бўйича адабиётлар тўплашда, қидирилаётган адабиётнинг ёки мақоланинг кутубхонада бор-йўқлигини билишда кутубхона маълумот-библиографик аппаратининг роли.

Адабиётлар танлаш манбалари: каталоглар, картотекалар, тавсия библиографик қўлланмалар. Алифболи ва системали каталоглар. Улар тузилишининг асосий тамойиллари. Предмет-

алифболи кўрсаткич-адабиётларни системаси каталогдан қидиришдаги ёрдамчи аппарат. Каталог карточкаси. Ундаги асосий маълумотлар (муаллиф, сарлавҳа, чиқиш маълумотлари, сон характеристикаси ва бошқалар).

Очиқ китоб фонди — мустақил равишда фонддан адабиёт танлаш манбаи. Адабиётлар ва вақтли нашрлар кўргазмаси. Библиографик қўлланмалар. Кўрсаткичлар. Китоб ва журнал ичидаги библиографик кўрсаткичлар, рўйхатлар, манбалар.

Амалий машғулот

1. Алифболи каталогдан бир муаллифнинг бир неча асарини топиш.

2. Системали каталогдан бирор ёзувчининг ҳаёти ва ижодига оид бир неча китобни топиш.

3. Тавсия кўрсаткичлари ёрдамида бирор мактаб дастури мавзуси бўйича адабиётлар рўйхатини тузиш.

4. Ёзма ишларни энг яхши библиографик безатиш бўйича мусобақа ўтказиш.

Х с и н ф

Мавзу: КИТОБ

Маъруза

Амалий машғулот

Ҳозирги замон фан ва техникаси ютуқлари ҳақидаги илмий-оммабоп нашрлар. Илмий-оммабоп бадий нашрлар. Тўпланган асарлар, танланган асарлар, тўпламлар, алоҳида нашрлар ҳақида маълумот.

Оммавий китобхонлар учун адабий-танқидий нашрлар.

Вақтли нашрлар. Уларнинг мустақил ўқиб-ўрганиш ишларидаги ўрни. Маълумотнома нашрлар. Универсал энциклопедиялар. Тармоқ энциклопедиялари. Маълумотномалар. Атамалар луғатлари.

Амалий машғулот

1. Х синфда ҳаёт ва ижоди ўрганиладиган бирор ёзувчининг тўпланган асарларига таъриф бериш.

2. Бирор журнал мақолаларини шархлаш.

3. Атамалар луғатларидан энг яхши фойдаланувчилар мусобақасини уюштириш.

Мавзу: КУТУБХОНА

Маъруза

Амалий машғулот

Марказлашган кутубхона тизими ҳақида маълумот бўлимлари, имкониятлари, вазифалари.

Вилоят универсал кутубхонаси: бўлимлари, имкониятлари, вазифалари. Абонемент бўлими. Ўқув зали. Кутубхоналараро абонемент. Кутубхоналардан фойдаланишнинг умумий қондалари.

Амалий машғулот

1. Мактабга яқинроқ бўлган оммавий кутубхона фондининг бирор фан тармоқларига оид адабиётлари ҳақида қисқача ахборот тайёрлаш.

2. Юқори синф китобхонлари учун каталог орқали адабиётларни кидириб топиш бўйича бир неча вазифаларни бажариш.

3. Кутубхоналараро абонемент ҳақида маълумот бериш.

4. Мактаб кутубхонаси учун мавзули кўргазма ташкил этиш.

Мавзу: АДАБИЁТ ТАНЛАЙ ОЛИШ МАҲОРАТИ

Маъруза

Амалий машғулот

Газета ва журнал мақолалари картотекаси — бирор мавзу бўйича янги ахборот олишнинг муҳим манбаи.

Оммавий ахборот — библиографик нашрлар.

Китоб ичидаги библиографик кўрсаткичлар рўйхатидаги ва журнал ичидаги библиографик рўйхатлар.

Амалий машғулот

1. Газета-журнал мақолалари картотекаларидан мактаб дастурига оид бирор мавзу бўйича 3 — 4 та мақола топиш.

2. Тавсия библиографик кўрсаткичлар ёрдамида синфдан ташқари ўқиш учун аниқ мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини тузиш.

3. Мустақил ўқиш учун 5 — 6 та адабиётни китоб ва журнал ичидаги библиографиядан танлаб олиш.

ХІ синф

Мавзу: КИТОБ

Маъруза

Амалий машғулот

Илмий адабиёт. Илмий-тадқиқот нашрларининг турлари: монография, танланган асарлар, тўпланган асарлар ва ҳоказолар.

Бадий адабиётнинг илмий нашрлари. Уларнинг оммавий ва илмий-оммабоп нашрлардан фарқи.

Танқидий-адабий нашрлар. Адабий-бадий журналларда танқид ва адабиётшунослик.

Амалий машғулот

1. Бирор бадий адабиётнинг илмий нашрига характеристика бериш.

2. Илмий журнал мақолалари асосида ҳозирги замон фан-техникаси масалаларига оид шарҳ тайёрлаш.

3. Гармоқ маълумотномалари бўйича вазифалар бажариш.

Мавзу: КУТУБХОНА

Маъруза

Амалий машғулот

Кутубхона иши бўйича раҳбарлик материаллари.

Республикамизнинг йирик кутубхоналари ҳақида қисқача маълумотлар. Жаҳоннинг йирик кутубхоналари ҳақида қисқача маълумотлар.

Кутубхоналарнинг ахборот ишлари.

Амалий машғулот

1. Мактабда китобхонлар конференциясини тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этиш.

2. Мактаб ўқув кабинетлари учун картотекалар ташкил этиш ёки мавжуд картотекаларни давом эттириш.

Мавзу: АДАБИЁТ ТАНЛАЙ ОЛИШ МАҲОРАТИ

Маъруза

Амалий машғулот

Давлат ҳисоб библиографияси: «Ўзбекистон китоб солномаси», «Ўзбекистон журнал ва газета мақолалари солномаси» ҳақида маълумот. Илмий-ёрдамчи библиография ҳақида маълумот. Нашриётларнинг мавзули режалари ҳақида маълумот.

Амалий машғулот

1. Бирор мутахассислик бўйича 3 — 5 та адабиёт топиш.

2. Бирор фан ёки мавзу бўйича чоп этилиши мўлжалланган адабиётлар рўйхатини тузиш.

3. Ёзма ишларни энг яхши библиографик безатиш учун мусобақа ташкил этиш.

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3

I бўлим. Ёш китобхонни тарбиялашнинг ўзига хос йўллари

Ўқишга раҳбарлик қилиш усуллари ва тамойиллари 5

II бўлим. Китобхон ўқишини ўрганишнинг педагогик ва психологик асослари

Китобхоннинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ўқишга

таъсири 28

Китобхон ўқишини ўрганиш усуллари 35

Китобхон формулярини таҳлил қилиш 43

Китобхонларнинг талаби ва уни таҳлил қилиш 46

Кутубхонада қўлланиладиган оммавий сўрок усуллари 54

III бўлим. Китоб тарғиботининг асосий йўналишлари

Алоҳида китобхонлар билан ишлаш 59

Юқори синф ўқувчилари билан якка ҳолда ишлаш 71

Кутубхонада бадий адабиёт билан ишлаш 74

Кутубхонада илмий-маърифий китоблар билан ишлаш 93

Оммавий тадбирларни ташкил қилиш йўллари 98

Кичик ёшдагиларга аталган оммавий тадбирлар 98

Катта ёшдаги ўқувчиларга аталган оммавий тадбирлар 109

IV бўлим. Китобхонларда ўқиш маданиятини тарбиялаш 123

Китобхонларга ўқиш маданиятини ўргатишнинг шакл ва

усуллари 125

Кутубхоначилик ва библиографик билимлар тарғиботи 146

Кутубхоначилик дарсларини ташкил этиш йўллари 146

Кутубхоначилик дарсларини тайёрлаш ва ўтказиш 149

Ўқувчиларга мустақил ўқиш йўлларини ўргатиш 155

V бўлим. Кутубхонанинг ўқувчиларга аталган ахборот

ва библиография ишлари

Ўқувчиларга ахборот бериш ишларини ташкил этиш 170

Китобхонларнинг сўроқларини қондиришда маълумотнома-

библиография ишининг аҳамияти 175

Адабиётлар 180

Илова 182

Эргаш Йўлдошев

КУТУБХОНА ВА ЁШ КИТОБХОН

Ўзбек тилида

Бадий муҳаррир *Ҳ. Меҳмонов*
Техник муҳаррир *Т. Харитонова*
Мусахҳих *Ш. Мақсудова*

Теришга берилди 20.06.2003. Босишга рухсат этилди 23.09.2003.
Бичими $84 \times 108^{1/32}$. Антиква гарнитураси офсет босма усулида бо-
силди. Шартли б.т. 10,5. Нашр т. 10,0. Нухаси 1000. Буюртма № 68.
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти 700129. Тошкент, Навоий, 30.
Нашр № 120—2003

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент китоб-
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, 700194. Юнусобод даҳаси,
Муродов кўчаси, 1.

Йўлдошев Э.

Й 60 Кутубхона ва ёш китобхон. Маданият институти кутубхона ва ахборот фаолиятини бошқарув факультети талабалари учун қўлланма. — Т.: Ўзбекистон, 2003. — 200 б.

ББК 73.38

ISBN 5-640-03185-9

№ 4405000000 —106 2003
M351 (04) 2003

